

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

**Д.Қ.Эргешова, М.К.Нажимов**

**ЮРИДИК КОНФЛИКТОЛОГИЯ**

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан  
олий юридик ўқув юртлари учун ўқув қўлланмаси сифатида тавсия этилган*

**Тошкент - 2007**

Эргешова Д.к., Нажимов М.К. Юридик конфликтология: Ўқув қўлланма – Т.: ТДЮИ, 2007. – 97б.

Тошкент Давлат юридик институти Ўқув-услугубий кенгашининг қарорига кўра нашрга тавсия этилди (2004 йил 25 ноябрь 3-сонли баённома).

Мазкур ўқув қўлланма ҳуқуқшуносликнинг ривожланиб келаётган фанларидан бири «Юридик конфликтология»га бағишланган бўлиб, унда юридик конфликтлар тушунчаси, табиати ва моҳияти, турлари ҳамда уларни ҳал этиш ва бошқаришнинг юридик механизми ва муаммолари, муайян шароитларда уларнинг олдини олиш усуллари ишлаб чиқиш, ўрганиш ва амалиётга жорий этиш каби масалалар ёритилган. Ўқув қўлланмани тайёрлашда мамлакатимизда ва хорижда эълон қилинган юридик адабиётлар, илмий журнал ва оммавий ахборот воситаларида чоп этилган мақолалар ва рисоалардан фойдаланилган.

Ушбу ўқув қўлланма жамиятда вужудга келувчи ижтимоий конфликтларни қонуний йўл билан бартараф этиш муаммолари билан қизиқувчи мутахассисларга, олий юридик ўқув юртлари ўқитувчилари ва аспирантлари, магистратура тингловчилари ва талабаларга мўлжалланган.

**Масъул муҳаррир:**

юридик фанлари доктори,  
профессор З.М.Исломов

**Такризчилар:**

юридик фанлари номзоди,  
доцент М.А.Ахмедшаева

юридик фанлари номзоди,  
доцент Л.Ф.Кашинская

юридик фанлари номзоди  
Б.И.Исмоилов

©Д.К.Эргешова, М.К.Нажимов

©Тошкент Давлат юридик институти, 2007

## КИРИШ

Конфликтология - ижтимоий конфликтларнинг сабаблари, шакллари, ривожланиши ҳамда уларни ҳал қилиш ва олдини олиш ҳақидаги фандир. Юридик конфликтология барча мазкур масалаларни ҳуқуқ нуқтаи назаридан қараб чиқади. У ҳуқуқий муносабатлар иштирокчилари бўлган юридик ва жисмоний шахслар ўртасида вужудга келадиган юридик конфликтларнинг сабаблари, шакллари ва динамикасини ўргангани, шунингдек ҳуқуқ билан назарда тутилган конфликтларни тартибга солиш усуллари ва воситаларини ишлаб чиқади.

Собиқ Совет Иттифоқида юридик конфликтология умумий конфликтология сингари узоқ вақт мобайнида тан олинмади ва ривожланмай келди. Буни совет давридаги социалистик жамият учун ижтимоий зиддиятлар ва конфликтларни умуман бегона ҳодиса деб талқин қилувчи «конфликтсизлик назарияси» ҳукмронлиги билан изоҳлаш мумкин. Шунга қарамасдан, турли-туман конфликтлар иқтисодда, турмушда ва сиёсий соҳада бўлиб келди ва ҳозирда ҳам юз бермоқда. Уларни ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ўрганишга бўлган зарурият ортиб борди. Бу соҳадаги билимларнинг етишмаслиги, айниқса, ҳозирда минтақамизда миллатлараро, ҳудудий, шахслараро ва бошқа конфликтларнинг сони кескин ортиб бораётган ва улар ривожланаётган бир пайтда янада яққол сезилди.

Мустақилликнинг қўлга киритилиши ва Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ҳамда тараққиёт йўлини танлаши мавжуд ижтимоий муносабатлар тизимида қатор ўзгаришларни жорий этди. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек: «Чуқур ўзгаришлар бизнинг ҳаётимизга шиддат билан кириб бормоқда. Собиқ Иттифокдаги республикалардан биринчи бўлиб президентлик бошқарувини жорий этган ҳам, кенг миқёсдаги ислохотларни амалга ошириш, жамиятни тубдан ўзгартириш ва янгилаш йўлига ўтиб олган ҳам бизнинг республика бўлди»<sup>1</sup>. Бундай ўзгаришларнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ ва унинг ички тузилишига таъсири натижаларини илмий-амалий жиҳатдан изоҳлаб бериш ҳуқуқшунослар олдида турган долзарб вазифалардан биридир.

Юридик конфликтологияни ўрганиш фақат назарий эмас, балки жуда муҳим амалий аҳамиятга ҳам эга. Фаннинг бу соҳаси жамиятда юзага келувчи конфликтларнинг олдини олишга, уларни ҳал қилиш учун самарали чораларни қўллашга ёрдам беради.

Маълумки, индивидлар, ижтимоий гуруҳлар ёки давлатлар ўртасидаги конфликтлар ўз-ўзидан тугаши, зўрлик қўллаш орқали тўхтатилиши ёки тинч маърифий йўл ва воситалар билан ҳал қилиниши мумкин. Шунингдек, суд, арбитраж, парламент ва конституциявий тартиблар каби ички давлат ва халқаро-ҳуқуқий институтлари ҳамда келишувга эришишнинг бошқа норасмий воситалари (оқсоқоллар кенгаши, ҳакамлик судлари ва б.) ҳам қўлланилади. Шунга қарамасдан, айнан конфликтларни ҳал қилишнинг юридик механизмлари энг мақбул ва самарали усуллар бўлиб ҳисобланади, чунки улар зиддиятларни қонуний йўл билан бартараф қилиш имконини беради, вазиятни барқарорлаштиради, муайян ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий оқибатларни юзага келтиради ҳамда қабул қилинган қарорлар ижросининг давлат ёки халқаро ҳамжамият кучи ва обрўси билан таъминланишини кафолатлайди.

Конфликтлар табиатини ўрганиш бўлажак юристларга ҳозирги замон мураккаб ижтимоий муҳиtida мақбул йўлни излашга, одатдан ташқари

<sup>1</sup> Каримов И.А. «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» Т.: «Ўзбекистон», 1992. 5-б.

вазиятларда ва фавқулодда шароитларда ишончли қарорлар қабул қилишга, «инсон табиати»га хос бўлган кучли ва заиф жиҳатларни чуқур англашга ёрдам беради. Юридик конфликтология фани ҳозирги даврда ҳуқуқшунос учун зарур бўлган юридик билимлар доирасини кенгайтиради.

Юридик конфликтология бўйича мазкур ўқув қўлланмаси Россия Фанлар Академияси Конфликтологик тадқиқотлар марказининг муаллифлар жамоаси томонидан 1995 йилда чоп этилган «Юридическая конфликтология» монографияси, академик В.Н.Кудрявцев таҳрири остида 1997 йилда чоп этилган «Основы конфликтологии» ўқув қўлланмаси ҳамда бошқа адабиётлар асосида тайёрланди.

Мазкур фан бўйича ўқув қўлланмаси ўзбек тилида илк бор нашр қилинаётганлиги сабабли, айрим камчиликлар ва мунозарали фикр-мулоҳазалардан холи эмас. Муаллифлар ушбу ўқув қўлланмаси юзасидан билдириладиган таклиф ва мулоҳазаларни миннатдорчилик билан қабул қилиб, уларни кейинги нашрларда албатта эътиборга оладилар.

## **I Боб. Юридик конфликтология фанининг предмети, шаклланиши ва методлари.**

### **§ 1. Юридик конфликтология фанининг предмети ва методи**

**Конфликтология фани тушунчаси ва предмети.** Конфликт ҳозирги замонга энг кўп даражада хос бўлган тушунчадир.

Ижтимоий конфликтлар кундалик ҳаётимизда реал воқеликка айланди. Турли мамлакатларда шахтёрларнинг иш ташлашлари, сиёсий раҳбарлар ва партияларнинг ўзаро кураши, миллатлараро ва ҳудудий нифоклар, жинойтчилик дунёсидаги «ечимлар» деярли доим одамларни ўйлантириб қўймоқда, давлат ва жамият ҳаётида бутунлай янги муаммоларни юзага келтирмоқда. Кишилар конфликтлар билан тинимсиз «кураш олиб борадилар», бироқ улар камаймай, балки ортиб бормоқда. Рўй бераётган иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий институтларнинг қайта ташкил этилиши турли-туман конфликтларнинг авж олиш тенденцияларининг ўзгаришига ҳозирча жиддий таъсир кўрсатгани йўқ.

Буюк Британиялик конфликтолог тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, «Ҳозирда конфликтларни ҳал қилишга кўп куч-ғайрат сарфланмоқда. XX аср 80-йилларининг охирига қадар бўлиб ўтган урушларнинг аксарияти мамлакатлар ўртасида юз берган. Эндиликда урушларнинг кўпчилиги фуқаролик ва ўзаро урушлар бўлиб, қурбонларнинг кўпи тинч аҳолига тўғри келади. Айни пайтда кўпинча эркалар нобуд бўлади, «бедарак йўқолади» ёки ҳарбий ҳаракатларда қатнашишга мажбур бўладилар, аёллар, кексалар ва болалар кўчиб юришга ёки қочоқ бўлишга мажбур бўладилар.

Кўпчилик бу ҳолатни дунёда «биполяр» тартиб инқирозидан сўнг совуқ урушнинг тугаши ҳамда миллатчилик ва этник ўз-ўзини англашнинг туғилиши билан тушунтирадилар. Собиқ Совет Иттифоқи таъсирининг йўқолиши ҳам капитализмнинг мавқеини ортишига олиб келди, бу эса кишиларнинг демократик жамиятлар ва иқтисодий тизимларни қуриш йўлидаги интилишларига ўз таъсирини кўрсатди.

Кейинги вақтда Бутун жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармаси каби халқаро молия институтлари ҳам қашшоқ, ҳам бой мамлакатларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида ҳал қилувчи рол ўйнай бошладилар. Иқтисоднинг эркинлашуви кўпинча бу мамлакатлар ичкарисида зиддиятлар ва конфликтларни чуқурлаштирди. Ички конфликтлар сонининг ортиши уларнинг глобаллашуви билан биргаликда уларни алоҳида буюк давлатлар назоратидан чиқиб кетишига олиб келди, шунингдек, ҳарбий диктатура, сиёсий коррупция ва иқтисоднинг криминаллашуви каби ўзаро боғлиқ тенденциялар чуқурлашувининг натижаси бўлиб қолди.

Бунга жавобан мажбурий конфликтларни камайтириш учун кўпгина амалий ва тадқиқотчилик ташаббуслари пайдо бўлди. Ҳукуматлар ҳам, фуқаролик жамияти ҳам кўп соҳаларда тараққиётга ҳалақит берувчи ёки уни умуман тўхтатиб қўювчи муаммоларнинг ечимини топишга урина бошлади. Янги тадқиқотлар пайдо бўлди ва янги атамаларни ишлаб чиқиш юзасидан ишлар олиб борилди»<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup>Қаранг: Работа с конфликтом: навыки и стратегия действия. Лондон, Конфликтологический центр, 2001. С.27.

Ҳозирда кўпгина давлатлар инкирозлар, шу жумладан, зиддиятли вазиятларни енгишга тайёр эмаслар. XX асрнинг 80-йилларига қадар амал қилиб келган жамиятни конфликтсиз таракқиёт модели турли даражадаги давлат бошқарувини юзага келган инкирозлар олдида кучсизлигини намоиш қилди. Бунда конфликт назариясининг ишлаб чиқилмаганлиги ва тегишли тажрибанинг йўқлиги ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Гарчи аҳолининг тартибли мақбул ҳаёт тарзини жамият фақат келишув орқали таъминлай олишини тарихий тажриба кўрсатсада, бироқ, амалиётчилар учун «конфликт-келишув» тушунчаларининг нисбати аввалгидек ноаниқ бўлиб келди. Конфликт ва муроса қилиш муаммоларини ўрганиш турли ихтисосликдаги олимлардан катта куч-ғайрат сарфлашни тақозо этади. Фарб давлатларида мана бир неча ўн йиллар давомида ва айниқса XX асрнинг охирида бу илмий йўналиш асосли равишда ривожлантирилди. Конфликтлар ва уларни ҳал қилиш усуллари ҳақида юзлаб китоблар чоп этилган, мунтазам равишда журналлар, рефератлар ва мақолалар тўплами нашр қилиб борилмоқда. Эндиликда мустақил мажмуавий фан сифатида конфликтологияни яратиш учун барча асослар мавжуд. Бу фаннинг предмети бўлиб кишилик жамиятидаги конфликтларнинг табиатини, сабабларини ўрганиш ҳамда уларнинг олдини олиш ва ҳал қилиш йўлларини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, конфликтли муаммоларни юридик фан хулосалари, қоидалари билан қўшиб ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга. Гап шундаки, кўп ижтимоий конфликтлар ҳуқуқий муносабатлар доирасида бўлиб ўтади, юридик вазиятларда юзага келади ва, ниҳоят, юридик воситалар билан ҳал этилади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўз фаолиятларининг аксарият қисмини конфликтлар бўйича тергов қилиш, уларни кўриб чиқиш, ҳал қилиш ва олдини олишга сарфлайдилар. Шу тарика юридик конфликтология деб номланувчи фанни ишлаб чиқишга эҳтиёж етилди.

***Юридик конфликтология умумий конфликтологиянинг бир қисми (йўналиши) бўлиб, унинг предмети миллий (ички) ёки халқаро ҳуқуқ доирасида юзага келадиган, ривожланиб борадиган ва ҳал қилинадиган конфликтларни ўрганиш ҳисобланади.***

Маълумки, кишилик жамиятида конфликтлар: якка ва гуруҳий, этник, давлатлараро даражаларда юз беради. ***Юридик конфликтнинг ўзига хослиги*** шундаки, у шу санаб ўтилган даражаларнинг ҳар бирида ***у ёки бу ҳуқуқий нормаларни бажариш (тадбиқ этиш) ёки бузиш*** ва тегишлича ***жисмоний ва юридик шахслар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларнинг юзага келиши, ўзгариши ёки тугатилиши*** билан боғлиқ.

Ҳар қандай мамлакатнинг ҳуқуқ тизими ва, шунингдек, халқаро ҳуқуқ нормалари давлат ёки халқаро ҳамжамят томонидан санкцияланганлиги ва қўриқланганлиги боис юридик конфликтда кўпинча конфликтлашувчи иккита тарафдан ташқари учинчи тараф сифатида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи (ҳуқуқни қўлловчи) органлар тимсолида давлат иштирок этади, бу органлар эртами-кечми конфликтларни ҳал қилишга ёки олдини олишга жалб қилинади.

Айнан шу ҳолат билан юридик конфликтологиянинг муҳим томони боғлиқ, бу фан фақатгина юридик конфликтлар табиати, сабаблари ва ривожланиш динамикасини ўрганиб қолмай, шу билан бирга уларнинг олдини олиш ва ҳал қилиш ҳуқуқий механизмларини ҳам ўрганади. Жамият ва давлат конфликтлашувчи тарафларни муросага келтиришга ёки уларнинг қарама-қаршиликларини мажбурий тугатишга йўналтирилган суд, арбитраж, парламент тартиблари каби бир қатор механизмларни яратади ва улардан фойдаланади. Конфликтларни олдини олиш ва ҳал қилишнинг юридик воситалари - бу ички ва халқаро тангликни, кескинлашувни юмшатишнинг энг таъсирчан қуроллари ҳисобланади.

**Конфликтология ва бошқа фанлар.** Ўз-ўзидан маълумки, конфликтология, ҳар қандай фан сингари бошқа фанлар билан ҳам узвий боғлиқ. Конфликтология биринчи навбатда социология ва ижтимоий психология билан умумий жиҳатларга эга бўлиши билан жуда яқиндир, чунки бу фанлар кишилар ўртасидаги муносабатларни ўрганадилар. Конфликтология инсон ҳатти-ҳаракатларининг сабаблари ҳақида мулоҳаза юритиш учун бой озуқа берувчи тарих фани билан боғлиқ. Ва ниҳоят, конфликтология турли хил конфликтлар табиатини, ривожланиш механизмини ва оқибатларини аниқлаштирувчи сиёсатшунослик, иқтисод, этнология каби бошқа ижтимоий фанлар билан ҳам яқиндан ҳамкорлик қилади.

## **§2. Конфликтлар тўғрисидаги қарашларнинг юзага келиши ва ҳозирги замон концепциялари.**

### **1. Конфликтлар ҳақида илк тасаввурлар.**

Ҳозирги замон фани инсониятнинг тарихий ўтмишига назар ташлар экан, конфликтни ҳамиша ижтимоий тараққиётнинг доимий йўлдоши эканлигига шубҳа қилмайди, чунки одамлар бор жойда конфликтлар мавжуд бўлган ва бўлаверади. Ижтимоий ҳаётда конфликтларнинг тутган ўрни ва кенг тарқалганлиги узок ўтмишда ҳам эътиборни ўзига тортган.

Ўтган асрларда ижод қилган файласуфлар, тарихчилар, ёзувчиларнинг асарларида, афсоналарида ва ғояларида вужудга келиши эҳтимол бўлган конфликтларнинг юзага келиш сабаблари ва уларни тугатиш йўллари ҳақида муайян фикрлар билдирилган. Ўтмишда конфликтларни ҳал этишнинг асосий усули сифатида уруғ-қабил ақсоқоллари, дохийларининг яқка ҳокимлиги тушунилган. Бироқ илк давлатчилик тузилмаларининг вужудга келиши ҳар доим ҳам жамиятда уйғунликка олиб келмаган, баъзида ижтимоий нотенгликни кескинлаштирган, конфликтларни яққол намоён этган ва кучайтирган. Шу боис асрлар давомида инсонлар урушлар бўлмайдиган, низолар ва адоват барҳам топадиган мукамал келажакка ишонч ҳисси билан яшаганлар.

Қадимги юнон файласуфлари биринчилардан бўлиб ижтимоий конфликтларнинг табиатини тўғри тушунишга уринганлар. Машҳур қадимги файласуф-диалектик олим Гераклит (эр.ав. 530-470 й.й.) урушлар ва ижтимоий конфликтлар ҳақидаги фикрларини борлиқнинг табиатига бўлган қарашларнинг умумий тизими билан боғлашга ҳаракат қилган. Унинг фикрича, «қоинотда ҳукм сурувчи ягона умумий қонун - бу урушдир, у ҳамма нарсанинг отаси ва шохидир. У кимларнидир худолар ва кимларнидир инсонлар қилиб яратади, инсонларининг баъзиларини қул, бошқаларини эркин қилиб белгилайди. Ҳамма нарса, шу жумладан инсон мулоқоти нормалари ҳам абадий айланма ҳаракат ва бир-бирига айланиш таъсирида бўлади. Дунёда барча нарса адоват ва нифоқ орқали туғилади»<sup>1</sup>. Гераклитнинг бу сўзлари ижтимоий тараққиёт жараёнида курашнинг ижобий ролини тўғри асослашга бўлган дастлабки уринишлардан бири эканлигини кўрсатади. Конфликтлар ўзининг янги хусусияти билан ижтимоий ҳаётнинг муҳим атрибути, ижтимоий тараққиётнинг энг муҳим ва зарур шарт сифатида намоён бўлади. Гераклитнинг конфликтлар ва кураш барча нарсанинг асоси сифатида ҳисобланиши ҳақидаги ғоялари бошқа қадимги файласуф-материалист - Эпикур (эр.ав. 341-270 й.й.) томонидан ривожлантирилди, айна пайтда у тўқнашувларнинг салбий оқибатлари қачонлардир инсонларни доимий тинч-тотув шароитда яшашга мажбур қилади деб ҳисоблаган. Шундай

<sup>1</sup> Қаранг: Гутюров В.А. Античная социальная утопия. Вопросы истории и теории. Л., 1989.

килиб, жамиятнинг конфликтсиз ҳолатда бўлиши ҳақидаги ғоялар дастлабки назарий хулосалар билан тўлдирилди.

Христиан фалсафаси ўз ривожининг дастлабки босқичида инсонлар ўртасида тинчлик, ҳамжихатлик, қардошлиқнинг афзаллигини исботлашга ҳаракат қилган. II-III асрлар арафасида Климент Александрийский Ориген ва Тертуллион қуролли тўқнашувларга қарши қаратилган назарий фикрларни ривожлантирганлар, бироқ улар тарихий тараққиёт табиий жараёнига жиддий таъсир кўрсата олмаганлар.

IV асрнинг бошига келиб, «Исо таълимоти»нинг урушлар билан сиғиша олмаслиги ҳақидаги тамойилига шубҳа билан қаралди. Ўрта асрлардан Янги даврга ўтишда Фарбий ва Марказий Европа мамлакатларида содир бўлган маданий ва ғоявий ривожланиш даврида ижтимоий конфликтларга мураккаб ва ўта зиддиятли баҳолар берилди. Бу даврда тараққийпарвар олимлардан Т.Мор, Э.Роттердамский, Ф.Рабл ва Ф.Бэконлар ижтимоий тўқнашувларни ҳамда қуролли конфликтларни кескин қоралаганлар.

Конфликтлар табиати ҳақидаги инглиз файласуфи Фрэнсис Бэкон (1561-1626) томонидан билдирилган фикрлар ҳам ўзига хосдир. У биринчи бўлиб мамлакат ичкарасидаги ижтимоий конфликтлар сабаблари мажмуини чуқур назарий таҳлил қилди, ижтимоий тартибсизликларнинг моддий, сиёсий, рухий шароитларини ҳамда уларни бартараф қилиш усулларини қараб чиқди. У ижтимоий тартибсизликларни юзага келишида моддий сабабларнинг ҳал қилувчи ролини чуқур англаб етди. Шулардан бири халқнинг ночор моддий аҳволи хисобланади.

Ф.Бэкон конфликтларни олдини олишнинг муайян воситаларига ҳам эътибор қаратган. У ижтимоий конфликтларнинг моддий сабабларини мумкин бўлган барча усуллар билан, улар ичида алоҳида ўринга эга бўлган жамиятдаги айрим табақаларнинг қониқарсиз аҳволини мумкин қадар барча воситалар билан бартараф қилиш зарурлигини таъкидлаган.

## **2. Янги давр.**

Бу даврда XVII аср инглиз демократлари ва француз маърифатпарварлари Д.Пристли, Ш.Монтескье, Д.Дидро, Ж.Ж.Руссо ва Вольтер қуролли конфликтларни, босқинчилик ҳамда зўрликни кескин танқид қилиб чиқдилар. Улар қуролли конфликтларга «ёввойи давр» қолдиғи деб қараганлар ва феодал тузум асосларини тугатиш «абдий тинчлик»га олиб келади деб ўйлаганлар. Шу сабабли бу даврдаги асарларда жамият ҳаётини ташкил этишнинг оқилона шакллари ахтаришга, давлат тузилишининг эскирган шаклларида илдиз отган ижтимоий конфликтлар сабабларини тугатишга кўп эътибор берилган.

XVIII асрда мутафаккирлар жамият ҳаётини умумжаҳон тарихи доирасида тушуна бошлаганлар. Бу жиҳат Ж.Ж.Руссо (1712-1778)нинг ижтимоий фалсафасида кўринади. У умумжаҳон-тарихий жараёнини қуйидаги уч таркибий қисмга бўлади: инсонлар «табиий ҳолат»да эркин ва тенг бўладилар, сўнгра цивилизация ривожланиши инсонларни тенг, эркин ва бахтли бўлишдан маҳрум қилади ва, ниҳоят, «ижтимоий шартнома» тузиб ижтимоий муносабатларнинг йўқотилган уйғунлигига, «абдий тинчлик»га, ҳамжихатлик ва бирликка эришадилар.

Ж.Ж.Руссонинг «табиий ҳолат» табиатига доир қарашлари унинг кўпчилик замондошлари томонидан маъқулланган. Машҳур немис файласуфи И.Кант (1724-1804) эса, «Қўшничилик асосида яшовчи инсонлар орасидаги тинчлик ҳолати табиий ҳолат эмас, ... аксинча, у уруш ҳолатидир, яъни агар тўхтовсиз душманчилик ҳаракатлари бўлмаса ҳам уларнинг доимий таҳдиди мавжуд. Демак,



тинчлик ҳолати ўрнатилиши лозим”<sup>1</sup>. Бу ерда муайян қарама-қарши нуқтаи назарни борлигини кўриш мумкин. Бир томондан, Т.Гоббс каби «табiiй ҳолат»га «барчанинг бошқаларга уруш қилиш» ҳолати деб қараш, бошқа томондан эса, Ж.Ж.Руссо сингари келгусида тинчлик ва тотувликнинг бутунлай янги ҳолатини ўрнатилиши имкониятига бўлган ишонч акс эттирилган.

Янги даврнинг тарихий доирасида ҳам ижтимоий конфликтларнинг сабаблари ва уларни олдини олиш истиқболлари ҳақида турлича фикрлар билдирилган. Бироқ бу фикрлар қанчалик турли-туман бўлмасин уларда жамият ривожланишида одамлар ўртасидаги тотувлик ва ҳамжиҳатликнинг ҳал қилувчи ролини, ўрта аср колдикларига, тартибсизликларига ва урушларга умумий салбий баҳо бериш, келгусида «абадий тинч» ҳаётга эришиш имкониятига бўлган умидларни тан олинishi хосдир.

XIX асрга келиб бу масалага бўлган муносабат тубдан ўзгара бошлади. Немис файласуфи Гегель урушлар ва ижтимоий конфликтларга баҳо беришга бошқача ёндашади. Энг аввало, у жамиятнинг ривожланишида урушларнинг ижобий роль ўйнаши хусусида муайян фикрларни билдиради. Шу билан бирга кучли давлат ҳокимияти тарафдори бўлган Гегель давлатнинг яхлитлигини заифлаштирувчи мамлакат ичкарисидаги ижтимоий тартибсизликлар ва кўзғолонларга қарши чиқади.

Ижтимоий тараққиётнинг мураккаб жараёнларини ва жамият ҳаётида ижтимоий конфликтнинг ўрнини янада чуқур англаш тарихий жараёнларнинг бориши билан объектив тарзда белгиланди. XIX асрда жамият ҳаётининг иқтисодий, сиёсий, маънавий ва бошқа соҳаларида бўлиб ўтган кескин ўзгаришлар ижтимоий назариялар мазмунига таъсир этмасдан қолмади. Бу назарияларда изоҳланишича, ижтимоий тараққиёт давомида кураш, конфликтлар ва тўқнашувлар нафақат бўлиши мумкин, балки ижтимоий борлиқнинг муқаррар воқеликлари ҳисобланади.

Инглиз иқтисодчиси, руҳоний Томас Мальтус (1766-1834)нинг “Аҳоли ўсиши қонуни ҳақида тажриба” номли асарида (1798) мамлакатда ўсиб боровчи ишсизлик ҳолати янгича тушунтирилган. Халқнинг ночорлигини табиатнинг “абадий биологик хусусиятлари” билан тушунтириб, у аҳоли сонининг ўсиши геометрик прогрессия, яшаш воситалари арифметик прогрессия бўйича кўпайиб бориши ҳақидаги “табiiй қонун”ни ишлаб чиққан. Меҳнаткашларнинг камбағаллашуви сабабларини саноат тўнтариши ва деҳқонларни ерсизлантириш сиёсатининг тарихий оқибатларида эмас, балки ишчи синфининг “телбаларча кўпайиш”га бўлган “енгил” муносабатида деб билган.

Яшаш учун кураш муаммоси инглиз биологи Чарльз Дарвиннинг (1809-1902) таълимотида ҳам марказий ўринни эгаллаган. Унинг биологик эволюция назариясининг асосий мазмуни “Табiiй танланиш йўли билан турларнинг келиб чиқиши” номли китобида (1859) баён этилган. Китобдаги асосий ғоя – бу яшаш учун доимий кураш шароитида амалга ошадиган жонли табиат ривожланиши бўлиб, у энг мослашган турларни танлашнинг табiiй механизидан иборат. Ч.Дарвиннинг бу ғояларини ижтимоий тараққиёт жараёнларига қўллаш ҳақида бир нарса айтиш қийин. Унинг ижодини ўрганувчилар ўртасида бу масалада ягона фикр йўқ. Бироқ унинг таълимотидан сўнг ижтимоий ҳаёт эволюциясини яшаш учун кураш ва табiiй танланиш биологик қонунлари асосида тушунишга уринувчи йўналиш - “социал дарвинизм” шаклланган.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Кант И. Сочинения в 6 т. М., 1996. т.6. С.266.

Яшаш учун кураш тамойилига асосланган соф социологик концепция позитивизм асосчиларидан бири Гербер Спенсер (1820-1903) томонидан ишлаб чиқилган. Ижтимоий тараққиётнинг асосий қонуни бу энг мослашган индивидларнинг яшаш қонуни деб ҳисоблайди. Г.Спенсер таълимотига кўра, ўзаро курашиш ҳолати универсалдир. У алоҳида олинган жамият доирасидагина эмас, шунингдек, жамият билан уни ўраб турган табиат ўртасида бўладиган мувозанатни ҳам таъминлайди.

Конфликтларни назарий таҳлил қилишдаги янги бир йўналиш социал дарвинизмнинг поляк-австриялик вакили юрист Людвиг Гумплович (1838-1909) ижодида намоён бўлди. У умумжаҳон тарихи ирқларнинг яшаш учун доимий курашидан келиб чиққанлигини таъкидлаб, ирқий тафовутларнинг моҳиятини биология фани хулосалари билан эмас, балки маданий хусусиятлар билан тушунтиради. Алоҳида ирқ - бу маданиятнинг махсус типидир. Конфликтлар манбаини фақат инсон табиатидан эмас, шунингдек маданиятнинг ўз типини билан фарқланувчи ижтимоий ҳодисалардан ҳам қидириш керак.

Л.Гумпловичнинг фикрича, конфликтлар биргина муҳим ижтимоий жараён эмас. Ижтимоий бирлашиш жараёни ҳам муҳимдир, унинг асосида янада кенгрок ижтимоий уюшмалар, давлатлар пайдо бўлади.

Л.Гумпловичнинг ижтимоий конфликт табиатига бўлган қарашларини уч асосий йўналишга бўлиш мумкин:

1) конфликтлар тарихий жараённинг моҳиятидир, уларнинг характери турлича, бироқ уларнинг ҳаммаси тараққиёт омилидир; 2) жамиятнинг ҳукмронлар ва қарамларга бўлиниши абадий ҳодисадир; 3) конфликтлар жамиятнинг бирлашувига ёрдам қилади.

XIX-XX асрлар арафасида социология конфликт муаммоларини ишлаб чиқишга тобора кўпроқ таъсир кўрсата борди. Конфликт муаммоларини ишлаб чиқиш социологиядаги турли йўналишлар томонидан амалга оширилди. Уларнинг ҳаммаси ҳам конфликтни социологик концепцияларнинг бошланғич категорияси деб тан олмасалар-да, бироқ улар конфликтларнинг жамият ҳаётида муҳим аҳамиятга эга эканлигини ва уларни назарий таҳлил қилишнинг заруратини муайян даражада таъкидлаганлар.

Немис социологи Георг Земмель (1858-1918) биринчи бўлиб илмий муомалага “конфликт социологияси“ атамасини киритган. У тарихий жараён моҳиятини билишдан воз кечишни ҳамда ижтимоий мулоқот ва ўзаро таъсирнинг “соф шакллари“ни таҳлил қилиш билан шуғулланишни тавсия этган. Ижтимоий ўзаро таъсирнинг нисбатан қатъий шакллари ичида авторитет, келишиш, бўйсунуш, ҳамкорлик ва бошқалар бўлиб, конфликт ўзининг алоҳида ўрнига эга. Конфликт ижтимоий ҳамкорликка олиб келади, муайян ижтимоий тузилмалар характерини белгилайди, уларни ташкил этиш тамойиллари ва нормаларини мустаҳкамлайди.

Г.Земмелнинг назарий қарашларини XX асрнинг 20-йилларида Чикаго мактабининг йирик вакиллари Роберт Парк (1864-1944), Эрнст Берджэсс (1886-1966), Албион Смолл (1854-1926)лар қўллаб-қувватлаганлар.

Улар ижтимоий жараёнга ўзаро таъсирнинг ўзаро боғлиқ 4 та типини нуктаи назаридан қараганлар: мусобақалар, конфликт, мослашиш ва ассимиляция. Конфликтлар ижтимоий ўзаро таъсирнинг бу типлари орасида марказий ўринни эгаллайди, мусобақадан мослашишга ва ассимиляцияга ўтиш ролини бажарадилар, шу тарзда ижтимоий ўзгаришларнинг муҳим манбаи ҳисобланадилар. Социологиянинг амалий мақсади - конфликтларни ҳамкорликка айланишига ёрдам қилиш, ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги уйғун муносабатларга таъсир этишдир.

### 3. Конфликтология ва марксизм

XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошида конфликтологлар орасида К.Маркснинг (1818-1883) социологик назариясига бўлган қизиқиш яққол намоён бўла бошлади. Бунга сабаб марксча социология жамият тараққиёти жараёнлари ҳақидаги мавжуд тасаввурларга жиддий ўзгаришлар киритган эди.

К.Маркс “Сиёсий иқтисодга танқид“ китобига ёзган сўзбошида (1859) тарихни материалистик тушунишга асос солган эди. Унинг фикрича, жамиятда инсонлар ўз эрklarига ва онгларига боғлиқ бўлмаган ҳолда бир-бирлари билан зарур муносабатларга киришадилар. Бундай муносабатларнинг мавжудлиги уларнинг ижтимоий моҳиятини белгилайди.

Маркс жамиятнинг тузилмасини қуйидаги 4 та асосий элементдан иборат деб билган : ишлаб чиқарувчи кучлар – ишлаб чиқариш муносабатлари – сиёсий устқурма - ижтимоий онг шакллари. Бу элементларнинг ўзаро таъсири ва мутаносиблигининг тартибга солинган тизими марксизм умумий социологик назариясининг асосини ташкил этади.

Шу билан бирга, Маркс умумий социологик назарияни илмий асослантириб беришдан ташқари конфликтлар назариясининг барқарор тизимини ҳам ишлаб чиқди.

Ижтимоий жараёнларни билишнинг барча даражаларида марксизм ижтимоий конфликтлар, коллизиялар ва антогонизмларни рўй бериши мумкин бўлган, кескин синфий кураш шароитида эса, жамият ҳаётининг муқаррар равишда содир бўладиган воқеликлари деб тан олган.

Шу билан бирга марксизм ўз даврини тушуниш чегарасида қолиб кетган. Маркс келгусида жамият ҳаётида ижтимоий конфликтларни истисно қилиниши мумкинлигига ишонган. Сиёсий инқилоблар йўқ бўлиши, моддий неъматларнинг тўқинлиги ижтимоий муносабатларнинг табиатини кескин ўзгартириши, конфликтлар фақат саноат фабрикаси доирасида ўзаро муносабатлар даражасида қолиши мумкинлиги ҳақида фикр билдирган.

Маркс ва Энгельс ўша даврдаги буржуазия ва пролетариатнинг синфий манфаатлари қарама-қаршилигини фақатгина ижтимоий инқилоб жараёнидагина ҳал қилинишига ишонганлар. Бундай ишонил уларни бу инқилобни амалга ошириш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган аниқ масалаларни ишлаб чиқишга ундаган. Бу ҳолат конфликт муаммосига бевосита алоқадор бўлган бошқа бир қатор масалаларни ҳам келтириб чиқарди. Инқилобнинг ҳаркатлантирувчи кучлари ва улар ўртасидаги муносабатлар диалектикаси, қуролли кўзғолонга раҳбарлик қилиш санъати ва ишчилар синфи тарафига иттифоқчиларни жалб этиш сиёсати, аксилинқилобнинг олдини олиш ва тинч шароитда ишни ташкил этиш каби кўпгина масалаларни кун тартибига қўйиш ва ҳал этиш турли конфликтли вазиятларни марксча нуқтаи назардан аниқ таҳлил этишнинг тарихий тажрибасига мисол бўла олади.

Маркс инқилобий ҳаракатга яққол устунлик берган. Унинг бу инқилобий жўшқинлиги уни буржуазиянинг муқаррар ўлимга маҳкумлиги ҳақида нотўғри хулосалар чиқаришга ва ислохотларга инқилобнинг қўшимча маҳсули деб карашга олиб келди.

XX асрнинг биринчи ярмида фанда яна бир йўналиш шаклландики, унинг вакиллари В.Парето, Г.Моски, Ж.Сорель, Ф.Оппенгеймер, А.Бентли кабилар жамият ҳаётида содир бўладиган ўзгаришлар ва конфликтларни ўрганиш зарурлигига эътиборни қаратдилар.

Италиялик тадқиқотчи Вильфредо Паретонинг (1848-1923) фикрича, элиталарнинг алмашиб туриши ва улар ўртасидаги кураш жамиятнинг моҳиятини ташкил этади. Кўп сонли ва турли конфликтлар жамиятнинг ривожланиш жараёни билан боғлиқ ҳолда мунтазам рўй беради, бироқ уларнинг роли ва аҳамияти ҳукмрон элита ривожланишининг муайян босқичига боғлиқ. Улар динамик мувозанатни таъминлаб, сиёсий тизимнинг барқарорлигига хизмат қилишлари мумкин, бироқ революцион характердаги туб ўзгаришларга ҳам олиб келишлари мумкин, бунда элиталарнинг ҳукмронлиги алмашиши рўй беради.

Италиялик юрист Гаэтано Моски (1858-1941) жамиятни икки синфга : барча давлат функцияларини ўз қўлига олувчи ва шу боис имтиёзларга эга ҳукмрон “сиёсий синф”га ҳамда уюшмаган кўпчиликни ташкил этувчи бошқарилувчи синфга бўлинишини абадий деб ҳисоблаган. Ҳақиқий ҳокимият доимо “сиёсий синф” қўлида бўлган. Халқ ҳокимиятчилиги, ҳақиқий демократия ва социализм жамият қонунлари ва инсон табиати билан сиғишмайдиган утопиядир. Ҳокимият ҳеч қачон халқ ҳокимияти бўлмаган, энг яхши ҳолатда фақат халқ манфаатларига хизмат қилиши мумкин.

У ҳукмрон элита қўлида муҳим қурол бўла оладиган, вақти етиб ҳукмрон синфни мулкӣ асосда эмас, балки ақл, қобилиятлари, маълумоти, хизмат кўрсатиш хусусиятлари асосида шаклланишини, ҳокимият тепасида шунга лойиқлар бўлишини таъминлай оладиган “илмӣ сиёсат”ни ишлаб чиқишга интиланган. Бу давргача тарих синфлар курашидан иборат бўлиб қолаверади, бунда зўрлик ва конфликтлар ижтимоӣ барқарорлик ва ижтимоӣ ўзгаришлар жараёнида муҳим роль ўйнайди.

Француз файласуфи Жорж Сорель (1847-1922) ижтимоӣ тараққиёт жараёнида муҳим ўринни сиёсий курашга ва зўрликка ажратган. У зўрликни бошқарувнинг бошланғич асосӣ шакли ва тарихнинг энг олий ижодӣ асоси деб ҳисоблаган.

Конфликтларнинг сиёсий концепциясини бир мунча бошқа типи германиялик Франц Оппенгеймер (1864-1943) томонидан ишлаб чиқилди. Уни кўпроқ давлатнинг келиб чиқиши масалалари ва унда кечадиган ижтимоӣ жараёнлар хусусиятлари қизиқтирган. Унинг фикрича, давлатнинг вужудга келишида иқтисодӣ сабаблар ҳал қилувчи роль ўйнамаган. У давлатни - “ бир гуруҳ кишилар - босқинчилар томонидан бошқа гуруҳ кишиларга - босиб олинганларга нисбатан зўрлик билан қўлланилган ҳуқуқӣ институт “ деб тушунган. У синфлар ва давлатнинг келиб чиқишини ички ижтимоӣ ва иқтисодӣ ривожланиш омиллари билан тушунтирувчи назарияни кескин танқид қилиб, уларни “назария ва амалиётдаги барча ижтимоӣ иллатларнинг манбаи” деб эълон қилган. Давлат фақат одамларни бўйсундириш ва қулликка солиш йўли билан вужудга келиши мумкин. Шу вақтдан бошлаб синфлар ўртасидаги муносабатлар моҳияти ўзгармай қолаверади. Фақат эксплуатация шакллари - жисмонӣ зўрликдан то иқтисодӣ ва сиёсий мажбурловга қадар - ўзгаради.

Шундай қилиб, XIX-XX асрлар арафасида ижтимоӣ тараққиётнинг ижтимоӣ-сиёсий ва ҳуқуқӣ концепцияларида конфликт муаммосига бўлган назарий қизиқиш яққол кўринади. Унинг таҳлили асосан ижтимоӣ дарвинизм ва марксизм, ғарб социологияси, сиёсатшунослиги ва юриспруденцияларининг методологик қоидалари асосида амалга оширилган. Бу илмӣ йўналишларнинг методологик хусусиятлари муайян даражада конфликт каби мураккаб ҳодисанинг моҳиятига кириб боришдаги ҳам кучли, ҳам заиф томонлари билан белгиланади. Бу давр ижтимоӣ тараққиёт назарияларида билдирилган асосӣ ғоялар ҳақида сўз юритганда умумийлик хусусиятига эга бўлган ва юридик конфликтнинг

ҳозирги замон концепциялари учун ўз долзарблигини сақлаган ғояларни ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир, яъни :

1) конфликтни одатдаги ижтимоий воқелик эканлигига қатъий ишониш. Инсон ва жамият табиатининг ўзига кўпгина ва турли конфликтли вазиятларни муқаррар тарзда юзага келтирувчи биологик, руҳий, ижтимоий , сиёсий ва бошқа қатор омиллар ҳосдир;

2) конфликтлар ижтимоий тараққиёт жараёнида қатор ижобий функцияларни бажарадилар. Улар жамият ҳаётининг умумий тараққиётини таъминлайдилар, ижтимоий тузилмалар бирлигини сақлашга, умумаҳамиятли нормалар ва ижтимоий қадриятларнинг қарор топишига ёрдам қиладилар;

3) ижтимоий тараққиётнинг конфликтли вазияти билан бу ҳолатни юзага келтирган ижтимоий тузилма типи ўртасидаги боғлиқлик ва алоқадорлик тушунилади, яъни тузилмавий конфликт ҳолати аниқланади;

4) ҳукмрон озчилик билан бошқариладиган тобе кўпчилик ўртасидаги карама-қаршилик муқаррар ва абадий ҳодиса бўлиб, унинг ҳар қандай келишмовчиликлар, коллизиялар, конфликтларни юзага келтириши ҳақидаги тезис илгари сурилади;

5) жамият ҳаётининг иқтисодий , сиёсий, маънавий соҳаларидаги ўзгаришлар билан бу ўзгаришлар натижасида вужудга келадиган конфликтли вазиятлар ўртасидаги алоқа ва ўзаро боғлиқлик мавжудлиги, яъни функционал конфликт ҳолати аниқланади ;

6) муайян ижтимоий мувозанатни яратувчи конфликтлар ёрдамида турли ижтимоий гуруҳларнинг бир хил бўлмаган манфаатлари ўзаро тенглаштирилган вақтда ижтимоий тараққиёт жараёнидаги динамик мувозанат ҳолати тадқиқ этилади.

#### **4.Конфликтлар ҳақидаги ҳозирги замон концепциялари**

Энг янги даврга келиб конфликтлар назарияси янада ривожлантирилди.

Конфликтларни тадқиқ қилишнинг назарий жиҳатларини ишлаб чиқишда америкалик социолог Толкотт Парсонс (1902-1979) томонидан асослантирилган ташкилотнинг тузилмавий функционал модели муҳим ўрин эгаллайди. У жамиятга инсонлар ўртасидаги муносабатлар тизими, нормалар ва қадриятларга уни боғловчи бўғин деб қараган. У қуйидаги қоидаларга амал қилган: а) ҳар қандай ижтимоий тизим нисбатан барқарор, доимий ва яхши ташкил этилган тузилмадан иборат ; б) бу тизимнинг ҳар бир элементи муайян функцияни бажариши билан тизим барқарорлигини сақлашга ўз улушини кўшади; в) бу ижтимоий тузилманинг амал қилиши зарур барқарорлик ва ҳамкорликни таъминловчи жамият аъзоларининг қўллаб-қувватлашига асосланади.

Парсонснинг фикрича, ижтимоий ҳаракатнинг меъёрий компоненти қуйидаги тўртта даражада намоён бўлади: организм, шахс, ижтимоий тизим, маданият. Конфликтнинг бўлиши ижтимоийлашув жараёнининг ўзида мавжуд, бунда инсон нафақат ижтимоий тизимнинг намоён бўлиш усуллариغا, шунингдек, тегишли маданиятнинг меъёрлари ва қадриятларига ҳам жалб қилинади. Ижтимоийлашув жараёнида организмнинг ички физиологик эҳтиёжлари билан инсоннинг ижтимоий муносабатлардаги эҳтиёжлари ўртасида шаклландиган номувофиқлик, муайян танглик конфликтга айланиши мумкин.

Бунда ижтимоий тизимнинг ички карама-қаршилигини, ва демак, конфликтларни вужудга келишининг реаллигини тан олиниши жуда муҳим эди. Бироқ , умуман олганда, Парсонс тизим элементлари ўртасидаги конфликтсиз ,

“уйғун“ муносабатлар тарафдори бўлган. У конфликтни ижтимоий аномалия, ўзига хос касаллик ва уни енгиш зарур деб ҳисоблаган.

Ижтимоий конфликт табиатига нисбатан Парсонс томонидан билдирилган нуқтаи назар XX асрнинг 30-40-йилларида “кишилар муносабатлари“ мактаби вакиллари томонидан қўллаб-қувватланган. Улар ҳам саноати ривожланган мамлакатлар куриши керак бўлган жамиятнинг табиий ҳолати уйғунлик ва ижтимоий консенсус ҳолати бўлиши лозим деб ҳисоблаганлар.

Бу мактабнинг йирик вакили, Гарвард университети профессори Элтон Мэйо (1880-1949) “ҳозирги замоннинг бош муаммоси“ бўлган “саноатда тинчлик“ни ўрнатишга ёрдам қилиш зарур деб таъкидлаган. У конфликтни хавфли “ижтимоий иллат“ деб билган. Ундан иложи борича қочиш керак, “ижтимоий мувозанат“га ва “ҳамкорлик ҳолати“га интилиш керак.

Турли мамлакатлар олимлари ҳеч бир нуқсонсиз фаолият кўрсатадиган ва бошқариладиган ташкилотларда ҳам конфликтлар пайдо бўлишига эътибор қаратганлар. Бу ҳолат барқарор консенсусни таъминлашга қодир қандайдир ижтимоий тизим модели борлигига шубҳаланишга олиб келди. Шу билан бирга конфликтларга ўсиб ўтувчи ижтимоий зиддиятларнинг табиий муқаррарлиги ва қонуний характер касб этишини ҳисобга олиш зарурлигини тушуниш ҳам мустаҳкамланиб борди. Натижада XX асрнинг 50-йилларида АҚШ, Германия, Франция ва қатор ғарб мамлакатларида конфликтнинг ҳозирги замон концепциялари шаклланди ва кенг тарқалди.

Ҳозирги замон тадқиқотчиси америкалик Льюис Козер 1956 йилда нашр қилган “Ижтимоий конфликт функциялари“ номли китобида конфликтли муносабатларсиз ижтимоий гуруҳлар мавжуд бўлмаслигини ҳамда ижтимоий тизимларнинг амал қилиши ва алмашилишида конфликтларнинг ижобий амалий аҳамият касб этишини тўғридан-тўғри кўрсатди. Унинг фикрича, бутун жамиятнинг барқарорлиги унда мавжуд конфликтли муносабатларнинг миқдорига ва улар ўртасидаги алоқалар типига боғлиқ.

Л.Козернинг ижобий-функционал конфликт назариясининг моҳияти шундаки, конфликтлар жамият учун бегона, аномал ҳодиса эмас; улар ижтимоий тизим ички ҳолатининг, ундаги алоҳида шахслар ва ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги одатий муносабатларнинг элементи, маҳсулидир. Унинг фикрича, конфликтлар муҳим функцияларни бажарадилар, улар вақти-вақти билан жамиятдаги таранг вазиятни юмшатиш, алоҳида шахслар ва ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги зиддиятлар ва коллизияларни ҳал этиш усули сифатида зарурдир.

Немис социологи Ральф Дарендорф жамиятнинг конфликтли модели концепциясини ишлаб чиққан. Унинг 1965 йилда чоп этилган “Синфий тузилма ва синфий конфликт“ асарида ҳар бир жамият ҳукмронликка, мажбурлаш ва бўйсунушга асосланган деб ҳисоблайди. Қарама-қаршиликлар, конфликтларнинг бўлишига сабаб, фақат одамларнинг ижтимоий нотенгликка маҳкумлиги эмас, шу билан бирга ҳокимият, шон-шухрат, авторитет учун бўлган кураш, бошқарув муносабатларидаги нотенг мавқега эга бўлишдир, бунда бир хил одамлар фақат буйруқ бериш ҳуқуқига, бошқа одамлар бу буйруқларни бажаришга ва бўйсунушга мажбурдирлар.

Дарендорф конфликтларни ижтимоий ҳаётда бартараф этиб бўлмайдиган ва ҳар қандай иерархик тизимга хос хусусият деб ҳисоблайди. Бироқ, одамлар конфликтларни тартибга солиш имкониятига эгадирлар. Бунинг учун учта шартнинг бўлиши зарур: биринчидан, конфликтлашувчиларнинг тафовутланишини ва қарама-қаршилигини тан олиш; иккинчидан, тарафларнинг, шу жумладан, жамиятнинг уюшганлик даражаси қанчалик юқори бўлса, битимга келишиш

шунча енгил бўлади ; учинчидан, конфликтда иштирок этувчи тарафлар ўртасидаги муносабатларни сақлашга олиб келувчи муайян қоидаларнинг ўзаро мақбуллиги.

Конфликтларнинг умумий назарияси деб номланган концепцияга америкалик социолог ва иқтисодчи Кеннет Боулдинг асос солган. У ҳам конфликтлар ҳамма ерда учраши, одамлар ўзига ўхшаганларга нисбатан доимий душманлик қилишга ва кураш олиб боришга интилишларини кўрсатиб, зўрлик ишлатиш эскалацияси инсон табиатида ётади деб билган. Шу билан бирга конфликтлар умумий хусусиятлар билан пайдо бўлади ва ривожланади, ягона элементлар орқали намоён бўлади деб кўрсатган ҳамда уларни ижтимоий шароитлардан ажратиб бўлмаслигини , уларнинг олдини олиш ва енгил мумкинлигини таъкидлаган. Боулдинг фикрича, конфликтларни барҳам топтиришга қаратилган “ижтимоий терапия“ асосини учта нарса ташкил қилади : юзага келувчи қарама-қаршиликлар сабабини тушуниш ; уларни тугатишнинг келишилган усулларини оқилона танлаш ; инсонларнинг маънавий такомиллашуви .

Конфликтнинг ҳозирги замон концепцияларида кишиларнинг ҳар қандай ҳаракатлари, шу жумладан, конфликтли ҳаракатлари ҳам ижтимоий моҳият касб этиши, уларнинг у ёки бу даражада ижтимоий муҳит билан боғлиқлиги ҳақида фикр мавжуд. Конфликтни, унинг сабабини, намоён бўлиш соҳаси ва шаклини, тартибга солиш усулини фақатгина жамият, айниқса, инсон табиатини, ижтимоий муносабатлар моҳиятини ва инсонларнинг ўзаро муносабатларга киришиш қонуниятларини чуқур англаш асосида тушуниш мумкин.

“Инсон“ мезони, инсон моҳияти, унинг жамиятда тутган ўрни ва ижтимоий тайинланиши ҳақидаги масалалар ҳозирда ҳам конфликтларни тушунишда белгиловчи муҳим асосдир.

Ҳозирги замон конфликт тадқиқотларида иккита асосий йўналиш узил-кесил шаклланган. Биринчи йўналиш Ғарбий Европада( Франция, Голландия, Италия, Испания) кенг тарқалган бўлиб, у конфликтларни ўрганиш билан шуғулланувчи институтлар фаолияти билан боғлиқ. Иккинчи йўналиш АҚШда кенг тарқалган бўлиб, тинчлик муаммоларини тадқиқ этувчи институтлар фаолияти билан боғлиқ. Бу институтларнинг мақсадлари бир-бирига жуда ўхшаш, бироқ уларга турли методологик ёндошувлар асосида эришилади. Бир хил тадқиқотларда ғалабага эришиш йўллари ҳақида фикрлар бирламчи аҳамиятга эга, яъни: “Тинчликни хоҳласанг, урушни ўрган“. Тинчликни тадқиқ қилувчи институтлар ходимлари тинчлик ва келишув муаммоларига биринчи даражали аҳамият берадилар. Конфликтлар ва уларни ҳал қилиш йўлларига бўлган умумий қизиқишнинг ортиши шу даражага етдики, сиёсий фанлар Халқаро ассоциациясининг Бутун жаҳон конгресси (Сеул,1997) мазкур масалага бағишланди.

Собиқ Совет Иттифоқида ижтимоий конфликт муаммолари узоқ йиллар давомида ижтимоий фанлар учун ёпиқ мавзу бўлиб келди. Гарчи турли даражадаги конфликтларнинг муайян турларини ҳуқуқий фанлар анъанавий тарзда ўрганган бўлсалар-да ( халқаро ҳуқуқ - давлатлар ўртасидаги конфликтларни, фуқаролик ҳуқуқи – мулкий низоларни, жиноят ҳуқуқи – жиноий вазиятларни ўрганган), юридик конфликтология фан сифатида умуман ривожланмаган.

Ҳозирда дунё мамлакатларида ва МДХ давлатларида конфликтнинг умумтан олинган назарияси узил-кесил ишлаб чиқилмаган, конфликтологиянинг аҳамияти ва ўрнини тавсифловчи методологик ёндошувларда жиддий тафовутлар мавжуд.

### § 3. Юридик конфликтология фанининг методлари

**Конфликтли вазиятларни ҳал этишда куч ишлатишга бўлган ёндошувнинг инкор этилиши.** Ҳар қандай фан муайян методга, яъни ўрганадиган ҳодисалар ва жараёнларни билишнинг усули (ёки усуллари йиғиндиси)га эга. Юридик конфликтология фан сифатида жадал шаклланиш босқичида. Шу боис унга тайёр, мукамал ҳақиқатлар ва билимлар мажмуи сифатида қараш мумкин эмас. Унда ҳали давлат-ҳуқуқий амалиётнинг кўп қийин муаммоларини ҳал қилишга йўналтирилган методлар ва йўлларнинг кенг тизими узил-кесил қарор топмаган.

Юридик конфликтология психология, ҳуқуқ назарияси, ҳуқуқ социологияси тамойиллари асосида олиб бориладиган илмий тадқиқотларнинг комплекс йўналиши бўлганлиги сабабли бу фанларда мавжуд бўлган илмий билишнинг методологик тамойиллари ва усулларидан фойдаланади. Ўз навбатида унинг ўзи бу фанларни ўз тадқиқотларининг натижалари ва методологик ютуқлари билан бойитади.

Методология демократик жамият учун энг мақбул бўлган ҳамкорлик стратегиясини, конфликтларни келишиш орқали ҳал этиш, консенсусга эришиш йўлларини назарда тутаяди. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, юридик конфликтологиянинг муҳим методологик тамойили - конфликтли вазиятларни ҳал қилишда куч ишлатишни инкор этиш эканлигини таъкидлаш ўта муҳимдир.

Инсониятнинг тарихий ўтмиши зўрликнинг оқибатда беҳуда эканлигини тушунишга, мақбул ва муқобил қарорларни излаб топишга ундайди.

**Асосий ёндошувлар. Фан методологияси.** Илмий методологияга фалсафий дунёқараш билан белгиланувчи тадқиқотнинг муайян бош тамойиллари, мантиқий усуллари ва махсус методларини қўллаш сифатида қараш мумкин.

Юридик конфликтологиянинг методологик асоси етарли даражада мураккабдир. У умумлашганлик даражаси ва билиш вазифаларига қараб турлича усулларни ўз ичига олади, яъни:

- барча аниқ фанларда ва илмий билишнинг турли босқичларида қўлланиладиган умумий фалсафий методлар ;
- муайян ҳуқуқий ҳодисалар ва жараёнларни билишда фойдаланиладиган махсус ёки хусусий методлар: статистик, аниқ-социологик, қиёсий-ҳуқуқий, психологик, математик методлар.

Фалсафий таълимотга кўра, ҳиссий ва назарий ёндошувлар илмий билишнинг асосий ёндошувлари, илмий билишнинг икки бош шакллари дир. Ҳиссий ва назарий ёндошувларнинг фарқланиши негизида илмий билиш, юридик соҳада эса ҳуқуқ ва давлат ҳодисаларини, шунингдек конфликтли жараёнларни ажратиб ўрганиш ётади. Биринчи йўналиш бевосита объектга йўналтирилади, кузатув ва эксперимент маълумотларига таянади, иккинчиси конфликтологияни ўрганиш ва тушуниш жараёнини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш билан боғлиқ ва объектив борлиқни ҳар томонлама ва мукамал билишни ўз мақсади деб билади. Иккала ёндошув ўзаро алоқадор ва бири иккинчисини тақозо этади. Ҳиссий ёндошув кузатув ва эксперимент натижасида янги маълумотларни аниқлашга қаратилади, назарий тадқиқотнинг ривожланишига туртки бўлади, унинг олдида янги вазифаларни қўяди. Назарий ёндошув фаннинг назарий мазмунини бойитади ва ривожлантиради, янги истиқболларни белгилайди, фактларни изоҳлайди, ҳиссий тадқиқотларни умумлаштиради ва йўналтиради.

Мантиқий ва тарихий методлар фаннинг мавҳумликдан аниқликка ўтиши билан боғлиқ. Улар назариянинг мазмунини ташкил этувчи тушунчалар,



таърифлар, категорияларни ишлаб чиқишнинг тартиби ва кетма-кетлигини белгилайди.

Конфликтларни ўрганишда қайси метод ёки ёндошув қўлланилмасин, улар ижтимоий-ҳуқуқий ходисаларнинг ривожланиш диалектикасини эътиборга олиши керак.

**Фан категориялари.** Диалектика қонунлари ҳуқуқий тадқиқотларда муҳим аҳамият касб этувчи билишнинг мантиқий воситалари билан узвий алоқада бўладилар. Масалан, анализ ёрдамида яхлит ҳуқуқий тизим алоҳида таркибий қисмларга бўлинади (ҳуқуқ нормалари, ҳуқуқбузарлик, юридик фактлар ва ҳ.), уларнинг ҳар бири мустақил ўрганилади, сўнг барча қисмлар синтез ёрдамида ўзига хос жиҳатлари билан умумлаштирилади.

Диалектиканинг асосий категориялари - умумий белгилар ва алоқадорликни акс эттирувчи тушунчалардир, яъни бу белгилар ва алоқадорлик ижтимоий ҳаёт ходисалари ва предметларига ҳеч бир истисносиз тааллуқли бўлади, демак, юридик конфликтларга ҳам хос хусусиятлардир.

Сербиялик олим Р.Лукичнинг таъкидлашича, “Ҳуқуққа хос махсус методларни қўллаш учун зарур билимларга эга бўлмаган “соф“ диалектиктан яхши юрист чиқмайди. Шунингдек, фақат махсус, соф профессионал методлар доирасида қолиб ҳуқуққа энг умумий, диалектик метод нуктаи назаридан ёндошмаслик ҳам яхши юрист учун хос бўлмаган хусусият ҳисобланади”<sup>1</sup>.

Асосий фалсафий категориялар бўлиб, яқка ва умумий, сабаб ва оқибат, зарурият ва тасодиф, мазмун ва шакл, моҳият ва ҳодиса, имконият ва борлиқ каби жуфт категориялар киради. Масалан, сабаб ва оқибат категорияларини ўрганиш шуни кўрсатадики, “ижтимоий муносабатлар - ҳуқуқ нормалари“ нисбатида ижтимоий муносабатлар - сабаб, ҳуқуқ нормалари - оқибат сифатида намоён бўлади. Ҳуқуқни қўллаш жараёнида инсоннинг ҳақиқий фактик хулқ-атвори юридик нормани қўллаш учун сабаб (асос) бўлади. Ҳуқуқ нормаси ва унда назарда тутилган юридик оқибатлар хулқ-атворга нисбатан оқибат ҳисобланади.

**Методлар.** Юридик конфликтология илмий билишнинг махсус ва хусусий методларидан фойдаланади.

Юридик билимнинг бир тармоғи сифатида юридик конфликтология тафаккурнинг мавҳум фаолияти натижалари акс этган ҳуқуқ моҳияти, мазмуни ва шакллари, бир бутун ҳуқуқий тизимни ва қонунчиликни такомиллаштириш, ҳуқуқ ижод этишнинг умумий илмий тушунчаларисиз, ҳуқуқ тадбиқ этиш, уни шарҳлаш, ҳуқуқий муносабатлар, қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот, ҳуқуқий хулқ-атвор ва юридик жавобгарлик, шунингдек, демократия, жамиятнинг сиёсий ташкилоти, давлат, унинг моҳияти, мазмуни ва шакллари, механизми ва функциялари, ҳуқуқ ижод этиш ва ҳуқуқ қўллаш фаолияти каби категорияларсиз ривожланиши мумкин эмас.

Фаннинг умумий категориялари хусусий методларни инкор этмай, балки тақозо этади.

**Мантиқий метод** ҳуқуқни мантиқий ўрганиш, изоҳлаш воситалари ва усулларини ўз ичига олади, тафаккур шакллари ва диалектика, мантик қонунларига асосланади.

Мантик қонунларининг ҳар бири (айният, қарама-қаршилик, учинчисини истисно этиш, етарли асослантириш ва ҳ.) ҳуқуқ хусусиятларини ифодалаш орқали ҳуқуқда ўзини тўла намоён этади. Барча асосий ҳуқуқий ва тартибга солиш жараёнлари ( энг аввало, ҳуқуқ ижод этиш ва ҳуқуқни қўллаш) тушунчалар,

---

<sup>1</sup> Қаранг: Лукич Л. Методология права. М., 1981. С.43.

хулосаларни таҳлил этиш қоидалари - тафаккур шакллари билан қатъий мос ҳолда амалга оширилади.

Ҳуқуқдаги конфликтли ҳолатларни ўрганишда ва тушунишда мантиқ воситаларидан фойдаланиш қонунчиликни шакллантиришда зиддиятларга йўл қўймасликка, мантиқан зиддиятли бўлмаган ва шу билан ҳуқуқнинг энг самарали тизимини бунёд этишга, юридик нормаларни тўғри ва ўринли қўллашга имкон беради.

Қиёсий метод юридик тушунчалар, ҳодисалар ва жараёнларни таққослашни ҳамда улардаги ўхшаш ёки фарқланувчи жиҳатларни аниқлашни тақозо этади. Таққослаш натижасида яхлит ҳуқуқий тизимнинг ёки алоҳида ҳуқуқий институтлар ва нормаларнинг, уларнинг уйғунлик ва мувофиқлик сифат ҳолати аниқланади.

Социологик(аниқ-социологик) метод юридик конфликтларнинг турли хилларини, қабул қилинадиган қарорларнинг қандай натижа беришлигини, шунингдек, ҳуқуқий тартибга солиш ёки ҳуқуқий муҳофазанинг ишончилиги ва ўз вақтида бўлишини ўрганишда самарали фойда бериши мумкин. Бундай метод кўпгина анъанавий муаммоларга ижтимоий амалиёт талабларини эътиборга олган ҳолда чуқур ёндошиб қолмай, балки шу билан бир қаторда янги муаммоларни ҳам келтириб чиқаради. Гап шундаки, бозор муносабатларига ўтиш жараёнида фақат давлат ва ҳуқуқнинг хусусиятлари ва ривожланиш тенденцияларини, умумий қоидаларини, тамойилларини аниқлаш етарли эмас. Бунда бу омиллар реал муносабатларда қандай амал қилиши мумкин, давлат-ҳуқуқий тизимнинг бутун ҳолида ва тизим доирасида уни ташкил этувчи элементларнинг ҳар бирини самарали амал қилишини таъминлаш қандай йўللар билан эришилади каби масалалар ечимини топиш керак.

Конфликт муаммосини ўрганишдаги илмий ёндошув ҳавола этилаётган тавсияларнинг ҳуқуқий соҳадаги қарорларнинг ижтимоий аҳамияти ва оқибатларини тўла баҳолай олишга имкон берувчи барча - ижобий ёки салбий бўлиши мумкин ижтимоий омилларни атрофлича ўрганиш ва ҳисобга олиш асосида ишлаб чиқилишини талаб этади.

Бу ҳолларда ҳуқуқий материал мавҳум категориялар даражасида эмас, балки аниқ фактлар асосида қаралади. Ҳуқуқни ўрганишдаги социологик метод статистик маълумотлар ва турли хил ҳужжатларни таҳлил этиш, ижтимоий-ҳуқуқий эксперимент, аҳоли ўртасида сўровнома ўтказиш, маълумотларни қайта ишлашнинг математик ва статистик методларини ўз ичига олади.

Қонунчиликни ривожлантириш, ҳуқуқни қўллаш, жинойтчилик билан курашиш фаолиятини яхшилаш фақат кундалик ҳуқуқий ҳаётнинг ишончли фактларига таянган ҳолда олиб борилсагина асослантирилган ва ҳақиқий бўлади.

Ҳуқуқий соҳада социологик методнинг қўлланилиши юридик фан таркибида нисбатан мустақил тармоқ бўлган ҳуқуқ социологиясини шаклланишига олиб келди.

Социологик мактаб намоёндаларининг фикрича, давлат ҳуқуқни ижод этмайди, балки жамиятнинг ўзида вужудга келадиган ва ривожланадиган ҳуқуқни “кашф этади“, холос. Бундай ёндошув жамиятда рўй берувчи ҳақиқий жараёнларни ўрганишга эътиборни йўналтиради.

Ҳуқуқ социологияси ҳуқуқий ҳодисаларни ўрганишнинг бир қатор методларидан фойдаланади, масалан, қонун чиқариш фаолияти ва жараёни (“қонунчилик социологияси“), судьялар корпуси ва карьерасининг социологик жиҳатларини, аҳоли алоҳида гуруҳининг ҳуқуққа ва ҳуқуқ институтларига бўлган муносабатларини ўрганиш. Бунда юридик конфликтология учун кам аҳамиятли

бўлмаган ҳуқуқий маълумотлар, шунингдек, ҳуқуқ соҳасида аниқ тадқиқотларни олиб боришнинг методологик тажрибаси тўпланади.

Тадқиқот предметининг мураккаблашуви ва кенгайиб бориши, амалиёт қўяётган янги талаблар борган сари тадқиқотнинг ишончли ва қатъий методлари бўлган математик, математик-статистик, моделлаштириш каби методларини қўллашни тақозо этади. Мантиқий математик ва статистик методлар ҳар қандай, шу жумладан, ҳуқуқ тизимларида муайян статистик қонуниятларнинг, миқдорий кўрсаткичларнинг мавжудлиги билан боғлиқдир. Математик метод ҳуқуқий ҳодисалар ва жараёнларни назарий (мантиқий) ва тарихий тадқиқ қилишнинг юқори даражасини тақозо қилади.

Шундай қилиб, муайян аниқ методни танлаш, ундан самарали фойдаланиш тадқиқот предмети ва вазибалари билан узвий боғлиқдир. Энг кўпроқ тизимли метод ҳуқуқни, қонунни, унинг жамият билан конфликтлашувини комплекс жараён сифатида ўрганишга имкон беради. Тадқиқот предметиға нисбатан мавҳум танланган метод билимнинг ортишиға олиб келмайди, бироқ тадқиқот методи тўғри танланса ва ундан оқилона фойдаланилса, у тадқиқотнинг билиш фаолиятиға сезиларли хизмат қилади, унинг илмий ва амалий самарадорлигини оширади, тўпланган фактик маълумотларни баҳолаш ва тизимлаштиришға, келажак истиқболни белгилашға ёрдам қилади.

## II Боб. Юридик конфликтларнинг табиати ва турлари

### § 1. Конфликт тушунчаси, предмети ва объекти

**Конфликт тушунчаси ва таърифи.** Конфликт тушунчаси илмий адабиётда бир хил маънода қўлланилмайди. «Конфликт» атамасининг жуда кўп таърифлари мавжуд. «Конфликт» тушунчасига нисбатан энг умумий ёндошувга кўра, у зиддиятга умумий тушунча сифатида, энг аввало, ижтимоий зиддият сифатида қараладиган тушунчадир.

Хар қандай зиддиятнинг ривожланиши мураккаб жараён бўлиб, у объектив зиддиятларнинг юзага келиши, авж олиши ва ҳал этилиши асосида рўй беради. Маркс назариясидаги социализм ғояси синфий конфликтларни инкор этиб келган. XX асрнинг 30-йиллари охирида бир қатор муаллифлар томонидан социалистик жамиятни «конфликтсиз» ривожланиши, антагонистик қарама-қаршиликларнинг бўлмаслиги ҳақидаги ғоя илгари сурилган. Бу ғоя социализмда ишлаб чиқариш муносабатларининг ишлаб чиқарувчи кучлар характериға тўлиқ мос келиши ҳақидаги шиорда ўзининг тўла ифодасини топган. Кейинчалик бундай мос келиш фақат бир-бирига қарши турган икки томоннинг бирлиги билан уйғунлашгандагина намоён бўлиши тан олинган. Мос келишлик қарама-қаршиликлар бирлиги доирасида қўшилган (бирлашган) вақтда зиддиятлар ривожининг муайян босқичи сифатида талқин қилинган. Бошқа гуруҳ файласуфлар эса социализмнинг асосий зиддиятлари бу ишлаб чиқарувчи кучлар билан ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасидаги, баъзан ишлаб чиқариш билан истеъмол ўртасидаги, эски билан янги ўртасидаги зиддият деб тушунганлар. Бир гуруҳ инглиз олимларнинг фикрича, «Конфликтлар бу ҳаётнинг муқаррар ва кўпинча ижодий бўлган бир қисмидир. Конфликтлар инсонларнинг мақсадлари фарқланганда юзага келади. Келишмовчиликлар ва конфликтлар одатда зўрлик қўлланилмасдан ҳал қилинади ва кўпинча барча жалб қилинган томонларнинг аҳволини яхшиланишига олиб келади. Бу ҳолат конфликтлар бизнинг мавжудлигимизнинг бир қисми бўлганлиги боис тўла адолатли ҳисобланади.»<sup>1</sup>.

Демак, зиддиятлар муаммолари муайян даражада илмий адабиётда олимлар эътиборини ўзига тортган. Бироқ, бу ҳолатни конфликтлар назариясига тааллуқли деб бўлмайди, чунки моҳият жиҳатидан унга умуман эътибор берилмаган. Шунга қарамасдан зиддиятлар ва конфликтни, бир томондан, синонимлар сифатида ҳисоблаш мумкин эмас, бошқа томондан эса, уларни бир-бирига қарама-қарши қўйиб ҳам бўлмайди. Зиддиятлар, қарама-қарши туришлик, тафовутлар - булар конфликт учун зарур, бироқ етарли шартлар эмас. Қарама-қарши туришлик ва зиддиятлар, қачонки уларни ифодаловчи кучлар ўзаро таъсирга, ўзаро муносабатга кириша бошлаганда конфликтга айланади. Шундай қилиб, **конфликт объектив ёки субъектив қарама-қаршиликлар, зиддиятлар бўлиб, у тарафларнинг бир-бирига нисбатан қарама-қарши курашида ифодаланади.**

Шуни ёддан чиқармаслик керакки, бу фикрни жамиятга таққослаганда гап мавҳум кучлар, космик ва бошқа табиий ҳодисалар, шунингдек ғайриоддий феноменлар (тақдир, танилмаган объект ва ш.к.) ҳақида эмас, балки ижтимоий субъектлар саналган муайян одамлар, индивидлар, ижтимоий гуруҳлар ва қатламлар, сиёсий партиялар ёки давлатлар ҳақида боради.

Гап айнан ижтимоий (социал) конфликт ҳақида боради, бунда икки ёки ундан ортиқ индивид ёки гуруҳнинг муайян мақсадга эришиш йўлида бир-бирига ҳалакит

<sup>1</sup>Қаранг: Работа с конфликтом: навыки и стратегия действия. Лондон, Конфликтологический центр, 2001. С.23.

бериш, рақобатдошининг манфаатларини қондиришни йўққа чиқариш ёки унинг қарашларини ва ижтимоий мавқеини ўзгартириш имкониятини астойдил, фаол тарзда рўёбга чиқариш жараёни назарда тутилади. «Конфликт» атамаси аналогия бўйича гўёки кўп нарсага, ҳатто жонсиз предметларга ҳам қўлланилиши мумкин. Бирок ижтимоий конфликтларда иштирок этувчи тарафлар фақат шахслар бўлади. Баъзи тадқиқотчиларнинг фикрича, «Ҳар қандай ишни ёки бирор фаолият турини, шу жумладан, конфликт билан бевосита бўладиган ишни ёки бирор фаолият турини бошлашдан аввал вазият қандай ва нима содир бўлаётганлигини билиш шарт. Бу “таҳлил” деб номланади. Турли инсонлар нуқтаи назарларидаги тафовутлардан ҳалос бўлишнинг имкони йўқ. Одамлар у ёки бу муаммони биргаликда ўргана бошлаганларида кўпинча айнан бир хил фактлар мавжудлиги шароитида уларни гўёки бир хил тушунганлардек бўлиб туюлади. Аслида бундай эмас. Фарқлар бутун бир қатор кўрсаткичлар билан белгиланади: мақом, ҳокимият, бойлик, ёш, жинс билан боғлиқ рол, муайян ижтимоий гуруҳга тааллуқлик ва ҳ. Инсоннинг жамиятдаги ўрнини тавсифловчи бундай кўрсаткичлар кўпинча инсонларнинг айнан бир вазиятдан турли нарсаларни кутишларини англатади: уларнинг мақсадлари фарқланса ёки бир-бири билан сиғишмаса конфликт юзага келади»<sup>1</sup>. **Ижтимоий конфликт деганда, одатда тарафларнинг ҳудуд ёки ресурсларни эгаллаб олиш, муҳолифатдаги индивидлар ёки гуруҳларга, уларнинг мулки ёки маданиятига таҳдид солишга қаратилган қарама-қарши туриш тури тушунилиб, бунда кураш ҳужум ёки мудофаа шаклида кечади.**

Ижтимоий конфликт ўз ичига шунингдек, индивид ёки гуруҳнинг душман тараф фаолиятини чеклашга, бошқа шахс ёки гуруҳлар манфаатига зарар етказишни чеклашга қаратилган фаоллигини ҳам олади. Конфликтлар муаммоси яна қатор атамалар: низолар, дебатлар, мунозаралар, ким ошди савдоси, рақобатчилик, назорат остидаги курашлар, эгри ва тўғри зўравонлик кабилардан фойдаланади. Кўп тадқиқотчилар конфликтни умумий ва тарихий ўзгаришлар билан қўшиб ўрганадилар.

Бошқача қилиб айтганда, биз жамиятнинг табиат билан ёки инсоннинг ўзи билан бўладиган «конфликт»ларини ўрганмаймиз. Бу ҳолларда шубҳасиз зиддиятлар бўлади, бироқ «конфликт» сўзи бундай вазиятларда ишлатилганда қўштирноқ остида ёзилади, чунки у конфликтнинг асл маъноси билан айнан эмас.

Шундай қилиб, ижтимоий конфликтда доимо камида иккита қарама-қарши курашувчи тарафларнинг бўлиши зарур. Уларнинг ҳатти-ҳаракатлари одатда ўзаро бир-бирини истисно қилувчи манфаатларга эришишга йўналтирилади ва демак, улар тўқнашадилар. Барча конфликтлар учун таранглашув хос бўлиб, унда одамлар ўз ҳаракатларини у ёки бу тарзда ўзгартиришга, бундай вазиятдан сақланишга ёки мослашишга мажбур бўладилар.

Социал конфликтга нисбатан энг тўлароқ таъриф адабиётларда тадқиқотчи олим Е.М.Бабасов томонидан берилган: «Ижтимоий конфликт (лотинча «conflictus» - тўқнашув) - бу ижтимоий зиддиятлар кескинлашувининг энг охириги ҳолати бўлиб, унда турли ижтимоий уюшмалар - синфлар, миллатлар, давлатлар, ижтимоий гуруҳлар, ижтимоий институтлар ва бошқаларнинг манфаатлари, мақсадлари, ривожланиш тенденцияларидаги қарама-қаршилиқлар ёки муҳим тафовутлар билан боғлиқ бўлган ҳолда улар орасида бўладиган тўқнашув намоён бўлади. Ижтимоий конфликт ижтимоий муаммо ечимини тақозо этувчи муайян вазиятда шаклланади ва

---

<sup>1</sup>Қаранг: Работа с конфликтом: навыки и стратегия действия. Лондон, Конфликтологический центр, 2001. С.23.

хал қилинади. У етарли миқдорда сабабларга, ўзининг ижтимоий ифода этувчиси (синфлар, миллатлар, ижтимоий гуруҳ ва ш.к.)га, муайян функцияларга, кескинликнинг давомийлигига ва даражасига эга»<sup>1</sup>.

Бу таърифда конфликтнинг баъзи, хусусан, рухий жиҳатлари ўз аксини топмаган. Тадқиқотчи Ю.Г.Запрудский эса айнан шу жиҳатга алоҳида эътиборни қаратган: «Ижтимоий конфликт - бу ижтимоий субъектлар манфаатлари, мақсадлари ва ривожланиш тенденцияларидаги объектив фарқлар карама-қаршичилигининг ошқора ёки яширин ҳолати, мавжуд ижтимоий тартибга нисбатан қарши туриш асосида ижтимоий кучларнинг бевосита тўғридан-тўғри ва билвосита тўқнашуви, янги ижтимоий бирликка олиб борадиган тарихий ҳаракатнинг алоҳида шаклидир»<sup>2</sup>. Бошқа бир гуруҳ муаллифлар эса, конфликтга қуйидагича таъриф берадилар, яъни: **«Конфликт** - сиғишмайдиган мақсадларга эга ёки шундай мақсадлар ҳақида фикр юритувчи икки ва ундан ортиқ томонлар (одамлар ва гуруҳлар) ўртасидаги муносабатлардир»<sup>3</sup>.

Бу таъриф кенг ва умумий кўламда берилган, шу билан бирга унда «қуйи даражада»ги - турмуш, рўзғор, оила, меҳнат конфликтлари ҳақида гапирилмайди. Т.В.Новикованинг таърифига кўра, «Ижтимоий конфликт - бу тарафлар (субъектлар) ўзаро муносабатларидаги бир-бирини истисно қилувчи ёки бир-бирига зид бўлган муайян ўз мақсадларига эришишга йўналтирилган вазиятдир»<sup>4</sup>.

Ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларини ўрганишда тадқиқотчилар одатда конфликтологик ёндашувни қўллайдилар. Халқаро сиёсатда конфликтологик ёндашув катта аҳамиятга эга. Бу ёндашув юриспруденцияда ҳам қўлланиши мумкин, масалан, жиноятга одамлар ўртасидаги конфликт натижаси деб қаралган вақтда унинг пайдо бўлиш механизмини кузатиш мумкин. Конфликт суд жараёнида ҳам намоён бўлади (бир томондан - айбланувчи ва унинг ҳимоячиси, бошқа томондан - жабрланувчи ва қораловчи).

Конфликтга яқин турувчи бошқа ҳодисалар ҳам бор, яъни: мусобақа, тортишув, рақобат. Бу ҳолларда ҳам тарафларнинг карама-қарши туриши кузатилади. Бироқ бу қарши кураш қоида бўйича душманлик даражасигача кескин тус олмайди ёки агар бундай ёвузкорлик мавжуд бўлса ҳам (масалан, рақобатда), у бошқа томоннинг қонуний ҳаракатига тўсқинлик қилувчи биргаликдаги ҳаракатга айланмайди. Ҳар қайси тараф ютуққа эришишга интилиб, қарши томонни енгишга ҳаракат қилиб «Ўз майдонида» иш кўради. Лекин бунда тарафларнинг ҳаракатлари ижобий (позитив) бўлиб, улар ўзларининг максимал ютуқларига интиладилар, рақибини енгиш улар учун пировард мақсад эмас. Шундай қилиб, конфликт ва мусобақа айнан бир хил эмас, бироқ мусобақа конфликтга айланиши мумкин. Бу ҳол рақобатга ҳам тааллуқли, рақобатдошлар бир-бирига тўғридан-тўғри тазйик кўрсатишга ўтишлари мумкин.

Баъзи ўйинлар, айниқса, спорт ўйинлари конфликт тарзида ташкил қилинади (масалан, бокс). Лекин бу ерда моҳият бўйича гап конфликтга тақлид қилиш ҳақида бораётганлиги равшан. Ўйин тугаши билан «конфликтли» муносабатлар ҳам тугайди. Мусобақа ўтгандан сўнг турли командалар ўйинчилари ўртасидаги келишмовчиликнинг сақланиши бу қоида эмас, балки истиснодир, бу ҳолат спортда рағбатлантирилмайди.

<sup>1</sup>Қаранг: Социологический словарь. Минск, 1991. С.80.

<sup>2</sup>Қаранг: Запрудский Ю.Г. Социальный конфликт. Ростов, 1992. С.54.

<sup>3</sup>Қаранг: Работа с конфликтом: навыки и стратегия действия. Лондон, Конфликтологический центр, 2001. С.23.

<sup>4</sup>Социальные конфликты: Экспертиза, прогнозирование, технология разрешения. Вып.1. М.,1991. С.27

**Конфликт предмети ва объекти.** *Конфликт предмети деб тарафлар ўртасидаги нифоқ (келишмовчилик)га сабаб булган объектив мавжуд булган ёки фикран тасаввур қилинган муаммога айтилади.* Ҳар қайси тараф бу муаммони ўз фойдасига ҳал қилишдан манфаатдор булади. Конфликт предмети - бу шундай зиддиятки, субъектлар у учун ва унинг ҳал қилиниши учун қарама-қарши курашга киришадилар. Бу ҳокимиятга интилиш, бирор бойликни эгаллаш, устун мавқега эга бўлиш каби муаммолар бўлиши мумкин.

Конфликтни ҳал қилиш йўллари топишда унинг предметини аниқлаш муҳим, бироқ кўпинча бу қийинлик билан кечади. Кўп конфликтлар ўта чалқаш ва мураккаб ҳолатлар билан боғлиқ бўлади. Конфликтларда бир неча муаммолар устма-уст юз бериши мумкин. Конфликт предмети таркибий қисмларга бўлиниши мумкин. Бунга узоқ давом этадиган оилавий келишмовчиликлар ёки миллатлараро конфликтлар мисол бўлади.

Иштирокчи тарафлар ўртасида олиб бориладиган музокараларда конфликт предмети оидинлаштирилади, бунда тарафлар бир-бирининг мақсад ва позицияларини аниқлаштирадилар.

**Конфликт объекти** деганда тарафлар эгаллашга ёки ундан фойдаланишга интиладиган муайян моддий ёки маънавий бойлик тушунилади.

Конфликт объекти бўлиб шахсий, гуруҳий, ижтимоий, давлат манфаатларининг предмети бўлган моддий дунё ва ижтимоий борлиқнинг исталган элементи ҳисобланади. Бу элемент конфликт предмети бўлиши учун турли ижтимоий субъектлар манфаатлари тўқнашадиган нуқтада бўлиши керак, субъектлар бундай элемент устидан шахсий контрол юритишга ҳаракат қиладилар. Бундай вазиятларга мисол : кичик ёшдаги болалар чиройли ўйинчоқ устида талашадилар ёки у ёки бу ҳудуднинг тегишлилиги ҳақидаги масала ҳал қилинмаганлиги учун давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг таранглашуви.

Муносабатларнинг муайян тизимида конфликт бу доимо бирорта ресурсинг етишмовчилигидир : битта директор лавозимига иккита ўринбосарнинг даъвогарлиги, дўконда танқис маҳсулот олиш учун навбатда турганлар ўртасида бўладиган жанжал. Ресурслар танқислигини компенсация қилиш кўпинча юзага келган муаммони бирданига ҳал қилиши мумкин. Кишилар кундалик ҳаётларида тўқнаш келадиган кўп сонли муаммоларни шу тариқа йўқ қилишга эришиши мумкин эмас. Оддий, типик конфликтлар объектларини ажратиш энг умумий характердаги муаммолар даражасини аниқлашга имкон беради. Масалан, кундалик турмушимизга хос бўлган транспорт ва навбатда туришда бўладиган конфликтлар давлат миқёсидаги транспорт қатнови ва товар таъминоти танқислиги билан тўғридан-тўғри боғлиқдир.

Баъзан конфликтлар аниқ объектга эга бўлмаслиги мумкин, яъни объекти бор конфликтлар билан бирга объектсиз конфликтлар бўлиши мумкин, бунда субъектларнинг бирорта нарса устидан назорат қилиши ўзаро мақсад-интилишлари истисно қилинади. Масалан: кўп қаватли уйларда ёнма-ён яшовчи қўшни хонадонларнинг бирида уй эгаси илмий асарни ёзиш билан банд бўлганда, қўшнисини пианинода машқ қила бошлайди. Биринчи қўшни иккинчисига мурожаат қилади ва шу тариқа конфликт юзага келади. Бу конфликтда қўшнилар бирорта нарса устидан назорат ўрнатишга интилмайдилар, балки биринчисининг самарали ишлашига иккинчиси ҳалақит беради. Ёки жиноий иш юритиш амалиётида шундай ҳолатлар учрайдики, тасодифий ўткинчи безорига танбеҳ беради, шунда конфликт авж олиши мумкин. Бунда конфликт бир субъект томонидан иккинчисининг ахлоқий қарашларини бузиш орқасида рўй беради.

## § 2. Конфликт чегаралари

Конфликт табиатини ва унинг ўхшаш воқеликлардан фарқини тушуниш учун унинг чегараларини, яъни унинг макон ва вақтдаги ташқи доирасини аниқлаш муҳим.

Конфликт чегараларини аниқлашда уч хил нуқтаи назарга асосланиш мумкин: макон - фазовий чегара, вақт чегараси, ички тизим чегараси.

Конфликтнинг макон (майдон) чегараси конфликт юз берадиган жой, ҳудуд билан белгиланади. Бу ҳудуд турлича бўлиши мумкин, масалан, турар-жой майдонидан бошланиб, бутун ер шари билан тугаши мумкин, яъни ошхонадаги жанжал ёки жаҳон уруши. Конфликтнинг макондаги чегараларини аниқ белгилаш асосан халқаро муносабатларда муҳим бўлиб, конфликт иштирокчиларининг муаммолари билан боғлиқ. Бундай масала яқин ўтмишда Тоғли Қорабоғ, Днепр бўйи, Тожикистон, Шимолий Кавказ, Чеченистон ва бошқа жойларда миллатлараро конфликтларда бир неча марта ўртага қўйилди. Бу ерларда зарур чораларни кўриш учун конфликтнинг ҳудудий чегаралари зонасини аниқ белгилаш лозим бўлди.

Вақт чегаралари - бу конфликтнинг давомийлиги, унинг бошланиши ва тугашидир. Конфликт бошланганлиги, давом этаётганлиги ёки тугаб бўлганлиги ҳақида хулоса қилиш вақтнинг у ёки бу дақиқасида конфликт иштирокчилари ҳаракатларига юридик баҳо беришга боғлиқ. Бу ҳолат айниқса конфликтга янгидан келиб қўшилган шахсларнинг ролига тўғри баҳо беришда ўта муҳим.

Конфликтнинг бошланиши иккинчи тарафга йўналтирилган таъсир ҳаракатнинг объектив (ташқи) ҳаракатлари билан бошланади, бунда иккинчи тараф бу ҳаракатларнинг унга қарши йўналтирилганлигини тушуниши шарт ва шунда у ҳам қарши кураш бошлайди. Конфликтни бошланган деб ҳисоблаш учун камида учта шартнинг бўлиши шарт:

- 1) биринчи иштирокчи иккинчи иштирокчига, яъни ўз рақиби манфаатига зид равишда фаол ва онгли тарзда ҳаракат қилади; бу ерда ҳаракат деганда ҳам жисмоний ҳаракат, ҳам ахборот бериш (оғзаки нутқ, матбуот, телевидение ва б.) тушунилади;
- 2) иккинчи иштирокчи (рақиб) ушбу ҳаракатлар унинг манфаатларига қарши қаратилганлигини тушуниб етиши керак;
- 3) юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, иккинчи иштирокчи биринчи иштирокчига қарши қаратилган ва унга жавобан фаол ҳаракат-чораларни кўради. Шу дақиқадан бошлаб конфликт бошланган деб ҳисобланади.

Агар фақат биргина иштирокчи ҳаракат қилса (бир томонлама) ёки ҳаракатларини фикран режалаштирса (ҳаракатларини олдиндан ўйлаб режа тузса, рақиб ҳаракатларини тасаввур этса, бўлажак конфликтни қандай кечишини башорат қилса) - бу ҳолларда конфликт бўлмайди. Бироқ бўлғуси ҳаракатларни олдиндан режалаштириш конфликт учун пойдевор бўлиб ҳисобланиши мумкин, баъзи олимлар буни конфликт ривожланишининг латент (яширин) босқичи деб атайдилар. Бундай босқични ажратиш кўрсатиш халқаро аҳамиятдаги катта конфликтларни таҳлил қилиш учун муҳимдир. Собиқ Иттифоққа хужумни кўзда тутган «Барбаросс плани» ни Гитлер 1940 йилда тасдиқлаганда собиқ Иттифоқ билан Германия ўртасидаги ҳарбий конфликт ҳали бошланмаган эди, бу конфликтнинг латент босқичи бўлиб, очик конфликтнинг бошланиши 1941 йилнинг 22 июнига тўғри келган.

Халқаро муносабатлардаги конфликт фақат тарафларнинг қарама- қарши кураши сифатида биргина ҳарбий ҳаракатлардан иборат бўлиб қолмайди. Зўрлик воситаларисиз ҳал қилинадиган дипломатик конфликт, савдо, чегара, сиёсий конфликтлар бўлиши мумкин. Бироқ, ҳамма ҳолатда ҳам гап тарафларнинг ўзаро



карама-қарши ҳаракатларида (ҳеч бўлмаса сўз орқали курашиш) ҳақида боради. Шундай қилиб, конфликт доимо икки томонлама ёки кўп томонлама ҳаракат тарзида бошланади. қоида бўйича конфликт тарафлардан бирининг ҳаракати билан бошланади, бу эса кўп ҳолларда конфликт сабабчисини аниқлаш имконини беради.

Масалан, 1991йилдаги Ироқ ва Қувайт ўртасида бўлган конфликтнинг сабабчисини аниқлаш қийин бўлмаган. Ироқнинг кўшни мамлакатга нисбатан агрессив, босқинчилик ҳаракати БМТ ва бутун жаҳон ҳамжамияти томонидан салбий баҳоланган.

Россия ва МДХ давлатларининг худудда XX асрнинг 90-йилларида бўлиб ўтган кўп сонли миллатларо конфликтларнинг сабабчисини аниқлаш эса қийинроқ. Дастлабки қадамларнинг ноаниқлиги, ҳаракатларнинг чалкашлиги, ўзаро айбловлар, ахборотларнинг холис эмаслиги конфликтни боришини орқага суради, унинг тез ва асоратсиз тугашига тўсқинлик қилади, асл айбдорларни аниқланишини қийинлаштиради.

Конфликтни тугаши бир хил натижа билан юз бермайди. Конфликт тамом бўлиши (масалан, тарафларнинг келишуви билан), конфликтдан тарафлардан бирининг чиқиб кетиши ёки унинг йўқ қилиниши (уруш туфайли ёки жиноят содир этилишида) билан рўй бериши мумкин. Ниҳоят, конфликт тугатилиши ва унинг авж олишининг тўхтатилиши учинчи шахсларнинг аралашуви натижасида ҳам содир бўлиши мумкин. Масалан, айрим ҳолларда жиноий конфликтлар шу тариқа тугайди. Халқаро муносабатлар амалиёти халқаро конфликтларга барҳам бериш борган сари учинчи шахслар ҳаракатлари ва аралашуви асосида ҳал этилаётганлигини кўрсатмоқда (БМТ кўшинларини киритиш, дипломатик воситачилик ва б). Айтиш ўринлики, «БМТ тинчлик ўрнатиш мақсадида аралашининг бир неча турини фарқлайди. Хавф остида бўлганларга тирик қолиш учун воситаларни зудлик билан тақдим этишни мақсад қилиб қўйган инсонпарварлик ёки экстерн ёрдамдан ташқари аралашининг асосий категориялари қуйидагилар ҳисобланади:

**тинчликсеварлик** : адоватни тўхтатиш ва битимга эришиш мақсадида зарур бўлганда дипломатик, сиёсий ва ҳарбий чоралардан фойдаланган ҳолдаги аралашув;

**тинчликни қўллаб-қувватлаш**: битимнинг бажарилишини зарур бўлса куч ишлатиш йўли билан таъминлаш ва кузатиш;

**тинчликни барпо этиш** : узоқ муддатга мўлжалланган барқарорлик ва адолатни таъминлаш мақсадида конфликт сабаблари ва ўтмиш аразларини йўқотиш бўйича дастурни амалга ошириш<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, конфликтнинг тугатилиши деб барча қарама-қарши курашувчи томонларнинг ўзаро ҳаракатларининг тўхтатилишига айтилади.

Конфликтнинг ички тизим чегаралари - ҳар қандай конфликт муайян тизим ичида: оилада, хизматдошлар гуруҳида, давлатда, халқаро ҳамжамиятда бўлади. Ички тизим алоқалари мураккаб ва турличадир. Бир тизимга кирувчи тарафлар ўртасидаги конфликт жуда чуқур, кенг кўламли ёки қисман ва чекланган бўлиши мумкин. Давлатлараро конфликтларда кескинлашган ўзаро муносабатларнинг ёйилиб кетиши, тарқалиш хавфи фақат худудда эмас, шунингдек ижтимоий, миллий, сиёсий жиҳатдан ҳам кучайиши ҳамда бундай конфликт жамиятнинг энг кенг қатламларини ҳам қамраб олиши мумкин.

Конфликтнинг ички тизим чегараларини аниқлаш унинг барча иштирокчиларининг ичидан айнан конфликтлашувчи тарафларни аниқ ажратиб олиш

---

<sup>1</sup>Қаранг: Работа с конфликтом: навыки и стратегия действия. Лондон, Конфликтологический центр, 2001 .С.36.

билан узвий боғлиқдир. Бевосита қарама-қарши курашувчи тарафлардан ташқари конфликт иштирокчилари бўлиб конфликтга тўғридан-тўғри аралашмаган унинг қизиқтирувчилари, ёрдамчилари, ташкилотчилари каби шахслар, шунингдек, конфликтлашувчи шахсларнинг маслаҳатчилари, тарафдорлари ва рақиблари, ҳакамлик судьялари ҳам бўлишлари мумкин. Бу шахслар ёки ташкилотларнинг барчаси тизим элементлари саналади. Шундай қилиб, тизимдаги конфликт чегаралари унга жалб этилган иштирокчилар доирасининг катта-кичиклиги билан белгиланади. Конфликтнинг ички тизим чегараларини аниқлаш бўлаётган жараёнларга таъсир қилиш, хусусан, тизимни бузилишдан сақлаш учун муҳимдир.

### § 3. Конфликт сабаблари ва мотивлари

**Жамиятдаги сабабий боғлиқлик.** Ижтимоий муҳитда сабабийлик кўп мураккаблик ва чалкашлик билан характерланади. Ҳар бир ижтимоий ҳаракат турлитуман ва аксарият ҳолларда зиддиятли ҳодисаларни келтириб чиқаради. Конфликтларнинг асл сабабларини аниқлаш эса, ҳодисалар ва кишилар ўртасидаги ўзаро алоқадорликнинг бутун занжирини чуқур таҳлил қилишни тақозо этади.

Турли конфликтлардаги тарафлар ҳатти-ҳаракатлари сабабларини таҳлил этишда уларнинг одатда ўз манфаатларини қондиришга бўлган интилишларидан иборат эканлигини тушуниш қийин эмас. Фараз, ўч олиш, ҳасадгўйлик, кўролмаслик, носамимийлик, араз, қабул қилинган қарордан қониқмаслик, бугунги кунда ёки келгусида ўзини моддий жиҳатдан таъминлашга бўлган интилиш суд амалиётида учраб турадиган турмуш конфликтлари сабабларининг аксарияти ҳисобланади. Гуруҳий конфликтларнинг мотивлари ҳам булардан фарқланса-да, улар ҳам ўзига хос хилма-хил, масалан, иқтисодий қийинчиликлар, сиёсий эҳтирослар, раҳбарликка интилиш, миллий ғурур ва ш.к. Халқаро майдонда давлатлар ҳатти-ҳаракатлари мотивлари ҳам шу каби турлича бўлиши мумкин. Аслини олганда конфликтлар сабаблари ҳозирги ҳаётнинг бутун мураккаблигини акс эттиришга қодир. Айтиш жоизки, “Конфликт таҳлили қуйидагилар :

- вазият сабаблари ва тарихини, шунингдек, жорий ҳодисаларни тушуниш ;
- фақат асосий ёки аниқ кўриниб турган тарафларни эмас, балки конфликтга жалб қилинган барча иштирокчи (гуруҳ)ларни аниқлаш ;
- барча бу иштирокчи(гуруҳ)ларнинг нуқтаи назарлари ва уларнинг ўзаро муносабатларини билиш ;
- конфликт негизида ётган омиллар ва тенденцияларни аниқлаш ;
- мувафакқиятсизликлар ва ютуқлардан тегишли хулоса ва сабоқлар чиқариш учун зарурдир.

Конфликт таҳлили бу бир марталик тадбир эмас, у ўзгарувчан омиллар, динамика ва шароитларга ҳаракатларни мослаштиришга ёрдам қилувчи доимий жараён бўлиб қолиши керак.»<sup>1</sup>.

Бироқ, индивидлар ва ижтимоий гуруҳлар ҳатти-ҳаракатларининг (сабаблари) мотивлари конфликтларнинг чуқур сабаблари бўла олмайди, чунки бу мотивларни ўзи ҳам изоҳ талаб этади. Инсон ташқи вазият ўзгаришларига бефарқ бўлмай, ўзгариб боради; ўз навбатида психологик омиллар иқтисодий ва сиёсий жараёнларнинг боришига таъсир ўтказиши мумкин. Ижтимоий онг тафаккур, ҳиссиётлар, эҳтиёжлар, мотивлар, манфаатлар орқали намоён бўлади, бундан эса, муайян кишиларнинг фикрлари,

<sup>1</sup>Қаранг: Работа с конфликтом: навыки и стратегия действия. Лондон, Конфликтологический центр, 2001. С.40.

мавкеи, ҳаракатлари, эҳтиёжлари, хулқ-атвори шаклланади. Бунда айнан ҳиссий даражада қайд этиладиган ва гуруҳлар, жамоаларнинг ҳатти-ҳаракати, хулқ-атвори, нуқтаи назари сифатида умумлашадиган ижтимоий онгнинг индивидуал ифодаланиш турли шаклларида маънавий соҳадаги зиддиятлар ошкора ва кескин кўринишда намоён бўлади, борлиқ зиддиятлари акс этади.

Умуман кенг кўламли конфликтли вазият жамиятдаги ижтимоий тарқок жараёнларнинг кечиши ҳақида, муайян жамиятнинг барқарорлигини ёки ҳудудий яхлитлигини таъминловчи муҳим ижтимоий тузилмаларнинг қисқа муддатли ёки узок давом этадиган кўп ёки кам даражадаги, баъзан эса тузатиб бўлинмайдиган дезинтеграцияси ҳақида гувоҳлик беради.

Ҳозирги замон жамиятида конфликтлар оқибат натижада объектив мавжуд ижтимоий зиддиятларнинг туғилиши ва намоён бўлишидан иборат.

Бундай нуқтаи назар марксча назарияда кенг ишлаб чиқилган. К.Маркснинг фикрича, жамият қотиб қолган эмас, синфий кураш орқали у доимо ўзгаради. Бундай жамият ишчи синфи томонидан ўзининг қарамлик ҳолатини англаб борган сари кўпроқ зиддиятлашиб бораверади, токи ижтимоий инқилоб содир бўлиб, эксплуататор синфни кулатмагунча. Бундай жараён умумжаҳон характериға эға ва вақти келиб синфсиз жамиятға олиб келиши муқаррар.

Ижтимоий-тарихий жараённи бундай тушуниш баъзилар томонидан жиддий асослантирилган эътирозларға сабаб бўлади. Маркс ижодий меросини ўрганувчи баъзи тадқиқотчилар шу нарсаға эътибор берадиларки, бу маънодаги синфий конфликтға унинг турли хил ҳатти-ҳаракат шаклларини назарий таҳлил этмасдан қаралган. Баъзи олимлар эса, унинг таълимотида синфлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни мутлақлаштиришни кўрганлар.

М.Вебер эса конфликтларнинг пайдо бўлишини фақат камбағаллик ва бойлик тафовутларига боғлиқ деб ҳисобламайди. У нотенглик хусусиятиға караб эътибор, ҳурматнинг турли даражада бўлиши, бир хилда бўлмаган обрў, мавке, мақомли гуруҳлар тушунчасини киритган. Бунда Вебер турли гуруҳларнинг моддий ва ғоявий манфаатлари билан диний онг ўртасидаги боғлиқликни кўрсатиб ўтган.

Р.Дарендорф эса айнан синфларни конфликтлашувчи ижтимоий гуруҳлар деб ҳисоблаган. Унинг фикрича, синфий конфликт жамият характери билан белгиланади. Конфликт одатда иқтисодий муносабатлар билан эмас, балки бошлиқлар ва бўйсунувчилар ўртасидаги муносабатлар орқали вужудға келади, унинг бош сабаблари кишиларнинг бир-бирлари устидан ҳукмронлиги, ҳокимиятға эса бўлишларидир. Конфликт учун асос фақат ишчилар устидан тадбиркорлар ҳокимиятининг ўрнатилиши эмас, конфликт бошқарувчилар ва бўйсунувчилар мавжуд бўлган ҳар қандай ташкилотда пайдо бўлиши мумкин (касалхонада, ҳарбий қисмда, университетда ва ҳ.). Дарендорф ўзининг «Индустриал жамиятда ижтимоий синфлар ва синфий конфликт» номли машҳур асарида объектив «яширин» ва англашилган «ошкора» манфаатларнинг мавжудлиги ҳақидаги хулосани чиқариш учун Маркснинг кўп назарий хулосаларидан фойдаланган. Синфлар, унинг фикрича, қачонки «яширин» манфаатлар «ошкора» манфаатларға айланганда вужудға келадилар.

Ҳозирги замон олимларидан Пьер Бурдьё эса ҳозирги конфликтларнинг ривожланиш хусусиятлари устида фикрлаш учун амалий тавсиялар беради. Унинг фикрича, синфлар тўғрисидаги марксча назариянинг камчилиги объектив мавжуд тафовутлар мажмуини эътиборға олмаслик, ижтимоий борлиқнинг фақат иқтисодий майдон билан чеклаш натижасидир.

К.Боулдинг, Л.Крайсберг, М.Крозьелар фикрича, конфликтнинг ўзи турли хил мақсадларға интилувчи гуруҳларнинг қарши курашидан иборат. К.Боулдингнинг таъкидлашича, ҳамма конфликтлар умумий элементларға ҳамда ривожланишнинг

умумий меъёрларига эга бўлади, бу элементларни ўрганиш конфликт ҳодисасини унинг исталган кўринишида ўрганиш, тасаввур қилишга имкон беради.

Демак, конфликтларни тушунишда ва асослашдаги асосий ёндашувлар йирик ижтимоий уюшмалар ўзаро муносабатларининг хусусиятларини кўриб чиқиш доирасида шаклланганлигини кўришимиз мумкин.

**Нотенглик конфликт манбаи сифатида.** Ижтимоий нотенгликнинг асосий белгилари бўлиб мулкчилик, ҳокимият, мақом муносабатларидаги фарқлар ҳисобланади. Бу хусусиятлар у ёки бу даражада жамиятнинг ижтимоий-синфий тузилмасида акс этади, ижтимоий гуруҳлар, индивидлар ўртасидаги муносабатлардаги нотенглик бўлиб намоён бўлади. Ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий нотенглик билан ижтимоий гуруҳлар ва индивидларнинг ҳаёт тарзида, маданиятида, руҳиятидаги муҳим фарқлар ҳам боғлиқ бўлади.

Моддий ва маънавий бойликларни яратиш, уларни айирбошлаш ва тақсимлаш юзасидан бўладиган ижтимоий ҳаракатлар ижтимоий гуруҳлар ўртасида тангликка, муайян шароитларда эса очик конфликтга олиб бориши муқаррардир.

Сўнги ўн йилликларнинг тарихий тажрибаси шундан гувоҳлик берадики, давлат социализми хусусий мулкчиликни ва синфларнинг ижтимоий нотенглигини бутунлай тугата олмади. У жамиятни ижтимоий конфликтлардан ҳам қутқара олмади.

Бугунги кунда бозор иқтисоди ишлаб чиқариш тизимининг энг яхшиси ҳисобланади, бироқ унинг афзалликлари инсонпарварлик характерига эга бўлиши учун демократик давлат бозор иқтисоди вужудга келтириши мумкин бўлган инсонни қулликка солиш ва бегоналаштириш типик шакллари юмшатиш масъулиятини ўз зиммасига олиши керак. Амалда бу давлат томонидан даромадларни йўқсиллар фойдасига қайта тақсимлашни, прогрессив солиққа тортишни жорий этишни англатади. Бундай қайта тақсимлашнинг механизми ва воситалари турли йўллар билан ишлаб чиқилган ва амалга оширилган: музокаралар, келишувлардан то конфликтларгача. Бироқ, келажакда конфликтларнинг бўлиши исталмаган нарса, чунки бу ўзаро ижтимоий талофатлар билан кечади. Юридик адабиётларда бу хусусда билдирилган баъзи фикрларга кўра, «Микродаражадаги шахслар ўзаро таъсирдан бошлаб то гуруҳлар, ташкилотлар, жамоалар ва миллатлар орқали инсоний ўзаро таъсирнинг барча типларигача, шу жумладан, ижтимоий, иқтисодий муносабатлар ва ҳокимиятнинг тақсимланиши масалалари - буларнинг ҳаммаси конфликт орқали ривожланади, ўзгаради ва содир бўлади. Конфликт бу муносабатларда мувозанат йўқлиги сабабли юзага келади, масалан, нотенг: ижтимоий мақом, иқтисодий аҳвол, бойликка эгаллик ёки ҳокимиятнинг тақсимланиши. Булар ўз навбатида камситилиш, ишсизлик, камбағаллик, жиноятчилик ва тазйиқ остида бўлишлик каби муаммоларга олиб келади. Бу даражаларнинг ҳар бири бошқалари билан алоқадор ва келгусида ижобий ўзгаришларга ёки бузғунчи зўрликка олиб келувчи қудратли «шоҳобча»ни шакллантиришга қодирдир»<sup>1</sup>.

Шуни таъкидлаш лозимки, жамиятда катта ижтимоий гуруҳларнинг нотенглиги билан боғлиқ конфликтларни бутунлай бартараф қилишнинг самарали усуллари мавжуд эмас. Биринчидан, инсоният тарихи шуни кўрсатадики, ижтимоий нотенглик доимо қарор топаверади. Даврий тарзда такрорланадиган инкилоблар нотенгликни амалга оширилиши типлари, шакллари ва методларини кўп даражада ўзгартиради, бироқ уни йўқотишга қучи етмайди. Ҳар қандай жамиятда доимо турли ижтимоий гуруҳлар ўртасида манфаатлар конфликти, ҳеч бўлмаганда ҳаётини муҳим ресурсларга эга бўлиш ёки улардан фойдаланишга бўлган ҳуқуқ учун кураш мавжуд бўлган ва

<sup>1</sup>Қаранг: Работа с конфликтом: навыки и стратегия действия. Лондон, Конфликтологический центр, 2001. С.24.

бундай кейин ҳам бўлади. Бу кураш унинг объекти бўлган ресурсларни вақт чегараларига боғлиқ равишда давом этади.

**Манфаатлар ва эҳтиёжлар.** Ижтимоий конфликтлар табиатини тушуниш манфаатлар қарама-қарши курашини таҳлил қилишдан иборат қадимий анъанага эга.

Турли-туман конфликтларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, курашувчи тарафлар хатти-ҳаракатининг негизида қандайдир аниқ сабаблар ётмасин, улар тарафлар манфаатига бориб тақалади, конфликт бўлганда бу манфаатлар қарама-қарши ёки бир-бирини истисно қилади. Гитлер Германияси ўзга давлатлар ерларини эгаллашга интилган, Европа мамлакатлари эса мустақилликка интилганлар. Ўғри бировнинг мулкини ўғирласа, мулкдор уни ҳимоя қилади. Эр-хотинлар пул масаласида жанжал қиладилар, уларнинг ҳар бири оила маблағидан мустақил фойдаланишга ҳаракат қилади ва улар ўз манфаатларини маъқуллаб ўзини ҳақли деб ҳисоблайдилар.

Конфликт асослари сифатида манфаатларни таҳлил қилишда баъзи тадқиқотчилар унга яқин турган ижтимоий ва руҳий ҳодисаларга эътиборни қаратадилар, яъни манфаатни узвий келтириб чиқарувчи ҳодисаларга. Масалан, бирор нарсанинг танқислиги ҳолатини асословчи эҳтиёжлар категорияси, бунда организм(шахс, гуруҳ, жамият) шу етишмовчиликни тўлдиришга ҳаракат қилади. Эҳтиёж манфаатни келтириб чиқаради, манфаат бу англашилган эҳтиёж, баъзида эса, уни қаноатлаштиришнинг англашилган йўли ҳамдир.

К.Ледедернинг фикрича, ижтимоий конфликт инсон эҳтиёжларининг бутун мажмуини номутаносиб қаноатлантириш ёки унга путур етказиш натижасидир.

Хавфсизликка, тан олинишга, ўхшашликка, ижтимоий мансубликка ва шу кабиларга булган эҳтиёжлар фақат алоҳида индивидга эмас, балки ижтимоий гуруҳларга, этник уюшмаларга, бутун жамиятга ва давлатларга хос. Ж.Бертоннинг фикрича, «асосий инсоний эҳтиёжларни тўлиқ қаноатлантирадиган ташкилий интилишлар, ҳаракатлар конфликтни ҳақиқий яқунланишига олиб келиши мумкин». Шу муносабат билан кўп муаллифлар конфликтнинг психологик сабаби деганда асосий инсоний эҳтиёжларнинг бирортасига таҳдид солиш(фрустрация)ни тушунадилар. Конфликтда курашувчи тарафлар ўз мақсадлари сари ҳаракат қиладилар, бироқ, бу мақсадларга бир вақтнинг ўзиде икки томоннинг бир-бирларига зарар етказмасдан туриб эришишлари истисно қилинади.

**Депривация концепцияси.** Йирик ижтимоий коллизиялар сабабларини аниқлаш учун депривация деб аталадиган концепциядан фойдаланиш мумкин. Бунда гап шундай ҳолат тўғрисида кетадики, бу ҳолат учун талаблар ва уларни қондириш имкониятлари ўртасидаги яққол фарқланиш хосдир. Вақт ўтиши билан депривация кучайиши ёки камайиши ёхуд ўзгармасдан қолиши мумкин. Депривациянинг кучайиши бир томондаги талаблар (кутилаётган натижалар), иккинчи томондан, уларни қаноатлантириш имкониятлари ўртасидаги нисбатга боғлиқ. Депривациянинг ўсиши, биринчидан, шаклланган талабларнинг имкониятларини камайишида рўй бериши мумкин, масалан, иқтисодий кризис шароитида. Бундай шароитда талаблар қуйидаги формула билан белгиланади: «фақат ёмон бўлмаса бўлди». Иккинчидан шундай вазият булиши мумкинки, бунда кутилаётган натижалар, талаблар уларни қондириш имкониятларидан кўпроқ ўсиб боради. Мана шунда депривация кучаяди ва демак, конфликтларни вужудга келиш эҳтимоли кузатилади.

Депривация барқарор даражасининг сақланиши ёки унинг камайиши эҳтиёжларни қондириш шароитида талаблар(кутилаётган натижалар) даражасининг пасайиши ёки кутилаётган натижаларга нисбатан талабларни қондиришнинг жуда тез ўсиши шароитида юз бериши мумкин, бу эса жамиятда ахлоқий-психологик муҳитни барқарорлаштириш, кескинликни юмшатишга имкон берувчи руҳий шарт-шароитни

яратади. Ва аксинча, депривациянинг кучайиши ижтимоий тангликни ортишига, очик ижтимоий, сиёсий ва этник конфликтларни вужудга келишига олиб келади.

**Иррационал элементлар.** Конфликтларнинг пайдо бўлишида ижтимоий субъектлар манфаатларининг тўқнашувига олиб келган у ёки бу объектив сабабларни аниқлаш мумкин. Масалан, бир аёлни севувчи икки эркак ўртасидаги конфликт ёки транспорт вазирлиги билан фермерлар ўртасидаги уларнинг ҳудудида автомагистрал қурилишидан келиб чиққан тўқнашув объектив шаклланган вазиятдан қонуний тарзда келиб чиқувчи зиддиятларга асосланади, бу вазиятда ҳар қайси тарафнинг ҳақиқий эҳтиёжидан тўқнашади.

Бироқ жамиятда зиддиятлар ва демак, конфликтлар ҳам жуда кўп учрайди, уларнинг ҳаммаси ҳам бирор жиддий сабаблар билан боғлиқ эмас, балки одамларнинг асл эҳтиёжлари ва мақсадларига тўғри алоқадор бўлмаган субъектив омиллар ва кишиларнинг характерлари, кайфиятлари, оддий, арзимаган инжиқликлари каби сабаблар билан ҳам зиддиятлар юзага келиши мумкин.

Бундай «субъектив» зиддиятлар оилада, хизматда ва бошқа ишларда доимий мулоқотда бўлишга мажбур бўлган айрим индивидумлар ўртасида тез-тез содир бўлиб туради. Бу зиддиятлар жуда майда, бошқа кишилар назарида арзимайдиган, сохта бўлиши мумкин, бироқ характер хусусиятларига кўра нормал ўзаро муносабатлар учун енгиб бўлмас тўсиқлар бўлиши мумкин. Психологларнинг таъкидлашича, характер ёки хулқ-атворнинг энг таъсирчан жиҳатлари бўлиб, меъёрдаги, табиий сифатлар бўлиши, бироқ бундай сифатлар бошқа одамларда бўлмаслиги мумкин: пунктуаллик, тежамкорлик, аниқлик, сабрлилик ва б.

Бошқа бир одамнинг кийиниш одати ёки овқат ейиш усули ҳам норозиликни юзага келтириши мумкин. Кўпинча темперамент, таъсирланишнинг тезлигида фарқланувчи кишилар ўртасидаги тўқнашув-ларни тушуниш қийин бўлади. Ниҳоят, конфликт сабаби бўлиб кимнингдир шунчалик таъсирчанлиги, ахлоқона қилиғи бўлиши мумкин.

Конфликт ҳақидаги одатдаги фикр шундан иборатки, конфликт доимо ўз манфаатларини оқилона қўллаб-қувватловчи кишилар ўртасидаги мантиқан тушуниладиган зиддиятдир.

Бироқ, даставвал бундай тушунишга мутахассислар томонидан кузатиладиган кўп омиллар қарама-қарши туради. Масалан, оилавий жанжалда эр зиддиятни иложи борича юмшатишга ҳаракат қилиб хотинига ён босади, аёл эса, эрнинг бундай ҳаракатини «бежиз эмас» деб тушуниб, баттар «тўғни тескари кийиб олади» ва конфликт янги куч билан авж олади. Давлатлараро музокараларда бир тараф унга биринчи сўз берилмагани учун ўзини ҳақоратланган (камситилган) деб билади ва музокаралар узилади. Мана шунга ўхшаш конфликтлар сабабларининг мураккаблигини тасдиқловчи шу каби кўп мисолларни келтириш мумкин, бироқ булар ҳар доим ҳам қатъий мантиқий тузилма (реконструкция)да эътиборга олинавермайди ва кўпинча йўқотиб бўлмайдиган иррационал элементлари билан кечади, бу эса, конфликтнинг индивидуал ўзига хослигини ташкил қилади ва уни оддий воситалар билан ҳал қилишга йўл қўймайди.

Бу, айниқса, милатлараро конфликтларда кўринадики, бу конфликтлар одамлар ҳатти-ҳаракатининг пухта ишлаб чиқилмаганлиги, оқилона эмаслиги (иррационал бўлиши), деструктив (бузғунчи) характердаги ҳиссиётларнинг устун келиши оқибатида бошқара олинмайди ва мабодо улар кенгайиб, авж олса, ҳақиқий ҳалокатга айланиши мумкин.

Психотерапевтик амалиётдан маълумки, одамнинг мулоқот жараёнида содир этадиган хулқ-атвори, ҳаракатининг ноаниқлиги, бошқа кишиларда асабий реакцияни туғдириши мумкин ва конфликтларга олиб келиши мумкинки, булар гўё бошқа

шахсларга бутунлай бемаъни ва сабабсиздек бўлиши мумкин. Шу билан бирга барча муаммо муносабатларнинг тартибга солилмаганлигида ва чалкашлигида, психологик жиҳатдан «турли тилда» эканлигидадир.

Шахсий конфликтда иррационал элемент, агар унда руҳий касал ёки ақли норасо шахс иштирок этса, унинг ҳақиқий асл сабаби бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бундай ҳолатлар кам эмас. Биз бу ерда шахснинг ички конфликтлари устида тухталмаймиз, айти вақтда миллий ёки диний ҳислар билан қўзғалган омма орасида баъзан конфликтни кучли кескинлаштиришга қодир одамларнинг ҳозир бўлиб қолишини ёдимиздан чиқармаслигимиз керак. Шу боис комплекс фан бўлган конфликтология шундай кам аҳамиятли бўлган ҳолатни эътиборга олиш лозим.

Ўз-ўзидан тушунарлики, «объектив» ва «субъектив» зиддиятлар, шунингдек «иррационал» элементлар деб аталган нарсалар реал ҳаётда қатъий чегараларга эга эмас ва бу ерда конфликтли хулқ-атвор сабабларида бўлиши мумкин бўлган вариантлар доирасини кўрсатиш учун жуда шартли қилиб белгиланади. Ҳамма ҳолларда биз у ёки бу тарзда кишилар манфаатлари билан иш кўрамыз, бу манфаатлар кўп ёки кам аҳамиятли, барқарор ва ўзгарувчан, ошқора ёки яширин бўлиши мумкин.

**Зиддиятлар даражаси.** Зиддиятларнинг «объективлиги» ва «субъективлиги»ни уларнинг икки хил даражадаги манфаатлар билан боғлиқлигини эътиборга олганда турли нуқтаи назардан тушуниш мумкин. Содда қилиб айтганда бундай бўлиш у ёки бу ташқи фаолиятдаги эҳтиёжлар билан ёки мустақилликка, ўз-ўзини сақлаб қолишга, ўз-ўзини ҳурмат қилинишига бўлган эҳтиёжлари билан боғлиқ.

Одамлар ўртасидаги жиддий тўқнашувга қатор ҳолатлар сабаб бўлиши мумкин, масалан, икки одам ресторанда битта столга даъво қилади, урушлар икки давлатнинг бирор ҳудудда ўз таъсирини сақлаб қолиш ёки бирининг иккинчиси устидан ҳукмронлигини ўрнатиш, ўз мустамлакасига айлантиришга бўлган интилишидан келиб чиқади.

Юқоридаги икки ҳолатда моҳият бўйича турли даражадаги манфаатлар тўқнашади. Биринчи ҳолатда ҳар қайси субъект ўзининг хусусий манфаатидан келиб чиқиб, ўзига ҳалақит бераётган бошқа субъект билан курашади. Иккинчи ҳолатда озодлик, дахлсизлик, асосий ҳуқуқларни ҳурмат қилинишини сақлаш билан боғлиқ мотивлар аҳамиятли. Инсон учун муҳимроғи бу унинг индивидуал эркинлиги, жисмоний дахлсизлиги, шаъни ва қадр-қиммати бўлса; давлат ёки миллат учун эса, мустақиллиги, ҳудуди ёки чегарасининг дахлсизлиги, жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида тан олинishi муҳимдир. Бундай манфаатлардаги зиддиятларнинг энг кескин ифодаланиши - бошқа ижтимоий субъект билан тўлиқ мос келмаслик ва уни йўқ қилиш учун курашиш ҳисобланади.

Юқорида гап ижтимоий зиддиятларнинг даражалари ҳақида борадики, бу даражалар тарафларнинг манфаатлари қанчалик муҳимлигини фарқлайди. Зиддиятларни даражаларга ажратиш уларнинг бир биридан қанчалик чуқурлигига қараб фарқланишини кўрсатади. Бу эса, субъектнинг конфликтга жалб қилинганлиги даражасини, конфликтни ҳал қилиш имконияти ва усуллари белгилаб беради.

#### **§ 4. Шахсни ҳуқуқий бегоналаштириш**

**Бегоналаштириш феномени.** Инсонлар ўз меҳнатлари натижалари, ўзлари тўплаган моддий ва маънавий бойликлар, эришган ютуқлари нафақат уларнинг ўзларидан ажралиб узоқлаша боришини, шу билан уларни ўзларига бўйсундириб худди ўз хусусий ҳаётига эга бўлишаётганини пайқай бошлаганларида ижтимоий ҳаёт алоҳида олинган инсон ҳаёти билан бутун жамият ютуқлари ўртасидаги фарқланишни, номувофиқликни тасдиқловчи

кўплаб мисолларни намоён эта бошлаган вақтда ижтимоий-сиёсий адабиётда бегоналаштириш муаммоси тадқиқотчилар диққат марказида турган. Бадиий шаклда бу муаммо ака-ука Гриммлар, Гофман асарларида, айниқса, австриялик ёзувчи Густав Майринканинг “Голем” номли фантастик романида аниқ шаклда ифода этилган. Бу асарда XVIII асрда бўлиб ўтган воқеа тарихи баён қилинган, бир коҳин сунъий одамни ясайди, у ибодатхонада кўнғироқ чалғувчилик қилиши ва турли оғир ишларни бажариши керак эди. Голем шундай ясалган эдики, унинг тишлари билан тутиб турувчи қоғозга сеҳрли сўзлар ёзилган бўлиб, бу ёзув унинг ишлаш қобилиятини таъминлар эди. Бир куни кечки ибодатдан сўнг коҳин Голем оғзидаги қоғоз бўлагини олиб қўйишни ёдидан чиқаради, у эса, итоаткорликдан чиқиб, қоронғи кўчалар бўйлаб югуриб кетади, йўлида ўзига дуч келганларни ўлдиради. Австриялик муаллиф китобида воқеа нисбатан яхши яқунланади. Коҳин Големни қувиб етади ва қоғоз бўлагини йиртиб ташлайди, бу унинг ҳалокати эди. Булгаковнинг “Ит юраги” асарида ҳам шу мазмундаги воқеа баён этилади. Афсуски, ҳаётда инсонларнинг ўзлари томонидан ўз фаровонликларига хизмат қилиш учун яратган нарсаларини жиловлашга осонликча эришиб бўлмайди.

Бегоналаштириш муаммосини назарий жиҳатдан кўтариш масаласи Янги давр мутафаккирлари асарларида муфассал ёритилган. Улар ўз замондошларининг эътиборларини ижтимоий муносабатлар соҳасига, буржуа ижтимоий муносабатларининг қарор топиши жараёнига қаратдилар. Ж.Ж.Руссо фикрича, жамият одамларни бузади ва маънавий қашшоқ қилади. У инсон фаолияти маҳсулидан инсонларга қарама-қарши турувчи кучга айланади. Табиий жараёнлар дастлаб ҳукмронлик қилган даврда эркин ва қарам бўлмаган инсонлар ижтимоий муносабатларнинг шаклланган тизими таъсирга тушиб қоладилар, ўзига ўхшаганлар кулига айланиб қоладилар. Инсонни бундай бегоналаштириш ҳолатидан чиқиб кетиши учун Руссо “ижтимоий шартнома” тузиш зарур деб билади, яъни фуқароларнинг бундай битимга ихтиёрий риоя этишлари аввалги тенглик, эркинлик ва мустақилликни қайтаришга имкон беради.

“Ижтимоий шартнома” назарияси катта сиёсий таъсирга эга бўлди, ижтимоий тартибсизликни жиловлашга, ижтимоий муносабатларни барча инсонлар ва табақалар манфаатларига бўйсундиришга бўлган умидни уйғотиб, илк буржуа муносабатлари даври илғор мутафаккирларини руҳлантириб юборди. Бироқ, товар муносабатларининг ривожланиши назарий концепциялар ва сиёсий шиорлардан мустақил ва қатъий тарзда юз ўгира бошлади. Алоҳида шахслар ва синфларнинг хусусий иқтисодий манфаати жамиятни адолат ва тафаккур асосида қуришга бўлган ҳар қандай уринишларни чиппакка чиқарди. “Ижтимоий шартнома” назариясининг бегоналаштиришни энга олмаслиги ва унинг табиатини тушунтира олмаслиги ойдин бўлиб қолди.

Бу муаммони ҳал қилишга йўналтирилган кейинги назарий уринишлар немис классик фалсафаси билан боғлиқ бўлди. Бу ерда бегоналаштириш феноменига одамнинг фаол табиатига хос ички хусусият сифатида қаралди. Немис классик фалсафаси бегоналаштиришни энгишнинг амалий йўлларини кўрсатиш ўрнига унинг табиатини тушунтиришга ҳаракат қилди. Фихтенинг фикрича, инсон моҳиятига кўра ўз-ўзини англаш ёки соф “Мен” дир бўлиб, у ўз фаолиятида предмет, яъни “Мен эмас”ни бегоналаштиради. Бу Фихтенинг предметлиликни асослаши ўзига хос тарзда бегоналаштиришни англатади.

Гегел фалсафасидаги бегоналаштириш муаммоси ҳам эътиборга лойиқ. Бу ерда бегоналаштириш муаммоси, биринчидан, табиат ва жамият тарихида



абсолют руҳнинг ифодаси сифатида, иккинчидан, бегоналаштиришнинг тарихан ўтқинчи шакллари муаммоси сифатида талқин қилинади.

У ўзининг “Руҳ феноменологияси“, “Ҳуқуқ фалсафаси“, “Эстетика“ асарларида рим жамияти, крепостнойлик ва ҳозирги замон буржуа ҳуқуқий ҳолати шароитларида бегоналаштиришнинг тарихий шакллари фарқланишига эътиборни қаратди, шу билан жамият тарихий тараққиёт қонунияти ва ундаги бегоналаштириш жараёни муаммосини илгари сурди.

Бегоналаштириш муаммосига бўлган янги қараш К.Маркс томонидан шакллантирилди.

Шуни айтиш жоизки, К.Маркс немис классик фалсафаси томонидан муаммонинг ҳал этилишини яхши билган ҳолда унинг бегоналаштириш муаммосини ҳал қилишга қўшган ҳиссасини юқори баҳолади. У бу муаммога назарий-мантиқий даражада эмас, балки ижтимоий тузилманинг амалий масаласи сифатида қараш муҳимлигидан келиб чиқди.

Маркснинг дастлабки асарларида бегоналаштириш ҳолати меҳнат тақсимоти хусусиятлари ва хусусий мулкчиликнинг ҳукмрон шакллари билан узвий боғлиқликда тушунтирилди. Бегоналаштириш муаммоси, энг аввало, меҳнатни бегоналаштириш муаммоси сифатида тадқиқ этилди. Маркс ўзига замондош бўлган жамиятда (бу жамиятни у ишлаб чиқариш воситалари билан ёлланма ишчи ўртасидаги антогонистик муносабат-ларга қурилган жамият деб ҳисоблаган) ишчилар меҳнат фаолиятига мажбурий ташқи жараёнга бўлгандек муносабатда бўлишлигини қайд этади, унда ишчи “ўз жисмоний ва маънавий энергиясини тўла намоён қила олмайди, балки ўзининг жисмоний табиатини издан чиқаради ва ўз руҳини бузади“. Ишлаб чиқариш ва бутун жамиятни капиталистча ташкил этиш жиҳатидан ишчи нафақат меҳнат фаолияти жараёнидан, шу билан бирга унинг натижаларидан, ўз меҳнати маҳсулотларидан бегоналашган ҳисобланади. Улар ишчига эмас, балки алоҳида хусусий мулкдорга ёки умумий капиталист - давлатга тегишли бўлади.

Марксча ғояларни амалга оширишга қаратилган ҳаракатлар бегоналаштиришни йўқотишга олиб келмади. Аксинча, бу йўналишда унинг янги шакллари пайдо бўлди, уларнинг кўплари ўзининг ижтимоий оқибатларига кўра янада хавфлироқ эди. Инсон фақатгина ишлаб чиқаришдаги “винтча“ бўлиб қолмади. У ҳокимият учун курашувчи гуруҳлар ва айрим шахслар кўлидаги ўйинчоққа, ўзгалар эркини ижрочисига айланди.

#### **Бегоналаштиришнинг психологик ва ижтимоий табиати.**

Бегоналаштириш феномени доимо индивид ва жамият ҳаётида қайта ишлаб чиқиладиган. Бегоналаштиришни бартараф этиб бўлмаслик кўпчилик олимларнинг бегоналаштиришни тарихий ўтқинчи характери ҳақидаги ғоялардан воз кечишларига олиб келди. Машҳур рус файласуфи Бердяев бегоналаштиришни буюмларнинг ўз табиатига кўра бартараф этиб бўлмайди деган фикрга келган. Инсоннинг ижодкорлик моҳияти ҳамиша унинг тафаккури ва қўллари яратган асарларни унинг ўзидан ажралиб узоқлаб боришини келтириб чиқарган ва келтираверади, бу асарлар ўз мантиқи ва тақдири қонунлари бўйича мавжуд бўладилар. Ҳар қандай моддийлашган борлиқни Бердяев бегоналаштирилган борлиқ деб ҳисоблайди. Ижтимоийлик қатор ҳолларда муаммони янада кучайтиради. Инсонни бегоналаштириш ва инсонпарварлик инқирозини Бердяев инсон ва табиатнинг узвий бирлигини бузувчи техник тараққиёт ва ўзига замондош бўлган цивилизация билан боғлайди. “Буржуа цивилизацияси дунё ноқоинотлигининг чегарасидир. Унда инсон ички жиҳатдан ҳалок бўлади, ташқи жиҳатдан автоматлаштирилган инсон билан алмаштирилилади... Бироқ

цивилизациянинг техник кучлари инсоннинг ўзини устидан ҳукмронлик қилади, уни қулга айлантиради, унинг қалбини ўлдиради“.

Машҳур немис файласуфи Хайдеггер ҳам бегоналаштиришга ижтимоий муносабатлар мавжудлигининг атрибути, ички хусусияти сифатида қараган. Кундалик ташвишлар дунёсини, инсон қиёфасининг йўқолишини, унинг жамият функционал бирлигига айланишини ижтимоий хулқ-атворнинг бегоналаштирилган нормаларида инсон моҳиятининг эриб кетиши деб тушунтирган. У ижтимоий мулоқот воситалари ва нормаларидан фойдаланиб, ҳар биримиз бошқаларга тақлид қилиб ҳаракат қиламиз, ўқиймиз, кўрамиз, адабиёт ва санъат асарлари ҳақида фикр берамиз деб тушунтиради.

Психология фани нафақат бегоналаштириш мавжудлиги фактини инкор этиб қолмайди, шу билан бирга бу феноменни инсон ҳаётининг барқарор, узок мавжуд бўлувчи йўлдоши деб ҳисоблайди.

### **Шахсни ҳуқуқий бегоналаштиришнинг моҳияти ва шакллари.**

Фуқаролик жамияти амал қилишини тартибга солувчи ҳуқуқий институтлар ва нормалар тизими давлат фаолияти, бошқарув ва давлат тузилиши шакллари хусусиятлари ҳамда сиёсий режим билан бевосита боғлиқ. Ҳуқуқ фақат жамият иқтисодий тузумига боғлиқ бўлмасдан, балки ҳукмрон табақалар ва гуруҳларнинг сиёсий эрklarига, фуқаролар сиёсий маданиятига ва давлат фаолияти анъналарига қараб жиддий ўзгариб боради. Ҳуқуқ аҳолининг айрим гуруҳлари манфаатларини юридик жиҳатдан мустақкамлаб, иккинчи томондан бир вақтнинг ўзида унинг бошқа гуруҳлари эркинлигини чеклайди. Тарихий таракқиёт жараёни, бу ҳолатда одамлар манфаатлари ва эҳтиёжларининг вақт ичида ўзгариши жараёни ҳуқуқий бегоналаштириш имкониятини янада кўпроқ даражада кучайтиради. Шу боис ҳуқуқ тарихи ўз ҳуқуқини қўлга киритиш учун, ҳуқуқий ҳужжатлар ва қоидалар тизимида бегоналаштиришни бартараф этиш учун олиб борилган доимий кураш тарихидан иборат эканлиги тасодифий эмас.

Турли мамлакатларнинг сиёсий ва ҳуқуқий тизими билан танишиш бегоналаштириш феноменини сиёсий ва ҳуқуқий муносабатларнинг ҳар қандай тизумига хослигини кўрсатади. Кишиларнинг юридик ижоди маҳсули бўлган ҳуқуқий тизим ҳамма ерда муайян мустақилликка эга бўлади ва ўзининг бу сифатида жамият индивидлари ва айрим гуруҳларнинг ҳаётини манфаатлари ва ҳуқуқларини у ёки бу даражада бегоналаштириб фуқаро хулқ-атвори омили ролини ўйнай бошлайди. Бу жараёнда ҳуқуқий бегоналаштиришнинг умумий жиҳатлари, шакллари кўриш мумкин. Масалан, ҳар қандай мамлакат ҳуқуқининг негизи бўлиб муайян жамият ҳаётининг узок тарихи жараёнида шаклланган одат, ҳуқуқий анъана ҳисобланади. Ҳар бир алоҳида олинган ҳолда бу тарих ўзига хосдир, бироқ у ҳамма ерда сиёсий бошқарув ҳуқуқий шакллариининг халқ руҳиятига мос келиши каби ягона муаммони юзага келтиради. Бу шаклдаги ҳуқуқий бегоналаштириш ўзгаришларсиз қолмайди, унинг ўзгаришлари ҳуқуқий ҳужжатлар тизимида инсонлар манфаатларини расмийлаштиришнинг муайян аниқ жараёнларига таъсир этадилар. Ҳатто давлат сиёсий ривожланиш тарихига доир етарли тажрибага эга бўлмаган ҳолларда ҳам ҳуқуқий бегоналаштиришнинг бу шакли бошқа мамлакатлар одатлари ва анъаналарини ўзлаштириш кўринишида намоён бўлади.

Ҳуқуқий бегоналаштиришнинг кенг тарқалган шакли бу ҳокимиятнинг муайян институтлари ва ташкилотларида, мавжуд ҳуқуқий тизимдаги шахсни бегоналаштириш ҳисобланади. Ҳар бир аниқ ҳолатда индивид унинг ўзигача мукамал ишлаб чиқилган ва шу билан унинг эҳтиёж ва манфаатлари мустақиллигини бегоналаштирувчи ҳуқуқнинг тайёр тизумига дуч келади. Сиёсий-

ҳуқуқий институтлар амалдаги тизимининг ўрнатилган нормалари, тамойиллари, қоидаларининг муайян аҳволи шахсни ҳуқуқий бегоналаштириш даражаси ҳақида ҳулоса чиқариш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бу тизимдаги кичик ўзгаришлар бегоналаштириш ҳолатига жиддий таъсир этиши мумкин. Масалан, совет ҳуқуқий тизими давлат (партия) да муҳим раҳбарлик лавозимида бўлиш муддати чегараларини назарда тутмаган. Фарб мамлакатларининг ҳуқуқий тизимларида аниқ ёзиб қўйилган бу норма ҳозирги замон давлати (эски тузум парчаланиши натижасида қарор топган давлат) сиёсий ривожланиш хусусиятларига таъсир этиши мумкин.

Тарихий тажриба, ҳокимиятнинг бир томонлама узурпация қилиниши ва халқдан ажралиб қолиш жараёнларига қарши туриш институтларига эга бўлган жамиятда юз бераётган ўзгаришларни тез сезувчан сиёсий тизимлар ҳуқуқий бегоналаштиришнинг энг кескин шаклларини зудлик билан енга оладиган барқарор восита эканлигини кўрсатади. Фарбдаги сиёсий тизимлар жамиятнинг давлат-ҳуқуқий институтлари доимий такомиллашганлиги боис энг барқарор ҳисобланадилар.

Сиёсий ва ҳуқуқий қурилишда иштирок этиш жараёнида шахсни ҳуқуқий бегоналаштириш тўғридан-тўғри ва вакиллик демократияси ривожланиши билан боғлиқ. Фуқароларнинг митинглар ва намойишлар, иш ташлашлар ва норозилик ҳаракатларини амалга оширишга бўлган ҳуқуқ ва эркинликлари, бевосита демократиянинг бошқа шакллари ҳуқуқий бегоналаштиришга, унинг даражасини камайтиришга, жамият ҳуқуқий ва сиёсий ҳаётини ривожлантириш жараёнига фуқароларнинг бевосита дахлдорлик муҳитини яратиш орқали жиддий таъсир кўрсатади.

Ижтимоий ривожланишни тартибга солишда бевосита демократия шакллари орқали фуқаролар иштироки, шунингдек, шиддатли ижтимоий ўзгаришлар тарихий даврларида (инқилоблар, қайта қуришлар ва ҳ.) бундай иштирок этишга бўлган уринишлар даражаси энг юқори баҳоланади.

Аҳолининг аксарияти эрк-иродасини бевосита намоён бўлиши таъсирида жамият катта қадамлар билан асрлар мобайнида омма ташаббускорлигини бўғиб қўйган, уни давлат ишида иштирок этишдан бегоналаштирган нормалар, қонунлар, юриш-туриш қоидаларини рад этиб, янада юқори босқичга қараб ҳаракат қила бошлайди.

Шахсни ҳуқуқий бегоналаштиришни енгишда вакиллик демократияси шакллари ҳам ўз ижобий ролини ўйнайди.

Фуқароларнинг жамият ва давлат ишларида бевосита ва билвосита иштироки ҳуқуқий тизимнинг шаклланиши ва амал қилиши жараёнида юзага келадиган бегоналаштириш ҳолатини барҳам топтириш имконини беради.

Ҳуқуқ ижод этиш фаолияти натижалари шахсни ҳуқуқий бегоналаштириш омили бўлиши мумкин бўладиган вазият ҳаётда ўз табиатига кўра бошқача ҳолатлар асосида юзага келиши мумкин. Масалан, ҳуқуқий маданият паст бўлган жамиятда одамлар гарчи давлат томонидан кўп қонунлар қабул қилинсада, улар гўёки мавжуд эмасдек бўлиб кўринадиган вазиятга тез-тез дуч келадилар. Қонунлар мавжудлиги шароитида фуқаролар ўз кундалик ҳаётларида уларга риоя этмайдилар. Бундай ҳолатда одамлар прецедент, бошлиқ фикри, куч ишлатиш, таниш-билишлик ёки мажбурловни маъқул кўрадилар. Ҳозирда ҳам қонун матбуотда эълон қилиниши билан кучга кириши одатий ҳол бўлсада, бироқ фуқаролар улардан узоқ вақт давомида фойдалана олмайдилар, чунки тегишли мансабдор шахслар уларни қабул қилинган қонун бўйича юқори

турувчи органнинг тушунтириш ва шарҳларини кутишга “содда” тарзда ишонтирадилар.

Шахсни ҳуқуқий бегоналаштиришнинг турли шакллари ўзаро узвий боғланган, улар ўз бирлигида сиёсий ҳуқуқлар, эркинликлар ва мажбуриятлар майдонини ташкил этади. Бу ижтимоий тараққиётнинг ўткинчи бўлмаган ва доимий ўзгарувчан омилдир. Инсон фақат ўз ҳуқуқлари ва манфаатлари учун бўлган курашдагина жамиятда бегоналаштириш ҳолатини енгизиши ва истаган даражадаги эркинликни қўлга киритиши мумкин.

**Ҳуқуқий бегоналаштиришнинг конфликтлилиги.** Ҳар бир инсон вояга етганидан сўнг унинг ўзидан олдин ва унинг шахсий эҳтиёжлари, одатларини ҳеч бир даражада эътиборга олмаган тарзда шаклланган фуқаро хулқ-атвори нормалари ва қоидалари тизимини учратади. Бундай вазиятда инсон мавжуд ҳуқуқий тизимга мослашиши ёки уни ўз манфаатларидан келиб чиқиб ўзгартириши керак. Икки ҳолатда ҳам конфликтлар бўлиши эҳтимол, бироқ иккинчи ҳолатда эса, муқаррардир.

Тоталитар тип жамиятларда ижтимоий конфликтлар кам учрайдиган воқелик ҳисобланади. Бу ерда гап фақат ҳокимиятга қаршилик кўрсатишнинг ҳар қандай уринишларига нисбатан зўрлик ва мажбурлов ишлатиш ижтимоий “тинч-тотувлик”нинг кафолати бўлиб ҳисобланишида эмас. Бундай жамиятларда муҳитнинг ўзи ижтимоий муносабатларни меъёрда амал қилишининг қатор муҳим шароитларига эга бўлмайди. Бу ерда ижтимоий гуруҳларнинг умумий манфаатларини шакллантириш ва унга алоҳида индивидларнинг қўшилиш жараёнини таъминлай оладиган зарур ташкилий шакллар йўқ. Машҳур француз тадқиқотчиси А.Токвиль фикрича, гуруҳларнинг бирортаси ҳам қаршилик кўрсата олмайдиган марказлашган давлат ҳокимияти етакчи мавқега эришса ижтимоий конфликтлар “йўқолиб боради”.

Тоталитар тизимларда очиқ конфликтларнинг вужудга келишини ижтимоий ташаббус ва ўзаро ташкиллашув механизмларининг йўқлиги ҳам қийинлаштиради. Бундай тизимлар юқоридан санкцияланмаган ташаббус билан чиқиша олмайди. Бундай шароитларда сиёсий конфликтлар фақат давлат бюрократик аппаратининг ўзидаги элементлар ўртасида, унинг негизида юзага келиши мумкин. Ёпиқ жамиятда конфликтлилиқ ҳам ёпиқ характерга эга бўлади. Ҳокимият тузилмаларида юз берган конфликтлар ҳақидаги ҳақиқатни жамият улар тугаб бўлганидан сўнг маълум бўлган натижалар ва ижтимоий оқибатларга кўра била олади.

Ҳозирги замон тоталитаризмининг асосий хусусиятлари фақат фашистик режимлар учун хос бўлмаган, шунингдек улар аста-секинлик билан турли даражаларда деярли барча социалистик мамлакатларда амалда намоён бўлди. Бу ижтимоий конфликтлилиқнинг умумий аҳволига ҳам таъсир этди. Биринчи қарашда қарор топган социализмнинг узок тарихи давомида жамиятга жиддий ижтимоий зиддиятлар ва конфликтлар маълум бўлмагандек кўриниши ажабланарли. Ҳақиқатда улар кўп бўлмаган. Ҳозирда социализм мамлакатларида рўй берган йирик ижтимоий конфликтлар сонини бармоқ билан санаш мумкин. Бундай ҳолатнинг сабаби фақат социалистик тузумнинг ижтимоий хусусиятларидагина эмас, шу билан бирга ижтимоий конфликтга айланишга қодир бўлган норозиликнинг эркин намоён бўлишига сунъий тарзда тўсқинлик қилувчи тоталитаризмнинг ўзига хос хусусиятлари билан ҳам изоҳланади. Собиқ Иттифокда “ижтимоий уйғунлик” инсонлар онгига қудратли тарғибот аппарати воситасида таъсир этиш орқали эришилган.

Демократик жамиятда фақат тотувлик эмас, шунингдек конфликтлилик ҳам ижтимоий тараққиётнинг одатий ҳолатига айланади.

Демократик жамият ўзининг мустақкам яхлит бирлиги ва конфликтлар йўқлиги билан эмас, балки ўз ҳаракатчанлиги билан барқарордир. У нафақат ижтимоий конфликтларни барҳам топтиради, балки уларнинг эркин намоён бўлиши учун шароит яратади. Бироқ тоталитар тизимдаги конфликтлардан фарқ қилиб, улар қонун доирасидаги, қоида бўйича нисбатан тинч кечувчи конфликтлардир. Ижтимоий ўз-ўзини тартибга солиш ривожланган механизмларининг мавжудлиги демократик шароитда кўп даражада ижтимоий тўқнашувлар кескинлашувнинг энг сўнгги шакллариининг бўлмаслигини белгилайди. Илмий асосланган ва текширилган услублар бўйича музокаралар, келишувлар, мунозараларнинг муайян тартибини назарда тутган ижтимоий технология ёрдамида ижтимоий конфликтлар умумдемократик йўналишда кескин салбий ижтимоий оқибатларсиз кечади.

Жамиятнинг тоталитар ва демократик типлари шароитида конфликтлилик тавсифи (энг умумий жиҳатда) шахсни ҳуқуқий бегоналаштиришни барҳам топтиришнинг ҳукмрон сиёсий режим характериға қараб турли даражада бўлиши ҳақида ҳулоса қилишга олиб келади. Ижтимоий муносабатларни конфликтсиз тартибга солишнинг идеал ҳуқуқий тизими мавжуд бўлмайди. Фақат алоҳида фуқаролар ва улар бирлашмаларининг хусусий манфаатларини ифодалаш ва қўллаб-қувватлаш эркинлиги орқали ҳақиқий умумий манфаатни шакллантириш механизмиға ўтиш мумкин.

Шундай қилиб, шахсни ҳуқуқий бегоналаштириш муаммосини қисқача таҳлил этиш асосида қуйидаги умумлаштирувчи ҳулосаларни чиқариш мумкин:

1) бегоналаштириш фалсафий категория бўлиб, унинг мазмуни алоҳида фанлар томонидан ўрганиладиган унинг хусусий жиҳатларига қарганда мислсиз бой, кучли ва кўп қирралидир ;

2) бегоналаштириш феномени инсон ҳаётининг фаолиятининг ажралмас хусусияти, унинг шароитлари, жараёни ва натижасининг индивидлар устидан ҳукмронлик қилувчи ва уларға мажбурий бўлган муайян ҳулқ-атвор нормасиға, мустақил кучға айланиш имкониятидир ;

3) бегоналаштириш феномени инсон табиати ва жамият билан узвий боғлиқ, шу боис унинг салбий жиҳатларини барҳам топтириш фақат якка индивидлар ва жамият ҳаётини доимий инсонпарварлик ёндошуви асосида такомиллаштириш орқали рўй бериши мумкин ;

4) бегоналаштиришнинг намоён бўлиш хусусиятлари ва шакллари муайян тарихий давр умумий хусусиятларига узвий боғлиқ ҳолда тарихий тараққиёт жараёнида кўп даражада ўзгаради. Бироқ мавжуд бўлган ҳар бир давр бегоналаштириш феноменини бутунлай йўқ қила олмайди. “Янги жамият“ни барпо этиш, “янги инсон“ни яратишға бўлган уринишлар инсонни бегоналаштириш янги шакллариининг кўринишлари бўлди, холос;

5) шахсни ҳуқуқий бегоналаштиришни йўқотиш жараёниға конфликтлилик хос. Жамиятнинг конфликтлилик даражасиға таъсир этувчи кўп сонли омиллар ичида ундаги бегоналаштиришнинг муайян аниқ ҳолати ҳам ўз ўрниға эға. Бироқ, жамиятда конфликтлилик аҳволи билан бегоналаштиришнинг боғлиқлиқлиги бир хил эмас.

Бегоналаштиришнинг юқори даражаси кичик конфликтлилик билан юз бериши мумкин, кам даражадаги конфликтлилик эса бегоналаштиришнинг салбий оқибатларини умумий барҳам топтиришға қодир шакллариға эға бўлиши мумкин.

## § 5. Конфликт функциялари

**Конфликтнинг ижтимоий роли ва функцияси.** Конфликтнинг ижтимоий ҳаётга таъсири жамият ва инсон ҳаётининг барча соҳаларида кузатилади. Бундай таъсирни ойдинлаштиришга функция тушунчасини киритиш орқали эришилади. Бу тушунча бир томондан жамият ҳаётида ижтимоий конфликтнинг умумий аҳамиятини, бошқа томондан эса, ижтимоий конфликт билан ижтимоий ҳаётнинг бошқа жиҳатлари (компонентлари) ўртасидаги боғлиқликни ифодалайди. Биринчи ҳолатда функция деганда конфликтли муносабатлар ижтимоий оқибатларининг муайян мажмуи тушунилади. Иккинчи ҳолатда функция деганда бу фаолият йўналиши деб тушунилади. Назарий таҳлилда бу икки нуктаи назарни эътиборга олиш муҳим, шунингдек икки ҳолатда ҳам функциянинг ички зиддиятли бўлишини ёддан чиқармаслик керак, чунки унга хос зиддиятлар характери фақат жамиятнинггина эмас, шунингдек конфликтнинг ўзини табиатига ҳам боғлиқ.

Конфликт функцияларини ижтимоий ҳаётнинг икки асосий соҳасига қараб иккита катта гуруҳга бўлиш мумкин: моддий ва маънавий. **Моддий функциялар** ҳар қандай конфликтлар, шу жумладан юридик конфликтлар ҳам асосан ижтимоий ҳаётнинг иқтисодий томонлари билан боғлиқ бўлганлари боис намоён бўладилар. Бу боғлиқлик моддий манфаатларда, фойда кўришда, шунингдек ижтимоий йўқотишларда, зарар кўришларда ифодаланади.

Иқтисодий ривожланган мамлакатларда алоҳида конфликтларнинг салбий оқибатлари жуда сезиларли бўлади. қимматбаҳо техниканинг қўлланилиши, технологик жараёнларнинг мураккаблиги кам аҳамиятли ишлаб чиқариш конфликтини иқтисодий жиҳатдан жуда нохуш ҳодисага айлантириши мумкин. Бундай шароитда конфликтли вазиятларни ўз вақтида ҳал этилмаслиги корхона учун катта зарарни келтириб чиқаради. Моддий зарар миқдори конфликтни ўзининг кўламига ҳам боғлиқ. Ҳозирги замон шароитида ядро куролини қўллаш билан кечадиган халқаро конфликт цивилизация келажагига хавф солувчи ҳалокатни келтириб чиқариши мумкин.

Моддий функциялар фақатгина конфликтнинг ҳалокатли оқибатларида намоён бўлмайди. Баъзида улар яратувчилик мазмунига ҳам эга бўладилар. Конфликт жараёнида тарафлардан бири конфликт бошлангунига қадар ўз тасарруфида бўлмаган моддий қийматларни қўлга киритиши мумкин. Бошқа томондан, конфликт моддий ишлаб чиқаришни ривожланишида умумий юксалишга олиб келувчи ижтимоий кучларнинг қайта тақсимланишига ёрдам қилиши мумкин. Мулкий характердаги юридик конфликтлар бойликларни қайта тақсимланишига, бир тарафнинг фойда ва иккинчи тарафнинг зарар кўришига олиб келади.

Конфликтларнинг жамият маънавий ҳаётига таъсири бекиёсдир. Бу ерда конфликтлар маънавий соҳадаги туб ва тез содир бўладиган ўзгаришларнинг рағбатлантирувчи воситаси ролини ўйнаши мумкин. Улар ҳодисаларга одатдаги бир томонлама баҳо бериш жараёнини тўхтатиб, ижтимоий ҳаётга бошқа томондан, ижтимоий эътибордан четда қолган хусусиятларини англаб олиб қараш имкониятини яратади. Шахслар аро конфликтлар унинг иштирокчилари руҳий ҳолатига жиддий таъсир эта олади.

**Огоҳлантирувчи функция** конфликтни жамият муайян ҳолатининг кўрсаткичи сифатида характерлайди. Конфликт бу ерда одатдаги ижтимоий алоқалар ва муносабатларда нимадир издан чиққанлигини, нимадир туб

Ўзгаришларга мухтожлигини кўрсатади. қоидага кўра, конфликтнинг ўзи уни юзага келтирган сабабларни чуқур акс эттирмайди. Бироқ унинг мавжудлиги қатор масалаларни амалий кўриб чиқиш учун етарли ҳисобланади. Агар аналогия қўлланилса, конфликтнинг огоҳлантирувчи функциясини тирик организм ривожланишидаги оғриқнинг физиологик ролига қиёслаш мумкин.

**Ахборот функцияси** огоҳлантирувчи функцияга яқин ҳисобланади. Конфликт доимо аниқ сабабларга кўра юзага келади, улар билан объектив боғлиқ ва унда бу сабаблар ўз ифодасини топадилар. Конфликтли вазиятнинг авж олиши, кечиши, ўзгаришлари уни юзага келтирган сабаблар ҳақида муайян ахборот юқламасини ифодалайди, уларни ўрганиш ижтимоий жараёнларни билишнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Ижтимоий конфликтларда конфликт субъектлари ва иштирокчиларининг эҳтиёжлари, манфаатлари, интилишлари, шунингдек уларнинг ижтимоий норозилиги ва қониқмаслик сабаблари тўлалигича айнан ўз ифодасини топадики, бу ҳолат одатдаги фаолиятда ва хулқ-атворда яширин бўлади. Конфликт ҳолатида тарафлар ўзларининг ҳам, улар манфаатига қарши турганларнинг ҳам ҳаракатларини янада аниқ тасаввур қиладилар, ижтимоий тараққиёт зиддиятлари ва объектив муаммоларининг мавжудлигини янада чуқур англайдилар.

**Дифференциация функцияси** конфликт таъсирида вужудга келувчи ижтимоий дифференциация жараёнини характерлайди, бу ҳолат кўпинча аввалги ижтимоий тузилмаларни бузиш ва ўзгартириш орқали юз беради. Бу функция конфликтдаги ижтимоий хулқ-атворнинг умумий хусусиятини ифодалайди, унга жалб этилган ижтимоий кучларнинг қайта жойлашуви ва қайта гуруҳлашувидан иборат. Конфликт таъсирида ижтимоий дифференциация жараёни икки қарама-қарши йўналишда ривожланади. Агар жонли табиат аналогиясидан фойдаланилса, йирик ва узоқ давом этувчи конфликтда ижтимоий дифференциация жараёни жонли ҳужайранинг бўлинишини ёдлатади. Даставвал ҳаракат ягона марказни чўзишга йўналтирилади, аввалги бутуннинг алоҳида элементларини ўзига тортувчи қарама-қарши қутблар шаклланади. Бу йўналишда қарама-қарши курашувчи кучлар қутбланиши юз беради. Шу билан бирга қарама-қарши жараён ҳам юз беради, яъни бирлашиш жараёни, янгидан пайдо бўлган марказлар атрофида парчаланган кучларнинг жипслашиш жараёни юз беради. Масалан, конфликтлашувчи давлатлар ўз иттифоқчиларини сафарбар қиладилар, жанжаллашувчи одамлар ўз нуқтаи назарлари тарафдорларини тўплайдилар. Конфликтнинг бу таъсири шу даражада кучли бўлиши мумкинки, у ижтимоий конфликтнинг дифференцияловчи таъсиридан, ижтимоий кучларнинг қутбланиши ва янги жипслашиш жараёнидан четда қолишни хоҳлаган шахслар ёки уларнинг бирлашмаларини ҳам ўз таъсир доирасига тортиши мумкин.

**Динамик функция**. Ижтимоий конфликт динамик функциясининг сиёсий аҳамияти ўз вақтида марксизм томонидан синфий кураш ва ижтимоий инқилобга оид хулосаларида ишончли қилиб очиқ берилган. Марксча тушунчаларда ҳар қандай ижтимоий конфликт ижтимоий тараққиётни тезлаштирувчи ва ижтимоий ўзгаришларга олиб келувчи восита эканлиги умумий тарзда акс эттирилган. Туб қайта ўзгаришларнинг умуман бўлмаслиги ижтимоий ҳаётнинг тинч ва бир маромда кечишини таъминлайди, кичик ўзгаришлар муаммо моҳиятига таъсир этмайди ва вақт ичида секинлик билан юз беради. Бироқ конфликт юзага келса ҳамма нарса ҳаракатга келади. Одамларни йиллар давомида қониқтириб келган хулқ-атвор ва фаолиятнинг

одатий нормалари хайратланарли даражадаги кескинлик ва афсусланишсиз улоқтириб ташланади. Конфликт зарбалари таъсирида жамият қайта ўзгаради, аввалги тинчлик ҳолати йўқолади. Ўзгаришлар аввалгича кам аҳамиятли ва сезиларли эмасдек туюлади, бироқ инсонлар ўртасидаги муносабатларда, қарашларда, хулқ-атворда дарз кетишлар кузатилади. Ижтимоий конфликт қанчалик кучли бўлса, унинг ижтимоий жараёнларни боришига бўлган сиёсий таъсири шунчалик яққол бўлади, юзага келган ўзгаришлар ва уларни амалга ошириш тезлиги шунчалик сезиларли бўлади.

**Конфликтнинг функционал зиддиятлилиги.** Конфликт функция-ларини тавсифлашда шуни қайд этиш зарурки, улар жамиятда қарама-қарши йўналтирилган тенденцияларнинг ўзаро таъсири орқали намоён бўладилар. Бу эса уларнинг диалектик, ички зиддиятли табиатга эга эканлигини кўрсатади.

**Конфликт функциялари** - зиддиятларни аниқлаш ва ҳал қилиш усули бўлиб хизмат қилади. Агар қарама-қарши кучлар, уларнинг манфаатлари очиқ курашга айланувчи тангликни юзага келтирса, табиийки, унда бу кураш эртами-кеч тугайди. Конфликт ва унинг ҳал қилиниши юзага келган берк ҳолатдан чиқиш йўллари билан бирдир.

Конфликт функциясига бундай ёндашувда қуйидагича савол юзага келади: конфликтнинг юзага келиши яхшими ёки ёмонми? Одатда ҳар қандай конфликтга бир тарзда салбий баҳо бериш қабул қилинган. Аслида ҳам одамлар фақат турмушдаги жанжаллар ва келишмовчиликлардан, хизматдаги кўнгилсизликлардангина эмас, балки кейинги пайтларда миллатлараро, ҳудудий, ижтимоий-сиёсий ва бошқа қарама-қаршиликлар, курашлардан чарчаган. Шу боис кўпчилик томонидан конфликт салбий, нохуш ҳодиса деб баҳоланади ва ҳақиқатда ҳам у тарафлардан бири учун кераксиз воқеликдир. Шу билан бирга конфликт фақатгина муқаррар ижтимоий воқелик эмас, балки шу билан бирга яна фойдали эканлиги тўғрисида нуқтаи назар ҳам мавжуд.

Конфликтни нохуш, кераксиз воқелик деб тан олувчи тадқиқотчилар уни меъёрда амал қилувчи ижтимоий тизимга путур етказувчи ҳодиса деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрича, конфликт дастлаб тизимда мавжуд эмас ва одатда тизимни барқарор ва мувозанат ҳолатига қайтарувчи кучлар юзага келганда (ёки фаоллашганда) у юз беради. Бироқ бундан конфликтнинг ўзида тизимни барқарор ҳолатда тутиб туриш учун зарур бўлган институтларни пайдо бўлишига сабабчи омиллар ётганлиги тушунилади. Бу институтларга: қонунчилик фаолияти, турли низоларни ҳал этиш учун қабул қилинган тартиблар, сиёсий баҳслар, мунозаралар, тортишув(дебат)лар, битимлар воситасида сотувчи ва харидорларнинг рақобатлашувчи манфаатлари ҳал қилинадиган бозор ва шу кабилар киради. Бундан шундай хулоса чиқадики, конфликтни умуман салбий ҳодиса деб ҳисобловчи мутахассислар ҳам унда баъзи ижобий хусусиятларнинг борлигига эътибор берадилар.

Бошқа бир илмий ёндашув эса, конфликтни нормадан четга чиқувчи ва ўткинчи воқелик деб эмас, балки ижтимоий муносабатларнинг доимий ва ҳатто энг муҳим таркибий қисми деб қарайди. Бундай ёндашув Аристотель, Гоббс, Гегель, Маркс, Вебер қарашларига асосланади. Бу қарашга кўра, жамиятдаги ҳар қандай танқислик факти ўз-ўзича конфликтни юзага келтириш учун етарлидир; ҳар қандай инсон исталган доирада (гуруҳда) ўзининг танқис ресурсларга бўлган улушини, зарур бўлса, бошқалар ҳисобидан кўпайтиришга ҳаракат қилади. Ҳудуд ва бойликлар (ресурс) учун курашувчиларда яна йўлбошчиликка, ҳокимиятга ва мавқе учун курашга мойиллик бўлса, конфликт бўлиши муқаррар. Дарендорфнинг фикрича, «Реал борлиқ учун турли қарашларнинг кесишуви, конфликтлар, ўзгаришларнинг бўлиши зарур. Айнан конфликт ва ўзгаришлар инсонларга эркинлик беради; буларсиз эркинликнинг мавжуд бўлиши мумкин эмас».



Учинчи гуруҳ олимлар эса, конфликт зиддиятни у ёки бу тарзда ҳал қилганлиги учун уни фойдали деб ҳисоблайдилар. Бироқ, конфликт ниманинг эвазига ҳал этилади? Тизимни бузиш ёки унга жиддий зарар етказиш йўли билан ёки тарафлардан бирини йўқотиш воситасида ҳал этилиши мумкин. Яхшиси, объектив мавжуд зиддиятни конфликт даражасига етказмасдан, уни тинч, маърифий воситалар ёрдамида йўқотиш керак. Шу сабабли конфликтларнинг фойдалилиги ҳақида фақат муайян конкрет ҳолатларда ва шартли маънода гапириш мумкин.

Зиддиятни ҳал этиш - ижтимоий конфликтнинг объектив функциясидир.

## § 6. Конфликтлар соҳалари ва типологияси

**1. Конфликт соҳалари.** Конфликт субъектлари ва уларнинг намоён бўлиш соҳаларига қараб конфликтларни қуйидаги турларга бўлиш мумкин: иқтисодий, сиёсий, миллатлараро, турмуш, маданий ва ижтимоий конфликтлар.

Жамиятнинг бозор иқтисодиётига ўтиш даврида иқтисодий конфликтларнинг моҳияти ва ёйилиш даражаси сезиларли даражада ўзгарди. Негаки, давлат мулкчилиги ҳукмронлик қилган ва бозор муносабатлари мавжуд бўлмаган жамиятда иқтисодий конфликтлар учун негиз жуда чекланган ва тор бўлади. Бунда Совет Иттифоқида ишсизлик, иш ташлашлар, синфлар кураши бўлмаган деган фикрлар тарғибот маъносида бўлмаганлиги маълум, умумдавлат миқёсида кўп йиллар давомида иқтисодий соҳада конфликтлар амалда учрамаган ёки жуда маҳаллий ва қисқа муддатли бўлган.

Бозорга ўтишда бошқача манзарани кузатиш мумкин. Моҳиятига кўра бозорнинг ўзи доимий конфликтлар учун майдондир, бироқ у рақобат кураши ёки рақибини сиқиб чиқариш кўринишида эмас, балки, аввало, диалог, баъзида шеригини фойдали келишувга мажбурловчи турли ҳаракатлар (тахдид солиш, шантаж, зўрлик) билан бирга рўй берадиган савдо битимлари шаклида юзага чиқади. Шу билан бирга бозор иқтисодиёти шароитида бошқа кучли конфликтли вазиятлар ҳам юз беради: иш ташлашлар, пул муомаласидаги инқирозлар ва б. Бозор иқтисоди махсус ишлаб чиқилган қоидалар билан тартибга солинувчи, доимо юзага келувчи меҳнат конфликтларини ҳам тақозо этади. Гарчи меҳнат низолари ҳар қандай ижтимоий тузумда мавжуд бўлсада, улар айнан истаган товарни (ишчи кучини ҳам) олди-сотдисида асосланган бозор иқтисоди учун кўп даражада хосдир.

Катта кўламдаги иқтисодий конфликтларнинг хусусияти шундаки, уларга аҳолининг кенг қатламлари жалб қилинади. Авиадиспетчерларнинг иш ташлаши фақат авиация компанияларига эмас, шунингдек минглаб йўловчиларга ҳам таллуқли. Агар иш ташлаш врачлар томонидан амалга оширилса, миллионлаб жабрланувчилар пайдо бўлади. Шу боис баъзи турдаги иш ташлашларни ман қилиш жамият ҳаётини барқарорлаштиришнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Сиёсий соҳадаги конфликтлар - бу умуман демократик жамиятдаги одатий воқелиқдир. Уларнинг хусусияти шундаки, улар катта миқёсдаги ижтимоий ҳодисаларга, кўзғолонларга, оммавий тартибсизликларга, оқибат натижада фуқаролик урушига айланиши мумкин. Ҳозирги даврдаги кўпчилик сиёсий конфликтлар учун миллатлараро жиҳат характерлидир. Деярли барча ҳолларда сиёсий конфликт бир вақтнинг ўзида миллий ҳам ҳисобланади ёки ҳар қалай унинг миллий томони бўлади (ватанпарварлик, сепаратизм ёки диний ҳаракат).

Меҳнат, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, таълим соҳасидаги манфаатлар қарама-қаршилиги билан кечувчи конфликтлар юқорида баён қилинган конфликтларнинг икки тури - иқтисодий ва сиёсий конфликтлар билан узвий боғлиқ.

Бу конфликтлар бевосита ижтимоий тузум табиатига боғлиқ эмас ва уларнинг кўлами унчалик катта эмас. Худди шундай фикрни кишилар ўртасида уларнинг иш ёки яшаш жойларида содир бўладиган турмуш конфликтларига нисбатан ҳам билдириш мумкин.

## **2.Юридик конфликт типологияси.**

Конфликтли ўзаро муносабатларнинг аралаш вариантлари кўп учраб туради. Масалан, жамоат ташкилотлари (сиёсий партия, касаба уюшмаси) билан давлат органлари ўртасидаги конфликт дастлаб юзага келганда, юридик характерга эга бўлмаслиги мумкин, бироқ кейинчалик ҳуқуқий конфликтга айланиб, у ёки бу қонунчилик нормалари (конституциявий, маъмурий, молиявий) таъсирига тушиши мумкин. Юридик конфликтларнинг аралаш типлари фуқаролар ўртасидаги ўзаро муносабатларда, айниқса, иш жойида ёки турар жойида узоқ давом этувчи низоларда учраб туради. Масалан, оилавий жанжал сифатида бошланган конфликт - маъмурий ҳуқуқбузарлик, ҳатто жиноятга (калтаклаш, безорилик) ўтиши мумкин; муассасадаги маъмурий ўзаро муносабатлар меҳнат, баъзида ҳуқуқнинг турли соҳалари билан тартибга солинадиган сиёсий конфликтга айланиши мумкин. Миллий муносабатлар соҳасидаги конфликтлар юридик нуқтаи назардан кўпинча кўп тармоқли характерга эга. Уларга: конституциявий, маъмурий, фуқаролик, жинсий, процессуал, халқаро ҳуқуқ нормалари қўлланилиши мумкин.

Тегишли ҳуқуқий нормалар табиатига қараб юридик конфликтлар типологиясига тўхталсак, бунда конфликт сифатида исталган ҳуқуқ нормасини: ваколат берувчи, мажбурият юқловчи, ёки ман этувчи нормаларни турлича шарҳлаш ва тушуниш ётади (ёки уларга риоя этмаслик, уларни бузиш). Ман этувчи нормалар билан боғлиқ конфликтлар тез-тез бўлиб туради. Бироқ норманинг характери фақат конфликтлар сонига эмас, балки, унинг субъектларига ҳам таъсир қилади.

Ваколат берувчи нормада конфликт ваколатли субъект билан хусусий шахс - жисмоний ёки юридик шахс ўртасида юзага келади, бунда хусусий шахснинг манфаатлари ваколатли субъект томонидан бузилган бўлади ёки шундай бўлган деб тахмин қилинади.

Мисол, 1993 йили давлат томонидан вилоят ҳудудидаги ер участкалари фуқаролар учун дала ҳовли барпо этиш учун ажратилган. Бироқ, дала ҳовлилар учун ажратилган ер участкаларидан аввал чорва молларини ўтлатиш ва ем-хашак тайёрлашда фойдаланиб келаётган қўшни қишлоқлар аҳолиси томонидан норозилик билдирилган. Бу ерда конфликт ер участкаларига ҳуқуқи бор шахслар билан ёзилмаган қоида тарзида фойдаланувчилар ўртасида юзага келган. Бу конфликт маҳаллий ҳокимият томонидан маҳаллий аҳолининг эҳтиёжлари учун бошқа ерни ажратиш йўли билан ҳал қилинган. Бу ҳолда юридик конфликт учун хос бўлган иккита эмас, балки учта тараф: дала ҳовли эгалари, қишлоқ аҳолиси ва ҳокимиятнинг маҳаллий органлари иштирок этган.

Мажбурловчи нормани қўллаш ҳолатида конфликт субъектлари доираси кенгроқ: у бурчли шахс ва давлат ўртасида (мажбурият бажарилмаган ҳолда), шунингдек, шу шахс билан унинг контрагенти ўртасида юзага келиши мумкин. Гап шундаки, мажбурият фақатгина жисмоний ва юридик шахсларнигина боғламайди, балки давлат ҳам унинг ижросининг кафолати сифатида чиқади. Мисол, автобусдаги назоратчи ўз мажбуриятини бажариб чиптасиз йўловчини жаримага тортади, йўловчи эса жаримадан бош тортиб, жанжаллаша бошлайди. Агар назоратчи чиптасиз йўловчи билан конфликтга киришишни истамай, уни қўйиб юборса, у автоматик равишда давлат билан бўладиган бошқа конфликтга киради.

Ман этувчи нормаларни қўллашдаги конфликтларда тегишли жисмоний ёки юридик шахс бу нормаларни бузади. Бунга атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар мисол бўлади.

Бундай типологияга ҳуқуқни қўлловчи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизими бўйича юридик конфликтларни таснифлаш яқин туради. Бу тасниф конфликтли вазият вужудга келган ҳолда бу органларнинг компетенцияси ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун қулай. Бу компетенция ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга нисбатан етарли даражада аниқ белгиланган бўлади (суд, арбитраж, прокуратура, милиция ва б.).

Конфликтларни органлар тизими бўйича таснифлаш ҳаммадан ҳам фуқаролар учун фойдали, чунки улар турли низоли масалаларни ҳал этиш учун қаерга мурожаат этишлари тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлишлари керак.

### III Боб. Конфликтларнинг ривожланиш босқичлари ва механизми

#### § 1. Конфликтли вазият

**Конфликтли вазият тушунчаси.** Конфликтгача бўлган ходисаларни кўриб чиқсак, уларнинг икки гуруҳдан иборат эканлигини аниқлаш мумкин: қарама-қарши курашувчи тарафлар иштирок этаётган объектив ҳаётий вазият ва тарафларнинг ўзи - муайян манфаатларга эга кишилар.

Маълумки, ҳаётий вазият ўзининг кўп жиҳатлари бўйича турлича бўлиши мумкин. Инсон турмуши ёки ижтимоий гуруҳ мавжуд бўлиши ҳолатлари ўзгарувчан, тезлик билан ёки аксинча, секинлик билан кечувчи, узок вақт ўзгармайдиган тарзда ўтиши мумкин. Улар муайян маънавий муҳит ва у ёки бу даражадаги моддий неъматлар билан характерланиши мумкин. Улар субъектларнинг ҳудудий жойлашуви, турли ижтимоий иерархиялар ва бошқа кўп омиллар билан боғлиқ.

**Конфликтли вазият деганда инсонлар манфаатлари билан боғлиқ бундай ҳолатларнинг шундай жамланишики, бу ижтимоий субъектлар ўртасида реал қарама-қаршилик учун объектив тарзда негиз яратади.** Бу таърифни батафсил кўриб чиқсак, вазиятнинг бош хусусияти бу конфликт предметининг вужудга келишидир. Вазият, конфликтдан олдин юзага келиши учун у тарафлар томонидан ҳали фойдаланмаслиги ва ҳатто тўла маънода англалмаган бўлиши мумкин. Масалан, илмий муассасада штатлар қисқариши кутилмоқда. Кўп ходимлар, айниқса, нафақа ёшидагилар бу тадбир таъсири остига тушишлари мумкин. У ёки бу лавозимларни тугатиш ҳақидаги масала кун тартибига аниқ қўйилмаганлиги учун конфликтни вужудга келганлиги ҳақида гапириш эрталик қилади. Бирок, конфликтли вазият бор, чунки бўлиши кутилаётган келишмовчиликлар предмети ва кураш мавжуд, жамоада танглик пайдо булган, бу вазият иштирокчиларининг кейинги ҳаракатларини юзага чиқаради, белгилаб беради.

Ф.М.Бородкин ва Н.М.Коряк меҳнат жамоаларидаги турли конфликтли вазиятларни таҳлил этиб, ташкилотларда конфликтлар учун негиз яратувчи турли типик вазиятларни қуйидагича умумлаштирганлар: а) ташкилотларнинг таркибий бўлинмалари ўртасида технологик алоқаларнинг номуайянлиги; б) турли фармойишлар берувчи кўп сонли бошлиқларнинг мавжудлиги; в) бир бошлиққа бўйсунувчи ходимларнинг кўп миқдорда бўлиши, бу бошқарувда тартибсизликни юзага келтиради; г) масъулиятни бир ходимдан иккинчисига ўтказиш, бу умумий масъулиятсизлик ҳолатини юзага келтиради; д) бир қатор ходимларнинг унча юқори бўлмаган шахсий ва ишчанлик сифатларига эга бўлиши. Табиийки, шундай шароитларда жамоада конфликт ва зиддиятни юзага келиши жуда енгил юз беради. Бу руйхатга тангликни юзага келтирувчи яна қатор бошқа омилларни киритиш мумкин, масалан, бошқарув тизимини қайта ташкил қилиш, юқори идораларнинг штатлар қисқариши ҳақидаги кўрсатмалари, иш ҳақини тўлаш билан боғлиқ қийинчиликлар ва б.

Халқаро соҳадаги конфликтли вазиятлар ўта мураккаб ва турличадир. Масалан, Днестр бўйи республикаларида Молдова ҳукумати билан шу ҳудуддаги рус тилида сўзлашувчи аҳоли ўртасида конфликт юзага келган. Бу ҳудудда тарафлар қарама-қаршилигининг бошланиши Молдавия ССР Олий Совети тил ҳақидаги қонуннинг муҳокама қилинаётган вақт, яъни 1989 йилнинг ёз-куз фаслига тўғри келган, бу қонун молдав тилини бутун республика ҳудуди учун ягона давлат тили сифатида тасдиқлади. Бунга жавобан Днестр бўйининг кўп қорхоналарида меҳнат жамоалари кенгашлари тузилиб, улар бу масала юзасидан референдум ўтказилишини талаб этганлар. Бу талаб

республика ҳукумати томонидан рад этилган. Днестр бўйи конфликтининг бошланиши шундай юз берган.

Конфликтли вазият объектив равишда бўлғуси қарама-қарши тарафлар эрки ва хоҳишидан ташқари (масалан, муассасада штатлар қисқариши) ёки тарафлардан бирининг ёхуд иккисининг хоҳиши билан юзага келиши мумкин. Бунда шу нарса жуда муҳимки, ҳар қандай вазият объектив мазмунга (у реал мавжуд ҳодисалар билан белгиланиши мумкин) ва субъектив мазмунга (бу ҳодисаларга тарафларнинг ҳар бири қандай таъсир этишига боғлиқ) эга, чунки субъект шулардан келиб чиқиб конфликтда ҳаракат қила бошлайди.

**Конфликтли вазиятни қабул қилиш.** Конфликтли вазиятни субъектив тарзда акс эттириш ишнинг ҳақиқий ҳолатига тўғри келиши шарт эмас. Адабиётда конфликтни англаб олиш ҳар доим ўзида субъективизм элементини акс эттириши ва шу сабабли муайян даражада бузиб акс этилиши ҳақида фикр тўғри билдирилган.

Днестр бўйи вазиятида молдав раҳбарларининг ҳаракатларини характерловчи объектив фактлар шу ҳудуд аҳолиси томонидан тезда илғаб олинган ва туб миллатга мансуб бўлмаган шахсларга нисбатан камситилиш деб қабул қилинган.

Кўп ўтмай Днестр бўйи автономиясини яратиш мақсадида Днестр бўйи аҳоли пунктларининг кўпчилигида референдумлар ўтказилиб, уларда овоз берганларнинг кўпчилиги суверенитетни ёқлаган. Бу ҳолдаги барча воқеаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, юзага келган вазиятни субъектив баҳолаш объектив ҳолатлар билан кўп даражада мос келган. Бироқ, молдав ҳукуматининг ҳаракатларини Днестр бўйи аҳолиси томонидан Молдавиядаги энг экстремистик ҳаракат оқимларининг шиорлари ва чақириқлари билан бевосита ўхшашдек қабул қилинганлигини истисно қилиш керак эмас, бу ҳукуматнинг дискриминациявий мақсадларини маълум даражада бўрттириб юборишни англатади.

Вазиятни нотўғри қабул қилиш кенг кўлам касб этиши мумкин. Маълумки, конфликт сабаби бўлиб бошқа субъектни тушунмаслик ҳисобланиши мумкин. Мутахассислар «адекват тушунилмаган» ва «сохта» конфликтлар категорияларини ажратадилар<sup>1</sup>.

Биринчисига шундай ҳолатлар кирадики, бунда конфликтли вазият мавжуд ва тарафлар уни шундайлигича қабул қиладилар, бироқ ҳақиқий аҳволдан жиддий четга чиққан ҳолда қабул қиладилар. Жиддий четга чиқиш деганда пайдо бўлган муаммонинг кўламларини ҳаддан зиёд кенгайтириш (мутлоқ хусусий сабаб юзасидан пайдо булган келишмовчилик умумий характерга эга келишмовчилик сифатида нотўғри талқин қилиниши мумкин) ёки аксинча уни ҳаддан зиёд торайтириш мумкин, яъни конфликтли вазият тўлиқмас ёки қисман акс этиши мумкин. Бошқа турдаги четга чиқиш «шартли» конфликт вазиятида мавжуд бўлади, бунда зиддиятларнинг мавжуд бўлиши курашувчи тарафлар томонидан англашилмайдиган энгил ўзгарувчи вазиятларга боғлиқ бўлади. Миллатлараро конфликтларда бу ҳол тез-тез учрайди.

«Сохта» конфликтда эса объектив конфликтли вазият бутунлай бўлмайди, субъектлар ўртасида бирорта зиддият йук, шунга қарамасдан тарафлар ўзаро муносабатларининг конфликтлигини ҳис этадилар ва қарама-қарши курашни бошлайдилар. Юридик адабиётда бу масалада билдирилган яна бир фикр диққатга сазовордир, яъни : “Инсонлар ҳаётни ва унга хос бўлган қийинчиликларни турлича тушунадилар, чунки :

- ҳар биримизда такрорланмас характер ва ўзига хос ҳаётий тажриба бор;

---

<sup>1</sup> Қаранг:Петровская Л.А. О понятийной схеме социально-психологического анализа конфликта. М., 1977г.

- ҳар биримиз эркак ёки аёл бўлиб туғиламиз;  
- ҳар биримиз туғилишда муайян муҳитга тушиб қоламиз ва бутунлай бошқа тажриба, дунёқараш ва ролга эга бўламиз;  
- ҳар биримиз турли қадриятларга эга бўламизки, булар бизнинг тафаккуримизга ва хулқ-атворимизга таъсир этади ҳамда бир хил ҳаракатларни содир қилишга ва бошқаларидан воз кечишга мажбур қилади.

Шу сабабли биз бошқа одамлар билан танишганимизда ва ишлаганимизда ҳаммамизнинг айнан бир хил нарсаларни турлича қабул қилишимиз ажабланарли эмас»<sup>1</sup>.

Юқорида кўрсатилган ҳолларда ноадекват бўлган ёки сохта қабул қилишнинг иккала тарафга хослиги кам кузатилади. Одатда фақат бир субъект вазиятни хато ёки бузиб, бошқаси эса тўла адекват ҳолда тушунади. Биринчи субъект вазиятни конфликтли деб тушуниб, шунга мос ҳаракат қила бошлайди, бошқаси эса, конфликтли ҳаракатларни ўзига йўналтирилганлигини билгандан сўнг бу вазиятни «конфликтли» деб баҳолаш учун кўпроқ асосга эга бўлади. Мабодо иккинчи субъект вужудга келган муаммонинг тасодифийлигини англаб етмаса, вазиятни у томондан баҳолашни объектив бўла олмайди. Сохта қабул қилиш кимнингдир олдиндан кўзланмаган ҳаракатларини қасдан, атайлаб қилинган, яъни шахснинг муайян манфаатларига мос келувчи ҳаракат деб тушуниш билан боғлиқ бўлади. Бундай муаммони ҳал қилиш учун одатда конфликтни бошлаган ҳаракатлар эҳтиётсизлик туфайли, қасдан бўлмаганлигини аниқлаш ва тушуниш етарли ҳисобланади. Бироқ, кўпинча бу имкониятлар эътибордан четда қолдирилади ва тарафлар бир-бирларининг ҳаракатларида ёвуз қасдни кўрадилар, бу эса конфликтнинг кучайиши ва чуқурлашишига олиб келади.

Конфликтли вазиятни ноадекват ёки сохта қабул қилишнинг сабаби сифатида қараганда шуни таъкидлаш муҳимки, агар бундай қабул қилиш когнитив конфликт генезисда баён қилинаётган нуқтаи назар мазмунини бузиб шарҳлаш билан боғлиқ бўлса, мафаатлар конфликтни генезисда эса бу, энг аввало, оппонент мотивларини баҳолашдаги хатолар билан белгиланади.

Сохта қабул қилиш одатда бошқаларнинг сўзи ва ҳаракатларини нотўғри тушуниш билан боғлиқ. У турли сабаблардан келиб чиқади: хабарнинг икки хил мазмунга эга булиши, хабарнинг дастлабки мазмунига мулоқот матни орқали киритиладиган хатоликлар билан ва б. Муайян ҳолатларда савол бериш ёки ҳатто хушомад қилишни ҳақорат сифатида қабул қилиниши кузатилган. Ўзгаларнинг ҳатти-ҳаракатларидаги маънони бундай қабул қилишдаги тафовутлар кўпинча маданиятдаги фарқлар, мулоқотнинг турли қоидалари билан белгиланади.

Афсуски, хатолик орқасида юзага келган конфликт кейинчалик гуёки ўзининг реал предметига эга булган конфликт каби авж олиши мумкин. Конфликт жараёнининг ўзидаёқ ҳақиқий конфликтли вазият вужудга келади. Бундай ҳолат кўпинча криминал конфликтларга хос белгидир. Шу муносабат билан А.М.Яковлев ҳатто жиноий ҳатти-ҳаракатни юзага келган вазиятга нисбатан ноадекват реакция сифатида характерлаган. Вазиятни ноадекват баҳолашнинг ўзи турли шахсий омиллар билан изоҳланади: дунёқарашнинг чекланганлиги, руҳий таъсирланиш (стресс), оқибатларни олдиндан кўра билишнинг сустлиги, наркотик ёки алкоголь таъсирида бўлиш ва ҳ. Бунда вақт омилнинг ҳам аҳамияти бор: ҳамма нарсани бирданга объектив ҳал қилиш мумкин эмас.

---

<sup>1</sup>Қаранг: Работа с конфликтом: навыки и стратегия действия. Лондон, Конфликтологический центр, 2001. С.23.

**Конфликтли вазият ва шахс.** Шундай қилиб, шахслар ўртасидаги конфликтда конфликтли вазиятни тарафлар томонидан қабул қилиш характери катта аҳамиятга эга. Юзага келган вазиятни эътиборга олиб, шахс ўз характери ва қарашларининг хусусиятларига мувофиқ ҳолда ҳаракат қилади. Айнан шу нарса билан бир хил вазиятда турли кишилар(гуруҳлар) томонидан турлича, баъзан зид ҳаракатлар содир этилишини тушунтириш мумкин. Айнан конкрет вазият билан шахс хусусиятларининг ўзаро таъсири конфликтни юзага келтириши мумкин ёки одамни ундан қутқариши мумкин.

## § 2. Конфликтнинг ривожланиши

**Латент босқич.** Конфликтдан олдин унинг латент - яширин босқичи шарт ҳисобланиб, унда ташқи ҳаракатларни истисно қилганда конфликт барча элементлари мавжуд бўлади.

Ўз навбатида бу босқич конфликт ривожланишининг бир қатор изчил жараёнларини ёки давр(этап)ларини ўз ичига олади.

Биринчи давр - объектив конфликтли вазиятнинг юзага келиш даври.

Иккинчи давр - бундай вазиятда субъектлар (ёки ҳеч бўлмаганда субъектларнинг бири) томонидан ўз манфаатларини англаб етиш даври.

Учинчи давр – ўз манфаатларини қондириш учун тўсиқни англаб етиш (когнитив конфликтда – ўзга қарашларни англаш) даври. Бу тўсиқлар уч турда бўлиши мумкин. Биринчидан, бу тўсиқлар бўлгуси конфликтнинг доимий иштирокчилари деб қаралиши мумкин бўлган бошқа шахсларнинг позицияларига боғлиқ эмас, балки объектив вазиятдан келиб чиқиши мумкин. Масалан, химия заводи атмосферани ифлослантириб атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича талабларни доимий равишда бузиб келган. Сабаби - мазкур кимёвий ишлаб чиқариш учун мўлжалланган сувни муҳофазалаш иншоотларининг саноатда ишлаб чиқилмаганлигидадир. Заводнинг манфаати - бу мазкур вазиятни ўзгартириш, ошқора ҳуқуқбузарликка барҳам беришдир. Завод билан конфликтлашувчи тарафнинг ўзи йўқ. Бу ерда конфликтли вазият бевосита конфликтни юзага келтирмайди. Иккинчидан, иштирокчиларнинг ўз субъектив хусусиятлари уларнинг манфаатларини қондириш учун тўсиқ бўлиши мумкин. Масалан, завод мисолида кўрадиган бўлсак, унинг ўзи тозалаш иншоотларини ўз кучлари билан қуриши мумкин эди, бироқ керакли ташаббусни намоён этмаган. Бироқ бунда заводнинг ташқи тартибдаги конфликтга киришувини кузата олмаймиз. Бу ерда конфликт жамоа ичида бўлиши мумкин.

Ниҳоят, учинчидан, ташқи тўсиқ мавжуд ва объектив белгиланган, масалан, тозалаш иншоотини қуриш учун қўшимча ҳаражатларга вазирликнинг мансабдор шахси томонидан розиликнинг берилмаслиги. Бу ҳолатда тўсиқ етарли асосда мавжуд ва англашилган, бу эса, конфликтни кейинги ривожланиши учун муҳим шарт ҳисобланади.

Тўртинчи давр – ўз манфаатларини ва бошқа тарафнинг тегишли қаршиликларини англаш даври.

Бешинчи давр - тарафларнинг бири томонидан ўз манфаатларини қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга оширган муайян ҳаракатларини ўз ичига олади (масалан, завод маъмуриятининг вазирликка расмий мурожаати).

Бироқ, бу мурожаатга берилган рад жавоби конфликтни бошланиши бўлиб, унда иккала тарафнинг позициялари аниқ шаклланган бўлади ва бир-бирига нисбатан амалий ҳаракатлар бошланади. Бу олтинчи даврдир.

Конфликт ривожланишининг олтига даври кўрсатилган изчилликда бир-бирининг ўрнига келиши шарт эмас. Баъзилари туширилиб қолдирилиши, бошқалари такрорланиши, уларнинг изчилиги бошқача тарзда бўлиши мумкин. Юқорида келтирилган мантиқий схема конфликт ташқи ривожланишининг энг типик мисолидир.

Табийки, бунда конфликт очиқ шаклга эга бўлади, бу эса камида уч ҳолат билан характерланади. Биринчидан, иштирокчиларнинг ҳар бири учун конфликтнинг мавжудлиги шак-шубҳасиздир;

Иккинчидан, ҳаракатлар амалий аҳамият касб этади, улар ташқи шаклга эга бўлади, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш, низоли объектни эгаллаш бўйича ҳаракатлар содир этиш, зўрлик, таҳдид ва б.;

Учинчидан, латент босқичдан ўтган конфликт ҳақида конфликтга у ёки бу даражада таъсир этишга қодир бўлган учинчи шахслар, бегона шахслар хабардор бўладилар. Бундай таъсир бир хил аҳамиятли бўлмайди. У баъзида конфликтни сустрлаштириши ёки, аксинча, миллатлараро конфликтларда тарафларнинг ёвуз кайфиятларини кучайтириши мумкин.

Баъзи конфликтларда бошқача даражадаги конфликтларга ўтиш кузатилади, масалан, шахсий муносабатлардан гуруҳлар ўртасидаги конфликтга ўтиш мумкин.

**Ташқи ҳаракатлар.** Конфликт одамлар, гуруҳлар ёки индивидлар ўртасидаги муносабат бўлганлиги боис у ҳар қандай ижтимоий муносабат каби юриспруденцияда яхши ўрганилган юридик аҳамиятли хулқ-атвор сингари камида тўртта элементдан иборат бўлади, яъни : конфликт субъектлари, объекти, қарама-қарши жараённинг ички, руҳий (субъектив) ва ташқи (объектив) томонлари. Конфликтли хулқ-атвор объектив жиҳатдан конфликт иштирокчиларининг қарама-қарши йўналтирилган ҳаракатларидан иборат. Бу ҳаракатлар орқали конфликтлашувчи томонларнинг фикрий, руҳий, иродавий соҳалардаги яширин жараёнлари амалга оширилади. Ҳар бир тараф манфаатларининг қарор топишига йўналтирилган ўзаро таъсирнинг алмашилиши ва рақиб манфаатларини чеклаш ижтимоий ҳодиса сифатида конфликт моҳиятини ташкил этади.

Конфликт тузилмасини тўлиқ тушуниш ва демак, у қандай ривожланган ва оқибатда нимани кутиш мумкинлиги ҳақида тасаввурга эга бўлиш учун юқорида кўрсатилган элементларни таҳлил этиш лозим. Иштирокчилар ташқи ҳаракатларининг ўзи ҳаракат жойи ва вақтига боғлиқ ҳолда ўз моҳиятини кескин ўзгартиради. Вақт омили жуда муҳим. Ўз вақтида эришилмаган битим ёки аксинча, рад этиш конфликтда манфаатдор томон кутаётган натижани бермаслиги ёки тескари натижани бериши мумкин.

Конфликтдаги барча ҳаракатларни шартли равишда асосий ва ёрдамчи ҳаракатларга бўлиш мумкин. Асосий ҳаракатлар бу манфаатлардаги мавжуд қарама-қаршилиқни ўзгартиришга олиб келувчи ёки сақлаб қолувчи бевосита конфликт предметига йўналтирилган ҳаракатлардир. Ёрдамчи ҳаракатлар асосий ҳаракатларнинг бажарилишини таъминлайди ва конфликт марказий муаммосини ҳал қилишга қодир эмас.

Конфликтлашувчи тарафларнинг асосий, ташқи ҳаракатларини объектив нуқтаи назарга кўра икки гуруҳга : тажовузкор ва мудофаа ҳаракатларига бўлиш мумкин.

Тажовузкор ҳаракатлар душманга ҳужум қилиш, унинг мулкига зарар етказиш, низоли объектни қўлга киритиш, душманни ажратиб қўйиш, қувиш, тутқинликка солиш ва қарши тараф манфаатларини тўғридан-тўғри камситишга қаратилган бошқа ҳаракатлардан иборат. Айрим мутахассислар фикрича, «Зўрлик - инсонларга жисмоний, руҳий, ижтимоий ёки экологик зарар етказиш мумкин



бўлган ва/ёки инсонларнинг ўзларини тўла намоён қилишга имкон бермайдиган ҳаракатлар, сўзлар, кўрсатмалар, тузилмалар ёки тизимлардан иборат»<sup>1</sup>.

Мудофаа ҳаракатлари низоли объектни ушлаб туриш, ўз-ўзини ҳимоя этиш, моддий қийматларни йўқ қилиниши ёки зарарланишидан ҳимоя қилиш каби ҳаракатлардан иборат.

**Таҳдид солишлар**. Конфликтда кўрсатилган ҳаракат типларидан ташқари рақибга таъсир этиш воситаси бўлган таҳдид солиш ҳам фойдаланилади. Таҳдид солишдан мақсад бу бошқа томоннинг манфаатларини хавф остида қолдириш ёки рақибни ўзининг мақсадларига эришишга ёрдам беришга мажбурлашдир.

Таҳдид солиш кураш ёки музокаралар олиб бориш жараёнида қўлланилиши, баъзида конфликтнинг мустақил босқичи сифатида қаралиши мумкин.

Таҳдидни қўллаш конфликтда зўрлик ишлатишга туртки бўлиши мумкин. Таҳдид бу фақат рақибга нисбатан қўйилган келишмовчиликдан гувоҳлик берувчи қатъий талаб, шарт бўлибгина қолмай, шунингдек, долзарб муаммовий вазият доирасидан ташқарига чиққан очиқ душманчилик кўрсаткичи ҳамдир.

Таҳдид - бу конфликтда муайян маънодаги тактик воситадир. Таҳдид солиш - террорчи мафкурадаги давлатлар ва террорчилар ҳаракатларининг одатий усулидир (гаровга олиш, самолётни портлатиш хавфи ва б.).

**Кураш динамикаси.** Конфликтдаги тарафларнинг бири ёки иккаласи ҳам тўқнашувдан бош тортишга ёки ён беришга ҳаракат қилмаса, у ҳолда қарама-қарши кураш бошланади.

Тарафлардан бирининг куч жиҳатдан анча устунлиги унинг ғалабасини таъминлаган ҳолларда, энди бошланган конфликт жуда тез тугаши мумкин. Бироқ, кўп ҳолларда аксинча, конфликт узоқ давом этадиган хусусиятга эга бўлиши мумкин. Бундан ташқари, муайян тўқнашувнинг тез яқунланиши конфликтли вазиятни барҳам топишини англамайди ва конфликт янгитдан авж олади.

Миллатлараро ва сиёсий асосдаги конфликтлар айниқса узоқ вақт давом этади. Ҳозирги даврдаги кўпчилик конфликтларнинг илдизлари узоқ ўтмишга ва оммавий руҳиятнинг чуқур қатламларига бориб тақаладики, уларнинг дастлабки асл сабабларини амалий жиҳатдан аниқлашнинг имкони йўқ. Бунга мисол қилиб, баъзи мамлакатларда кенг тарқалган қонли ўч олиш ҳолатларини келтириш мумкин. Узоқ давом этувчи конфликтлар учун кескин ва нисбатан осойишта ҳолатларнинг, фаол қарама-қаршилик қилиш ва ўзига хос “тинч” даврларнинг алмашилиб туриши хосдир.

Шахслараро конфликтларнинг бир тури бўлган оилавий конфликтлар ҳам узоқ давом этиш хусусиятига эга. Оилавий конфликтларда бир хил ҳолатларнинг такрорланиши, даврийлик кузатилади. Оилавий жанжаллар кўпинча бир-бирини такрорлайди. Улар вақтинчалик тинчигандек бўлса ҳам, келишмовчиликларнинг ҳақиқий ва яширин сабабларини тугата олмайди.

Конфликтнинг энг кескин босқичи бўлган кураш одатда хужум ва мудофаанинг алмашилиши ҳамда муайян шароитларга боғлиқ турли ҳаракатлар ва воситаларни қўллашдан иборат. Ҳар қайси тараф муайян умумий стратегияга риоя этиши мумкин ва бунда ҳаракатларнинг алмашинуви назорат қилиниши мумкин. Музокаралар вақтида тўхтатилган кураш, агар улар натижа бермаса ёки эришилган келишув тарафлардан бири томонидан бузилса, қайта тикланади.

---

<sup>1</sup>Қаранг: Работа с конфликтом: навыки и стратегия действия. Лондон, Конфликтологический центр, 2001. С.23.

Халқаро амалиёт музокараларни узиш ёки ўт очишни тугатиш ҳақидаги битимларни бузиш ҳоллари курашни янада авж олдирганлигини тасдиқлайди. Баъзида музокараларнинг ўзидан рақиблардан бири вақтинча тинч ҳолатга эришиш учун тактика мақсадларида фойдаланиши мумкин.

Бир гуруҳ конфликтолог мутахассисларнинг фикрича, «Конфликт динамикаси ўзаро муносабатлар ва вазият хусусиятларини янада аниқ тушунишда, фаолиятни кўп даражада самарали режалаштириш ва ҳаракатланишда ёрдам қилади. Бундай тушунишга 2 йўл билан эришилади:

1) турли нуқтаи назарлар асосида бу конфликтларнинг батафсил таҳлилини амалга ошириш;

2) бу конфликтларга алоқадор алоҳида масалалар ва муаммоларни тадқиқ қилиш.

Конфликт таҳлили деганда нуқтаи назарларнинг кўплигига асосланиб конфликтнинг реаллигини тушуниш ва тадқиқ қилиш амалий жараёни тушунилади. Бундай тушуниш кейинча стратегия ва ҳаракатларни ишлаб чиқиш асосига қўйилади»<sup>1</sup>.

Конфликт етарли даражада ижобий йўналишда ривожланиши ва мавжуд зиддиятни тўла ёки ҳеч бўлмаганда вақтинчалик ҳал қилиш билан тугатиш мумкин. Бироқ, кўпинча унда бошқа хусусият ҳам устун келиши мумкин: кураш авж олади ва кескинлашади, конфликт ўсиб боради. Кураш динамикасининг бундай ҳолати одатда конфликт эскалацияси дейилади.

**Конфликт эскалацияси.** Конфликт эскалациясининг ташқи намоён бўлиш хусусияти - бу, энг аввало, курашнинг жадаллашуви ҳисобланади. Конфликт спирални бураш методи бўйича ривожланади: бир тарафнинг ҳаракати иккинчи тарафнинг қарши ҳаракати билан бирга кечади ва бу кейинги ҳаракат ўз оқибатларининг кўламига кўра конфликт бошланиши нуқтасидагига айнан бўлмайди.

Бир тарафнинг ҳаракатлари бошқа тарафнинг кўп марта кучлироқ ва ўз навбатида янги тажовузкор бўлган жавоб ҳаракатларини келтириб чиқаради. Конфликт эскалацияси одатда вазиятни шунчалик чигаллаштирадики, бунда конфликтда ҳақ ёки айбдорларни топиш мумкин бўлмай қолади. Конфликтологик тадқиқотларда бу масалада ҳам муайян фикрлар билдирилган: «Баъзида конфликтни жадаллаштириш зарур бўлади. Масалан, одамларнинг ҳамма нарсаси яхши бўлганда, ўз эҳтиёжларини қондиришда ҳамма учун ҳокимият ва ресурслар етарли бўлганда бошқа одамларнинг аҳволи унчалик яхши эмаслиги ёки улар бир чеккада қолиб кетаётганликлари эътибордан четда бўлади ёки бу ҳолатни тан олишни истамайдилар. Шунда зарур ўзгартиришларни киритишга имконият пайдо бўлиши учун конфликтни аниқлаш, уни ойдинлаштириш зарурияти юзага чиқади.

Жамоалар ва инсон ҳуқуқларини ривожлантириш соҳасида ишловчилар кўпинча уларнинг вазифалари бу конфликтни ҳал қилиш эмас, балки конфликт муаммосининг тан олиниши ва фаол ҳаракатлар бошланиши энг яққол намоён бўладиган айнан конфликтнинг интенсивланиши эканлигини тушуниб етадилар. Бу кўпинча манфаатига путур етказилган гуруҳга қўшилиш ва шу гуруҳ имкониятларини орттириш учун стратегиядан фойдаланиш ҳисобланади. Масалан, ЖАРда XX аср давомида вазиятни ўзгартиришни мақсади деб билган фаоллар

---

<sup>1</sup>Қаранг: Работа с конфликтом: навыки и стратегия действия. Лондон, Конфликтологический центр, 2001.С.41.

яширин конфликтларни очик конфликтларга айлантириш ва кейинчалик улар билан иш олиб бориш учун куч-ғайрат сарф этганлар.

Конфликтларни интенсивлаштириш - бу муайян тинч (зўрлик ишлатишни назарда тутмайдиган) мақсадларда яширин конфликтларни янада ойдинлаштириш ва ошкора қилишдир.

**Конфликт эскалацияси** бу танглик ва зўрликнинг кучайишидир<sup>1</sup>.

Эскалация конфликтда ички ўзгаришларни ҳам келтириб чиқаради. Конфликт яққол жадаллашуви сабабларини изоҳловчи асосий ўзгариш бу конфликт предметини ва тегишлича ўзаро таъсир шаклларининг алмашинувидир.

Конфликтнинг сезиларли чуқурлашуви ва кучайиши билан боғлиқ энг кенг тарқалган ва типик ҳолатлардан бири бу низода асослантиришдан эътирозларга, шахсий ҳақоратлашларга, ҳатто жисмоний таъсир кўрсатишга ўтишдир.

Бу вазиятда танқид шахсни ўзига ўзи баҳо беришга бўлган таҳдид сифатида қабул қилинади, ўз ўзига баҳо беришни ҳимоя қилишга бўлган уриниш конфликт предметини “шахсий” даражага қўйишга олиб келиши мумкин. Тоталитар ва теократик режимларда жиддий танқид доимо давлат хавфсизлигига хавф сифатида қаралган ва қатъий таъқиб қилинган. Парламент тортишувларида, давлатлараро муносабатларда бошқача нуқтаи назарни баён этиш кўпинча ўз мавқеини ўтказишга бўлган уриниш деб баҳоланади.

Манфаатлар конфликтда предмет алмашинуви юз бериши мумкин. Низоли объект туфайли бошланган қарама-қарши кураш янада кенг миқёсдаги тўқнашувга айланиши мумкин.

Манфаатлар конфликтда предмет ўзгариши мумкин. Бундай ўзгаришга “объект йўқолиши” типик мисол бўлади. Унинг мазмуни шундаки, низоли объект туфайли бошланган кураш янада катта тўқнашувга айланади, бунда конфликтнинг дастлабки предмети асосий рол ўйнамайди. қўшнилар ўртасидаги ер томорқалари чегаралари туфайли бошланган жанжал ўзаро душманчилик ва ҳар хил шахсий нохушликларни келтириб чиқариши мумкин. Кавказорти ва Шимолий Кавказдаги ҳудудий эътирозлар туфайли бошланган кўп сонли конфликтлар ўзаро душманчиликка, тинч аҳолига қарши геноцидга олиб келган.

Келтирилган мисолларда конфликтнинг “қатталашуви” кузатилади, янада чуқур зиддиятларга ўтиш тўқнашувнинг кўпчилик турли нуқталарининг пайдо бўлишига олиб келади. Конфликт янада кенг ҳудудларга тарқалади, ўз эпицентрини ўзгартиради.

Конфликт эскалациясида яна ҳам кўп миқдордаги иштирокчиларни жалб қилиш ҳисобига қарши курашувчи субъектларнинг ўзига хос “йириклашуви” юз беради. Индивидлар ўртасидаги конфликтнинг гуруҳлараро конфликтларга ўзгариши, рақобатлашувчи гуруҳлар тузилмасининг ўзгариши ва сонининг ортиши қўлланиладиган воситалар мажмуини янада самарали куч ишлатиш методлари ҳисобига кенгайтириб конфликт характерини ҳам ўзгартиради.

### § 3. Конфликтнинг тугаши

**Конфликтни тугаш шакллари.** Конфликтлар типологияси бир хил эмас, конфликтлар ўзгарувчан, бири бошқасига ўхшамайди. Бундай вазиятда конфликтлар тугашининг ягона шаклларини аниқлаш ёки уларни ҳал қилишнинг

<sup>1</sup>Қаранг: Работа с конфликтом: навыки и стратегия действия. Лондон, Конфликтологический центр, 2001. С.25.

кандайдир универсал усулларини топиш қийин масаладир. Бироқ, муаммонинг мураккаблигига қарамасдан тўпланган назарий ва амалий тажрибага таяниб баъзи хулосаларни чиқариш мумкин.

Энг аввало, конфликтнинг тугаши уни ҳал қилишдан анча кенг тушунчадир. Конфликт иккала тарафнинг ҳалокати билан якунланиши мумкин, бироқ бу унинг ҳал қилинганлигини англатмайди. Агар конфликтни тугашига унинг тамом бўлиши, унинг турли сабабларга кўра тўхташи деб қаралса, унинг ҳал қилинишини қарама-қарши курашни тинч ёки куч ишлатиш воситалари билан тўхтатувчи конфликт иштирокчиларининг ўзи ёки учинчи тарафнинг у ёки бу ижобий ҳаракати (қарори) деб тушунишимиз керак.

Амалий фаолият тажрибаси шуни кўрсатадики, конфликтни ҳал қилиш учун озми-кўпми куч-ғайрат сарфлаш керак. Конфликтнинг “ўз-ўзидан ҳал қилиниши” маънога эга эмас. Албатта, конфликтни умуман пайқамаслик, инкор этиш, яхши ҳолатда тушунтиришга ҳаракат қилиш мумкин. Бироқ, у стихияли ривожланади, кескинлашади, бошқа конфликтларга таъсир қилади ва натижада тизимни тўла бузиши мумкин.

Конфликтни муваффақиятли ҳал қилиш шарт-шароитлари кўп даражада тарафлар ва бошқа иштирокчиларнинг имкониятлари ва хоҳиш-эрклари билан белгиланади. Конфликтни тўхтатишнинг бош, энг фаол асоси бу конфликтли вазиятни юзага келтирган объектив сабабларни бартараф қилиш ҳисобланади. Конфликт ҳам ташқи ҳаракатлар, ҳам конфликтлашувчи субъектларнинг ўзлари билан белгиланганлиги сабабли унинг ҳал қилиниши ҳам мазкур икки гуруҳ омилларга боғлиқ. Масалан, оилавий конфликт эр-хотинларнинг бири ёки иккаласининг бевафолиги билан боғлиқ бўлса, уни яхши ҳал қилиниши эр ва хотин руҳиятининг хусусиятларида ифодаланади ва ўтмишдаги хатоларни бартараф этиш, биргаликда ҳаёт кечиришга бўлган интилиш билан белгиланади. Баъзи хизмат билан боғлиқ конфликтларда кўп нарса ташқи ҳолатларга боғлиқ. Масалан, бўлим ёки муассасанинг қайта ташкил этилиши улардаги мавжуд ички конфликтларни тўла бартараф этади.

Адабиётда билдирилган фикрларни умумлаштириш орқали конфликтнинг якунланишини қуйидагича тавсифлаш мумкин:

- томонларнинг ўзаро ярашиши натижасида конфликтнинг тўхташи;
- конфликтни симметрик ҳал этиш йўли билан тўхтатиш (бунда иккала тараф ютади ёки ютқизади);
- конфликтни ассиметрик ҳал этиш йўли билан тўхтатиш (бунда фақат бир тараф ютади);
- конфликтнинг бошқа қарама-қарши курашга ўсиб ўтиши;
- конфликтнинг аста-секин босилиши.

Бу таснифда конфликтнинг объектив бошланиш асослари уни ҳал қилишнинг субъектив усуллари билан қўшилганлигини кўриш мумкин. Уларни янада бўладиган бўлсак бошқача таснифга эга бўламиз. Масалан, конфликтларга аралашуш натижаларига қараб таснифласак, унда конфликтнинг ҳал қилиниши, уни тартибга солиш ёки бартараф этишни фарқлаш мумкин.

Америкалик тадқиқотчи Р.Даль конфликтни якунлашнинг уч муқобил имкониятини ажратиб кўрсатади: тупик, зўрликни қўллаш ва тинч йўл билан тартибга солиш. Турли вариантларни бошқача уйғунлаштириб айтиш мумкинки, конфликт тарафларнинг иккаласи ёки бирининг ҳалокати билан тугайди, “яхши вақтлар келгунча” тўхтатилади ёки бирон бир тарзда конструктив ҳал этилади.

Биринчи ҳолатга қирғин уруш мисол бўлиши мумкин. Ўтган асрларда юз берган кўпчилик урушларда кўп сонли қуруқликдаги қўшин аскарлари ва тинч

аҳолининг аксарият қисми ҳалок бўлган бўлса (Иккинчи жаҳон уруши 50 млн.дан зиёд кишининг ёстиғини қуритган), эндиликда эҳтимол тугилган атомли урушда бутун инсониятнинг ҳалокати ҳам истисно қилинмайди. Шу сабабли ядро қуролини камайтиришга, дунёни ўт олишига олиб келувчи халқаро конфликтларни бартараф этиш йўлидаги астойдил ҳаракатларни рўёбга чиқариш учун узоқ вақт талаб этилмоқда.

Конфликтни у ёки бу вақтга тўхтатиб туриш, кечиктириш, секинлаштиришни курашни тўла яқунланиши деб ҳисоблаб бўлмайди. Бирок конфликт барибир очик кураш сифатида давом этмайди ва танглик сустрелади. Бу ҳолат тарафларнинг кучсизланиши билан, янги кураш учун кучларни тўплаш зарурияти билан боғлиқ бўлиши мумкин. Конфликтнинг вақтинчалик босилиши ташқи тасаввурни тўғдириши, бироқ унинг ҳақиқий ривожланишини ифода этмаслиги ҳам мумкин: шунчаки “очик” конфликт вақтинчалик “яширин” шаклга ўтиши мумкин.

**Конфликтни ҳал қилиш механизмлари ва асослари.** Адабиётларда конфликтларни ҳал қилишнинг мақсадга мувофиқ асосларига куйидагилар кириши ҳақида фикр берилади, яъни: конфликт сабаблари; тарафлар ҳулқ-атвор мотивларини ўз ичига олган қарама-қарши кураш диагностикаси; вазиятли ва позициявий таҳлилни амалга ошириш (вужудга келган вазият ва тарафлар нуктаи назарларини аниқлаштириш); конфликтлар боришини ва оқибатларини башорат қилиш (шу жумладан конфликт у ёки бу тарзда тугаганда ҳар бир тараф учун фойда ёки зарарни аниқлаш). Бу ҳаракатларнинг барчаси фақат учинчи тараф (воситачи, ҳокимият органи) томонидангина эмас, шунингдек субъектларнинг ўзлари томонидан амалга оширилиши фойдалидир, бунда тарафлар ўтказилган таҳлилдан сўнг умумий қарорларни ишлаб чиқиш заруриятини тушунишга яқинлашадилар.

Конфликтли вазият моҳиятини аниқлаш, уни объектив тушуниш, конфликт иштирокчилари томонидан адекват англаш келишувларни ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади, шунингдек, баъзи ҳолларда вазият тарафлар томонидан бузиб қабул қилинса, конфликтни умуман тугатиш мумкин. Келишмовчиликлар предмети қанчалик аниқроқ ва қатъий белгиланса, конфликтни ҳал қилишнинг самараси учун шунча имкониятлар туғилади.

Конфликтни ҳал этиш асосларидан фойдаланиш, уни ҳал қилиш механизмларига олиб келади: а) конфликтни иштирокчиларнинг ўзлари томонидан ҳал қилиниши; б) учинчи тарафнинг аралашуви. Бундан ташқари, конфликт турли босқичларда ҳал қилиниши мумкин. Баъзи ҳолларда унинг ривожланишини тарафлар энди қарама-қарши курашга киришганларида ва биринчи ноқулайликлар ва талафотларни ҳис қилганларида тўхтатиш мумкин. Бошқа ҳолларда конфликт тугатиб бўлмас зарар етказилгандан кейингина ҳал қилиниши мумкин (инсонлар ҳалокати, турар-жойларнинг қулаши, мулкни йўқ қилиб юборилиши ва б.).

Конфликтларни ҳал қилишнинг кенг тарқалган йўли - бу тинчликсевар кучларнинг аралашувидир. Бу кучлар конфликтли вазиятнинг ўзига (1), конфликтни сақлаб турувчи ҳолатларга (2), шунингдек иштирокчиларнинг ўзига (3) таъсир кўрсатиши мумкин. Конфликтни муваффақиятли ҳал этишнинг муҳим қоидаларидан бири - бу “ҳақ” ва “ноҳақ” тарафларни бир-бирига қарши қўйиш эмас, балки иккала тарафнинг манфаатларини тўла ёки қисман қондиришга имкон берувчи қарама-қаршиликни ҳал қилиш йўллари топишдир.

Маълумки, конфликт асоси бу субъектлар ўртасидаги қарама-қаршиликлардир. Шу сабабли конфликтларни ҳал этишнинг энг мақбул ва

натижали йўли - бу кўрсатилган зиддиятларни бартараф этилишидир. Бироқ бу йўлга ҳар доим ҳам эришиб бўлмайди. Бундан ташқари, зиддиятларнинг турли типларини (очиқ, яширин, объектли, объектсиз ва ҳ.), уларнинг даражаларини, субъектлари хусусиятларини, шунингдек, конфликтни тўхтатишга интилувчи кучлар ихтиёридаги объектив имкониятларни ҳам эътиборга олиш керак.

Конфликт асосида ётувчи зиддиятларни бартараф этишнинг асосий усуллари қуйидагилар бўлиши мумкин:

- конфликт объектини бартараф этиш;
- конфликт объектини тарафлар ўртасида бўлиб олиниши;
- объектдан фойдаланиш навбатини ёки биргаликда фойдаланиш қоидаларини ўрнатиш;
- объектни бошқа тарафга берганлик учун тарафлардан бири томонидан компенсация қилиш;
- конфликт тарафларини ажратиб қўйиш;
- тарафлар муносабатларини уларнинг умумий манфаатларини аниқлашга йўналтириш ва б.

Конфликтларнинг ҳал қилиниши - бу моҳиятига кўра низоли масала бўйича тарафлар ўртасида келишувга эришишдир. Бундай келишувнинг уч асосий тури бор : 1) тарафлар фикрининг бир-бирига мос келиши натижасидаги келишув ; 2) қонунчиликка ёки ташқи кучнинг ахлоқий эркига мувофиқ бўлган келишув ; 3) қарама-қарши курашувчи тарафлардан бири томонидан маъқулланган ва илгари сурилган келишув.

Биринчи ва учинчи ҳолларда конфликтни ҳал қилиш рақиблиларнинг икки тарафлама фаоллигини тақозо этади. Халқаро ва ички сиёсат соҳасидаги амалиёт шунини кўрсатадики, кўп ҳолларда конфликтни ҳал қилиш жараёнини кучли рақиб томоннинг ўз эркини нисбатан заиф томонга бир томонлама мажбуран ўтказиш сифатида тушуниш мумкин эмас. Негаки мажбурий қабул қилинган қарорнинг умри қисқа бўлади, конфликт у ёки бу шаклда яна тикланади . Масалан, собиқ Совет Иттифоқида аввалдан мавжуд ҳудудий чегараларнинг сунъийлигини эслаш кифоя. Иттифоқ инқирозга учраганда ва унга боғлиқ миллатлараро нифокларнинг вужудга келганидан сўнг, халқларнинг ҳудудий бўлиниш муаммоси жуда кескин тарзда намоён бўлди.

Шу сабабли куч ишлатиш йўли, яъни ҳарбий йўл билан конфликтни ҳал этиш мустаҳкам негизга эга бўлмайди. Урушда мағлубиятга учраш, бой берилган манфаатларни қайтаришга бўлган интилиш - зўравонлик кайфиятларини келтириб чиқаради. 1905 йилдаги рус-япон уруши Россиянинг мағлубияти билан тугади. Бироқ, 1945 йилда Собиқ Иттифоқ реванш олди. Бу ўз навбатида кўп йиллар давомида Курилл ороллари муаммоси устида бош қотираётган япон тарафига ёқмади.

Ҳозир икки мамлакат ўртасидаги конфликт гўёки тўхтатилгандек кўринади. Бироқ, узил-кесил қарорга эришилмади. У ёки бу урушлар натижасида вужудга келган бошқа ҳудудий муаммолар вақти-вақти билан кун тартибидан жой олиб туради.

Бироқ, иккала тарафни ҳам қаноатлантирувчи қарорга эришилмаса, нима қилмоқ керак? Бундай вазият баъзи ҳолларда конфликт йўналишини ўзгартириши мумкин. Бу нафақат тарафлар қарама-қарши кураши предмети ва мотивларини, шунингдек, баъзида иштирокчиларнинг ўзларини ҳам алмашинувини англатади. Фуқаролик ва меҳнат низолари бўйича суд амалиётида бунга ўхшаш вазиятлар учраб туради.

Баъзан меҳнат ва фуқарорлик-хукуқий низолари йиллар давомида чўзиладиган сансалорликка айланиши мумкин. Конфликт предмети аллақачон йўқ бўлиб кетган, низоли қарор қабул қилган раҳбарлар таркиби ҳам ўзгарган, шикоятчи эса, ҳануз қонун талабларига эътибор бермай вазиятни ўз фойдасига ҳал қилишга эришмоқчи бўлади. Бу ерда мотивация ўзгаради, “мотивнинг мақсад томон ўзгариши” намоён бўлади. Бошқача айтганда конфликт янги жиҳатларга эга бўлиб ўзгаради.

Санаторияда тиббиёт ҳамшираси бўлиб ишловчи М. штатлар қисқариши бўйича ишдан бўшатирилган. У ишдан бўшатилиш мотивлари билан рози бўлмаган, бунга ҳақиқий сабаб бош врач билан бўлган ёмон ўзаро муносабатлар деб ҳисоблаган. Санатория маъмуриятининг қарори устидан судга шикоят қилганида натижа бермаган. Шунда М. санатория бош врачлари устидан прокуратурага, қасаба уюшмаси қўмитасига ва марказий газета таҳририятига шикоятлар ёзган. М. конституциявий судга қатор шикоятларни ёзавериб, натижада бу конфликтга эллиқдан ортиқ ташкилотларни жалб қилган. Унинг ўзи эса, ишга тиклаш масаласи уни аллақачон қизиқтирмаётганлиги ( у бу вақтда хусусий клиникада ишлаётган эди) ни айтиб, гап санатория бош врачлари ва бошқа ходимларнинг “инсонга ноинсоний муносабатда бўлганликлари” учун жазолаш “принципи” ҳақида кетаётганлигини билдирган.

Чуқур ва кенг кўламли конфликт тизимни инқирозли ҳолатга ва оқибат натижада уни бузишга, ҳалокатга ёки жиддий ўзгаришга олиб келиши мумкин.

Инқироз одатда жамият қадриятлари тизимини шикастланиши, ҳокимият, бошқарув институтларининг бузилиши, ижтимоий назоратнинг заифлашуви, аномалиянинг вужудга келиши, яъни одамлар ўртасидаги мавжуд тартиботни очиқ бузилиши билан боғлиқ. Шу сабабли баъзида кимлардир ривожланаётган конфликтга бефарқ қарайдилар ҳам. Кўпинча эса кишилар конфликтларни зудлик билан бартараф этиш учун барча имкониятларни сафарбар қилишга мойил бўладилар.

Маърифий ҳаёт кечириш норозилар , “қийноққа солинганлар”ни юзага келтиришни рад этиб, балки одамлар ўртасидаги узоқ муддатли муносабатларга асосланган турмуш фаровонлигини таъминлашдан иборат. Тарихий тажриба эса куч ишлатиш ва бошқа тарафни алдаш билан ютуққа эришиш, уларни ҳокимият ва мулкчилик тизимида мустаҳкамлаш мумкинлигини кўрсатади.

Конфликтни барҳам топтиришга йўналтирилган шахслар ва гуруҳларнинг куч-ғайрати ҳамма ҳолларда бир хил эмас, иккала тарафнинг манфаатларини эътиборга олиш керак. Бир тараф ҳақ бўлмаслиги мумкин, бошқаси ҳам айбсиз, камчиликсиз бўлмайди. Бироқ, биринчи тарафнинг ўз манфаатлари бўлиши мумкин ва агар уларни умуман эътиборга олинмаса, конфликт вақтинча босилиши мумкин, бироқ йўқолмайди. Конфликтологлар томонидан конфликтни тинч йўл билан ҳал этишнинг қатор усуллари ишлаб чиқилган, шунингдек, бунинг учун зарур омиллар кўрсатилган.

Уларга қуйидаги усуллар ва омиллар киради :

- институционал: жамиятда маслаҳатлар, музокаралар ўтказиш ва ўзаро фойдали қарорларни ахтариш учун хизмат қилувчи механизмлар, жумладан қонун чиқариш, суд ва ижро ҳокимияти доирасидаги механизмлар (конституциявий суд, арбитраж ва б.)нинг мавжудлиги;

- консенсуал: мақбул қарор қандай бўлишлиги ҳақида конфликтлашувчи тарафлар ўртасида келишувнинг мавжудлиги;

- кумулятив омил: у қанчалик оз бўлса, тинч йўл билан ҳал этиш эҳтимоли шунчалик юқори бўлади. Бошқача қилиб айтганда конфликт янги муаммолар ва иштирокчилар билан ўсиб бормайди;

- тарихий тажриба омили: бунга ўхшаш конфликтларни ҳал қилиш усуллари киради. Бунда оқсоқоллар ва бошқа обрўли шахслар муҳим рол ўйнашлари мумкин;

- кучлар мувозанати омили: агар конфликтлашувчи тарафлар мажбурлаш имконияти бўйича тахминий тенг бўлсалар, улар конфликтни тинч йўл билан ҳал қилиш йўллари қидиришга мажбур бўладилар;

- психологик омил: конфликт вақтида қарор қабул қилишга масъул бўлганларнинг шахсий хусусиятларига кўп нарса боғлиқ бўлади. Л.Козернинг ёзишича, конфликт субъектлари унинг бефойдалиги ва ноўринлигини тушуниб етсалар ўз ҳатти-ҳаракатларини конфликтни юзага келтирган дастлабки мақсадга эришиш учун эмас, балки мавжуд вазият юзага келтирган ижтимоий тангликни камайтириш учун қайтадан ўзгартира бошлайдилар<sup>1</sup>.

### **Ижтимоий гуруҳлар конфликтларини ҳал этиш.**

Конфликт тадқиқотчиси учун ва иштирокчиларининг ўзлари учун ҳам йирик ижтимоий муаммоларни тартибга солишнинг зарурлигини тушуниб етиш муҳим, бу муаммолар негизида кўп конфликтлар юзага келади. Бу ишда зиёлиларнинг турли ижтимоий қатламлари асосий ролни ўйнайди, чунки айнан шу ижтимоий гуруҳ фикрларнинг қўзғолишини сусайтириши, ғазабланган тарафларга “яхшилик ва босиқлик”ни ёйиши керак. Айнан шу жиҳатдан шовинистик ва миллатчилик мафкурасини қоралаш энг таъсирчан ҳисобланади.

Тинчлик ва келишув ҳақидаги чақириқлар билан кечувчи кўп тадбирлар ўзининг муҳимлигига қарамасдан вақтинчалик ҳисобланади. қоида бўйича улар конфликт моҳиятига таъсир этмайди, балки фақат унинг белгиларига тааллуқли бўлади.

У ёки бу конфликтлашувчи тараф раҳбарларининг расмий ёки норасмий ҳаракати ўта аҳамиятлидир. Ўз тайинланишига кўра ҳокимият марказлари одамларнинг зиддиятли манфаатларини мувофиқлаштиришни удалай олиши керак. Ҳокимият тузилмаларининг раҳбарлари камида муайян эрк-иродага, маҳорат ва интеллектга эга бўлишлари сўзсиз талаб этилади.

Ижтимоий гуруҳларнинг бирор аҳамиятли конфликтда йўлбошчиларда институтлаштириш, инструментал (иктисодий ва бошқа турдаги рағбатлантириш, санкциялар, тарғибот, қонунларни ишлаб чиқиш ва б.) ва босқичли мунтазам ёндошувларни тезлик билан жамлашга бўлган хоҳиш; миллий хусусиятларга қарамасдан тарафлар учун тенг шароитларни яратиш; миллатлараро муносабатларни инсонпарварлаштириш, ниҳоят, ҳакам судьяларни жалб этишга бўлган интилиш кузатилган. Айтиш жоизки, Тоғли қорабоғдаги конфликтни тўхтатишга бўлган кўп сонли уринишларда юқорида саналган ҳаракатлардан ҳеч бири амалга оширилмаган, музокаралар режасиз ва олдиндан тайёргарликсиз, тартибсиз олиб борилган ва, табиийки, бирорта ижобий натижага эришилмаган.

Фақат миллатлараро конфликтларда эмас, шунингдек кўпгина бошқа конфликтларда ишлатилиши мумкин бўлган усуллардан бири бу тарафларни ажратиш, уларни бир-биридан алоҳида қилишдир. Турмуш конфликтларида бу қўшниларни турли жойларга кўчириш, оилада - ажралиш, ташкилотда - конфликтлашувчи ходимларни турли бўлимларга ўтказиш бўлиши мумкин. Халқаро амалиётда тарафларни ажратиш “хавфсизлик йўлаги”ни ўрнатиш,

---

<sup>1</sup> Қаранг: Coser L. Op.cit. P.36.



тинчликсевар кучларни киритиш ва ҳ.ни тақозо этади. Табиийки, тарафларни ажратиш қарама-қарши курашувчи кучларнинг қаршилигига учраши мумкин, бироқ баъзида халқаро амалиёт кўрсатганидек, у ягона самарали усул бўлиб хисобланади.

Конфликтнинг ғоявий ва ижтимоий-руҳий элементларига таъсир этиш ҳам муҳим, хусусан, конфликтлашувчи бошқа тараф ҳақида, унинг ҳаракатлари ва хулқ-атвор мотивлари ҳақидаги сохта тасвурлардан ҳалос бўлишга ҳаракат қилиш керак. Бундай бузуқ тасаввурлар, ортиқча бўрттириб ишонишлар, сохта ахборот, миш-мишлар одатда ва, айниқса, миллатлараро муносабатларда кам эмас.

Конфликт ҳаракатларини унинг ривожланишини назорат қилиш орқали қамайтириш мумкин. Бу ерда гап фақат кескинлик йўналишини ўзгартиришдагина эмас, балки уни тартибга солиш ҳақида (масалан, “жамоавий шартнома” тизимларидаги меҳнат низоларида) ҳам боради. Қоидага кўра, тарихнинг доимий гувоҳлик беришича, тарафлардан бирини чеклашга қаратилган чоралар қабул қилинади. Бу ҳолда вақтинчалик самарали бўлган ташвиқот, маъмурий, куч қўллаш воситалари қўлланилади. Бироқ бу ерда конфликт асосида ётувчи узок вақт давом этувчи зиддиятларни ҳал қилиш бўйича қўшимча амалга ошириладиган ҳаракатлар жуда муҳимдир.

Бир вақтнинг ўзида раҳбар барча тарафни вақтинчалик қаноатлантирадиган конфликтни ҳал этиш бўйича чораларни қўллаши мумкин (раҳбариятнинг компромисс иш тутиш услуги). Раҳбарнинг имкониятлари етарли даражада бўлмаслиги ҳам мумкин, унинг рақиблири ва маслаҳатчилари баъзида уни жиддий қарорларни қабул қилишга ундашлари мумкин.

Йирик ижтимоий конфликтни ҳал қилинишига охириги мақсад деб қараш керак эмас. Гап шундаки, жамиятни издан чиқаришга олиб келувчи йирик гуруҳлар ўртасидаги конфликтларни бир оддий сабабга кўра фақат салбий кўрсаткич сифатида асосий инсоний қадриятлар даражасига бир маънода жойлаштириш мумкин эмас; улар (муайян шароитлар мавжудлигида) фақатгина бузғунчи функцияни эмас, шу билан бирга барча ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақловчи функцияни ҳам бажаришлари мумкин.

Аслида манфаатлар ўхшашлигига ёки фарқланишига асосланган тўқнашувнинг табиийлиги ва муқаррарлиги тан олиними ҳақидаги тезисга таянадиган бўлсак, очиқ намоён бўладиган зиддиятлар ижтимоий муносабатларни яхшилаш нуқтаи назаридан етарли даражада фойдали бўлиши мумкин. Муаммо тангликни олиб ташлаш, конфликтнинг ўзини бартараф этишда эмас, балки унинг ривожланиши билан боғлиқ хавфни иложи борича қамайтиришда, яъни тўқнашувларни маҳорат билан бошқаришдадир. Бундай ёндошув рақибда кўролмайдиган душманни эмас, балки бўлғуси шерик (ҳамкор)ни кўришга мажбур этади.

Бу хусусда конфликтологик назария эскалация ва деэскалацияга йўналтирилган ҳаракатлар конфликтларни юмшатиш ишида натижали бўлишга имкон берувчи турли шароитларни қўшимча тадқиқ этиш зарурлигини кўрсатади. Конфликтни ҳал этиш билан боғлиқ ёндошув методлари конфликт ҳолатлари, бу конфликтни ҳал этишнинг эҳтимол тутилаётган оқибатлари ҳақида қўшимча билимларни талаб этади.

Тотувликнинг ғоявий асоси бу давлат ҳокимиятидаги кўп укладли иқтисод концепциясидир. Мулкчилик ва ҳокимиятни қайта тақсимлаш икки укладнинг мавжуд бўлишига олиб келади: давлат ва бозор мулкчилиги. Бундай ҳолатда давлатнинг ўзи сўзсиз тарзда кучли бўлиб қолаверсада, унинг функциялари тораяди. қонун доирасида амалга ошириладиган мулк ва ҳокимиятнинг қайта

тақсимланиши конфликтни юмшатади. Иқтисодиётнинг давлат ва хусусий мулкчилик секторлари орқасида турган йирик ижтимоий гуруҳлар алоҳида фаолият кўрсатадилар ва бир-бирлари билан асосан рақобатлашувчи товар ишлаб чиқарувчилар сифатида тўқнашадилар. Ўтиш даври харажатлари шу тариқа нисбатан мақбул миқдоргача камайтирилиши мумкин.

**Халқаро конфликтларни ҳал қилиш.** Халқаро конфликтларни ҳал этиш бир мунча мураккаб ҳисобланади. Улар анъанавий равишда рақобат ва зўрлик бош, муҳим рол ўйнайдиган давлатлараро кескинлашган муносабатлардан иборат. Бу ерда кўпинча иркий, синфий ва гуруҳий, миллий, ҳудудий ва бошқа манфаатлар чамбарчас қўшилиб кетади. Курашга турли хил ҳукумат ва хусусий ташкилотлар, ижтимоий ҳаракатлар жалб қилинади.

Кейинги ўн йилликда халқаро конфликтларни тушунишда жиддий ўзгаришлар кузатилди. Мавжуд зиддиятларни тинч йўл билан ўзаро мақбул ва кенг қамровли воситалар ёрдамида ҳал қилиш мумкинлиги ҳақидаги ғоя вужудга келди ва кенг тарқалди. Бу ғоя тинч йўл билан ечимларни ахтариб топишни илгари сураган экан, унинг ўзи конфликтология назариясининг ривожланиши ва амалий мақсадлар учун ижобий ва фойдалидир.

Тинч йўл билан ҳал этиш усулини танлашда очиқ намоён бўладиган зиддиятларнинг қатъий чегараларини белгилаш мақсадга мувофиқдир, чунки яширин зиддиятларга қараганда уларни бошқариш енгил кечади. Бундан ташқари, рақибга ва конфликтнинг ҳар қандай иштирокчисига душман сифатида эмас, балки ҳамкор (шерик) сифатида қараш керак.

Халқаро конфликтлардаги янгиликни одатда икки ёндошувни тушуниш билан фарқлайдилар.

Анъанавий ёндошув конфликт негизида ётган зиддиятларни ҳал қилиш билан боғлиқ. У жаҳонда юз берувчи ўзгаришларни етарли даражада акс эттирган ижтимоий назариялар билан мувофиқлаштирилади. Иккинчи ёндошув кейинги йилларда ишлаб чиқилган. У умумий кўламдаги тинчликни барқарорлаштиришга, шунингдек, қуролли конфликт имкониятларининг ўзини чеклашга қаратилган “тинчлик яратувчилик” ғоялари билан боғлиқ. қуролли конфликтлар эҳтимолини чеклашга қаратилган тинчликни ўрнатувчи усуллар ўз ичига конфликтларга йўл қўймасликнинг институционал усулларини қидириш ва ривожлантиришни олади. Бу ёндошув давлатлар ва халқлар ўртасидаги муносабатларнинг бўлғуси андозалари учун айниқса маъқулдир. У қисман амалда синалган (Сербия ва Хорватия, Грузия ва Жанубий Осетия, Кипрдаги грек ва турк жамоалари чегараларига тинчликпарвар қўшинларнинг киритилиши ва б.) ва нисбатан бўлсада ҳам ўз самарасини кўрсатган.

**Музокаралар юритиш конфликтларни ҳал қилиш усули сифатида.** Тарафлар қарама-қаршилигини бартараф этишнинг барча усуллари ичида музокаралар энг самарали ҳисобланади. Ўзаро таъсир этишнинг музокаравий типини учун тарафларнинг кўзланган натижанинг ҳеч бўлмаганда бирор қисмига эришишга, муайян компромиссга боришга бўлган интилишлари хосдир. Музокаралар жараёни қуйидаги шароитлар бўлганда бошланиши мумкин: 1) тарафлар зиддиятли манфаатлардан ташқари аҳамиятли умумий манфаатларга ҳам эга бўладилар; 2) тарафлар ўзлари учун фойдали бўлган муайян битим ёки бир хил тушунишга эришишнинг имконияти бор деб ҳисоблайдилар; 3) улар ўзаро қониқтирувчи қарорларни излашда музокарага киришадилар<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Shellenberg J.A. The Science of Conflict. N.Y., 1982.

Музокаравий жараёндан самарали фойдаланишга мисол бўлиб Днестр бўйидаги конфликтли вазият ҳисобланади. Бунда қарама-қарши курашувчи тарафларни вақтинчалик бўлса-да келиштиришга эришилган, оқибатда қон тўкишлар олди олинган. Чеченистонда эса, бундай музокаравий жараён қўлланилмаган.

Конфликтни бостириш учун тарафлар низоли масалалар ҳақида ва кейин қандай бўлишлари ҳақида келишиб олишлари керак. Бунда низо предмети қанчалик аниқ ва қатъий белгиланса, конфликтни узил-кесил ҳал қилинишининг имконияти шунчалик кўп бўлади.

Музокаралар ўз ичига ҳаракатларнинг турли типларини олади: илтимослар, талаблар, таклифлар, ваъда беришлар, рад этиш ва ҳ.

Кишилиқ жамияти бутун тарих давомида музокаралар юритишнинг бой тажрибасини тўплаган. Бу тажрибанинг шаклланишида нафақат сиёсатчиларнинг, шунингдек, экспертлар, журналистлар, бошқарув соҳаси мутахассислари, олимларнинг ҳам катта ҳиссаси бор. Сўнги ўн йиллик эса уларни юритишнинг айрим қоидалари ва тартибларини тадқиқ этиш даври бўлди. Музокараларнинг элементлари: унинг тарафлари, бевосита иштирокчилари, предмети, ўзаро коммуникация каналлари, ахборот аниқланди. Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, ахборотнинг етишмовчилиги иштирокчиларнинг шубҳаланишига ва ишонмаслигига, яъни конфликтнинг чуқурлашувига олиб келади. Шунингдек, музокараларнинг бориши ва натижаларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишда қийинчиликлар ҳам мавжуд. Умуман олганда иштирокчиларнинг ҳатти-ҳаракати мавжуд вазиятга, шунингдек, уларнинг таълим ва маданий даражасига, иродавий ва бошқа шахсий хусусиятларига боғлиқ.

Менежментга бағишланган ишларда катта эътибор ишлаб чиқариш конфликтларини ҳал қилиш муаммоларига қаратилган. Бу ерда музокараларга тайёргарлик кўришнинг ўзи ўта муҳимдир. Унга рақиб (музокаралар бўйича ҳамкор), унинг шахсий хусусиятлари, эҳтимолли аргументлари ҳақида маълумотларни йиғиш киради. Музокаралар вақтида конфликтнинг кескинлашувига қарши таъсир кўрсатувчи ҳатти-ҳаракат йўналиши тавсия этилади. Бундаги асосий қоидалар жуда оддийдир: 1) бир-бирларининг ҳуқуқларини тан олиш; 2) шерик томонни батафсил тинглаш; 3) шерик томон нуқтаи назари тушунилганлигини намоиш этиш; 4) конфликтнинг шерик тараф томонидан қандай қабул қилинаётганлигини аниқлаш; 5) муҳокама предметини қатъий шакллантириш; 6) умумий нуқтаи назарни қайд этиш; 7) тарафларни нима ажратаётганлигини аниқлаш; 8) шундан сўнг конфликт мазмунини қайтадан тасаввур этиш; 9) умумий қарорни топиш; 10) яқдиллик ва фарқларни қайд этиб, умумий қарорни қабул қилиш.

Музокаралар яқунланишида юз бериши мумкин бўлган типик хатолар ва ҳатто оғир оқибатлар қуйидагилар бўлиши мумкин, яъни:

- шерик тараф ўзининг янглишганлигини рақибининг хатоси деб билади;
- шерик тараф ўз манфаатларини қисман яширади;
- шерик тараф заруриятсиз “уруш ҳолати”ни қабул қилиши ёки мудофаага киришиши мумкин;
- шерик тараф ўз устунлигини тан олишни талаб қилади;
- эски аразлар ёдга олинади, рақибнинг заиф томонларига эътибор қаратилади;
- музокаралар ниҳоясида “ғолиб” ва “мағлуб” эълон қилинади.

Музокараларда танглик манбалари кўпинча фақат унинг иштирокчилари тасаввурларидагина мавжуд бўлади. “Сохта” конфликтларни ҳал қилиш ҳақиқий

конфликтларга нисбатан қийин бўлади. Фақат малакали олиб борилган музокараларгина бундай “конфликт-шарпалар”ни кун тартибидан чиқариши мумкин, бу эса ҳақиқий мавжуд конфликтларнинг ҳал этилишини маълум даражада енгиллаштиради.

Музокаралар иштирокчилар ўртасидаги ишончнинг мустаҳкамлана бориши билан янада яхшиланиши мумкин.

Меҳнат ва халқаро конфликтлар, бошқарма тизимидаги конфликтларни ҳал қилишга тааллуқли музокараларни юритиш бўйича кўпгина тавсиялар америкалик тадқиқотчилар томонидан ишлаб чиқилган:

- 1) музокаралар тартиб асосида ва иш моҳияти бўйича олиб борилиши керак;
- 2) муаммони томонларнинг бир хил тушунишларига эришиш ва шундан сўнг уни бирга ҳал этишга эришиш;
- 3) кишиларга уларнинг муаммоларидан алоҳида ҳолда қараш, муносабатларни яхшилаш, ишонтиришга интилиш муҳим;
- 4) ўз қарашларингизни асослантирувчи адолатли ёндашувдан фойдаланинг. Маъқулламасангиз ҳам бошқалар томонидан билдирилган фикрларни ҳурмат қилинг;
- 5) нимага интилаётганлигингизни ёддан чиқарманг, хаёлларга кўп берилманг.

Конфликтни ҳал этиш усули сифатида музокараларнинг муҳимлигидан ташқари уларнинг жиддий чекланганлигини ҳам айтиш жоиз. Музокаралар ёрдамида доим ҳам ҳар қандай конфликт асосида ётган объектив зиддиятларни заифлаштириш ёки йўқотишнинг иложи йўқ. Бироқ, улар аввал келишмовчиликларни енгиллаш мумкин бўлмаган жойларда фойда бериши шубҳасиздир.

Баъзида ўзаро таъсирнинг музокаравий типи курашга ҳам айланиши, хусусий сабаб асосидаги музокаралар орқали янада чуқур келишмовчиликлар ёки субъектлардан бирининг янада чуқур эътирозлари юзага келиши мумкин. Бундай кураш предмети бўлиб, музокаралар предметини ташкил қилувчи келишмовчиликлар эмас, балки, масалан музокаралар натижа бермаса, яширин келишмовчиликлар бўлиши мумкин.

#### **Гаровга олиш билан боғлиқ музокаралар.**

Энди конфликтларнинг энг кескин ва хавфли турларида, айнан гаровга олишдаги музокараларни юритиш бўйича ғарб мутахассисларининг баъзи тавсияларига тўхталамиз.

Гаровга олишдаги музокараларда қуйидаги ҳолатлар чуқур таҳлил этилиши ва эътиборга олиниши керак: 1) гаровга олувчилар шахси хусусиятлари; 2) гаровга олиш мотивлари ва жиноятчилар мақсадлари; 3) гаровга олувчиларнинг яқин ва узоқ вақтга мўлжалланган ҳатти-ҳаракатлари; 4) улар билан музокаралар юритишнинг келишилган тартиби; 5) музокара юритувчи шахс ва психолог-маслаҳатчини танлаш; 6) музокара юритувчилар, раҳбарият ва ёриб кириш гуруҳи ўртасида қатъий ўзаро таъсирни ташкиллаштириш.

Кўрсатилган вазиятда музокараларнинг бош вазифалари қуйидагилардир: а) гаровга олинганлар ҳаёти; б) гаровга олувчиларни тутиш; в) мулкни қайтариш ёки ҳимоя қилиш.

Музокаралар предмети қуйидагилардир: гаровга олинганларни озод этиш шартлари; гаровга олинганлар ва гаровга олувчилар учун озиқ-овқат маҳсулотлари етказиш; гаровга олувчиларга эркинлик бериш шартлари; товон тўлаш ҳақидаги

масала; музокаралашувчи тарафлар ўртасида ўзаро муносабатни шакллантириш ҳақидаги масалалар ва ҳ. Мутахассислар гаровга олувчилардаги кучли рухий ҳолатни йўқотишни муҳим деб ҳисоблайдилар, чунки бу улар томонидан котилликлар ёки бошқа кутилмаган ҳаракатларни содир этиш эҳтимолини камайтиради. Шу сабабли музокараларни яқунлашга шошилиш ва эришилган барча бандларга қатъий риоя этиш тавсия этилади. Тавсияларда гаровга олганлар билан қандай мулоқотга киришиш, уни қандай амалга ошириш, музокара олиб боровчи шахслар ва мулоқотнинг бошқа иштирокчилари қандай талабларга жавоб беришлари лозимлиги ҳақида маслаҳатлар берилади. Шубҳасиз, музокараларни узилиш хавфи ва гаровга олинганларни озод этиш учун куч ишлатиш заруриятини доимо эътиборга олиш керак.

Куч ишлатиш йўллари қонун доирасида ва қачонки тинч йўл билан ҳал этиш самара бермаган ҳоллардагина қўлланилиши мумкин. Куч ишлатиш шакллари турлича, улар ҳар доим ҳам одамларга жисмоний зарар етказишни назарда тутмайди, балки оммани сиқиб қўйиш, тўсиқларни ўрнатиш, бошловчиларни тутиш, “тинч йўлақлар”ни жорий этиш ва б.ни ўз ичига олади, бу воситаларнинг кўплари БМТ тинчликсевар кучлари томонидан Европа, Осиё, Африка ва дунёнинг бошқа ҳудудларида муваффақият билан қўлланиб келинмоқда.

Баъзида масалани куч ишлатиш йўли билан ҳал этиш хавфининг ўзи конфликтдан чиқишга ёрдам қилиши мумкин.

#### **§ 4. Ижтимоий танглик.**

**Ижтимоий танглик тушунчаси.** Ижтимоий танглик моҳиятига кўра бу борлиқни қабул қилиш ва баҳолашнинг ўзига хос вазияти, ижтимоий онг ва хулқ-атворнинг муайян ҳолатидир. Одатда бундай вазият конфликт учун хос. Ижтимоий танглик кўламлари қоида бўйича конфликт кўламлари билан қиёсланади ва белгиланади. Шахслараро, гуруҳлараро, миллатлараро ёки жамиятдаги умумий танглик ҳақида фикр юритиш мумкин.

«Ижтимоий танглик» атамаси ҳуқуқ социологияси, психология, ижтимоий фалсафа, тарих ва сиёсий фанлар категориялари қаторига киради ва унга фанлараро тушунча сифатида қараш мумкин.

Шундай қилиб, ижтимоий танглик табиий ёки ижтимоий муҳит тазйиқи остида юзага келувчи ва муайян вақт оралиғида давом этувчи гуруҳ ёки бутун жамиятнинг ҳиссий ҳолатидир. Инсонларга бўйсунмайдиган табиий кучлар таъсирида (иқлим ўзгариши, ресурсларнинг камайиши, zilзила ва б.) кишиларнинг одатдаги ҳолати кескин ўзгариши мумкин.

Ижтимоий танглик эса, ҳар қандай бошқа ижтимоий ҳодиса каби шароит, вақт, жойнинг муайян уйғунлигига амал қилувчи умумий ва маҳаллий шарт-шароитлар ва сабабларга эга.

Ижтимоий тангликнинг энг умумий шарт-шароитлари - бу бутун аҳоли оммаси ёки унинг кўпчилик қисмининг эҳтиёжлари, манфаатлари, кутилаётган ижтимоий ечимлари билан уларнинг ама-лий қаноатлантирилиши ўртасидаги юзага келувчи ва норозиликни кучайишига, алоҳида шахслар ва гуруҳлар тажовузкорлигини ортишига, рухий кўзғалиш ва асабийликни кескинлашувига олиб келувчи барқарор ва узоқ давом этадиган, ҳал қилиб бўлмайдиган вазият ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, гап конфликтли вазиятнинг аҳоли онгида акс этиши ҳақида боради.

Ижтимоий конфликт жамиятда куйидаги камида икки ҳолат бўйича юзага келади: биринчидан, одамларнинг кўпчилиги аввалига ўзларининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, миллий, маданий ёки бошқа ҳаётий муҳим эҳтиёжлари, манфаатлари ва ҳуқуқларининг қондирилиши хавф остида қолганлигини ёки қондириш мумкин бўлмаслигини оз даражада англаган бўлсалар, иккинчидан, мавжуд ижтимоий шароитларда ўз манфаатларини амалга ошириш ва ўз эҳтиёжларини қондириш имкониятига эга бўлмаган одамларнинг нисбатан озчилик қисми ўз ҳуқуқларини камситишга ёки ҳақиқий (ёки сохта) тўсиқларга қарши кураш бошлаб, жамиятда қоникмаслик, кўрқув, тушкунлик, лоқайдлик каби кайфиятларни тарқатган ҳолларда.

Ижтимоий танглик ҳар қандай ҳамжамят мавжудлигининг доимий бўлмасида, зарур хусусиятидир. Микродаражада инсон уни кучли ҳиссий ҳолат(стресс) сифатида бошидан кечиради, унга нисбатан “иммунитет” ишлаб чиқаради, шу билан инсон ижтимоий маданиятининг зарур қисмига айланади. У ёки бу даражадаги ва шаклдаги танглик одамларга бутун ҳаётлари давомида ҳамкорлик қилади.

Макродаражада ижтимоий танглик маърифий жараёнларга кириб , бутун жаҳон ҳамжамятига сингиб боради.

Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ижтимоий танглик, энг аввало, ижтимоий-руҳий ва хулқ-атвор даражаларида намоён бўлади ва куйидаги хусусиятлар билан характерланади :

- ижтимоий ҳаётнинг ҳаётий муҳим соҳаларидаги мавжуд шароит (вазият)лардан қоникмаслик кайфиятларининг ёйилиши (Собиқ Иттифокда XX аср 90-йилларида ижтимоий танглик нархларнинг кескин ўсишидан, инфляциядан, истеъмол бозорининг танқислашуvidан, шахсий хавфсизликнинг йўқлигидан, атроф-муҳитни ифлосланишидан қоникмасликда намоён бўлган) ;

- ҳокимиятга ишончнинг йўқолиши, ҳокимиятнинг обрўсизланиши, лоқайдлик кайфиятлари, турли миш-мишларнинг тарқалиши. Бутун жамиятда, алоҳида ҳудудий бирликда оммавий руҳий нотинчлик, ҳиссий кўзғалиш муҳитини вужудга келтириш ;

- хулқ-атвор даражасида ижтимоий танглик стихияли оммавий ҳаракатлар (ваҳимали эҳтирослар, «қора кун» учун озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат товарларини харид қилиш ва б.) турли хил конфликтларга, намоёишлар, иш ташлашлар, норозилик ва бўйсунмасликнинг бошқа шаклларига кўшилиб кетишида, бошқа ҳудудларга ёки чет элга мажбурий ва ихтиёрий кўчиб кетиш каби ҳаракатларда намоён бўлиши мумкин;

- ҳудудий даражада ижтимоий танглик кўпинча турли ижтимоий-сиёсий тузилмаларнинг омма орасида таъсир кўрсатиш ва ҳокимият учун курашдаги фаоллигининг ўсиши билан, турли экстремистик гуруҳлар фаолияти , жиноий элементлар фаоллиги ортиши билан боғлиқ бўлади.

## **§ 5. Конфликт иштирокчиларининг руҳияти**

Кичик ва катта гуруҳлар даражасидаги, шунингдек, шахс даражасидаги конфликтлар мураккаб табиатга эга ва уларни фақатгина объектив ва субъектив сабаблар ўзаро таъсирини эътиборга олган ҳолда тушунтириш мумкин.

Ҳар қандай жамиятда шахсий ёки гуруҳий конфликтлар фақат ташқи (иқтисодий, ижтимоий, маданий ва б.) сабаблар билан эмас, шунингдек, шахслар ва гуруҳларнинг руҳий хусусиятлари билан ҳам юзага келади. Кўпчилик тадқиқотчилар конфликтнинг ташқи ва ички (руҳий) омилларини бир хил аҳамиятдаги омиллар деб қарашга мойилдир.

Конфликтли вазиятларни таҳлил этишда ва уларни тартибга солиш бўйича амалий чораларни белгилашда руҳшунослар учун энг муҳим нарса бу конфликтлилик даражасини ортишига олиб келувчи шахслар ва гуруҳлар хулқ-атворининг типологик руҳий хусусиятларини аниқлаш ҳисобланади.

Хулқ-атвор моделидан келиб чиқиб умумлашган кўринишда конфликт иштирокчиларининг куйидаги уч асосий руҳий типи фарқланади :

1. Деструктив(бузғунчи) тип. Субъектнинг бу руҳий типи конфликтни юзага келтиришга ва уни то рақибини жисмонан йўқ қилиб юборишгача ёки тўла мағлуб қилишгача кучайтиришга интилади. Турмушда - бу худбин, жанжал ва можаролар ташаббускори, муассасада - туҳматчи, ифвогар омма орасида - тартибсизликлар ва бузғунчи ҳаракатлар бошловчисидир. Агар шундай тоифа шахслар бўлмаганида кўпгина конфликтли вазиятлар тинч йўл билан ҳал этилиши мумкин бўлар эди. Бу ҳолат сўнгги вақтда дунёнинг турли худудларида бўлиб ўтаётган миллатлараро конфликтлар мисолида яққол кўринади. Халқаро майдонда ҳаракат қилаётган бундай субъектлар ҳам маълум (С.Хусейн, Бен Ладен ва ва б.)

Конфликтли хулқ-атвор ўз-ўзини назорат қилмаслик оқибатида келиб чиқади. Конфликтларга мойил кишилар қоидага кўра, енгил таъсирчан, қаҳрли, кўпол, ўткир ҳиссиётларга ва таваккал қилишга мойил бўладилар, узоқни кўра билмайдилар.

2. Конструктив (ижобий) тип. Бу типдаги шахслар конфликтдан қочишга, ҳар иккала томон учун мақбул қарорни топишга интиладилар. Конструктив ёндашган одам воситачи ёрдамидан фойдаланади ва тангликни юмшатишга йўналтирилган ҳаракатларни амалга оширади. Конструктив тип субъектлар музокараларни иштиёқ билан олиб борадилар, келишмовчилик предметини ва уни тартибга солиш йўллари оидинлаштиришга интиладилар.

3. Конформ тип. Конфликтдаги бундай тип шахс кўпроқ ён беришни, курашни давом эттиришдан кўра итоаткорликни афзал кўради.

Кўп ҳолларда хулқ-атворнинг комформ модели бошқаларнинг тажовузкор ҳаракатларига объектив ёрдам қилиши мумкин, масалан, субъектлар ўртасидаги зиддиятлар арзимаган сабабларга кўра вужудга келган бўлса. Бу ҳолда хулқ-атворнинг компромисс йўли - бу конфликтни тўхтатишнинг энг яхши усулидир.

#### **IV Боб. Конфликт иштирокчилари**

##### **§ 1. Қарама-қарши курашувчи тарафлар**

Конфликтнинг асосий субъектлари бу қарама-қарши курашувчи томонлар ҳисобланади. Кенг маънода бу конфликтга жалб қилинганларнинг ҳаммаси ҳам унинг бевосита иштирокчилари ҳисобланмаслигини англатади. Бу ерда конфликт далолатчилари, гувоҳлари, воситачилари, ташкилотчилари ва бошқа шахслар назарда тутилади. Конфликтда иштирок этувчи томонлар деб бир-бирига нисбатан фаол (ҳужум ёки муҳофаа шаклидаги) ҳаракатларни амалга оширувчилар тушунилади. Одатда конфликтда иккита қарама-қарши курашувчи томонлар иштирок этадилар, баъзида ҳар бири ўз мақсад ва вазифаларига эга бўлган уч ва ундан ортиқ томонлар ҳам қарама-қарши курашувчи тарафлар бўлиши мумкин.

Масалан, меҳнат конфликтларида ходимлар ва иш берувчилар иштирок этадилар. Макродаражада ишчилар манфаатларини меҳнат жамоалари, касаба уюшмалари ва сиёсий партиялар ҳамоя қилиши мумкин. Иш берувчилар тарафида турли тадбиркорлик ва давлат ташкилотлари туришлари мумкин. Агар томонлардан бири бирор сабабга кўра ўз фаолиятини тугатса конфликт барҳам топади (ёки унинг иштирокчилари таркиби ўзгаради).

Муайян шахслараро конфликтда томонлар бўлиб индивидлар майдонга чиқади ва шу сабабли уларнинг ҳар бири ўзгармас ҳисобланади, яъни уларни бошқаси билан алмаштириб бўлмайди. Гуруҳий конфликтда ўзгармаслик шахсга эмас, балки гуруҳга нисбатан тааллуқлидир. Давлатлараро конфликтда эса ўзгармаслик давлат номидан ҳаракат қилувчи мансабдор шахс ёки органга эмас, балки давлатнинг ўзига нисбатан белгиланади.

Баъзи муаллифлар (Ф.Бородкин, Н.Коряк) қарама-қарши курашувчи томонларни қуйидаги тарзда даражаларга бўлишни фойдали деб ҳисоблайдилар: энг қуйи даража - индивид, кейингиси - гуруҳ, жамоа, миллий тузилма, ижтимоий қатлам, жамият, давлат. Бундай ёндашув унчалик тўғри эмас. Иккита шахс ўртасидаги конфликт ўзининг моҳияти ва фожиали танглигига кўра баъзида гуруҳлар ўртасидаги конфликтларга қараганда анча муҳим бўлиши мумкин. Гап субъектнинг қайси даражага мансублигида эмас, балки конфликт механизмида, унинг йўналиши, қарши томонларнинг мақсадларида ва бошқа кўп ҳолатлардадир.

Курашувчи томонлар турли даражаларга тааллуқли бўлиши, яъни бир хил даражада бўлмасликлари ҳам мумкин. Масалан, индивид бошқа шахс билан эмас, балки гуруҳ ёки давлат билан конфликтга киришиши мумкин. Давлатнинг ўзи баъзида ўзининг тенги бўлмаган шерик билан, жамоат ташкилоти, сиёсий партия, экстремистлар гуруҳи ва ш.к.лар билан конфликтлашиши мумкин. Бундай конфликтлар институтлаштирилмаган шаклларда кечса, одатда жуда кескин, ваҳший тус олиши, баъзида заиф томоннинг ҳалокати билан тугаши мумкин.

Латент босқичда ҳамма вақт ҳам қарама-қарши курашувчи томонларни аниқлаб бўлмайди. Бироқ, конфликт очиқ шаклга ўтса кураш иштирокчилари ҳар тарафлама аниқланади.

Жиноий жараён тартибида кўрадиган бўлсак, жиноятчи ушланмагунига қадар у билан одил судлов органлари ўртасидаги конфликт латент характер касб этади. Айбдор, албатта, ўзини конфликт томони сифатидаги иштирокини шубҳасиз билади, бироқ, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар жиноятни айнан ким содир этганлигини билмасликлари мумкин. Жиноятни очиш ва айбдорни жазолаш бўйича процессуал фаолият гумондор ушлангандан сўнг латент босқичдан очиқ кўринишга ўтганда конфликт оидинлашади.



Қарама-қарши курашувчи томонларнинг муҳим хусусиятлари бўлиб, конфликт якунини белгиловчи уларнинг жисмоний, ижтимоий, моддий, интеллектуал имкониятлари, кўникмалари ва маҳоратлари ҳисобланади.

Конфликт қарама-қарши томонларининг ролидан фарқли равишда унинг қизиқтирувчилари, ёрдамчилари, ташкилотчилари, воситачилари ва судьяларнинг роли асосан эпизодик хусусиятга эга.

Далолатчи(қизиқтирувчи) - бу бир томонни конфликтга ундовчи шахс, ташкилот ёки давлатдир. Далолатчининг ўзи кейин бу конфликтда иштирок этмаслиги мумкин, вазифаси бошқа шахслар (гуруҳлар) ўртасида конфликтни юзага келтириш билан белгиланади.

Ёрдамчи - бу ўз маслаҳатлари, техник, ташкилий кўмаги ва бошқа усуллар билан конфликтга ёрдам берувчи шахсдир. Халқаро сиёсатда қуролли конфликтга сабаб бўлган босқинчига ёрдам қилиш тинчликка қарши қаратилган жиддий жиноят деб баҳоланади. Мана шундай баҳо тарих томонидан II Жаҳон уруши арафасида миллатчи Германияга Англия ва Франция томонидан кўрсатилган ёрдамга берилган эди («Мюнхен битими»).

Ташкилотчи - бу конфликтни режалаштирувчи, унинг ривожланишини белгиловчи, уни таъминлаш йўллари ва иштирокчиларни муҳофаза қилишни назарда тутувчи шахсдир. Ташкилотчи бўлиб тарафлардан бири ёки мустақил шахс бўлиши мумкин. Мисол, В.Шекспирнинг «Отелло» асарида Отелло билан Дездемона ўртасидаги фожиали конфликтда Ягонинг ўзи иштирок этмайди, бироқ, уни ҳар томонлама ташкил этади.

Воситачилар фақат юз бераётган жараёнлар сабаблари ва шароитларини билишга ҳаракат қилиб қолмай(масалан, судьялар шундай қиладилар), шу билан бирга конфликтни олдини олишга, уни тўхтатишга ва ҳал қилишга ҳам уринадилар. Бу маънода воситачиларни конфликт иштирокчилари деб ҳисоблаш мумкин.

Амалий конфликтологияда воситачилик муаммоси муҳим аҳамиятга эга. Музокаралар ёрдамида келишувга эришишда конфликтлашувчи томонларга ёрдам кўрсатувчи қатъий холис шахс - воситачини назарда тутган тартиб энг самарали ҳисобланади. Воситачиликнинг ўзига хослиги шундаки, томонлар одатда келишув битимини ўзлари тузадилар. Воситачи бирорта қарор қабул қилишга ваколатли эмас, балки унинг ёрдамида эришилган келишув томонларнинг кейинги ҳаракатларини белгилаб беради.

Сўнги йилларда миллатлараро ҳудудий конфликтларнинг кўпайиши муносабати билан тинчликсевар кучлар (БМТ кўшинлари) деб номланувчи воситачиликка тез-тез мурожаат қилинмоқда, кўп ҳолларда улар конфликтга бевосита қўшиладилар. Конго, Сомали, собиқ Югославия ҳудудидаги бундай воситачилар орасида ўлдирилганлар ва ярадор бўлганлар ҳам бўлди. Таъкидлаш керакки, воситачилар судьялар сингари конфликтда қарама-қарши курашувчи томонлар ҳисобланмайдилар, уларнинг мақсадлари диаметрал қарама-қарши: конфликтни ривожлантириш эмас, балки уни тўхтатиш, зиддиятни иложи бориша тинч йўл билан ҳал этиш.

Воситачининг қатор хусусиятларга эга бўлиши талаб этилади; у доно ва ижодкор, конфликтдаги барча томонлар учун ахлоқий жиҳатдан обрўли, холис ва саводхон шахс бўлиши керак.

Конфликтларни ҳал қилишнинг анъанавий шаклларига таққослаганда (бевосита тўғри музокаралар олиб бориш, томонларнинг махфий учрашувлари ва б.) воситачилик қатор афзалликларга эга. Воситачини курашувчи томонларнинг ўзлари танлайдилар, шу боис у томонларнинг ўзларига

қараганда музокараларни осон бошқаради ва назорат қилади ва қулай ахлоқий муҳитни ярата олади.

## **V Боб. Конфликтларни ҳал қилишнинг юридик усуллари**

### **§ 1. Умумий қоидалар**

**Муаммонинг қўйилиши.** Конфликтларнинг жамият ҳаётидаги доимий ва умумий ҳодиса сифатида тан олинishi ҳар қандай конфликтнинг у рўй бериши мумкин бўлган кўламда, шаклда ва танглик даражасида муқаррар тарзда намоён бўлишини келтириб чиқармайди. Ижтимоий конфликтларни тартибга солиш муаммоси конфликтли вазият сабабларига таъсир этиш, конфликтнинг салбий оқибатларини тугатиш ёки конфликт натижаларидан фойдаланиш мақсадида конфликтнинг боришини муайян йўналишга солиш имкониятига асосланади.

Конфликтни тартибга солиш ҳақидаги масала назарий ва амалий жиҳатдан уни ўрганишга лойиқ мустақил муаммодир. Бу муаммони ўрганувчилар конфликтни тартибга солишни унга бўлган энг оқилона ёндашув деб ҳисоблайдилар. Ҳар доим ҳам очик тўқнашувдан қутулиш мумкин эмас, бироқ, доимо конфликтли ҳодисаларнинг ривожланиши учун ҳаддан ташқари катта маблағ сарфлаш ва талафотлар кўришдан халос бўлиш мумкин.

Баъзи амалиётчи мутахассисларнинг фикрича, қатор «... атамалар конфликт билан ишлашга бўлган турли ёндошувларни ифода этадилар, уларни жараёндаги бўғин деб ҳисоблаш мумкин. Ҳар қайси кейинги бўғин аввалгисини ўз ичига олади (масалан, конфликтни тинчитиш конфликтни олдини олиш бўйича тегишли чораларни назарда тутати). «Конфликт трансформацияси» атамаси кенг маънода фаолият соҳасини умумий кўламда кўрсатиш учун фойдаланилади.

Конфликтнинг олдини олиш - мажбурий конфликтнинг бошланишини йўқотиш, барҳам топтиришни мақсад қилиб қўяди.

Конфликтни тинчитиш келишув битимига эришиш орқали мажбурий ҳаракатларни тўхтатишни мақсад қилиб қўяди.

Конфликтни тартибга солиш зўрликни чеклаш ва томонлар хулқ-атворидаги ижобий ўзгаришлар ёрдамида келгусида унга йўл қўймасликни мақсад қилиб қўяди.

Конфликтни ҳал қилиш конфликтлар сабабларига қаратилган бўлади ва конфликтлашувчи томонлар ўртасида янги мустаҳкам муносабатларни қуришга интилишдан иборат.

Конфликт трансформацияси конфликтнинг янада кенг ижтимоий ва сиёсий манбаларига ҳамда курашнинг негатив энергиясини ижобий ижтимоий ва сиёсий ўзгаришларга айлантиришга қаратилган бўлади»<sup>1</sup>.

Конфликтларни тартибга солиш муаммоси маълум даражада ижтимоий жараёнларни бошқариш муаммосининг бир қисмини ташкил этади. Фан томонидан уни бошқариш ҳақида ишлаб чиқилган асосий ғоялар конфликтли вазиятларни бошқаришнинг аниқ усул ва йўллари топишда катта аҳамиятга эга. Конфликтли менежмент соҳасидаги мутахассислар умумий характердаги қатор асосий қоидалар ҳар бир муайян ҳолатдаги конфликтни бошқариш муаммосини ҳал қилишни таъминлашга олиб келади деб ҳисоблайдилар. Бу асосий қоидалар қуйидагилар бўлиши мумкин:

1. Конфликтли вазиятнинг ривожланишини бошқариш ўз моҳиятига кўра одамларни бошқаришдир. Бу ерда инсоннинг объектив ва субъектив, моддий ва маънавий, ғоявий жиҳатларини ўзида мужассамлаштирган хулқ-атвор омиллари ва мотивлари ўз аҳамияти билан намоён бўлади.

2. Конфликтни бошқариш - тенгларни бошқаришдир. Конфликт иштирокчилари орасида, қоидага кўра, мутлақ ноҳақ тараф бўлмайди. Ҳеч

---

<sup>1</sup>Қаранг: Работа с конфликтом: навыки и стратегия действия. Лондон, Конфликтологический центр, 2001. С.28.

бўлмаганда конфликтга иштирокчиларнинг бирига нисбатан аввалдан режалаштирилган фикр билан яқинлашиш мумкин эмас. Конфликтларни демократик тартибга солиш нуктаи назаридан қайсидир бир томонни тўхтатиб қўйиш, конфликтли вазият айрим субъектларининг хусусий позицияларини тўла инкор этиш катта хатодир.

3.Сиёсий-ҳуқуқий нуктаи назардан конфликтларни бошқариш бу, энг аввало, катта гуруҳлар, одамлар оммасини бошқаришдир. Бу ўз навбатида конфликтларнинг олдини олиш ёки уларни тартибга солишда муайян натижаларга эришиш учун зарур усуллар, йўллар, воситалар мажмуига ўз таъсирини кўрсатмай қўймайди. Бу ерда омма манфаатини ифода этувчи ташкилотлар, омманинг ўзини англаш даражаси, рўй бераётган ҳодисалар объектив ривожланишининг умумий кўлами катта аҳамиятга эга.

4.Конфликтларни бошқариш манфаатлар негизида бошқаришдан иборат энг муҳим қоидадир. Конфликт иштирокчилари манфаатини тўғри тушуниш конфликтли вазиятни муваффақиятли ҳал этиш калити, мустаҳкам асосга эга келишувнинг муҳим шартидир.

Ижтимоий конфликтларни олдини олиш ва тартибга солиш кўпроқ улар намоён бўладиган иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий муҳитнинг умумий ҳолатига боғлиқ. Шунга кўра конфликтларни тартибга солиш жараёнида қатор узвий жиҳатлар ва бу вазифани яхши ҳал этишга таъсир этувчи зарур ижтимоий шарт-шароитларни аниқлаш лозим.

**Конфликтларни бошқаришда ахборотнинг роли.** Конфликтларга қаршилик кўрсатишга бўлган ҳар қандай уриниш конфликтлар ҳали энди юзага келаётган вақтда ёки ижтимоий муҳитга тарқалиши арафасида уларни манфаатдор тарафлар томонидан зудлик билан илғаб олишдан бошланади. Шу боис айнан конфликтларни аниқлашга алоҳида эътибор қаратиш керак.

Маълумки, муайян конфликтнинг ҳақиқий бошланиши билан бу ҳодисага қарши ҳаракат қилишдан манфаатдор бўлган шахслар томонидан бу ҳол аниқланганига қадар бир мунча вақт ўтади. Бу вақт оралиғи қисқа бўлгандагина конфликтни енгиш учун зарур мақбул шароит юзага келади. Пишиб етилаётган конфликт ҳали яширин ҳолатда бўлган вақтда, ўзаро муносабатларнинг муайян ижтимоий тизим доирасида шаклланадиган потенциал конфликтли вазиятни аниқлашга эришилса, кутилаётган натижа яхши бўлиши мумкин.

Конфликтларни ўз вақтида аниқлаш имконияти қатор шароитлар билан изоҳланиши мумкин. Масалан, атрофдаги ҳодисаларни пайқаш, сезиш хоҳиши. Кўпинча конфликтни, конфликтли вазиятнинг аниқ элементларини кўпчилик пайқаб етади, бироқ, ҳеч ким биринчилардан бўлиб бунга эътибор қаратишни истамайди. Баъзи ҳолларда, одамлар етилган конфликтни мумкин қадар узок вақт аниқланмасдан турилишидан манфаатдор бўладилар. Пайдо бўлаётган конфликтни сезмасликни шунчаки хоҳламаслик ёки одамларда тегишли билим ва тажрибанинг йўқлиги билан боғлиқ бундай вазиятлар жуда кўп учрайди. Бироқ бундан ташқари объектив характердаги қийинчиликлар ҳам мавжуд.

Конфликтни юзага келтирган муҳитга яқин турганлар конфликтни объектив қабул қилиш имкониятига эга бўладилар. Меҳнат конфликтда айнан оддий ходимлар конфликтга олиб келувчи муносабатларнинг мураккабланишини чуқур ҳис этадилар. Шахс муайян ижтимоий иерархияда қанчалик қуйи мавқени эгалласа, ижтимоий танглик ёки яширин конфликтнинг аниқ сабабларини аниқлашнинг шунчалик қулай объектив имкониятига эга бўлади. Шу билан бирга, ижтимоий пирамиданинг тепасида ижтимоий борлиқни қабул қилишнинг, демак, ижтимоий ҳаёт хусусий томонларининг ижтимоий аҳамиятини тўғри

баҳолаш имкониятлари мавжуд. Бу нуқтаи назарга кўра, муайян ижтимоий тузилмада шахснинг мавқеи қанчалик юқори бўлса, унга конфликтни ўз вақтида аниқлашда катта масъулият юкланади, у конфликтли вазиятнинг хавфлилигини бевосита ёки билвосита кўрсатувчи барча хавфли оғоҳлантиришларга сезгирлик билан қараши керак. Раҳбарлик функцияларини бажарувчи шахслар ҳар қандай хавфли сигналлар уларгача тўсиқсиз етиб келиши учун иложи борича ташвишланишлари керак. Бироқ, бунда коммуникация ва ахборот тизимларининг барча даражаларда тегишли фаолият кўрсатиши, ижтимоий организмнинг барча ҳужайраларида ахборотнинг ўтиши билан боғлиқ ишларнинг объектив ҳолати муҳим ролни ўйнайди. Ахборот эркинлиги конфликтли вазиятни эгаллаб олиш ва конфликтни мақбул йўналишга солиш учун зарур бўлган ҳар қандай усул ва йўللарни топишнинг ҳал қилувчи шартидир.

**Конфликт таҳлили.** Юзага келаётган конфликтни ўз вақтида аниқлашдан ташқари конфликтлилик ҳолати ҳақида олинган ахборотни лозим даражада қабул қилиш ҳам аҳамиятга эга. Воқеликни бундай қабул қилиш ижтимоий конфликтнинг сиёсий аҳамиятини етарли баҳоламасликка ёки ортиқ баҳолашга олиб келувчи субъективизм, соддалаштириш ва бузилишлардан холи бўлиши керак. Конфликтни аслида қандай бўлса, шундай қабул қилиш ўта муҳим. Муайян конфликтни субъектив баҳолаш билан унинг объектив ривожланиши ҳолати ўртасидаги мувофиқликка эришиш вазифаси муҳим ва мураккаб бўлиб, амалиётда уни ҳал этиш қийин кечади.

Конфликтни етарли баҳоламаслик, унинг таҳлили юзаки ўткази-лишига ва бу таҳлил асосида билдирилган таклифларнинг кам аҳамиятлигини келтириб чиқаради. Бундай таҳлил нафақат конфликтларни енгишга мос келади, балки унга зарар етказиши ҳам мумкин. Конфликтни етарли баҳоламасликнинг объектив ва субъектив сабаблари бўлиши мумкин. Объектив сабаблар ахборот ва коммуникация тизимларининг аҳволига, субъектив сабаблар - алоҳида шахс томонидан юзага келаётган вазиятни тегишли тарзда баҳолай олмаслик қобилияти ёки баҳолашга хоҳишнинг йўқлиги билан боғлиқ.

Мавжуд конфликтни ҳаддан зиёд баҳолаш ҳам зарарлидир, чунки бунда аслида етарли бўлгандан кўпроқ куч-ғайрат талаб қилинади. Муайян конфликтни ортиқча баҳолаш ёки эҳтимоли тутилаётган конфликтли вазиятга нисбатан ортиқча хавотирланиш аслида йўқ конфликтнинг аниқланишига олиб келиши мумкин. Бу кўпинча сохта конфликтлар ёки бундай вазиятларнинг сунъий туғилишига олиб келадики, бунда одамлар турли бўлмағур зиддиятлар ва низоларда конфликтларни мавжуд деб ҳисоблайдилар. Бу ҳолат ҳам кераксиз ҳаракатлар, ўзаро ишончсизлик, гумонсираш каби салбий оқибатларни келтириб чиқаради.

Юзага келаётган конфликтни оқилона баҳолаш учун нима талаб этилади? Бунинг учун муҳим қулай шартлар қуйидагилардир : биринчидан, юз бераётган ходисалар ҳақида энг кўп қамраб олувчи ва объектив ахборотнинг бўлиши; иккинчидан, бундай ахборот шиддат билан ижтимоий иерархиянинг барча қатламларига, унинг ҳокимият тузилмаларига, шунингдек, манфаатдор ва масъул шахсларга етиб бориши керак; учинчидан, ахборотни етказиш жараёнида унинг субъектив бузилишига йўл қўймаслик лозим, яъни биринчи қўлдан ахборот олиш ёки манфаатдор бўлмаган шахслардан ахборот олиш катта аҳамиятга эга; тўртинчидан, юзага келаётган конфликтнинг объектив баҳоланишига унда бевосита иштирок этувчиларнинг субъектив интилишлари эҳтимоллигини ҳисобга олиш ҳам ёрдам қилади.

Агар конфликт ҳақиқатда юзага келса, уни диққат ва эътибор билан таҳлил этиш муаммоси юзага келади. Бу ҳолда конфликтли жараённинг асосий жиҳатларига - конфликт предмети, сабаблари, кўлами, иштирокчилари, таснифи, зиддиятлар характери, кескинлик даражасига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир. Конфликтда кишиларнинг иштироки бевосита қабул қилишни таъминловчи очик, баъзида эса, яширин кўринишда бўлиши мумкин. Бу айниқса, конфликтнинг ҳақиқий иштирокчилари, уларнинг субъектларига тааллуқли бўладиги, улар ҳар доим ҳам ўзларининг конфликтдаги иштирокини ошқора бўлишидан манфаатдор бўлавермайдилар.

Конфликтни бартараф қилиш учун унинг сабаби бўлган шароитни, яъни конфликтни юзага келтирган у ёки бу моддий ёки маънавий қадриятлар ёки ҳолатларни аниқлаш катта аҳамиятга эга. Конфликт предмети иқтисодий, сиёсий, ташкилий, диний ва бошқа омиллар ва ҳолатлар бўлиши мумкин. Предмет ҳақидаги муайян билимга эга бўлиш конфликтни барҳам топтиришга йўналтирилган ҳаракатни мувофиқлаштиришнинг муҳим шартидир. Бундай билимга эга бўлиш орқали конфликтни адолатли ҳал этиш бўйича қадам қўйиш, унинг иштирокчиларига конфликт билан боғлиқ зарарларни қоплашни тавсия этиш, ниҳоят, конфликтли вазиятни юзага келтирган предметни эквивалентига алмаштириш ҳақида хулосага келиш мумкин. Конфликтнинг предмети хусусиятларин аниқлаш натижа бермаслиги ҳам мумкин. Бу ҳолда таҳлил қилинаётган конфликт моҳиятига кўра предметсиз деб тан олинади. Бундай хулоса чиқариш конфликтга қарши турганлар учун ҳам муҳимдир.

Рўй бераётган конфликтнинг ҳақиқий кўламини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Конфликт микро-, макро- ва мегаконфликт бўлиши мумкин. Конфликт кўлами унинг ҳақиқий чегараларини ўрнатиш, унинг жамиятда тарқалиш доираси, унинг бошқа ижтимоий ҳодисалар билан алоқасини белгилаш жиҳатидан аҳамиятга эга бўлади. Конфликт ўлчамлари уни бартараф этиш бўйича қўлланиладиган ҳаракатларнинг мутаносиблигини аниқлаш, бу ҳаракатларни амалга ошириш доирасини кўрсатиш нуқтаи назаридан муҳим. Конфликтлар сабабларини аниқлаш, уни юзага келтирувчи зиддиятлар таҳлили, унинг ривожланиш танглиги ва кескинлигини ҳисобга олиш ҳам кам аҳамиятли эмас.

Жамиятнинг ўзида конфликтларни тартибга солиш ва тугатишнинг турли имкониятлари мавжуд. Ўз фуқароларига моддий таъминотнинг энг юқори даражасини таъминлаган жамиятда моддий неъматларни тақсимлаш билан боғлиқ конфликтлар иқтисоди заиф мамлакатларга қараганда жуда осон бартараф қилинади. Тоталитар режим шароитига нисбатан демократик муҳитда конфликтларни тартибга солиш энгил амалга оширилади. Тоталитар сиёсий режимда кўпинча ижтимоий тўлқинлар, муаммолар мавжуд эмасдек, ҳаттоки жамият ҳаёти кўпинча барқарор деб қабул қилинади. Бироқ, бу қаттиқ марказлашган сиёсий бошқарувнинг конфликтли вазиятларни самарали ҳал қилишини англамайди. У кўпроқ юзага келаётган конфликтларни бўғади, ижтимоий муаммоларни ўз қобиғида қолиб кетишига олиб келади. Ижтимоий танглик ортиб боради ва ҳамма нарса эртами-кечми тоталитар ҳокимият тизимини ҳалокатга олиб келувчи портлаш билан тугайди.

Кўп ҳолатлар одамлар руҳиятининг хусусиятлари, миллий анъаналарнинг ўзига хослиги, умумий маданиятга боғлиқ. Бу жиҳатлар конфликтларни амалга ошириш жараёнига сезиларли таъсир этади, бу ўз навбатида уни бартараф этиш имконияти шартларини белгилайди. Бир ҳолатларда конфликт қонли низоларга, бошқа ҳолларда айнан шу конфликт тинч йўл билан, парламент мунозаралари шаклида ривожланади.

Табиийки, у ёки бу сиёсий режимнинг тартибга солиш фаолияти ҳозирги вақтда жамият кенг маъқуллаган кадрият ва кайфиятларни ифодалайди.

Конфликтнинг кескинлигини юмшатиш ёки уни бартараф этиш учун қулай шароитлар мавжуд бўлса, конфликт ривожланишини тартибга солиш муайян усуллари ва йўллари ҳақида фикрлаш мумкин бўлади.

## § 2. Конституциявий тартиблар

**Умумий қоидалар.** Юридик конфликтларни ҳал этиш қуйидаги шаклларда: парламент ва бошқа конституциявий тартиблар йўли билан, жинсий, фуқаролик ва бошқа ишларни судда ва арбитражда кўриб чиқиш воситасида, ҳуқуқни қўлловчи ваколатли давлат органлари : маъмурий комиссиялар, солиқ инспекцияси, милиция, Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ва бошқа органларда қарорлар чиқариш орқали амалга оширилади. Бундай органлар ва улар амалга оширадиган иш кўриш тартиблари ўртасида фарқ бўлишига қарамай, конфликтларни юридик йўл билан ҳал қилишнинг 4 та умумий хусусияти бор :

1)конфликт давлат томонидан ваколат берилган орган томонидан кўриб чиқилади ва ҳал этилади;

2)конфликтни ҳал этувчи орган ҳуқуқ нормасини ижро этади ва унинг асосида ҳаракат қилади;

3)конфликтлашувчи томонлар низони кўриб чиқилиш даврида қонунчилик билан назарда тутилган ҳуқуқ ва бурчларга эга бўладилар ;

4)конфликт бўйича қабул қилинган қарор томонлар ҳамда бошқа ташкилотлар ва фуқаролар учун мажбурий ҳисобланади.

Конфликтни ҳал қилишнинг юридик воситаларини уч асосий гуруҳга бўлиш мумкин:

а) сиёсий соҳада юзага келувчи конфликтларга нисбатан қўлланиладиган конституциявий тартиблар;

б) суд ва арбитраж томонидан ишларни кўриб чиқилиши;

в) ҳуқуқни қўлловчи органлар қўллайдиган маъмурий тартиблар.

**Конфликтлар ва ҳокимиятлар бўлиниши.** қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ўз компетенциясига, органларининг мустақил тизимига эга ва улар тегишли қонунчилик асосида фаолият кўрсатадилар.

Бироқ, амалда ҳокимият уч тармоғининг функциялари баъзида аралашиб кетади ёки ўзаро зиддиятга киришади; компетенция ҳақида низо ва жиддий конфликтлар юзага келиши мумкин, кўпинча ижро ҳокимиятининг суд ҳокимиятига, баъзида унинг қонун чиқариш соҳасига аралашув ҳоллари учраб туради.

Ҳокимиятлар бўлиниши соҳасида конфликтлар қандай кўриб чиқилади ва ҳал этилади? Бу жараённинг қуйидаги бешта хусусияти бор:

1.Ҳокимият тармоқлари ўртасидаги конфликтлар доимо қонуний, конституциявий воситалар ёрдамида ҳал этилиши керак. Айнан Конституция ҳокимият тармоқлари ҳар бирининг компетенциясини етарли ва тўла даражада ифодалайди ва шу билан бирга улар функцияларининг тақсимланиши учун асос ҳисобланади. Конституциянинг бузилиши ҳокимиятлар ўртасида конфликтни юзага келтиради .

2.Ғарчи ҳокимият тармоқлари ўртасидаги конфликт конституцияга зид бўлган йўл билан ҳал қилинса ҳам, унинг тугаши юридик шаклда кечади. Янги Конституция қабул қилинади, янги парламент сайловлари тайинланади, Президент

ёки ҳукумат алмашинади - буларнинг ҳаммаси юридик кучга эга расмий ҳужжатларда мустаҳкамланади .

3.Ҳокимиятнинг уч тармоғи устидан халқнинг ўзидан бошқа олий ҳакам йўқ. Шу сабабли ҳокимиятлар бўлиниши соҳасидаги конфликт шу ҳокимиятларнинг ўзлари томонидан кўриб чиқилиши ва ҳал этилиши ёки халқ томонидан референдум йўли билан ёки инқилобий вазиятлар учун характерли бўлган бевосита иродани ифодалаш воситаси билан ҳал қилиниши мумкин.

4.Ҳокимиятлар ўртасидаги узоқ давом этувчи конфликт жамиятда сиёсий ва ижтимоий инқирозни келтириб чиқаради ҳамда ижтимоий ҳаётнинг турли томонларига салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли бундай конфликтни ҳал этиш мавжуд вазиятга турли сиёсий кучларнинг жалб этилишини тақозо этади .

5.Ҳокимият тармоқлари ўртасидаги конфликтларни ўз вақтида олдини олиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ҳокимиятларнинг конфликтсиз фаолияти, шубҳасиз, улар ўртасида низолар ва келишмовчиликларнинг мавжуд бўлишидан афзалроқ. Бирок, бунинг учун асосий шарт - ҳокимият органларининг ҳар бири томонидан Конституция ва қонунларда кўзда тутилган ўз компетенциясига қатъий риоя этишдир. Ҳокимиятлар ўртасида вужудга келаётган конфликтли вазиятга ўз вақтида эътиборни қаратиш ва уларнинг ривожини бартараф этиш лозим.

Давлат даражасида Президент Конституцияга риоя этилишининг кафили сифатида намоён бўлса, қуйи даражаларда бундай тийиб туриш рол маҳаллий ҳокимият органлари, вакиллик органлари, суд органлари ва бошқа муассасалар фаолияти орқали таъминланади.

Ҳокимиятлар ўртасидаги конфликтларни олдини олиш ва ҳал этиш техникаси ўз ичига тегишли органлар ва бошқармалар раҳбарлари ва вакиллари (Президент ва парламент, вазирлар ва депутатлар ) ўртасида мунтазам музокаралар олиб бориш, ҳужжатлар алмашиш, келиштирувчи комиссиялар ишини ташкил этиш ва бошқаларни олади.

**Парламент фаолиятидаги конфликтлар.** Парламент - турли ижтимоий манфаатларни ҳисобга олиш ва таҳлил этиш ҳамда ҳамма учун мажбурий бўлган қарорларни қонунлар шаклида қабул қилиш асосида халқнинг умумий эркини амалга оширувчи ва шакллантирувчи олий ҳокимият вакиллик органидир. Табиийки, бунда сиёсий партиялар, фракциялар, гуруҳлар, алоҳида депутатлар ўртасида келишмовчиликлар ва конфликтлар вужудга келади. Бундай конфликтларни парламентнинг ўзида ҳал этилиши муайян тартибларни ишлаб чиқилишини ва улардан фойдаланишни талаб этади.

Парламентда конфликтларни ҳал этиш қуйидаги уч асосий усул билан амалга оширилиши мумкин.

1-усул - депутатларнинг бир ёки бир неча гуруҳлари эркининг бошқа иштирокчиларга «ўтказилиши». Бу асосан кўпчилик маъқуллаган қарорни қабул қилиш учун берилган овозлар натижасида юз беради.

2-усул - бу компромисс бўлиб, унга эришиш учун турли тартиблардан фойдаланилади.

3-усул - консенсус бўлиб, у кўпинча компромисснинг бир тури ҳисобланади.

Конституция, Регламент ва бошқа меъёрий ҳужжатларда мустаҳкамланган парламентни шакллантириш ва унинг фаолиятига оид қоидалар низоли масалаларни муҳокама этиш ва конфликтларни демократик, маърифий йўл билан ҳал қилиш учун катта имкониятлар яратади. қуйида парламентнинг бу борадаги



фаолиятининг асосий шакллари, уларда рўй берадиган конфликтлар, шунингдек, парламент конфликтларини ҳал этиш усуллари устида тўхталамиз:

а) қонун чиқариш фаолиятидаги конфликтлар. Одатда қўйи палата томонидан қабул қилинган қонун лойиҳаси юқори палата томонидан рад этилгандан сўнг конфликтли вазият қўйидагича ҳал этилади: палаталар келишмовчиликларни ҳал этиш учун келиштириш комиссиясини тузишлари мумкин ва комиссия муваффақиятли ишлаган тақдирда қонун лойиҳаси қўйи палата томонидан такроран кўриб чиқилади. Бундай шакл самарали бўлиб, дунёнинг кўп мамлакатларида қўлланилади. Масалан, 1949-1990 йиллар давомида ГФР парламентида 520 та қонун лойиҳасини кўриб чиқишда келиштирув комиссиялари тузилган ва фақат 53 ҳолатда келишувга эришилмаган<sup>1</sup>.

Агар комиссия тузилмаса ёки келишилган қарорга эришилмаса, қўйи палата қонун лойиҳасини қайта овозга қўйиши, агар қўйи палата депутатларининг умумий сонидан 2/3 қисми унга овоз берса, қонун қабул қилинган бўлади. Шу тариқа конфликт «куч ишлатиш» усули билан бартараф этилиши мумкин.

б) парламент дебатлари. Палаталарда қонун лойиҳалари бўйича музокаралар вақтида баъзида депутатлар ўртасида конфликтлар вужудга келиши мумкин. Бундай ҳол фақат палаталарнинг пленар мажлисларида эмас, шунингдек, кўмиталар, комиссиялар, депутатлар фракцияси ва гуруҳлари мажлисларида ҳам юз бериши мумкин. Барча ҳолларда конфликтларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш учун асос бўлиб регламентлар ва палаталарнинг бошқа меъёрий ҳужжатлари бўлиши мумкин, улар турли масалаларни кўриб чиқиш, мунозараларни ўтказиш ва тинглаш тартибини белгилайди. Баъзи нормалар конфликт вақтида тарафлар ҳуқуқ-атворида тўғридан-тўғри алоқадор бўлган депутатлик этикаси қоидаларини кўзда тутуди (масалан, ҳақоратли сўзларни ишлатиш, сохта ахборотлардан фойдаланиш ва ноқонуний ҳаракатларни ман этиш). Ҳуқуқбузарларга нисбатан муайян санкциялар ҳам белгиланиши мумкин: кун давомида сўзга чиқиш ҳуқуқидан маҳрум этиш, огоҳлантириш, мажлис залидан чиқариб юбориш.

в) овозга қўйишдаги конфликтлар. Бу борада конфликтлар кўпинча депутатлар ҳиссиётининг кучайиши, шунингдек, овозга қўйишдаги хатолар ва ноаниқликлар оқибатида вужудга келади. Аслида мажлисда қатнашмаётган депутатлар учун ноқонуний овоз бериш, овозга қўйилган лойиҳа матнига ўзбошимчалик билан ўзгартириш киритиш, депутатларни ўзгартиришларнинг тавсия этилган матни билан таништирмаслик ҳоллари учрайди.

Ҳозирда қонун лойиҳасини уч марта ўқиш йўли билан қабул қилиш, яъни лойиҳани уч марта муҳокама этиш ва ҳар бир ўқишда тегишли тузатишларни киритиш катта аҳамиятга эга. Бундай тартиб қонун лойиҳасини муҳокама қилиш билан боғлиқ юзага келувчи конфликтли вазиятларни тугатилишига имкон беради.

**Конституциявий одил судлов.** Конституциявий суд суд ҳокимияти органи сифатида ўзига тааллуқли конфликтларни ҳал этишда ўзига хос суд воситаларидан фойдаланади. Конституциявий суд ҳал этадиган конфликтлар муайян хусусиятларга эга ва бошқа судлар кўрадиган конфликтлардан фарқ қилади, бунда қоида бўйича Конституциянинг бузилиши билан боғлиқ сиёсий институтлар конфликтини назарда тутилади.

Конституциявий суднинг иш юритиши парламент тартиблари билан биргаликда ҳокимият тармоқлари ўртасидаги келишмовчиликларни ҳал этиш ҳамда қонун чиқариш фаолияти билан ижро этиш фаолиятини амалга ошириш

<sup>1</sup> Қаранг.: Горес Р. Так работают правительство и парламент. М., 1993. С.60-62.

жараёнида юзага келадиган конфликтларни бартараф этиш шаклларида биридир. Бошқача қилиб айтганда, Конституциявий суд бошқа давлат органлари томонидан Конституцияга риоя этилишини ўзига хос шаклда назорат қилади. Муайян маънода уни демократик ҳуқуқий давлат тамойилларини мустаҳкамловчи ва ҳокимиятнинг уч тармоғи ўртасидаги мувозанатни сақловчи «қарама-қарши туриш ва тийиб туриш» механизмлари қаторига киритиш мумкин.

Умуман, жаҳон мамлакатлари амалиётини ўрганиш шуни кўрсатадики, Конституциявий суд қуйидаги :

- қонун чиқарувчи ва ижро органлари ўртасидаги ;
- федерал давлат органлари ва унинг субъектлари ўртасидаги (федератив давлатда) ;
- давлат органлари ва фуқаролар ўртасидаги конфликтларни ҳал қилиши мумкин.

Конституциявий суднинг мавжудлиги сиёсий конфликтларни вужудга келишида муҳим огоҳлантирувчи, тийиб турувчи ролни ўйнайди. Агар конфликт юз берган бўлса, Конституциявий суд уни Конституциявий суд ҳақидаги қонунчиликнинг аниқ юридик нормаларига таянган ҳолда ҳал этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қонунларнинг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилган бошқа ҳужжатларнинг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларининг, ҳукумат қарорларининг, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси давлатлараро шартномаларининг ва бошқа мажбуриятларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мослигини аниқлайди, Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг нормаларига шарҳ беради, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан берилган ваколат доирасида бошқа ишларни ҳам кўриб чиқади (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси). Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни кўради (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 108-моддаси 1-қисми).

Конституциявий суднинг фаолият юритиш тартиби унинг Регламенти билан белгиланади. Шуниси муҳимки, Конституциявий суд томонидан қабул қилинган қарорлар қайтадан кўриб чиқилмайди ва барча учун мажбурий ҳисобланади.

**Ҳуқуқий ҳужжатларни мувофиқлаштириш.** Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар - қонунлар, Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари ва бошқа қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ҳар доим ҳам бир-бирига мос келавермайди ва уларда барча масалалар бир хил ҳал қилинмайди. Бу турли сабаблар бўйича юз бериши мумкин : қонун ҳужжатлари лойиҳалари муаллифлари қарашларининг турличалиги, лойиҳаларни тузишдаги хатолар, мазкур ҳуқуқ нормаси билан тартибга солинадиган вазиятнинг ўзгариши ва ҳ. Ҳужжатларнинг номувофиқлиги, ўз навбатида ҳуқуқни қўллаш жараёнида конфликтларни юзага келтиради, бунда ҳар қайси тараф расман ҳуқуқий ҳаракат қилган бўлади. Бундай турдаги конфликтларни ҳал этиш бу ҳужжатларнинг ўзларини мувофиқлаштиришни, уларнинг ягона мазмун касб эттиришларини зарурий шарт қилиб қўяди.

Ҳуқуқий актларни мувофиқлаштириш турли шаклларда амалга оширилиши мумкин, булардан асосийси бўлиб бир-бирига зид бўлган иккала

хужжатни бекор қилиш, хужжатни ҳақиқий эмас деб топиш, унга тузатиш ёки кўшимча киритиш, янги хужжатни қабул қилишдир. Бундай ҳаракатлар фақат шундай актларни қабул қилган тегишли қонун чиқарувчи, ижро ёки суд органлари ёки улардан юқори турган инстанциялар томонидан амалга оширилиши мумкин. Шу сабабли ҳуқуқий нормалардаги зиддиятлар асосидаги конфликтларни ҳал этишдан олдин бу нормалар учун масъул бўлган шахслар ва органлар нуқтаи назарларини мувофиқлаштириш масаласини ҳал этиш керак.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти республика давлат бошқарув органларининг, шунингдек ҳокимларнинг қабул қилган хужжатларини тўхтатади ва бекор қилади.

Бундай юридик механизмлар юзага келган конфликтларни қонуний йўл билан ҳал қилинишига имкон беради.

### § 3. Ишларнинг суд томонидан кўрилиши

**Умумий қондалар.** Суд иш юритиши инсониятнинг кўп асрлик амалиётида ишлаб чиқилган конфликтлар ва низоларни ҳал этишнинг алоҳида шаклидир. Бу шакл юқорида кўриб чиқилган конституциявий тартибга нисбатан қатор афзалликларга эга. Булар қуйидагилардир:

а) конфликтларнинг бошқа ҳокимиятларга тобе бўлмаган орган томонидан кўрилиши, бу орган ўзининг тайинланиши ва мавқеига кўра ишнинг якуний натижасидан манфаатдор бўлмаслиги керак;

б) ишнинг ҳақиқий ҳолатларини аниқлаш, текшириш ва қарор қабул қилишнинг аниқ ишлаб чиқилган тартиби;

в) суд фаолиятининг норматив негизга эгаллиги ва суд ишни қонун ва ўзининг ички ишончи асосида кўриб ҳал қилиши;

г) конфликт томонлари, шунингдек, бошқа юридик ва жисмоний шахслар учун қабул қилинган суд хужжатлари ижросининг мажбурийлиги.

Ўзбекистон Республикасида аънавий суд иш юритишининг тўртта шакли мавжуд (Конституциявий суд иш юритишидан ташқари) : фуқаровий, жиноий, маъмурий, хўжалик суд иш юритиши. Улар суд муҳокамасининг предмети, ишни кўриш тартиби ва қабул қилинадиган хужжатларнинг характери билан фарқланади.

**Фуқаролик суд иш юритиши** - мулкӣ низолар, меҳнат конфликтлари, ер муносабатлари, оилавий ва мерос ишларини кўриш бўйича амалга оширилади.

Фуқаролик процесси конфликтларни тинч йўл билан ҳал этиш учун етарли даражада қулай имкониятларни яратади. Тарафлар тенг процессуал ҳуқуқлардан фойдаланадилар: улар иш бўйича далилларни тўплайдилар ва тақдим этадилар, илтимослар киритадилар ва суд таркибини рад этиш тўғрисида арз қиладилар, бошқа тарафнинг важларига эътироз билдирадилар, суд хужжатлари устидан шикоят қиладилар. Суд тарафлар томонидан тақдим этилган ва суд томонидан кўриб чиқилган барча иш материаллари асосида қонуний ва асослантирилган қарор чиқаради ва шу тариқа конфликт қонунга мувофиқ ҳал этилади. Фуқаролик процессуал кодексининг муҳим нормаси бўлиб, ишни аҳдлашув битими билан тугаллаш имкони ҳисобланади, бу битим фақат тарафларнинг хусусий битими эмас, балки, шунингдек суд ҳокимиятининг ҳам хужжати ҳисобланади : у суд томонидан текширилади ва тасдиқланади, у қонунга мувофиқ келиши ва бошқаларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини бузмаслиги керак. Биринчи инстанция судида юридик ишни кўриш даставвал тарафларда

низони ахдлашув битимини тузиш билан тугатиш истаклари бор-йўқлигини аниқлашдан бошланади.

**Хўжалик процесси жараёни.** Фуқаролик суд иш юритиши қоидага кўра жисмоний шахслар (фуқаролар) низоларини кўриш билан боғлиқ. Хўжалик жараёнида асосан юридик шахслар (ташкilotлар, корхоналар, фирмалар, ҳиссадорлик жамиятлари, ширкатлар ва б.) тараф сифатида иштирок этадилар. Хўжалик судлари асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган конфликтларни ҳал этади.

Конфликтлашувчи томонлар хўжалик судларига мурожаат қилишларининг боиси шундаки, улар низоли вазиятни ўз кучлари ва имкониятлари билан ҳал эта олмайдилар. Низоли вазият икки турда бўлиши мумкин: а) тадбиркорлар ўртасидаги иқтисодий низолар ; б) тадбиркорлар билан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўртасидаги низолар.

Иқтисодий конфликтларнинг хўжалик суди тартибида кўрилиши ягона имконият эмас; томонлар ўзлари орасида тўғридан-тўғри музокара олиб боришлари , компромисс битимлар тузишлари , маслаҳатчиларга, воситачиларга, ҳакамлик судларига мурожаат қилишлари мумкин ва ҳ. Шундай қилиб, тадбиркор конфликтни ҳал этишнинг давлат ва нодавлат тартибини танлаши мумкин. Кейинги йилларда бу мақсадга эришишнинг ноқонуний методларидан фойдаланиш ҳоллари( криминал элементлар иштироки билан масалани «ҳал этиш») учрайди. Бироқ, иқтисодий конфликтни ҳал этиш нодавлат шаклининг қулай жиҳатлари мавжуд бўлишига қарамай ( соддалиги, норасмийлиги, тезлиги, анонимлиги), хўжалик суди жараёни низони қонуний ҳал қилишнинг энг ишончли усули ҳисобланади. Фақат у хўжалик суди қабул қилган қарорлар ижросининг давлатнинг кучи билан қўллаб-қувватланишини таъминлайди.

Хўжалик суди томонидан ишни кўриш тартиби фуқаролик жараёнига яқин туради. Шу билан бирга улар ўртасида қуйидаги фарқлар бўлиши мумкин : а) хўжалик суди иш юритишида конфликтни судгача ҳал қилиш тартиби қўлланилади ; б) низолашувчи томонлар ўз хоҳишларига кўра низони (давлат органлари билан бўладиган низолардан ташқари) хўжалик суди иш юритишидан олиб, ҳакамлик судларига беришлари мумкин; в) хўжалик суди иш кўришда томонларга компромисс қарорга келишларида ёрдам кўрсатиши керак.

**Жиноий суд иш юритиши.** Жиноий ишлар бўйича суд иш юритишни бир ёки бир неча шахслар томонидан содир этилган жиноятни англаувчи криминал конфликт белгилаб беради. Бир хил ҳолларда бу конфликт жиноятчи ва жабрланувчи шахс ўртасидаги (масалан, ўғирликда), бошқа ҳолларда жиноятчи ва давлат ўртасида (пора олиш ёки пора беришда) юзага келади. Бироқ, барча ҳолларда - конфликт қонун билан, демак, ҳуқуқни кўриқловчи органлар билан бўлади. Судда бу конфликт қоида бўйича процесс иштирокчиларининг конфликтга айланади: бир томондан айбланувчи ва унинг ҳимоячиси, бошқа томондан, жабрланувчи ва айбловчи ( прокурор). Баъзи ҳолларда процессуал конфликт очик шаклга эга бўлмайди - бу айбини бўйнига олиб, чин дилдан тавба қилишдир. Шунга қарамай бу ҳолда ҳам криминал конфликт - жиноят мавжуд деб ҳисоблаш лозим.

Жиноят-процессуал кодекс суд ва дастлабки тергов органларини «Жиноят содир этган ҳар бир шахс адолатли жазоланиши ва ҳеч бир айбсиз шахс жиноий жавобгарликка тортилиши ва судланиши мумкин эмас» лигини назарда тутувчи нормага қатъий риоя этишларини назарда тутади.

Мулкий ва бошқа низони ҳал қилинишини таъминловчи фуқаролик суд иш юритишидан фарқ қилиб, криминал конфликт одатда жиноят процесси бошлангунга қадар тугалланган бўлади ( жабрланувчи ўлдирилган, буюм ўғирланган ва ҳ.).

Жиноий ишлар бўйича суднинг вазифаси суд муҳокамасининг асоси бўлган ўша криминал конфликт ҳақиқатда содир бўлганлигини ҳамда судланувчининг унда айбдорлигини аниқлашдан иборат. Агар шундай бўлса, бошқа шароитларни эътиборга олиб айбдорни жазолаш ҳақидаги масалани ҳал қилиш керак. Шундай қилиб, жиноий иш юритишда конфликт асосан давлат мажбурлови чораларини қўллаш, яъни тегишли ҳукм чиқариш йўли билан яқунланади. Ишнинг тинч йўл билан тугаши истисно тариқасида хусусий айблов ишларида суд муҳокамасигача ва суд муҳокамаси вақтида айбланувчи ва жабрланувчининг ярашувига йўл қўйилади. Бошқа ҳолларда содир этилган жиноят жабрланувчининг хусусий иши ҳисобланмайди ва жиноятчининг қонун билан бўлган конфликти мажбурий яқунланади.

Шундай қилиб, жиноий процесс вақтида жиноятчи томонидан ҳақиқатни аниқлашга нисбатан кўрсатаётган қаршилигига ҳалақит бериш, бошқа томондан эса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг гумондор(айбланувчи, судланувчи)га ноқонуний тазйиқ кўрсатишни истисно этишга қаратилган давлат мажбурлови амалга оширилади.

**Маъмурий тартибда иш юритиш.** Юқорида айтилганидек, кўпгина юридик конфликтлар коллегиял (масалан, маъмурий инспекциялар), якка тартибда иш юритувчи(масалан, Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати инспектори) давлат органлари томонидан ҳал қилинади. Конфликтларни кўриб чиқиш ва ҳал қилишнинг бу хил тартиби жуда тўғри эмас. Чунки бу ҳолларда ижро ҳокимиятига қарашли давлат органи фуқаронинг айнан шу ҳокимият билан бўлган конфликтини кўриб чиқади. Масалан, Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати инспекторининг ўзи йўл ҳаракати ҳодисасини қайд этади, айбдорни жазолаш ҳақида ўзи қарор чиқаради ва унга ўзи жарима солади. Бироқ, қадимги римликлар «ҳеч ким ўз ишига ҳакам бўла олмайди» деб бекорга айтмаганлар. Ваҳоланки, келтирилган мисолда ижро ҳокимияти ўз зиммасига суд ҳокимиятининг функциясини олганлигини кўриш мумкин.

Бу ҳолатни эътиборга олиб сўнгги йилларда низоларни кўришнинг нафақат фуқаровий-ҳуқуқий, шунингдек, маъмурий суд тартиби ҳам кенг қўлланиладиган бўлди. Ҳозирги қонунчиликка биноан давлат ҳокимияти ҳар қандай органи, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари ва мансабдор шахсларнинг қарорлари ва ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш айниқса ўта муҳимдир. Фуқаронинг бундай органлар ёки шахслар билан бўлган конфликти суд ҳокимияти томонидан ҳал этилади, бу эса қарорнинг қонунийлиги ва асосланганлигини кафолатлайди.

#### **§ 4. Воситачилик**

**Конфликтли медиаторинг субъектлари.** Конфликтларни тартибга солишнинг мустақил йўналиши бу учинчи томоннинг воситачилиги ҳисобланади. Фарб назариясида бу йўналиш *конфликтли медиаторинг* деган ном олган. Унинг доирасида воситачилик институтини қўллашдан тортиб то воситачини ўзининг шахсига қўйиладиган талаблар билан боғлиқ турли назарий ва амалий масалаларгача кўрилади.

Кенг сиёсий маъно касб этувчи йирик кўламдаги ижтимоий конфликтларда ҳакам ролини давлат ёки унинг ҳокимият органи бажариши мумкин. Конфликтда иштирок этувчи томонлар қоида бўйича бундай органларни қатор сабабларга кўра таснифлайдилар, яъни: биринчидан, ҳукумат муассасалари тасарруфида одамлар ҳаётида катта аҳамиятга эга моддий неъматлар бўлади ва бу неъматлардан мақсадли фойдаланиш конфликтни боришига, уни жиддий чеклашгача ёки тўла тўхташигача олиб келиши мумкин; иккинчидан, давлат ташкилотлари куч ишлатишнинг қонуний имкониятларига: иқтисодий санкциялар, сиёсий таъқиб, маъмурий таъсир ёки ҳатто, куч қўллаш имкониятига эга; учинчидан, ҳукумат ижтимоий ахборотнинг салмоқли улушини ўз қўлида жамлайди. Об'ектив жиҳатдан у ижтимоий конфликтнинг сабаби бўлган ишларнинг ҳақиқий ҳолати ҳақида энг кўп хабардор бўлади ва бу ахборотни самарали ишлатиши мумкин, конфликт тарафларини уларни қизиқтирувчи муаммоларни тинч йўл билан ҳал этишга ундайди, айти вақтда оммавий ахборот воситалари ҳам асосан давлат тасарруфида ҳисобланади; тўртинчидан, ҳукуматнинг ҳакамлик имкониятлари қонуний ҳокимият нуфузига, фуқароларнинг қонунга итоат этиш ва бўйсунуш анъналарига таянади; бешинчидан, ҳукумат ҳамма жойда зарур институт деб тан олинади, унга бўйсунуш одатдаги ҳодиса деб қаралади ва ноўрин ҳиссиётларга ўрин қолдирмайди.

Конфликтдаги воситачилик функцияларини фақат ҳукумат муассасалари эмас, шунингдек, ҳар қандай ташкилотлар, муассасалар ёки алоҳида шахслар бажаришлари мумкин. Таҷриба шуни кўрсатадики, тўғри танланган воситачи конфликтни қисқа муддатда тартибга солиши мумкин, ваҳоланки унинг аралашувисиз тарафларни битимга келтириш умуман амалга ошмаслиги мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, Фарбда мураккаб ижтимоий конфликтларда воситачи ролини жуда кўп ҳолларда айрим шахслар, масалан, Нобел мукофоти совриндорлари муваффақиятли бажарадилар. Бу амалиёт воситачи шахсига қўйиладиган юқори талабларни намоён қилади. У халқаро обрўга, соф ахлоққа, сиёсий бетарафликка, касбий ваколатга, юқори тафаккурга эга бўлиши керак. Бизга маълумки, барча Нобел мукофоти совриндорлари бу талабларга жавоб беравермайди, бироқ, умуман олганда дунёда уларнинг обрўси жуда юқори, шу сабабли конфликтни тўхтатиш илинжида уларнинг воситачилик хизматларидан фойдаланилади.

Воситачи жараённинг норасмий иштирокчиси сифатида майдонга чиқади, унинг тавсиялари ва қарорлари конфликт иштирокчилари учун мажбурий эмас, бироқ, бу ҳолатда ҳам унинг воситачилик ҳаракатлари келишувга эришишда ёрдам бериши мумкин. Учинчи тарафнинг мақоми расмий характерга эга бўлиши мумкин (масалан, арбитраж иштироқи).

Конфликтда воситачи ҳаракатларининг натижаси кўп даражада воситачининг тутган ўрни ва йўлига, унинг хусусий манфаатларига, шунингдек, конфликтни авж олишига ва ўта салбий оқибатларга йўл қўймаслик учун унинг қандай воситаларни танлашига боғлиқ. Бундай воситаларни танлашда у етарли эркин бўлмаслиги мумкин. Унинг ихтиёрида бошланган конфликтга қарши туришнинг жуда чекланган имкониятлари бўлиши мумкин. Бироқ, ҳар қандай вазиятда амалий жиҳатдан эътиборга олиниши керак бўлган камида иккита ҳолат мавжуд. Бу, биринчидан, конфликтнинг бевосита иштирокчилари томонидан, шунингдек, вақтинчалик нейтралитетга риоя этувчилар томонидан воситачининг ҳаракатлари билан боғлиқ юзага келувчи муносабат, иккинчидан, одамларнинг тинч вазиятда, шунингдек, конфликт вақтидаги ҳаракатларини тартибга солувчи ва муайян ижтимоий муҳитда ҳукмронлик қилувчи ахлоқ нормалари ва

одатларнинг мавжудлиги. Ҳақиқий имкониятлар, муайян вазият ва ижтимоий фикр билан ҳисоблашиш мақсадга мувофиқ. Ўз таъсирига кўра, ўта заиф ёки ўта кучли воситалардан сақланиш керак. Меъёрадаги таъсирга асосланган воситалардан кўпроқ фойдаланиш энг натижали ҳисобланади.

АҚШда конфликтларни ҳал этишдаги воситачилик фаолияти давлат ҳокимиятининг муҳим функцияларидан бирига айланди. Ўтган асрнинг биринчи ярмидан бошлаб ижтимоий конфликтлар регуляторлари вазифасини Меҳнат муносабатлари бўйича Миллий бошқарув ҳамда Воситачилик ва келиштирув Федерал хизмати каби давлат бошқармалари амалга ошира бошладилар.

Воситачилик ва келиштирув Федерал хизматининг функцияларига, биринчидан, тарафларни музокараларга жалб этиш, иложсиз вазиятларда тарафлар ўртасида мулоқот ўрнатиш; иккинчидан, медиатор ҳолис шахс сифатида музокараларнинг нормал боришини таъминлаш учун ҳиссий кескинликни йўқотиши ёки камайтириши керак; учинчидан, медиатор алоҳида ўтказилган учрашувларда конфликтлашувчи тарафларни янги таклифлар ва муқобил қарорларни эътибор билан баҳолашга ундайди, бунда ҳар бир тараф бошқа тарафнинг вакили бўлган воситачининг ўзи билан музокара олиб боради (медиатор музокаралардаги ҳар бир иштирокчининг талабларини кўрсатишга ҳаракат қилади); тўртинчидан, медиатор конфликт атрофида шаклланган ижтимоий фикрни қониқтирувчи қарорни топишга ҳаракат қилади; бешинчидан, агар меҳнат низоси ҳал этилмайдиган бўлса, медиатор унинг фикрича зарур бўлган муқобил иш ташлаш ёки локаутни таклиф этиши мумкин, масалан, аввалги шартнома муддатини узайтириш, конфликт сабабларини ўрганиш учун келиштирувчи комиссияни тузиш, ҳеч бўлмаса, арбитражга мурожаат қилишни таклиф этиши мумкин.

## § 5. Консенсус

**Консенсус тушунчаси.** Конфликт ва консенсус ҳар қандай ҳуқуқ тизимининг икки муҳим жиҳати ҳисобланади. Моҳиятига кўра, юридик сиёсат конфликтлар бўлган жойда бошланади.

Ҳуқуқшуносликнинг муҳим вазифаларидан бири конфликтларни ҳал этиш воситалари сифатида институтлар ва тартибларни, шунингдек, сиёсий ва ҳуқуқий тизимни ислоҳ қилиш усулларини ўрганишдир.

Назарий фикр ва амалиётнинг бу масалаларни кўриб чиқишга, консенсус нуқтаи назаридан ижтимоий аҳамиятли қарорларни қабул қилиш механизмини топишга, яъни конфликтларни ҳал этишга манфаатдор бўлган барча томонлар эришган барқарор келишувга асосланган бундай ёндошувни ахтаришга тайёр эмаслиги кўринади.

Энг аввало шуни таъкидлаш керакки, консенсус принципи қонуннинг ҳозирги замон назарияси ва ҳуқуқни тушуниш билан боғлиқ барча муаммоларни замонавий изоҳлашга бўлган янги ёндошувларни очиб беради. Фаншунослик атамасидан фойдаланиб шуни айтиш керакки, қонун, қонун чиқарувчи фаолиятнинг ижтимоий омиллари, қонунни амал қилиш механизми ва унинг самарадорлиги шартлари каби асосий юридик институтларни парадигматик тушунишнинг алмашуви юз бермоқда.

Ижтимоий-ҳуқуқий борлиқдаги туб ўзгаришларни акс эттирувчи янги юридик тафаккурнинг асослари шаклланмоқда.

Консенсус - коллегиял тартибда қарор қабул қилиш принципи, вето ҳуқуқининг акси бўлган принципдир. Вето - бу қонунчилик ёки бошқа актни

муҳокама қилиш иштирокчиларидан бирининг қарор қабул қилишини тақиқлаш ҳуқуқидир. Консенсус, аксинча, турли нуктаи назарларни келиштириш, компромисс, ҳамкорлик асосида ижобий қарорлар қабул қилишни талаб этади. Бундай ёндошувга кўра ҳуқуқ ва қонунга жамиятда юридик консенсусга эришиш нуктаи назаридан қараш мумкин. Айнан манфаатларни келиштириш (мувофиқлаштириш) ҳуқуқ тизимининг иерархиясида қонун устуворлиги ва давлатнинг ҳуқуқ тадбиқ этиш фаолияти учун қулай шарт-шароитларнинг асосий негизи ҳисобланади.

**Юридик консенсус.** Сиёсий ва юридик маънодаги консенсус турлича изоҳланади. Консенсус сиёсий маънода – бу кўпчилик фикри, низоли масалалар бўйича умумий келишув шакли; умумий фикр бўлса, юридик маънода - икки муҳим принцип: қарорни қабул қилишда иштирок этганларнинг кўпчилиги томонидан унинг қўллаб-қувватланиши ва иштирокчиларнинг биттаси томонидан ҳам қарорнинг қабул қилинишига билдирилган эътирознинг йўқлигига асосланган қарорни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш усулидир.

Демак, консенсус - бу яқка тартибдаги келишув эмас, негаки қарорни қабул қилиш жараёни барча қатнашувчиларнинг позициялари тўла мувофиқ келишини эмас, балки фақат тўғридан-тўғри эътирозларнинг йўқлигини талаб қилади ва бетараф йўлни тутишга йўл кўяди (овоз беришда бетараф бўлганлар).

Консенсусни бундай тушуниш фақат давлатлараро муносабат-ардагина эмас, шу билан бирга ички жараёнларни таҳлил этишда ҳам қўлланилади. Бу ҳолда консенсусни икки хил маънода фарқлаш қабул қилинган, тор маънода - муайян конфликтлар ва низоларни сиёсий ҳал қилиш усули сифатида ва кенг маънодаги консенсус - умумсиёсий маънода, бошқача қилиб айтганда фуқаролик тотувлиги деб ҳам номланади.

Демократик жамият - бу тенг имкониятлар жамиятидир. Ижтимоий фикр жамият барча аъзоларининг фикрларидан шаклланади. Ҳар қандай масалани ҳал қилишда барча мавжуд нуктаи назарлар аниқланиши, муҳокама қилиниши, кўриб чиқилиши ва ҳисобга олиниши лозим.

«Тарафдор» ва «қарши» овозларни механик ҳисоблаш принципига асосланган овозга қўйиш тизими жамиятнинг бўлинишига олиб келади. Унинг асосий камчилиги озчилик фикрини фактик эътиборга олмаслик ҳисобланади. Кўпчилик тазйиқи (диктати) демократиянинг асосий жиҳатларидан бири бўлган адолатлиликни бузади. Чунки, демократиянинг вазифаси фуқароларнинг эрк-хоҳишларини жамиятнинг ягона эрки сифатида қайта шакллантиришдир. Кўпчиликнинг чекланмаган ҳокимияти хавфли оқибатларини келтириб чиқариши мумкин. Ўз манфаатларини амалга ошириш шарти сифатида ўзгаларнинг манфаатини тан олиш консенсуснинг асосий қонидасидир.

Ҳозирги замон жамиятида консенсус одатда шахс эркинлигини, унинг кадриятлари ва манфаатларини тан олинишига асосланади.



## § 6. Ўзбекистонда юридик конфликтларни ҳал қилишнинг ўзига хос жиҳатлари

Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимиз олдида ўзбек жамияти тараққиётининг ўзига мақбул йўлини танлашдек долзарб масала кўндаланг турган эди. Президентимиз таъбирича, ”Биз тарихимизнинг ўша туб бурилиш нуқтасида, ғоят хатарли ва мураккаб кунларда ҳақиқатан ҳам яккаю-ягона тўғри йўлни танладик. Яъни, мустабид тузум, ўта мафкуралашган, миллий ўзлигимизни топтаган эски тизимдан воз кечиб, халқимизнинг хошиш-иродаси, азму қарорини бажо келтириб, очиқ демократик ва ҳуқуқий давлат қуриш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш йўлини танладик”<sup>1</sup>.

Айни пайтда, келажак сари тараққиётимизнинг асосида ётадиган беш тамойил белгилаб олинди, яъни аввалги тузумдан қолган салбий мерос – иқтисоднинг сиёсийлашуvidан узил-кесил ҳоли бўлиш, мамлакатда амалга ошираётган ислохотларга давлатнинг ташаббускор бўлиши, ислохотларнинг кескин йўл билан эмас, балки босқичма-босқич, “... одамлар турмуш даражасининг кескин пасайиб кетишига йўл қўймасдан, аҳолининг ҳимояга муҳтож қатлам ва гуруҳларини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилган ҳолда”<sup>2</sup> қонун устунлигини таъминлаган ҳолда амалга оширилиш белгиланган эди.

Йирик назариётчи олим, профессор З.Исломовнинг фикрича, агар давлат ҳокимияти нобарқарорликни йўқота олмаса, давлат ичидаги вазиятни назорат қила олмаса, оқибатда мамлакатда ижтимоий танглик юз беради ва бу тангликнинг натижаси сифатида аҳолида ҳокимият институтларига нисбатан ишончсизлик ҳолати, бу институтлар томонидан ўз нуфузларини йўқотиши ҳамда жинойтчилик ва зўравонликнинг кўпайиши юз беради. “Давлат томонидан бошқарилмайдиган ёки заиф бошқариладиган ва маълум даражада ”пинҳоний” иқтисод томонидан ва унинг қоидалари асосида амалга ошириладиган бозор муносабатлари иқтисодиёти ислохотлари – бу худди аввалги тоталитар тузум хуружининг ўзгинасидир, фақат давлат даражасида эмас, балки давлатга қарши амалга ошириладиган хуруждир. Шу боис ўтиш даврини кечираётган жамиятда туб ўзгаришлар кучли давлат ҳокимиятисиз, яъни қатъий қарорлар ишлаб чиқара оладиган ва уларни мунтазам ҳаётга татбиқ эта оладиган ҳокимиятсиз амалга оширишнинг иложи бўлмайди”<sup>3</sup>.

Айтиш лозимки, мустақилликка эришилгандан сўнг Ўзбекистонда кечаётган бир ижтимоий тузумдан иккинчисига ўтиш даври ўзининг ўта мураккаблиги ва мавжуд турли омилларга боғлиқлиги билан ажралиб туради. Мана шундай жамиятнинг тубдан янгиланиш жараёни ҳар қандай жамият тараққиётининг ажралмас элементи бўлган ижтимоий конфликтларсиз кечмайди, албатта. Бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий давлатни қуриш йўлида жамият олдидаги турли муаммолар ва зиддиятларнинг муқаррарлигини назарда тутган мамлакатимиз Президенти И.Каримовнинг уларнинг оқилона ечимини топиш масаласида муҳим восита бўлувчи сиёсий-ҳуқуқий давлат институтларининг моҳияти ва ўрни масаласига ўзига хос замонавий ёндошганлигини таъкидлаш ўринли, яъни унинг эътирофича, “Биз яқин ўтмишда синфий ҳукмронликнинг қуроли сифатида давлат ҳақидаги марксча ғояни шиор қилиб олиб, бу назарияни догмага, давлат ва ҳуқуқни эса синфий қураш, синфий рақибларни енгиш воситасига айлантирган эдик.

<sup>1</sup> Каримов И. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. – Т.: “Ўзбекистон”.2002. – Б.6.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

<sup>3</sup>Қаранг: Исламов З. Проблема власти: её понимание, назначение, социальная ценность. –Т., 2003. –С.14.

Демократия шароитларида эса, давлат ижтимоий қарама-қаршиликларни зўрлик ва бостириш йўли билан эмас, балки ижтимоий келишув, халқ таъбири билан айтганда мурсою мадора билан бартараф этиш воситасига айланади.

Ҳуқуқни ўзига эса ижтимоий ҳамжиҳатлик ва келишувларга асосан ижтимоий тартиб-интизомга эришиш, эркинлик, адолатпарварлик ва тенгликни вужудга келтириш воситаси сифатида ёндошилади”<sup>1</sup>.

Ижтимоий нотенгликнинг асосий белгилари бўлиб мулкчилик, ҳокимият, мақом муносабатларидаги фарқлар ҳисобланади. Бу хусусиятлар у ёки бу даражада жамиятнинг ижтимоий-синфий тузилмасида акс этади, ижтимоий гуруҳлар, индивидлар ўртасидаги муносабатлардаги нотенглик бўлиб намоён бўлади. Ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий нотенглик билан ижтимоий гуруҳлар ва индивидларнинг ҳаёт тарзида, маданиятида, руҳиятидаги муҳим фарқлар ҳам боғлиқ бўлади.

Моддий ва маънавий бойликларни яратиш, уларни айирбошлаш ва тақсимлаш юзасидан бўладиган ижтимоий ҳаракатлар ижтимоий гуруҳлар ўртасида тангликка, муайян шароитларда эса очик конфликтга олиб бориши муқаррардир.

Сўнги ўн йилликларнинг тарихий тажрибаси шундан гувоҳлик берадики, давлат социализми хусусий мулкчиликни ва синфларнинг ижтимоий нотенглигини бутунлай тугата олмади. У жамиятни ижтимоий конфликтлардан ҳам қутқара олмади.

Шу ўринда мамлакатимиз раҳбарининг Ўзбекистон халқининг ривожланиш хусусиятлари, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, маънавий қадрият ва анъаналарини эътиборга олган ҳолда янги ривожланиш босқичида ижтимоий зиддиятларнинг ўта кескинлашувига йўл қўймаслик масаласига эътиборни қаратиб қуйидагича фикр билдирган, яъни “...мустақиллигимизнинг биринчи кунлариданок, ўзимизга хос ва ўзимизга мос иқтисодиётни ва ижтимоий моделни, яъни устувор йўналишларни танлаган эканмиз, ўзгалардан фарқли ўларок, жамиятимизда ўта бойлар ва ўта қашшоқлар бўлиши маъқул эмаслигини эълон қилганмиз ва бизнинг бугунги амалий ҳаётимиз айнан шу мақсадга қаратилган. ...”<sup>1</sup>.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар ижтимоий ва сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларини, шу жумладан, судлов тизимини ҳам қамраб олди. Таъкидлаш жоизки, суд ҳокимиятининг моддий асоси ва ташкилий ҳуқуқий шакли бўлган давлат суд тизимини ташкил этувчи судлар томонидан амалга ошириладиган одил судлов жамиятда ҳуқуқ субъектлари (жисмоний ва юридик шахс, жамият ва давлат, алоҳида шахс ва давлат) ўртасида юзага келувчи конфликтларни ҳуқуқ воситасида ҳал қилиш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини, фуқаролик жамияти ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишнинг энг ишончли ва маърифий усули ҳисобланади.

Суд ислохотини чуқурлаштириш, бутун одил судлов тизимини демократлаштириш - ҳуқуқий давлатни мустаҳкамлашнинг муҳим йўналишидир. Ижтимоий турмушнинг демократик институти тариқасида суднинг аҳамияти ошиб бормоқда. Босқичма-босқич ва изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар давомида суд фуқаролар ва юридик шахслар ўртасидаги турли ҳуқуқий конфликтларни самарали ҳал қилиш воситасига айланиб бормоқда. “Мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ва демократлаштириш борасида муҳим қадамлар қўйилганини эътироф этмоқ лозим.

<sup>1</sup> Каримов И. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т.: “Ўзбекистон”, 1995. – Б.26.

<sup>1</sup> Каримов И. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродаимизга боғлиқ. Т.,-Ўзбекистон, 2004.- 12-т. – Б.110.

Бунинг натижасида мамлакатимизда замановий демократия талабларига жавоб бера оладиган суд тизими шаклланди.

Фуқароларнинг судга ишончи мустаҳкамланиб бормоқда. 1993 йил қабул қилинган "Судлар туғрисида"ги биринчи қонундаёқ айбсизлик презумпцияси ҳимояга бўлган ҳуқуқ, суд жараёнидаги тортишув ва ошкоралик каби умумэтироф этилган тамойиллар белгилаб қўйилган эди. Улар кейин жиноий процессуал, фуқаролик процессуал ва бошқа кодекс ҳамда қонунларда ривожлантирилди.

Жаҳон тажрибасини ҳисобга олиб, биринчи марта мамлакатимизда Конституциявий суд таъсис этилди. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида хўжалик муносабатларида қонунчиликни таъминлашда муҳим роль ўйнаётган хўжалик судлари тизими яратилди.

2000 йилда Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги "Судлар туғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши суд тизимини ислох қилишда муҳим босқич бўлди<sup>1</sup>.

Суд ҳокимияти органларининг фаолиятига бўлган давлатнинг эҳтиёжи, энг аввало, жамиятда турли шаклларда: инсон билан инсон, инсон билан давлат (ёки унинг органлари), давлат билан алоҳида шахс ўртасида юз берувчи ижтимоий конфликтларни юридик воситалар ва усуллар билан ҳал қилиш зарурияти билан белгиланади.

«Ҳокимиятнинг ҳар бир тармоғи ўз функцияларини фақат ўзига мос бўлган, алоҳида органлар ёрдамида амалга оширади. Суд ҳокимиятида бундай органлар бўлиб судлар ҳисобланадики, улар суд тизимини ташкил этади. Бу катъий ташкиллаштирилган тизим. Унинг ташкилий шакллари қонун билан батафсил белгиланади ва фақат қонунчилик тартибида ўзгартирилиши мумкин»<sup>2</sup>.

Юридик адабиётда «Суднинг ижро органлари тизимидан алоҳида бўлиши, унинг институциявий ва ташкилий мустақиллигига фақат конституциявий тузум ёки ҳокимиятлар бўлиниши принципини тан олувчи давлатлардагини эришиш мумкин. Айнан шу пайтдан бошлаб суд ҳақида эмас, балки суд ҳокимияти ҳақида гапириш мумкин»<sup>3</sup> лиги ҳақида фикр мавжуд.

«Ижтимоий ҳимоя тизими сифатида суд тизими «ҳуқуқий давлат» мақомига талабгор ҳар қандай давлатда катта аҳамият касб этади. Ижтимоий ҳакам ролини бажариш билан у бир вақтнинг ўзида ҳуқуқ билан тартибга солинадиган фаолиятнинг барча соҳаларини ҳимоя қилади. Суд органлари тизими ҳуқуқий тартиботни, иқтисодий макон бирлигини, мулк таҳсимоти ва айирбошлашнинг ҳукмрон шакллари кўриқлаб ва иқтисодий фаолият эркинлигини кафолатлаб конституциявий тузум асосларининг мустаҳкамлигини таъминлайди. Айнан у жамият манфаатларига зид хатти-ҳаракатларни содир этувчи шахсларга нисбатан давлат мажбурловини жорий этади»<sup>4</sup>.

Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнлари ўзига хос тарзда амалга оширилмоқда. Мамлакатда босқичма-босқич жорий қилинаётган жамиятни янгилаш ва модернизациялаш бўйича туб ислоҳий ўзгаришлар ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳаларда юзага келувчи келишмовчилик ва конфликтларга ўз таъсирини ўтказмаслиги мумкин эмас.

<sup>1</sup> Каримов И. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10.- Т : Ўзбекистон,2002. – Б..318.

<sup>2</sup> Қаранг: Конституционное право зарубежных стран / Под общ.ред.М.В.Баглая, Ю.И.Лейбо, Л.М.Энтина. М.:Норма-Инфра,1999.-С.328.

<sup>3</sup> Қаранг:Абросимова Е.Б. Судебная власть в Российской Федерации: система и принципы. – М.:Институт права и публичной политики, 2001. -С.12.

<sup>4</sup> Қаранг: Пилипенко Ю.С., Каримуллин Р.И. Российская судебная система в контексте нового Федерального конституционного закона// Российское право. 1998, №1. - С.23.

Амалиётчи конфликтолог И.Чупрининининг фикрича, Ўзбекистонда конфликтлар билан иш олиб бориш соҳасида «... ҳозирги замон демократик кадриятлари билан миллий аъаналарнинг уйғунлашуви энг самарали ҳисобланади. ... бу масалада Ўзбекистоннинг ўзига хослиги маҳаллий ўзини ўзи бошқариш жамоавий тузилмаси – маҳаллаларнинг самарали фаолият кўрсатиши ҳисобланади. Маҳалла ўз аҳолиси ўртасидаги низоларни анъанавий тарзда ҳал қилиб келиш билан шуғулланган. Ҳозир бу функция маҳаллалар қошидаги келиштирув бўйича қўмиталарни тузиш орқали қайта тикланмоқда»<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгач, суверен давлатчиликни шакллантиришда маданиятимиз сарчашмаларига, теран ва улкан маънавий меросимизга мурожаат қилиш, боқий тарихий ўтмишимизда мавжуд бўлган барча эзгуликларни юзага чиқариб, ривожлантириш борасида бекиёс имкониятлар очилди. Ўтмиш аجدодларимизнинг маданий ва маънавий бойлиги чуқур мушоҳада этилиб ижтимоий онгимизга сингдирилмоқда, шу орқали биз барпо этаётган янги фуқаролик жамияти манфаатларига хизмат қилмоқда.

Кенг кўламда ривож топган жамоат бирлашмалари тизимининг мавжудлиги фуқаролик жамиятининг муҳим сифат белгиларидан биридир. Бундай ижтимоий институтлар воситасида фуқаролар ўзларининг сиёсий, иқтисодий, маданий ва турмушнинг бошқа соҳаларидаги эҳтиёж ҳамда манфаатларини қондириш ва ҳимоялаш, умумий муаммоларни биргаликда ҳал этиш имкониятига эга бўладилар.

Жамоат бирлашмалари давлатдан мустақил бўлган, алоҳида фаолият юритадиган ва, айни вақтда, давлат институтларига таъсир ўтказа оладиган, давлатнинг ижтимоий ҳаётга, шунингдек, фуқароларнинг шахсий ҳаётига асосиз аралашувидан муҳофаза қилишга йўналтирилган ташкилотлардир.

Фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ташаббуси билан тузилган бу кўнгилли ўзини ўзи бошқарувчи ташкилотлар хилма-хиллиги билан фаркланади. Уларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1) аҳоли муайян йирик тоифаларининг ижтимоий манфаатларини кўзлаб ишлашга ихтисослашган ҳукуматга қарашли бўлмаган умуммиллий ташкилотлар;

2) "Маҳалла" жамғармаси (фуқароларнинг жамоавий-маҳаллий ўзини ўзи бошқарувига доир ҳаракатини мувофиқлаштирувчи);

3) Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси (республикада ва жойларда қўмиталарнинг бошлиқлари давлат раҳбарияти тизимида киритилганлиги туфайли барча даражаларда ҳукумат ташкилотлари билан ўзаро боғлиқ ҳолда ишлаш механизмига эга) Ишбилармон аёллар уюшмаси, Олима аёллар уюшмаси каби шерик ташкилотларни таъсис этган;

4) Ўзбекистон Республикаси Ногиронлар уюшмаси(маълумотларга кўра унинг таъсир доирасида 600 мингдан зиёд киши бор).

Фозил ва комил тарих гувоҳлик берганидек, айнан маҳаллий жамоада эркин элу улуснинг кучи ўз ифодасини топади. Маҳаллий жамоалар демократия ўрнатилишида бекиёс роль ўйнайди.

Маҳаллаларнинг маҳаллий ҳудуд аҳолиси ҳаётида ўзига хос аҳамият касб этишига мамлакатимиз Президенти томонидан ўринли урғу берилганлиги эътиборни тортади, чунончи «... маҳалла халқимизнинг ўзи асрлар давомида ижод қилган том

---

<sup>1</sup> Қаранг:Чупрынина И. Заметки о современных проблемах гражданского общества в СНГ и роли неправительственных организаций в мировотворчестве./Разрешение и предупреждение конфликтов в СНГ. Международный справочник организаций /Ред. И сост. Л.Л.Зими́на, Е.Ю.Садовская. Конфликтологический центр. – Алматы, 2002. -С.27.

маънодаги демократик идора тариқасида одамларнинг сиёсий, ижтимоий савиясини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Халқимизнинг «Отанг – маҳалла, онанг – маҳалла» деган нақли ҳам айнан шу маънода айтилган, десак, асло хато бўлмайди.

Шунинг учун ҳам маҳаллада яшайдиган ҳар қайси одам – у ишчи ёки ўқитувчи, раҳбар ёки пенсионер бўладими – ким бўлишидан қатъи назар, маҳалла идорасига келганида, албатта, бир ният, бир ташвиш ёки илтмос билан келади.

Шундай экан, маҳаллага мурожаат қилган ҳар қайси инсонни қуруқ гаплар билан жўнатиш эмас, балки уларнинг талаб ва илтимосини қондиришга ҳаракат қилиш лозим. Биз ана шу масала устида чуқурроқ ўйлашимиз зарур, деб ўйлайман»<sup>1</sup>.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизимини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга мамлакат мустақиллиги қўлга киритилганидан сўнг Ўзбекистон давлати раҳбарияти томонидан кучли эътибор қаратилмоқда, чунки мазкур маҳаллий жамоавий идоранинг турмуш, оила, фарзандлар таълим ва тарбияси билан боғлиқ жамият ҳаётида юзага келувчи кўп сонли можаролар ва конфликтлар ечимини ўз вақтида оқилона ва мақбул ҳал қилиш воситаси эканлигини ҳаётнинг ўзи тўлиқ тасдиқламоқда. «Бугунги кунда дунёнинг турли мамлакатларидан келиб кўрган одамлар фақат бизнинг юртимизда мавжуд бўлган, ноёблиги билан кўпчиликнинг ҳавасини ўзига тортадиган маҳалла идорасининг афзалликларига тан бермоқда.

Улар халқимизнинг ана шу тизимга суяниб ва таяниб, ўз келажагини қураётганганини яхши баҳоламоқда. Чунки маҳаллада одамлар эркин яшаши, ўз фикрини эркин билдириши, камчиликларни бемалол танқид қилиши мумкин. .... Маҳалла том маънодаги жамоа бўлиши керак. Маҳаллага шундай шароит туғдириб бериш керакки, токи унда яшайдиган ҳар қайси инсон ўз ҳуқуқини яхши билсин ва маҳаллага суяниб, маҳалланинг ваколатларидан фойдаланиб, ўз ҳуқуқини ҳимоя қилишга қодир бўлсин. ...Ҳаммамиз яхши биламизки, бизнинг халқимизда ор-номус, андиша, ҳаё ва ибод деган тушунчалар ниҳоятда кучли. Бу эса кўпинча уйдаги можарони ҳал этиш учун ариза ёзиб, судга чопишга йўл бермайди.

Оилавий келишмовчиликларни нари борса маҳалла доирасида, кўпни кўрган кексалар, фаоллар ёрдамида ҳеч кимга овоза қилмай, ортиқча расмиятчиликка йўл қўймай ҳал этиш – бу ота-боболаримиз амал қилиб келган азалий одат. Ким нима демасин, биз бундан ҳеч қачон воз кечмаймиз»<sup>2</sup>.

«... биз инсон ҳуқуқларини юксак қадрлаймиз, бу борада бирон-бир адолатсизлик ёки қонун талабларидан чекинишга асло йўл қўймаймиз. Чунки бу дунёда ҳар ким ўз хоҳишига кўра яшашга, ўзи хоҳлаганча иш тутишга ҳақлидир.

Бугун биз суд тизимини айнан шундай қарашлар асосида ислоҳ қилаёلمиз. Шу мақсадда судларда ярашув амалиёти ҳам кенг қўлланилмоқда. Бу ўзаро келишув йўли билан ҳал бўладиган масалани жанжал кўтармасдан, беҳуда аризабозлик, бир-бирини ҳақорат қилмасдан ҳал этиш имконини беради. ...Арзимаган ҳаётий масалаларни ҳам ўз шахсий манфаатини кўзлаб, жанжал ва суд орқали, тортишув орқали ҳал қилиш, ортиқча можароларга бориш, ўйлайманки, бундай йўл халқимизга маъқул бўлмайди»<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Каримов И. Тинчлик ва ҳавфсизлигимиз ҳамжиҳатлик ва қатъий продамизга боғлиқ. Т.-Ўзбекистон. – 2004. 12т. – Б.102-103.

<sup>2</sup> Ўша асар. -Б.105.

<sup>3</sup> Ўша асар. -Б.107.

## **VI Боб. Конфликтларни олдини олишнинг юридик усуллари**

### **§ 1. Умумий қоидалар**

**Конфликтни олдини олишнинг аҳамияти.** Конфликтнинг олдини олиш, албатта, содир бўлган конфликтни тўхтатиш ёки ҳал қилишдан кўра фойдали ва мақсадга мувофиқдир. Шу сабабли жамият ва давлатнинг асосий куч-ғайрати конфликтларни олдини олишга қаратилган бўлади. Бу асосан ижтимоий манфаатлар ва кадриятларга, фуқароларнинг мулки, соғлиғи, ҳаётига хавф туғдирувчи давлатлараро ва криминал конфликтлар билан боғлиқ. Давлатлараро конфликтларнинг олдини олишга БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши ва Бош Ассамблеяси каби органлари, шунингдек, ҳудудий ҳарбий-сиёсий ташкилотлар доимо эътиборни қаратиб келадилар.

Шу билан бирга конфликтларни олдини олишнинг самарадорлиги ҳозирги кунда юқори эмас.

Бу ҳол шу билан изоҳланадики, конфликтга унинг илк босқичида, айниқса, латент босқичида четдан аралашиб каби тўсиқларга учрайди. Бир томондан бундай аралашув ижтимоий фойдали, кўпинча зарур ва ҳар қандай ҳолда ҳам натижалли бўлади.

Бошқа томондан эса, конфликт кўпинча томонларнинг хусусий иши деб ҳисобланади. Бошқа шахсларнинг хусусий ишларига аралашмаслик нуқтаи назаридан ўз таъсирини ўтказиш, томонларни ярашишга ёки муайян ҳатти-ҳаракатларни бажаришга мажбурлаш нотўғри, ноахлоқийдир. Шу сабабли конфликт шахсий (гуруҳий) муносабатлар доирасидан чиқиб кетиб, ўз фаоллиги кўлами, объектига кўра бошқа томонларнинг ҳаётий манфаатларига дахлдор ижтимоий аҳамиятга эга ҳодисага айланиш вақтидагина конфликтга аралашиб мумкин.

Конфликтнинг олдини олиш қарама-қаршилик вужудга келгунга қадар конфликт элементларига: иштирокчиларига, уларнинг ҳаракатлари мотивларига, объектларига, фойдаланадиган кучлари ва воситаларига таъсир кўрсатишидир. Шу боис конфликт характериға қараб уни олдини олиш фаолияти турлича бўлиши мумкин.

**Сабабларни бартараф этиш.** Конфликтларни олдини олишнинг энг самарали шаклларида бири унинг сабабларини бартараф этиш ҳисобланади. Бу фаолият турли даражаларда намоён бўлади.

Умумиҷтимоий даражада гап жамият ва давлат ҳаётига хавф туғдирувчи йирик иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий омилларни аниқлаш ва йўқотиш ҳақида боради. Иқтисоддаги беқарорликлар, аҳоли кенг қатламларининг турмуш даражаси ва сифати ўртасидаги кескин фарқ, сиёсий тарқоқлик, бошқарув тизимининг самарасизлиги ва уюшмаганлиги - буларнинг барчаси катта ва кичик, ички ва ташқи конфликтларнинг доимий манбаи бўлиб хизмат қилади. Уларнинг олдини олиш бутун жамият манфаатларида ижтимоий, иқтисодий, маданий сиёсатни изчиллик билан олиб боришни, ҳуқуқий тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлашни, одамларнинг маънавий маданиятини оширишни тақозо қилади.

Конфликтларни умумиҷтимоий кўламда олдини олиш мақсадларида ижтимоий ҳаётда вужудга келувчи кўп сонли конфликтларни аниқлаш ва ўрганиш, конфликтологик тадқиқотларни ривожлантириш зарур. Ишлаб чиқаришда, турмушда, дам олиш соҳасида ҳар бир конфликт аниқ сабабларга кўра ва муайян шароитларда юзага келади. Алоҳида олинган конфликтлардаги муайян сабаблар турмушнинг у ёки бу соҳасидаги умумий муаммолар ва зиддиятларни

ифодалайди. Шу сабабли энг кўп тарқалган конфликтли ҳолатларнинг вужудга келиши объектив сабабларини тушунтириш ва таҳлил этиш кечиктириб бўлмайдиган қарорлар чиқарилишини талаб этувчи ижтимоий муаммолар доирасини аниқлашда муҳим рол ўйнаши мумкин.

## § 2. Конфликтни институтлаштириш

**Институтлаштиришнинг вазифаси.** Конфликтларни олдини олишнинг аниқ усулларидан бири бўлган *институтлаштириш* энг кўп тарқалган усулдир. Унинг моҳияти шундаки, конфликт ўсиб борган сари конфликтда иштирок этувчи тарафларнинг манфаатларини ифода этувчи ва қўллаб-қувватловчи турли комитетлар, партиялар, ташкилотларни тузиш юзасидан ҳаракатлар амалга оширилади. Бу жараён конфликт иштирокчиларининг тарқоқ ва изчил бўлмаган талаблари, эътирозлари, мақсадларини тартибга солинишига олиб келади. Воситачилик ташкилотларини тузишга қаратилган ишлар олиб борилади, бу ташкилотлар носий институтларнинг компетентли, холис, демократик кайфиятга эга вакилларида шакллантирилади. Институтлаштириш жараёни конфликтларнинг боришини тартибга солиш имкониятини беради, шу билан бирга, у конфликтни бартараф қилишнинг муайян потенциал қийинчиликларидан холи эмас. Институтлаштириш жараёнининг зиддиятлиги шундаки, конфликтли воқеалар тўлқинида вужудга келган ташкилотлар оддий иштирокчилар доирасининг манфаатларидан фарқ қилувчи ўзининг жуда тор манфаатига эга бўлиши мумкин. Умуман бу конфликтли вазиятни мураккаблаштиради, баъзида унинг ҳал этилиши бундай ташкилот ўз обрўси ва таъсирини сақлаб тургунича йўққа чиқариши мумкин.

Агар конфликтларни жиддий бартараф этишнинг имкони бўлмаса ва иштирокчи тарафларнинг фақат биттаси устунликка эга бўлган ҳолларда институтлаштириш жараёни конфликтларни тартибга солиш ва бартараф этишнинг замонавий, маърифий тартиби ҳисобланади.

Ижтимоий конфликтларни ҳал қилишнинг бундай маърифий усули ҳозирги замон ғарб демократияси учун типик ҳисобланади. Р.Далнинг фикрича, демократик шароитларда зўрлик ишлатишнинг имкониятлари чекланади. У фақат бутун бир жамиятда ўз тарафдорларига эга бўлмаган камчиликка нисбатан истисно ҳолларда қўлланилиши мумкин. Ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг асосий усули бу уларни тинч йўл билан ҳал этишдир. У конфликтларни тинч йўл билан боришини таъминловчи энг қулай етита шартни санаб кўрсатган:

- маслаҳатлар ва музокаралар олиб бориш, манфаатларни ўрганиш, ўзаро фойдали ечимларни қидириш тарафдорлари бўлган институционал тузилмаларнинг мавжудлиги;

- муаммоларни самарали ҳал қилишни назарда тутган битимларнинг кенг доираси;

- конфликтларни кумулятивлигининг мавжуд эмаслиги;

- кенг иқтисодий имкониятлар (тўкин-сочинлик);

- аввалги конфликтларни тинч йўл билан ҳал қилиниши натижалари ҳақида фуқароларнинг ижобий хабардорлиги;

- фойдаланилиши мумкин бўлган куч ишлатиш воситаларининг тарафлар ўртасида тенг бўлиши;

- тинч йўл билан ҳал қилишга имкон берувчи етарли шароитларнинг кўп бўлиши<sup>1</sup>.

<sup>1</sup>Қаранг: Dahl R.A. Modern Political Analysis. New-London, 1963. -P.77-78.

### § 3. Норматив механизмлар

**Конфликтларни норматив тартибга солиш.** Конфликтни институтлаштириш ҳақида гапирганда уни тартибга солишдаги норматив ёндашувнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаш зарур. Хулқ-атвор нормаларини маълум даражада институционал тузилма деб ҳисоблаш мумкин, институтлар тегишли нормаларсиз амал қилмайди. Конфликт инсонлар ўртасидаги ҳар қандай муносабат каби у ёки бу даражада ижтимоий хулқ-атвор нормалари билан тартибга солинади. Бунда турли кўринишда ва мазмундаги нормалар амал қилади: ҳуқуқий, ахлоқий, диний, сиёсий ва ҳ.

Конфликтли вазиятни ахлоқий, диний нормалар билан ҳам тартибга солиш мумкин. Конфликт билан боғлиқ ахлоқ нормалари одатда оғзаки ва умуман аниқ шаклланмаган бўлади. Бироқ, амалиётда ахлоқ нормаларига мувофиқат қилиш жуда кам учрайди.

Конфликтларнинг норматив таснифи учун ҳуқуқ нормалари муҳим аҳамият касб этади. Ахлоқ ва диний қоидалардан фарқ қилиб, ҳуқуқ нормалари қонунлар ва бошқа ҳужжатларда мустаҳкамланади ва давлат томонидан санкцияланади. Бундан конфликтнинг ўзини ва сабабини ҳуқуқий баҳолаш расмий характерга эга эканлиги ва ҳеч кимнинг тазйиқи билан ўзгартирилиши мумкин эмаслиги тушунилади.

Қуйида конфликт иштирокчиларининг хулқ-атворига норманинг таъсир этувчи механизми хусусида тўхталиш лозим.

Ҳуқуқ нормаси, ҳар қандай бошқа ижтимоий норма каби, одамлар хулқ-атворига таъсир этишнинг бир неча усулларига эга. Бу биринчидан, ахборот орқали таъсир этиш: норма индивид (ижтимоий гуруҳ)га давлат томонидан маъқулладиган ҳатти-ҳаракатнинг вариантларини таклиф этади, у ёки бу ҳаракатнинг оқибатлари ҳақида огоҳлантиради. Иккинчидан, у аҳамиятли таъсир кўрсатади, чунки у жамият ва давлат тан олган кадриятларни эълон қилади, учинчидан, ҳуқуқ нормаси ундаги талабларни эътиборга олмайдиганларга нисбатан таъсир чорасини қўлловчи мажбурлов кучига эга. Норма бузилган тақдирда ҳуқуқни қўллаш механизми ҳаракатга келади, ҳуқуқни қўллаш фаолиятини амалга оширувчи муассасалар ва мансабдор шахслар ишга киришадилар.

Юқорида санаб ўтилган барча усуллар бўйича ҳуқуқ: а) конфликт сабабларига; б) унинг негизи(конфликтли вазият)га; в) унинг ривожланиши ва ҳал қилинишига; г) конфликт яқунланиши оқибатларига ва иштирокчилар тақдирига таъсир этади.



### **Реферат ва назорат саволларининг намунавий рўйхати.**

- 1.Қадимги дунёдан то янги даврга қадар конфликтлар ҳақидаги билимларнинг шаклланиши қандай тарзда намоён бўлган?
- 2.Нима сабабдан қадимда конфликтлар асосан урушлар билан боғлиқ бўлган?
- 3.Ўрта асрларда мавжуд булган диний дунёқараш конфликтлар ривожланишига ва ҳал қилинишига ўз таъсирини кўрсатганми? Агар таъсир кўрсатган бўлса, бу нималарда намоён бўлган?
- 4.Конфликтлар ҳақидаги марксча таълимотнинг тўғри ва нотўғри жиҳатлари сизнинг фикрингизча нималардан иборат? Ўз нуқтаи назарингизни асослаб беринг.
- 5.Қачондан бошлаб конфликтология илмий тадқиқотларнинг мустақил тармоғи сифатида шакллана борди?
- 6.Конфликтология назариясини ишлаб чиқишда ҳисса қўшган янги давр мутафаккирлари номларини санаб ўтинг.
- 7.Л.Козернинг ижобий-функционал конфликт концепциясининг моҳиятини баён қилинг.
- 8.Сизнингча қандай фикр тўғри ва ишончли:  
а)конфликт - одатдаги нормал ижтимоий ҳодиса.  
б)конфликт - ижтимоий иллат шакли.  
Ўз фикрингизни исботловчи асосларни келтиринг.
- 9.Р.Дерендорфнинг жамиятни конфликтсиз модели концепцияси асосида қандай принциплар ётади?
- 10.К.Боулдингнинг «конфликтнинг умумий назарияси»ни бошқа конфликт концепцияларидан асосий фарқланувчи хусусиятини тавсифланг.
- 11.Ҳозирги даврда конфликтлар назарияси ва амалиётига бўлган қизиқишнинг ортиши қандай асослантирилади?
- 12.Конфликт тушунчасига таъриф беринг. Конфликт бошқа зиддиятлардан нимаси билан фарқ қилади?
- 13.Конфликт чегараси нима? Ички сиёсат ва халқаро соҳадаги узоқ давом этувчи конфликтларга мисоллар келтиринг.
- 14.Тарафларни келиштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ва конфликтда ўз мақсадларига эга булмаган шахс(ташқилот)лар конфликт иштирокчиси ҳисобланадими? Ўз фикрингизни асослаб беринг.
- 15.Конфликтология фани методларининг социологик методология ва методикадан фарқ қилувчи хусусиятлари нималардан иборат?
- 16.Конфликтология қандай илмий фанлар кесишувида жойлашган? Уни мустақил фан деб ҳисоблашга асос борми?
- 17.Юридик конфликт тушунчасини беринг.Бу тушунчадаги қайси элемент сизнингча асосий ҳисобланади?
- 18.Юридик конфликтлар турли кўринишларини сабабларини айтинг. Конфликт сабаблари унинг иштирокчилари хатти-ҳаракати мотивларидан нима билан фарқланади ?
- 19.Шахсни ҳуқуқий бегоналаштириш нима? У аҳолининг қайси қатламлари(гурӯхлари)да кучли ифодаланган?
- 20.Ҳаётда Сиз юридик конфликтларнинг қандай турларини учратгансиз (кузатгансиз)?
- 21.Юридик конфликтларнинг қайси турини тинч йўл билан ҳал этиш жараёни мураккаб кечади?
- 22.Конфликтнинг асосий элементларини сананг.Улардан қайси бири юридик аҳамият касб этади?

23.Конфликтли вазият тушунчасини беринг.Сиз қандай конфликтли вазиятларни ҳаётда кузатгансиз?

24.Нима учун конфликт, қоида бўйича, тангликни ортиб бориши томон ривожланади? Бу ҳолат объектив ёки субъектив омилларга боғлиқми? Боғлиқ бўлса, айнан қайсилари билан?

25.Конфликт эскалацияси нима? Конфликтни юридик органлар( суд, арбитраж ва бошқалар ) томонидан кўриб чиқишда унга йўл қўйиладими?

26.Сиз юридик конфликтни яқунлашнинг қандай шакллари энг афзалроқ деб ҳисоблайсиз ва нима учун?

27.Конфликтларни ҳал этиш юридик усуллари кучли ва заиф томонлари нимадан иборат ? Нима сабабдан конфликтлашувчи томонларни ҳаммаси ҳам бу усулни қўлламайдилар?

28.Конфликтни фуқаролик процессуал ва жиноят процессуал тартибда ҳал қилиш ўртасидаги фарқ нима? Бу усуллардан биргаликда фойдаланиш мумкинми ва қандай ҳолларда?

29.Конфликтларни ҳал этишнинг қандай парламент шакллари самарали деб ҳисоблайсиз? Нима учун?

30.Конфликтдаги воситачилик фуқаролик ва арбитраж (хўжалик ) процесслардаги воситачиликдан қандай фарқланади?

31.Конфликтни консенсус йўли билан ҳал қилишнинг юридик шакллари айтиб беринг. Бундай консенсус қандай ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланади?

32.Конфликтни олдини олиш учун қуйидаги ҳолларда:

а) оилавий ишларда

б) меҳнат муносабатларида

в) криминал вазиятда

г) халқаро муносабатларда конфликтли вазиятга аралашишга йўл қўйиладими? Ўз фикрингизни асосланг.

33.Конфликтни ҳал этишнинг энг самарали шакли нима?Унга ҳар доим ҳам эришиш мумкинми? Агар мумкин бўлмаса, нима учун?

34.Конфликтни олдини олишнинг психологик методларини роли қандай? Дипломатик ҳаракатлар бундай психологик метод бўла оладими?

35.Конфликтни институтлаштириш деганда нима тушунасиз?Уни ҳуқуқий воситалар билан қандай амалга ошириш мумкин?

36.Қандай ижтимоий нормалар (ҳуқуқий, ахлоқий, диний ва бошқалар) энг самарали ва конфликтларнинг қандай турларига нисбатан? Бу нуқтаи назарни асосланг.

37.Ўзбекистонда юридик конфликтларни ҳал қилишнинг ўзига хос жиҳатларини кўрсатинг.

## «Юридик конфликтология» фанидан тест саволлари

**1. Нима учун ҳозирги замон фани инсониятнинг тарихий ўтмишига назар ташлар экан, конфликтни ҳамиша ижтимоий тараққиётнинг доимий йўлдоши эканлигига шубҳа қилмайди?**

А) Ижтимоий ҳаётда конфликтларнинг тугган ўрни ва кенг тарқалганлиги узоқ ўтмишда ҳам эътиборни ўзига тортган;

В) Ўтган асрларда ижод қилган файласуфлар, тарихчилар, ёзувчиларнинг асарларида, афсоналарида ва ғояларида вужудга келиши эҳтимол бўлган конфликтларнинг юзага келиш сабаблари ва уларни тугатиш йўллари ҳақида муайян фикрлар билдирилган;

С) Инсоният тарихи инсон ҳуқуқлари учун бўлган курашлар тарихидан иборат бўлиб, конфликтлар эса бу курашларни намоён бўлиш шакли сифатида жамият тараққиётида ўз ўрнига эга бўлган;

Д) Жамият ҳаётини ижтимоий зиддиятларсиз тасаввур қилиб бўлмаган;

Е) Одамлар бор жойда конфликтлар мавжуд бўлган ва бўлаверади.

**2. Конфликтлар ва кураш барча нарсанинг асоси сифатида ҳисобланиши ҳақида»ги ғоялар қайси мутафаккир томонидан илк мартаба билдирилган?**

А) Демокрит;

В) Эпикур;

С) Флоробий;

Д) Сукрот;

Е) Тўғри жавоб йўқ.

**3. Қадимги файласуф-материалист Эпикур тўқнашувларнинг салбий оқибатлари инсонларни қандай шароитда яшашга мажбур қилади деб ҳисоблаган?**

А) Низолар ва адоват барҳам топадиган мукамал келажакка ишонч ҳисси билан яшашга;

В) Ижтимоий конфликтларнинг табиатини тўғри тушунишга;

С) Урушларни юзага келтирувчи сабабларни олдини олишга ва ўзаро ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйишга;

Д) Инсонларни доимий тинч-тотув шароитда яшашга;

Е) Уруғ-қабилалар, оқсоқоллари, дохийларининг яққа ҳокимлигига сўзсиз итоат қилиб яшашга.

**4. Христиан фалсафаси ўз ривожининг дастлабки босқичида инсонлар ўртасидаги муносабатларда қандай жиҳатларни исботлашга ҳаракат қилган?**

А) Муаддас диний китоб - Библияда кўрсатилган қоидалар ва амалларга бекаму-кўст риоя этишликни;

В) Инсонлар ўртасида тинчлик, ҳамжиҳатлик, қардошлиқнинг афзаллигини;

С) Камбағал ва ёрдамга муҳтож қариялар, ногиронлар, етим-есирларга меҳр-шафқатли муносабатда бўлишни;

Д) Келишмовчиликларни ҳал этишда сабр-қаноатлилик ва ўзаро тушуниш, ён беришликни;

Е) Турли халқлар ва миллатлар ўз тақдирларига аввалдан муҳрланган зиддиятлар ва урушлар билан мурося қилишларини.

**5. Тараққийпарвар олимлардан Т.Мор, Э.Роттердамский, Ф.Рабл, Ф.Бэконлар ижтимоий тўқнашувлар ва қуролли конфликтларга нисбатан қандай муносабат билдирганлар?**

А) Ижтимоий тараққиётга туртки бўлувчи омил сифатида ижобий баҳо берганлар;

В) Фақат Европа худудида шаклланган давлатлар ривожланишига хос бўлган нормал ҳодиса деб санаганлар;

С) Келгусида барҳам топувчи ва жамият учун исталмаган, иккинчи даражали ҳодиса бўлиб қолишига ишонч билдирганлар;

Д) Кескин қоралаганлар;

Е) Ижтимоий мулоқот субъекти сифатида инсонлар табиатига хос бўлган муҳим жиҳат деб қараганлар .

**6. Конфликтлар табиати ҳақида инглиз файласуфи Фрэнсис Бэкон (1561-1626) томонидан билдирилган фикрларнинг ўзига хослиги нималарда кўринади?**

А) У ижтимоий тартибсизликларни юзага келишида моддий сабабларнинг ҳал қилувчи ролини чуқур англаб етди;

В) У Фарбий ва Марказий Европа мамлакатларида содир бўлган маданий ва ғоявий ривожланиш даврида ижтимоий конфликтларнинг ҳал қилувчи рол ўйнашини ҳар томонлама асослаб берди;

С) У биринчи бўлиб мамлакат ичкарасидаги ижтимоий конфликтлар сабаблари мажмуини чуқур назарий таҳлил қилди, ижтимоий тартибсизликларнинг моддий, сиёсий, рухий шароитларини ҳамда уларни бартараф қилиш усулларини ўрганиб чиқди;

Д) Тўғри жавоб А ва С ;

Е) У конфликтларни тарихий тараққиёт табиий жараёнига жиддий таъсир кўрсатувчи восита эканлигига биринчилардан бўлиб эътиборни қаратди.

**7. XVII аср инглиз демократлари ва француз маърифатпарварлари Д.Пристли, Ш.Монтескье, Д.Дидро, Ж.Ж.Руссо, Вольтер кабилар қуроли конфликтларни, босқинчилик ва зўрликни кескин танқид қилиш билан қандай хулосаларга келганлар ?**

А) Улар қуроли конфликтларга «ёввойи давр» қолдиғи деб қараганлар ва феодал тузум асосларини тугатиш «абдий тинчлик»га олиб келади деб ўйлаганлар;

В) Қуроли конфликтлар, босқинчилик ва зўрлик каби иллатлар фақат мустабид жамиятлар учунгина хос бўлиб, улар маърифий жамиятда ўз-ўзидан йўқолиб боришига ишонганлар;

С) Инсоннинг табиий ҳуқуқлари кафолатланган жамиятдагина тинч, барқарор ва ҳар қандай зиддиятлардан ҳоли ҳаёт тарзига эришилиши аниқ деган ғояни илгари сурганлар;

Д) Давлат тузилишининг эскирган шаклларида илдиз отган ижтимоий конфликтлар сабабларини тугатишга кўп эътибор бериш ижтимоий конфликтларнинг илдизини кесади деб фикрлаганлар;

Е) Тўғри жавоб йўқ.

**8. Машҳур немис файласуфи И.Кант томонидан билдирилган қуйидаги «қўшничилик асосида яшовчи инсонлар орасидаги тинчлик ҳолати табиий ҳолат эмас, ... аксинча, у уруш ҳолатидир, яъни агар тўхтовсиз душманчилик ҳаракатлари бўлмаса ҳам уларнинг доимий таҳдиди мавжуд. Демак, тинчлик ҳолати ўрнатилиши лозим» фикрларида қайси мутафаккирлар фикрларидаги қарама-қарши нуқтаи назар мужассамлашган ?**

А) Ж.Ж.Руссо ва Ш.Л.Монтескье;

В) Т.Гоббс ва Б.Спиноза;

С) Вольтер ва Ж.Ж.Руссо;

Д) Ж.Ж.Руссо ва Т.Гоббс;

Е)Тўғри жавоб йўқ.

**9. Немис файласуфи Гегел урушлар ва ижтимоий конфликтларга баҳо беришга қандай ёндашган?**

А)У урушлар ва ижтимоий конфликтларни жамият тараққиётига салбий таъсир этувчи омиллар деб баҳолаган;

В)У шу билан бирга кучли давлат ҳокимияти тарафдори сифатида давлатнинг яхлитлигини заифлаштирувчи мамлакат ичкарисидаги ижтимоий тартибсизликлар ва кўзғолонларга қарши чиққан;

С)У урушлар ва ижтимоий конфликтларни муайян шароитларда ижобий рол ўйнаши эҳтимоллигини таъкидлаган;

Д)У жамиятнинг ривожланишида урушларнинг ижобий роль ўйнаши хусусида муайян фикрларни билдирган;

Е)Тўғри жавоб D ва B.

**10. XIX асрда жамият ҳаётининг иқтисодий, сиёсий, маънавий ва бошқа соҳаларида бўлиб ўтган кескин ўзгаришлар конфликтлар билан боғлиқ ижтимоий назариялар мазмунига қандай таъсир этди ?**

А)Жамият ҳаётини ташкил этишнинг оқилона шакллари ахтаришга кўп эътибор берилган;

В)Бу назарияларда кураш, конфликтлар ва тўқнашувларнинг ижтимоий тараққиёт давомида нафақат бўлиши мумкинлиги, балки ижтимоий борлиқнинг муқаррар воқеликлари ҳисобланиши тўғрисидаги ғоялар ўз ифодасини топди;

С)Ижтимоий тараққиётдаги туб сифат ўзгаришлар фақат конфликтлар ва тўқнашувлар воситасида юз берганлиги боис уларни юзага келтирувчи шарт-шароитларни мунтазам ўрганиш ва таҳлил этилиши лозимлиги асослантилган;

Д)Муайян давлатларда аҳоли фаровонлиги жамиятда юзага келувчи ижтимоий зиддиятлар ва конфликтларни ўз вақтида англаб олиниб, уларнинг мақбул ечимларини излаш имкониятлари давлат фаолиятида асосий масала бўлиши ғояси илгари сурилган;

Е)Тўғри жавоб йўқ.

**11.Инглиз иқтисодчиси, руҳоний Томас Мальтус (1766-1834)нинг “Аҳоли ўсиши қонуни ҳақида тажриба” номли асарида (1798) мамлакатда ўсиб боровчи ишсизлик ҳолати қандай тушунтирилган?**

А)Халқнинг ночорлигини табиатнинг “абадий биологик хусусиятлари” билан тушунтириб, у аҳоли сонининг ўсиши геометрик прогрессия, яшаш воситалари арифметик прогрессия бўйича кўпайиб бориши ҳақидаги “табиий қонун”ни ишлаб чиққан;

В) У умумжаҳон-тарихий жараёнини қуйидаги уч таркибий қисмга бўлади: инсонлар «табиий ҳолат»да эркин ва тенг бўладилар, сўнгра цивилизация ривожланиши инсонларни тенг, эркин ва бахтли бўлишдан маҳрум қилади ва, ниҳоят, «ижтимоий шартнома» тузиб ижтимоий муносабатларнинг йўқотилган уйғунлигига, «абадий тинчлик»жа, ҳамжихатлик ва бирликка эришадилар;

С).Йирик мулкдорлар кўлида асосий ишлаб чиқариш воситалари ва моддий неъматларнинг жадаллик билан тўпланиши шунга мос тарзда кўпчилик аҳолининг кескин камбағаллашуви ва аҳолининг ночорлашувига олиб келади деб тушунган;

Д)Меҳнаткашларнинг камбағаллашуви сабабларини саноат тўнтариши ва деҳқонларни ерсизлантириш сиёсатининг тарихий оқибатларида эмас, балки ишчи синфининг “телбаларча кўпайиш”га бўлган “енгил” муносабатида деб билган;

Е)Тўғри жавоб A ва D.

**12. Людвиг Гумплович (1838-1909) конфликтларни назарий таҳлил қилишдаги қайси янги йўналиш вакили ҳисобланади?**

- A) Марксизм;
- B) Социал дарвинизм;
- C) Ижтимоий фалсафа;
- D) Позитивизм;
- E) Тўғри жавоб йўқ.

**13. Л.Гумпловичнинг ижтимоий конфликт табиатига бўлган қарашларини нечта асосий йўналишга бўлиш мумкин?**

- A) 2 тага;
- B) 4 тага;
- C) Бўлинмайди;
- D) 5 тага;
- E) Тўғри жавоб йўқ.

**14. Қайси назарийчи таълимотида ижтимоий тараққиётнинг асосий қонуни ҳисобланган энг мослашган индивидларнинг яшаш қонунига кўра ўзаро курашиш ҳолати универсал бўлиб, у алоҳида олинган жамият доирасидагина эмас, шунингдек, жамият билан уни ўраб турган табиат ўртасида бўладиган мувозанатни ҳам таъминлайди деган фикрлар асосий ўринни эгаллайди?**

- A) Ч.Дарвин;
- B) Г.Спенсер;
- C) Л.Гумплович;
- D) К.Каутский;
- E) Е.Дюринг.

**15. Биринчи бўлиб илмий муомалага “конфликт социологияси” атамасини ким киритган?**

- A) Роберт Парк;
- B) Эрнст Берджэсс;
- C) Албион Смолл;
- D) Фридрих Энгельс;
- E) Георг Земмель.

**16. К. Маркс умумий социологик назарияни илмий асослантириб беришдан ташқари конфликтлар назариясини нималар билан бойитди?**

A) Конфликтлар манбаини фақат инсон табиатидан эмас, шунингдек маданиятнинг ўз типини билан фарқланувчи ижтимоий ходисалардан ҳам қидириш кераклигини илмий жиқатдан асослантирди;

B) Конфликтлар назариясининг барқарор тизимини ишлаб чиқди;

C) Конфликтлар биргина муҳим ижтимоий жараён бўлмай, шунингдек ижтимоий бирлашиш жараёни ҳам муҳим, негаки унинг асосида янада кенгрок ижтимоий уюшмалар, давлатлар пайдо бўлади деган фикрларни илгари сурган;

D) У умумжаҳон тарихи ирқларнинг яшаш ва инсон ҳуқуқлари учун доимий курашидан келиб чиққанлигини таъкидлаб, ирқий тафовутларнинг моҳиятини биология фани хулосалари билан эмас, балки маданий ва ижтимоий-иқтисодий омиллар билан тушунтирди;

E) У конфликтларнинг жамият ҳаётида муҳим аҳамиятга эга эканлигини ва уларни назарий таҳлил қилишнинг заруратини кескин даражада таъкидлаган.

**17. Италиялик тадқиқотчи Вильфредо Паретонинг фикрича, жамиятнинг моҳиятини нима ташкил этади?**

- A) Мулкдорлар билан йўқсиллар ўртасидаги кураш;

**В)**Ишчилар синфи билан буржуазия ўртасидаги келишмовчиликлар ва қуроли тўқнашувлар;

**С)**Элиталарнинг давлат механизмида устувор мавқени эгаллаши;

**Д)**Элиталарнинг алмашиб туриши ва улар ўртасидаги кураш;

**Е)**Тўғри жавоб йўқ.

**18.Италиялик юрист Гаэтано Моски қачонгача ва қандай шароитларда зўрлик ва конфликтлар ижтимоий барқарорлик ва ижтимоий ўзгаришлар жараёнида муҳим роль ўйнайди деб кўрсатган?**

**А)**У ҳукмрон элита кўлида муҳим қурол бўла оладиган, вақти етиб ҳукмрон синфни мулкий асосда эмас, балки ақл, қобилиятлари, маълумоти, хизмат кўрсатиш хусусиятлари асосида шаклланишини, ҳокимият тепасида шунга лойиқлар бўлишини таъминлай оладиган “илмий сиёсат”ни ишлаб чиқишга интиланган. Бу давргача тарих синфлар курашидан иборат бўлиб қолаверади;

**В)**Сиёсий ҳукмрон синфнинг ўз мавқеини мустаҳкамлаш мақсадида давлат ҳокимиятини ўз кўлида сақлаб тургунига қадар ижтимоий танглик мавжуд бўлиб қолаверади;

**С)**У жамиятни икки синфга : барча давлат функцияларини ўз кўлига олувчи ва шу боис имтиёзларга эга ҳукмрон “сиёсий синф”га ҳамда уюлмаган кўпчиликни ташкил этувчи бошқарилувчи синфга бўлинишини абадий деб ҳисоблаган;

**Д)**Жамиятда элита қатлами билан тобе омма ўртасидаги муносабатда ўзаро уйғунлик ва мувофиқликка эришилмагунича синфий кураш ўз ақамиятини сақлаб қолаверади;

**Е)**Тўғри жавоб А ва С.

**19.Француз файласуфи Жорж Сорель ижтимоий тараққиёт жараёнида нима муҳим ўрин эгаллайди деб ҳисоблаган?**

**А)**Ижтимоий синфий гуруҳлар ўртасидаги кураш;

**В)**Хусусий мулк ва давлат ҳокимияти учун бўлган кураш;

**С)**Сиёсий кураш ва зўрлик;

**Д)**Иқтисодий ишлаб чиқаришнинг монополлашуви;

**Е)**Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг тан олинishi учун бўлган кураш.

**20.Америкалик социолог Толкотт Парсонс конфликтни вужудга келишини қандай тушунтиради?**

**А)**Жамият турли манфаат ва мақсадларга эга бўлган ижтимоий гуруҳлардан иборат бўлган шароитда улар ўртасида мунтазам равишда моддий ресурслар, хусусий мулк, мавқега эга бўлиш учун интилиш ижтимоий зиддиятлар ва конфликтларнинг юзага келиши учун манба бўлаверади;

**В)**У жамиятда инсонлар ўртасидаги муносабатлар тизими негизида инсонларнинг руҳияти билан амалий ҳатти-ҳаракатлари ўртасида мутаносибликнинг муайян сабабларга кўра йўқолиши туфайли конфликтлар юзага келади деб тушунган;

**С)**Давлат мавжудлиги шароитида давлат ҳокимияти учун сиёсий партиялар ва ҳаракатлар ўртасидаги кураш ижтимоий кескинлик ва зиддиятларни янада авж олишига туртки бўлади;

**Д)**У ижтимоийлашув жараёнида организмнинг ички физиологик эҳтиёжлари билан инсоннинг ижтимоий муносабатлардаги эҳтиёжлари ўртасида шаклланадиган номувофиқлик, муайян танглик конфликтга айланиши мумкин деб ҳисоблаган;

**Е)**Тўғри жавоб йўқ.

**21.Америкалик Льюис Козер 1956 йилда конфликтлар муаммосига бағишлаб қандай асарни нашр қилдирган?**

- А) «Халқ ҳокимиятчилиги ва синфий кураш» номли монография;
- В) «Жисмоний зўрлик ҳамда иқтисодий ва сиёсий мажбурлов шакллари тўғрисида» номли китоб;
- С) «Конфликтологик тадқиқотларнинг методологик қоидалари» номли рисола;
- Д) «Ижтимоий конфликт функциялари» номли китоб;
- Е) «Ижтимоий келишмовчиликлар ва сиёсий конфликтларни ҳал этиш усуллари» номли китоб.

**22. Конфликтшунослардан ким конфликт хусусида уни ижтимоий аномалия, ўзига хос касаллик ва уни енгиш зарур деб ҳисоблаган?**

- А) В.Парето, Г.Моски;
- В) Т.Парсонс;
- С) Л.Козер;
- Д) Ф.Оппенгеймер;
- Е) Ж.Сорель.

**23. Л.Козер томонидан яратилган ижобий-функционал конфликт назариясининг моҳияти нимадан иборат?**

А) Конфликтлар доимо синфий тўқнашувлар ва иқтисодий талафотлар орқали рўй берганлиги боис жамият уларни юмшатиш, мумкин бўлса, уларнинг олдини олиш йўллари излаши лозим;

В) Унинг фикрича, конфликтлар муҳим функцияларни бажарадилар, улар вақти-вақти билан жамиятдаги таранг вазиятни юмшатиш, алоҳида шахслар ва ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги зиддиятлар ва коллизияларни ҳал этиш усули сифатида зарурдир;

С) Инсоният тарихи инсон ҳуқуқлари, унинг эркинлиги, кадр-қиммати учун бўлиб келган сон-саноксиз курашлардан иборат бўлганлиги боис сиёсий майдонда вужудга келувчи конфликтларни ривожланиши масаласига нисбатан жамият бефарқ позицияни эгалламаслиги керак;

Д) Конфликтлар жамият учун бегона, аномал ҳодиса эмас; улар ижтимоий тизим ички ҳолатининг, ундаги алоҳида шахслар ва ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги одатий муносабатларнинг элементи, маҳсулидир;

Е) Тўғри жавоб В ва Д.

**24. Немис социологи Ральф Дарендорф конфликтлар назарияси билан боғлиқ қандай концепция муаллифи саналади?**

- А) Жамиятнинг конфликтли тузилмаси концепцияси;
- В) Жамиятнинг конфликтли модели концепцияси;
- С) Ижтимоий конфликтлар тизимида нисбийлик концепцияси;
- Д) Жамиятда конфликтларни бошқариш модели концепцияси;
- Е) Ташкилотнинг тузилмавий функционал модели.

**25. Р.Дарендорфнинг 1965 йилда чоп этилган “Синфий тузилма ва синфий конфликт” асарида ҳар бир жамиятда қарама-қаршиликлар, конфликтларнинг бўлишига олиб келган сабаблар қандай тушунтирилган?**

А) Конфликтнинг бўлиши ижтимоийлашув жараёнининг ўзида мавжуд, бунда инсон нафақат ижтимоий тизимнинг намоён бўлиш усуллари, шунингдек, тегишли маданиятнинг меъёрлари ва кадрларига ҳам жалб қилинади;

В) Ҳуқуқрон озчилик билан бошқариладиган тобе кўпчилик ўртасида муқаррар мавжуд бўлган келишмовчиликлар ва коллизияларни бартараф этиб бўлмаслик ижтимоий тараққиёт жараёнидаги динамик мувозанат ҳолатининг издан чиқишига олиб келади, бу эса конфликтларнинг вужудга келишининг ягона омилдир;

С) Жамиятнинг уюшганлик даражаси ва сиёсий-ҳуқуқий онгги қачалик паст бўлса, конфликтлашувчи тарафларнинг компромиссга келиш имкониятлари шунчалик



йўқолиб боради, бу эса қарама-қаршиликлар, конфликтларнинг бўлишига сабаб бўлиб хизмат қилади;

**D)** Ҳокимият тузилмаларида элиталар мавқеини ўзгариши олиб келган шарт-шароитлар бевосита жамиятда ижтимоий кескинликни ортишига ва оқибат-натижада конфликтларнинг юзага келишига олиб келади;

**E)** Қарама-қаршиликлар, конфликтларнинг бўлишига сабаб фақат одамларнинг ижтимоий нотенгликка маҳкумлиги эмас, шу билан бирга ҳокимият, шон-шухрат, авторитет учун бўлган кураш, бошқарув муносабатларидаги нотенг мавқега эга бўлишдир, бунда бир хил одамлар фақат буйруқ бериш ҳуқуқига, бошқа одамлар бу буйруқларни бажаришга ва бўйсунушга мажбурдирлар.

**26. Р. Дарендорф одамлар конфликтларни тартибга солиш имкониятига эга деб ҳисоблаб, бунинг учун нечта шартнинг мавжуд бўлишини таъкидлаган?**

**A)** 6 та;

**B)** 2 та;

**C)** 7 та;

**D)** 3 та;

**E)** 4 та.

**27. Америкалик социолог ва иқтисодчи Кеннет Боулдинг қандай концепцияга асос солган?**

**A)** Конфликтларнинг умумий назариясига;

**B)** Ижобий-функционал конфликт назариясига;

**C)** Жамиятда ижтимоий мувозанат тизими назариясига;

**D)** Ижтимоий тузилмалар фаолиятида ҳамкорлик назариясига;

**E)** Конфликт социологияси назариясига.

**28. К. Боулдинг фикрича, конфликтларни барҳам топтиришга қаратилган “ижтимоий терапия” асосини нималар ташкил этади?**

**A)** Қуйидаги омиллар ташкил этиши шубҳасиз, яъни : а) ҳар қандай ижтимоий тизим нисбатан барқарор, доимий ва яхши ташкил этилган тузилмадан иборат ; б) бу тизимнинг ҳар бир элементи муайян функцияни бажариши билан тизим барқарорлигини сақлашга ўз улушини қўшади; в) бу ижтимоий тузилманинг амал қилиши зарур барқарорлик ва ҳамкорликни таъминловчи жамият аъзоларининг қўллаб-қувватлашига асосланади;

**B)** Бунинг учун учта шартнинг бўлиши зарур: биринчидан, конфликтлашувчиларнинг тафовутланишини ва қарама-қаршилигини тан олиш ; иккинчидан, тарафларнинг, шу жумладан, жамиятнинг уюшганлик даражаси қанчалик юқори бўлса, битимга келишиш шунча енгил бўлади ; учинчидан, конфликтда иштирок этувчи тарафлар ўртасидаги муносабатларни сақлашга олиб келувчи муайян қоидаларнинг ўзаро мақбуллиги;

**C)** Қуйидаги учта нарса “ижтимоий терапия” асосини ташкил этади: а) жамият сиёсий ҳаётида партиялар фаоллигининг ортиши; б) ҳокимият тузилмаларининг фаолияти устидан халқ назоратининг таъминланганлиги; в) аҳоли турмуш даражасининг юқорилиги;

**D)** Қуйидаги учта нарса ташкил қилади : юзага келувчи қарама-қаршиликлар сабабини тушуниш ; уларни тугатишнинг келишилган усуллари оқилона танлаш; инсонларнинг маънавий такомиллашуви ;

**E)** Тўғри жавоб йўқ.

**29. Ҳозирги замон концепцияларида конфликтни, унинг сабабини, намоён бўлиш соҳаси ва шаклини, тартибга солиш усулини нима асосида тушуниш мумкин?**

А)Инсонлар ўртасида узоқ йиллар давомида шаклланган ўзаро мулоқот моҳиятини, тарихий анъаналар ва миллий урф-одатлар хусусиятларини атрофлича ўрганиш асосида асосида тушуниш мумкин;

В)Фақатгина жамият, айниқса, инсон табиатини, ижтимоий муносабатлар моҳиятини ва инсонларнинг ўзаро муносабатларга киришиш қонуниятларини чуқур англаш асосида тушуниш мумкин;

С)Узоқ ва яқин ўтмишда дунёнинг турли ҳудудларида бўлиб ўтган урушлар, тўқнашувлар моҳиятини чуқур таҳлил этиш ва ундан тегишли хулосалар чиқариш асосидагина тушуниш мумкин;

Д)Йирик халқаро конфликтларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларни бартараф қилиш амалиётини махсус тадқиқ этувчи халқаро ташкилотлар фаолияти натижалари асосида ўрганиш мумкин;

Е)Инсонлар руҳияти хусусиятларини ва ўзаро мулоқотга кириш шаклларини чуқур англаш орқалигина тушуниш мумкин.

**30. Ҳозирги вақтда конфликтларни тушуниш масаласида нима белгиловчи муҳим асос бўлиб ҳисобланади ?**

А)Инсон ҳуқуқларини кафолатлашда ва халқ фаровонлигига эришишда давлатнинг масъуллигини таъминлаш масалалари;

В)Конфликтли вазиятларни ҳал этишда куч ишлатишга бўлган ёндошувнинг инкор этилиши масаласи;

С)Ирқчиликнинг ҳар қандай кўриниши ва геноциднинг илдизини қирқиш нуқтаи назаридан ёндошув масалалари;

Д)“Инсон“ мезони, инсон моҳияти, унинг жамиятда тутган ўрни ва ижтимоий кадр-қиммати ҳақидаги масалалар;

Е)Ижтимоий конфликтларнинг табиати, сабаблари, моҳиятини ўрганишга хизмат қилувчи социологик тадқиқотлар натижаларидан келиб чиқиб илмий хулосалар ва тегишли тавсиялар шакллантириш масалалари.

**31. Юридик конфликтологиянинг методологик асосини қандай билиш усуллари ташкил этади?**

А)Барча аниқ фанларда ва илмий билишнинг турли босқичларида қўлланиладиган умумий фалсафий методлар;

В)Билишнинг умум-мантикий методлари: анализ ва синтез, мавҳумлаштириш, умумлаштириш, аналогия ва б. методлар;

С)Фақат юридик фанларда қўлланиладиган хусусий илмий методлар: қиёсий-ҳуқуқий, ҳуқуқий моделлаштириш ва б. методлар;

Д)Муайян ҳуқуқий ҳодисалар ва жараёнларни билишда фойдаланиладиган махсус ёки хусусий методлар: статистик, аниқ-социологик, қиёсий-ҳуқуқий, психологик, математик методлар;

Е)Тўғри жавоб А ва Д.

**32.Конфликтга берилган энг тўғри таърифни топинг.**

А)Конфликтлар инсонларнинг мақсадлари фарқланганда юзага келувчи келишмовчилик бўлиб, зўрлик қўлланилмасдан ҳал қилинади;

В)Конфликт объектив ва субъектив қарама-қаршиликлар, зиддиятлар бўлиб, у тарафларнинг бир-бирига нисбатан қарама-қарши курашида ифодаланади;

С)Конфликт - тарафларнинг ҳудуд ва ресурсларни эгаллаб олишга, уларнинг мулки ёки маданиятига таҳдид солишга қаратилган курашидир;

Д)Конфликт-сиғишмайдиган мақсадларга эга ёки шундай мақсадлар ҳақида фикр юритувчи икки ва ундан ортиқ томонлар ўртасидаги муносабатлардир;

Е) Барча жавоблар тўғри.

**33.Конфликт предмети деб нимага айтилади?**

А)Тарафлар ўртасидаги нифокқа сабаб бўлган объектив мавжуд бўлган ёки фикран тасаввур қилинган муаммо;

В)Тарафлар эгаллашга ёки ундан фойдаланишга интиладиган муайян моддий ёки маънавий бойлик;

С)Конфликт предмети шундай зиддиятки, субъектлар у учун қарама-қарши курашга киришадилар;

Д)Моддий дунё ва ижтимоий борлиқнинг исталган элементи конфликт предмети бўлади;

Е)Тўғри жавоб А ва С.

#### **34.Конфликт объекти деб нимага айтилади?**

А)Тарафлар ўртасидаги нифокқа сабаб бўлган объектив мавжуд бўлган ёки фикран тасаввур қилинган муаммо;

В)Тарафлар эгаллашга ёки ундан фойдаланишга интиладиган муайян моддий ёки маънавий бойлик;

С)Конфликт объекти шундай зиддиятки, субъектлар у учун қарама-қарши курашга киришадилар;

Д)Турли субъектлар манфаатларининг предмети билан боғлиқ бўлган моддий дунё ва ижтимоий борлиқнинг исталган элементи конфликт объекти бўлади;

Е)Тўғри жавоб В ва Д.

#### **35.Қачондан бошлаб конфликт бошланган деб ҳисобланади?**

А)Биринчи иштирокчи ўз рақиби мафаатига зид равишда фаол ҳаракат бошлаганидан бошлаб;

В)Рақиб ушбу ҳаракатларни ўз манфаатларига қарши қаратилганлигини англаб етгандан бошлаб;

С)Иккинчи иштирокчи биринчи иштирокчига қарши қаратилган ва унга жавобан фаол ҳатти ҳаракатлар кўрганидан бошлаб;

Д)Биринчи иштирокчи томонидан бўлғуси конфликт режалаштирилганидан бошлаб;

Е)Барча жавоблар тўғри.

#### **36.Конфликт бошланиши учун зарур бўлган шартларни топинг.**

А)Биринчи иштирокчи ўз рақиби мафаатига зид равишда фаол ҳаракат бошлаши;

В)Рақиб ушбу ҳаракатларни ўз манфаатларига қарши қаратилганлигини англаб етиши;

С)Иккинчи иштирокчи биринчи иштирокчига қарши қаратилган ва унга жавобан фаол ҳатти ҳаракатлар кўриши;

Д)Ава Б жавоблар тўғри;

Е)Барча жавоблар тўғри.

#### **37.Конфликтда қандай чегаралар мавжуд?**

А)Макон ва вақт чегараси;

В)Вақт ва ички тизим чегараси;

С)Ички тизим ва рақиб чегараси;

Д)А ва В жавоблар тўғри;

Е)Барча жавоблар тўғри.

**38.Конфликт функциялари ижтимоий ҳаётнинг асосий соҳаларига қараб қандай гуруҳларга бўлинади?**

А)Моддий ва маънавий;

В)Ижтимоий ва иқтисодий;

С)Маънавий ва иқтисодий;

Д)Ички ва ташқи;

Е)Тўғри жавоб йўқ.

**39. Конфликтнинг ички тизим чегараларини аниқлаш унинг барча иштирокчиларининг ичидан нимани ажратиш билан узвий боғлиқ?**

- А) конфликтга тўғридан-тўғри аралашмаган субъектларни ажратиш билан;
- В) конфликт қизиқтирувчиларини аниқ ажратиш билан;
- С) конфликт тарафдорларини ажратиш билан;
- Д) айнан конфликтлашувчи тарафларни аниқ ажратиш билан;
- Е) конфликтдаги тарафлар рақибларини ажратиш билан.

**40. Конфликтнинг ички тизим чегараларини аниқлаш нималар учун муҳим ҳисобланади?**

- А) конфликтнинг ёйилиб кетишига йўл қўймаслик учун;
- В) тизим ичида бўлаётган жараёнларга таъсир қилиш учун;
- С) тизим ичида бўлаётган жараёнларни авж олдириш учун;
- Д) тизимни бузилишдан сақлаш учун;
- Е) тўғри жавоб В ва Д.

**40. Конфликтларнинг асл сабабларини аниқлаш нимани чуқур таҳлил қилишни тақозо этади?**

А) ижтимоий муносабатдаги турли-туман зиддиятларни намоён бўлиш хусусиятларини;

В) ҳодисалар ва кишилар ўртасидаги ўзаро алоқадорликнинг бутун занжирини;

С) табиат, жамият, тафаккурда содир бўлувчи турли ҳодисалардаги ички қарама-қаршиликларни;

Д) синифий жамиятда синфлар ўртасидаги келишмовчиликларнинг муқаррарлигини;

Е) тўғри жавоб йўқ.

**41. Суд амалиётида учраб турадиган турмуш конфликтлари сабабларининг аксарияти нималар бўлиб ҳисобланади?**

А) Фараз, ва ўч олиш,

В) Ҳасадгўйлик ва кўролмаслик,

С) Носамимийлик ва араз,

Д) Қабул қилинган қарордан қониқмаслик, бугунги кунда ёки келгусида ўзини моддий жиҳатдан таъминлашга бўлган интилиш,

Е) Барча жавоблар тўғри.

**42. Гуруҳий конфликтлар мотивларининг турли-туманлиги нималарда намоён бўлади?**

А) иқтисодий қийинчиликларнинг кескинлашувида;

В) сиёсий эҳтиросларнинг авж олишида;

С) миллий ғурурнинг кучайишида;

Д) тўғри жавоб йўқ;

Е) Тўғри жавоб А, В ва С.

**43. Бир гуруҳ АҚШлик конфликтолог мутахассисларнинг фикрича «конфликт таҳлили» нима учун зарур?**

А) вазият сабаблари ва тарихини, шунингдек, жорий ҳодисаларни тушуниш ;

В) конфликтга жалб қилинган барча иштирокчи (гуруҳ)ларни ҳамда уларнинг нуқтаи назарлари ва ўзаро муносабатларини билиш ; аниқлаш ;

С) конфликт негизида ётган омиллар ва тенденцияларни аниқлаш ;

Д) мувафақиятсизликлар ва ютуқлардан тегишли хулоса ва сабоқлар чиқариш;

Е) Барча жавоблар тўғри.

**44. Ҳозирги замон жамиятида конфликтлар оқибат натижада объектив мавжуд ижтимоий зиддиятларнинг қайси жиҳатлари билан боғлиқ?**

- А) заифлашуви ва барҳам топиши билан;
- В) ривожланиши ва мураккаблашуви билан;
- С) юзага келиши ва намоён бўлиши билан;
- Д) тўғри жавоб йўқ;
- Е) тўғри жавоб В.

**45. Баъзи олимлар томонидан К.Маркс таълимотида синфлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларга қандай баҳо берилганлиги эътироф этилган деб ҳисоблайсиз?**

- А) синфий зиддиятларни белгиловчи бирламчи омил деб саналиши;
- В) синфий жамиятни шакллантирувчи асосий шарт-шароитлар деб саналганлиги;
- С) бир ижтимоий-иқтисодий формациянинг иккинчиси билан алмашинувига туртки бўлувчи ягона омил эканлиги;
- Д) уларнинг мутлақлаштирилганлиги;
- Е) тўғри жавоб йўқ.

**46. М.Вебер конфликтларнинг пайдо бўлишини фақат камбағаллик ва бойлик тафовутлари билан боғламай, шу билан бирга унинг моҳиятини тўлароқ очиқ берувчи яна қандай тушунчаларни киритган?**

- А) у нотенглик хусусиятига қараб эътибор, ҳурматнинг турли даражада бўлиши тушунчаларини;
- В) жамият тузилмасида инсонларнинг эгаллаган лавозимлари даражалари тушунчасини;
- С) бир хилда бўлмаган обрў, мавқе тушунчаларини;
- Д) моддий неъматларни ишлаб чиқиш ва тақсимлашда инсонларга ажратиладиган улушларининг миқдори тушунчасини;
- Е) тўғри жавоб А. ва С.

**47. Р.Дарендорф фикрича, конфликт жамиятда қандай муносабатлар орқали вужудга келади ?**

- А) кишиларнинг бир-бирлари устидан ҳукмронлиги, ҳокимиятга эса бўлишлари конфликтларнинг бош сабаблари ҳисобланади;
- В) конфликт иқтисодий муносабатлар билан эмас, балки бошлиқлар ва бўйсунувчилар ўртасидаги муносабатлар орқали вужудга келади;
- С) конфликт бошқарувчилар ва бўйсунувчилар мавжуд бўлган ҳар қандай ташкилотда пайдо бўлиши мумкин;
- Д) Тўғри жавоб А, В ва С;
- Е) Тўғри жавоб йўқ.

**48. Ҳозирги замон олими Пьер Бурдьенинг фикрича, синфлар тўғрисидаги марксча назариянинг камчилиги нимадан иборат ?**

- А) объектив мавжуд тафовутлар мажмуини эътиборга олмаслик;
- В) ижтимоий, маданий-маърифий омилларга иккинчи даражали омиллар деб баҳо берилганлиги;
- С) ижтимоий борлиқни фақат иқтисодий майдон билан чеклашлик;
- Д) тўғри жавоб йўқ;
- Е) тўғри жавоб А ва С.

**49. Ижтимоий нотенгликнинг асосий белгилари деганда нималарни тушунаси?**

- А) Дунё миқёсида мафкуравий таъсир доирасини кенгайтиришга бўлган имкониятлардаги фарқлар;
- В) мулкчилик, ҳокимият, мақом муносабатларидаги фарқлар ҳисобланади;
- С) Тўғри жавоб йўқ;

**D)** фарқлар ижтимоий гуруҳлар, индивидлар ўртасидаги муносабатлардаги нотенглик сифатида намоён бўлади;

**E)** Тўғри жавоб В ва D.

**50. Жамиятда катта ижтимоий гуруҳларнинг нотенглиги билан боғлиқ конфликтларни бутунлай бартараф қилишнинг самарали усуллари мавжуд эмаслигини қандай изоҳлаш мумкин?**

**A)** инсоният тарихи шуни кўрсатадики, ижтимоий нотенглик доимо қарор топаверади;

**B)** сўнгги ўн йилликларнинг тарихий тажрибаси шундан гувоҳлик берадики, давлат социализми хусусий мулкчиликни ва синфларнинг ижтимоий нотенглигини бутунлай тугата олмади;

**C)** даврий тарзда такрорланадиган инқилоблар нотенгликни амалга оширилиши типлари, шакллари ва методларини кўп даражада ўзгартиради, бироқ уни йўқотишга кучи етмайди;

**D)** Ҳар қандай жамиятда доимо турли ижтимоий гуруҳлар ўртасида манфаатлар конфликтлари, ҳеч бўлмаганда ҳаётини муҳим ресурсларга эга бўлиш ёки улардан фойдаланишга бўлган ҳуқуқ учун кураш мавжуд бўлган ва бундай кейин ҳам бўлади;

**E)** Тўғри жавоб А, С ва D.

**51. Ижтимоий конфликтлар табиатини тушунишда манфаатлар қарама-қаршилиги қандай аҳамият касб этади?**

**A)** конфликтлашувчи тарафлар ўз манфаатларини маъқуллаб ўзини ҳақли деб ҳисоблайдилар ва уларни қаноатлантиришга интиладилар;

**B)** курашувчи тарафлар ҳатти-ҳаракатининг негизида қандайдир аниқ сабаблар ётмасин, улар тарафлар манфаатига бориб тақалади, конфликт бўлганда манфаатлар қарама-қаршилиги келиб чиқади ёки улар бир-бирини истисно қилади;

**C)** баъзи тадқиқотчилар конфликтга яқин турган ижтимоий ва руҳий ҳодисаларга эътиборни қаратадилар, яъни манфаатни узвий келтириб чиқарувчи ҳодисаларга;

**D)** бирор нарсанинг танқислиги ҳолатини асословчи эҳтиёжлар категорияси, бунда субъект шу етишмовчиликни тўлдиришга ҳаракат қилади. Бундан манфаат эҳтиёжни қаноатлантиришнинг ангашилган йўли эканлиги келиб чиқади;

**E)** Барча жавоблар тўғри.

**52. Конфликтнинг ижтимоий ҳаётга таъсири нималарда намоён бўлади?**

**A)** давлатлар ўртасидаги турли дипломатик муносабатларда;

**B)** оммавий ахборот воситаларининг фаолият йўналишларида;

**C)** жамият ва инсон ҳаётининг барча соҳаларида кузатилади;

**D)** давлат бошқаруви органларининг жамият ҳаётига раҳбарлик қилишида;

**E)** тўғри жавоб йўқ.

**53. Конфликтнинг ижтимоий ҳаётга таъсирини очиб бериш қайси категория орқали амалга оширилади?**

**A)** конфликт соҳалари категорияси;

**B)** конфликт ички тизим чегараси категорияси;

**C)** конфликт функцияси категорияси;

**D)** конфликт эскалацияси категорияси;

**E)** тўғри жавоб йўқ.

**54. Конфликт функцияси категорияси ўзида нимани ифодалайди?**

**A)** Бу тушунча, энг аввало, жамият ҳаётида ижтимоий конфликтнинг умумий аҳамиятини;

**B)** ижтимоий конфликт билан ижтимоий ҳаётнинг бошқа жиҳатлари (компонентлари) ўртасидаги боғлиқликни;

**C)** бу фаолият (таъсир кўрсатиш) йўналишини;

**D)** конфликтли муносабатлар ижтимоий оқибатларининг муайян мажмуини;

Е) барча жавоблар тўғри.

**55.Конфликт функцияларини ижтимоий ҳаётнинг асосий соҳаларига қараб қандай иккита катта гуруҳга бўлиш мумкин ?**

А)ижтимоий ва сиёсий;

В) моддий ва маънавий;

С)синфий ва маърифий;

Д)ички ва ташқи;

Е)халқаро ва миллий.

**56.Конфликтлар моддий функцияларининг жамият ҳаётининг иқтисодий томонлари билан боғлиқлиги нималарда ифодаланиши мумкин?**

А) Моддий функциялар фақатгина конфликтнинг ҳалокатли оқибатларида намоён бўлмайди. Баъзида улар яратувчилик мазмунига ҳам эга бўладилар;

В) Бу боғлиқлик моддий манфаатларда, фойда кўришда, шунингдек ижтимоий йўқотишларда, зарар кўришларда ифодаланади;

С) Конфликт жараёнида тарафлардан бири конфликт бошлангунига қадар ўз тасарруфида бўлмаган моддий қийматларни қўлга киритиши мумкин;

Д) Мулкий характердаги юридик конфликтлар бойликларни қайта тақсимланишига, бир тарафнинг фойда ва иккинчи тарафнинг зарар кўришига олиб келади;

Е)Барча жавоблар тўғри.

**57.Конфликтларнинг жамият маънавий ҳаётига таъсири беқиёслигини нималарда кўриш мумкин?**

А)конфликтлашувчи тарафлардан бирига устунлик мақеини қўлга киритиш имконини беради;

В) конфликтлар маънавий соҳадаги туб ва тез содир бўладиган ўзгаришларнинг рағбатлантирувчи воситаси ролини ўйнаши мумкин;

С) улар ходисаларга одатдаги бир томонлама баҳо бериш жараёнини тўхтатиб, ижтимоий ҳаётга бошқа томондан , ижтимоий эътибордан четда қолган хусусиятларини англаб олиб қараш имкониятини яратади;

Д)тўғри жавоб йўқ;

Е)тўғри жавоб В ва С.

**58.Конфликтнинг огоҳлантирувчи функциясининг моҳияти нимадан иборат?**

А) ҳокимият тузилмаларини ижтимоий ҳаёт нуқсонларига ўз вақтида эътиборни қаратишга ундайди;

В) у конфликтни жамият муайян ҳолатининг кўрсаткичи сифатида изоҳлайди;

С) конфликт бу ерда одатдаги ижтимоий алоқалар ва муносабатларда нимадир издан чиққанлигини, нимадир туб ўзгаришларга муҳтожлигини кўрсатади;

Д)инсонларни ўз ҳуқуқларини турли тажовузлардан ҳимоя қилишда хушёрликка, жамият олдидаги масъулиятини оширишга ундайди;

Е)тўғри жавоб В ва С.

**59.Конфликтнинг ахборот функцияси моҳиятини очиб беринг.**

А) огоҳлантирувчи функцияга яқин функция ҳисобланади;

В)конфликтни юзага келиши, кечиши билан боғлиқ сабаблар ва омиллар тўғрисидаги ахборот юкламасини мужассамлаштирувчи функция;

С)моддий функция билан узвий боғлиқ функция;

Д)тўғри жавоб А ва В;

Е)тўғри жавоб йўқ.

**60.Конфликтнинг дифференция функцияси қандай жараённи характерлайди?**

- А) унга жалб этилган ижтимоий кучларнинг қайта жойлашуви ва қайта гуруҳлашуви;
- В) конфликт таъсирида вужудга келувчи ижтимоий дифференциация жараёни;
- С) конфликтдаги ижтимоий хулқ-атворнинг умумий хусусиятини ;
- Д)тўғри жавоб йўқ ;
- Е)тўғри жавоб А,В ва С.

**61.Ижтимоий конфликт динамик функциясининг сиёсий аҳамияти қайси таълимот асосчилари томонидан илк маротаба батафсил очиб берилган ?**

- А)“Ижтимоий шартнома” назария асосчиси Ж.Ж.Руссо фикрича, жамият инсон фаолияти маҳсулидан инсонларга қарама-қарши турувчи кучга айланади, одамларни бузиб, маънавий қашшоқ қилади.
- В) марксизм томонидан синфий кураш ва ижтимоий инқилобга оид хулосаларида ҳар қандай ижтимоий конфликт ижтимоий тараққиётни тезлаштирувчи ва ижтимоий ўзгаришларга олиб келувчи восита эканлиги умумий тарзда акс эттирилган
- С) немис файласуфи Гегель жамият ривожланишида урушларнинг ижобий роль ўйнаши хусусида муайян фикрларни билдирган
- Д)тўғри жавоб йўқ
- Е)тўғри жавоб В.

**62. Конфликтни нормадан четга чиқувчи ва ўткинчи воқелик деб эмас, балки ижтимоий муносабатларнинг доимий ва ҳатто энг муҳим таркибий қисми деб қарайдиган мутафаккирлар тўғри кўрсатилган қаторни белгиланг.**

- А)Д.Пристли, Ш.Монтескье, Д.Дидро, Ж.Ж.Руссо, Вольтер;
- В)Т.Мальтус, Ч.Дарвин, Г.Спенсер, Л.Гумплович, Г.Земмель;
- С) Аристотель, Гоббс, Гегель, К.Маркс, Вебер;
- Д)Морган, К.Маркс, Ф.Энгельс, В.И.Ленин;
- Е)Тўғри жавоб йўқ.

**63.Конфликтни ноҳуш, кераксиз воқелик деб тан олувчи тадқиқотчилар уни қандай ҳодиса деб баҳолайдилар?**

- А)конфликт жамиятда инсонлар, миллат ва элатлар ўртасида турли зиддиятларни юзага келтириш йўли билан ижтимоий муносабатлардаги мувозанатни издан чиқарувчи ижтимоий ҳодисадир;
- В) уни меъёрда амал қилувчи ижтимоий тизимга путур етказувчи ҳодиса деб ҳисоблайдилар;
- С)гонфликт ва унинг ҳал қилиниши юзага келган берк ҳолатдан чиқиш йўлларида биридир;
- Д)тўғри жавоб йўқ;
- Е)тўғри жавоб В.

**64. Ижтимоий конфликтнинг объектив функцияси нимадан иборат?**

- А)Зиддиятларни вужудга келтириш;
- В)Зиддиятларни ҳал этиш;
- С)Зиддиятларни кучайтириш;
- Д)Зиддиятларни олдини олиш;
- Е)Тўғри жавоб йўқ.

**65. Конфликт субъектлари ва уларнинг намоён бўлиш соҳаларига қараб конфликтларни қандай турларга бўлиш мумкин?**

- А)ички, ташқи ва миллатлараро конфликтлар;
- В)жиноий, маъмурий, фуқаровий ва меҳнат конфликтлари;
- С)шахслараро, гуруҳий ва давлатлараро конфликтлар;



**D)** иқтисодий, сиёсий, миллатлараро, турмуш, маданий ва ижтимоий конфликтлар;  
**E)** тўғри жавоб йўқ.

**67. Жамиятнинг бозор иқтисодиётига ўтиш даврида қайси турдаги конфликтларнинг моҳияти ва ёйилиш даражаси сезиларли даражада ўзгаради?**

- A)** ижтимоий-сиёсий конфликтларнинг;
- B)** иқтисодий конфликтларнинг;
- C)** миллатлараро конфликтларнинг;
- D)** шахслараро конфликтларнинг;
- E)** меҳнат конфликтларининг.

**68. Бозорнинг ўзи доимий конфликтлар учун майдондир, деган иборани асосланттирувчи фикрни кўрсатинг.**

- A)** бозор диалог, баъзида шеригини фойдали келишувга мажбурловчи турли ҳаракатлар (шунингдек, таҳдид солиш, шантаж, зўрлик) билан бирга рўй берадиган савдо битимлари амал қилувчи макондир;
- B)** бозор ҳар қандай жамиятнинг мавжуд бўлиши, ривожланиши ва табиийки, ижтимоий муносабатларни барқарорлашувига салбий таъсир этувчи турли-туман келишмовчиликлар ва зиддиятларнинг манбаидир;
- C)** бозор иқтисодиёти шароитида иш ташлашлар, пул муомаласидаги инқирозлар каби бошқа кучли конфликтли вазиятлар ҳам юз беради;
- D)** меҳнат низолари айнан истаган товарни (ишчи кучини ҳам) олди-сотдисига асосланган бозор иқтисоди учун кўп даражада хосдир;
- E)** тўғри жавоб А, С ва D.

**69. Катта кўламдаги иқтисодий конфликтларнинг хусусияти нимада намоён бўлади?**

- A)** иқтисодий конфликтлар фақат бозор иқтисоди учун хос;
- B)** иқтисодий конфликтлар социалистик жамиятда истисно қилинади;
- C)** уларга аҳолининг кенг қатламлари жалб қилинади;
- D)** улар ишсизлар сонини бир мунча камайтиради;
- E)** тўғри жавоб йўқ.

**70. Қандай жамиятда иқтисодий конфликтлар учун негиз жуда чекланган ва тор бўлади?**

- A)** мулкчилик шакллари турли-туман бўлган жамиятда;
- B)** ибтидоий жамиятда;
- C)** давлат мулкчилиги ҳукмронлик қилган ва бозор муносабатлари мавжуд бўлмаган жамиятда;
- D)** хусусий мулкчилик барқарор бўлган жамиятда;
- E)** тўғри жавоб йўқ.

**70. Сиёсий соҳадаги конфликтларнинг хусусиятини нима ташкил этади?**

- A)** улар жамиятдаги моддий бойликларни бевосита қайта тақсимланишини белгилаб берадилар;
- B)** улар демографик муаммоларни бартараф қилишга имкон берадилар;
- C)** улар катта микёсдаги ижтимоий ҳодисаларга, кўзғолонларга, оммавий тартибсизликларга, оқибат натижада фуқаролик урушига айланиши мумкин;
- D)** улар давлат механизмининг заифлашувига олиб келувчи ягона омилдир;
- E)** тўғри жавоб йўқ.

**71. Ҳозирги даврдаги аксарият кнфликтлар учун қайси жиҳат характерли хисобланади?**

- A)** давлатлараро жиҳат;
- B)** шахслараро жиҳат;
- C)** миллатлараро жиҳат;

**D)**диктисодий жиҳат

**E)**тўғри жавоб йўқ.

**72. Ҳуқуқий нормалар табиатига қараб юридик конфликтлар типологияси негизда нима ётади?**

**A)** ҳуқуқни турли: социологик, либертар-юридик, норматив, интеграцион каби тушунишдаги хилма-хил ёндошувлар;

**B)** ваколат берувчи, мажбурият юқловчи ёки ман этувчи ҳуқуқий нормаларни турлича шарҳлаш ва тушуниш ёки уларга риоя этмаслик, уларни бузиш ётади;

**C)** миллий ҳуқуқ тизими тармоқларини таснифлаш хусусиятлари;

**D)** халқаро ва миллий ҳуқуқ ўртасида юзага келувчи коллизиялар характери ётади;

**E)** тўғри жавоб йўқ

**73. Ваколат берувчи нормалар билан боғлиқ конфликтларда иштирокчилар кимлар бўлиши мумкин ?**

**A)** ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан жиноятчилар ўртасида юзага келади;

**B)** давлатлар ва халқаро ташкилотлар;

**C)** конфликт ваколатли субъект билан хусусий шахс - жисмоний ёки юридик шахс ўртасида юзага келади;

**D)** сиёсий партиялар;

**E)** тўғри жавоб йўқ

**74. Мажбурловчи нормани қўллаш ҳолатида конфликт субъектлари доирасига қайси субъектлар киради?**

**A)** фақат давлат органлари билан жисмоний шахслар;

**B)** алоҳида ҳолларда табиатни муҳофаза қилувчи органлар билан браконьерлар;

**C)** у бурчли шахс ва давлат ўртасида (мажбурият бажарилмаган ҳолда), шунингдек, шу шахс билан унинг контрагенти ўртасида юзага келиши мумкин;

**D)** халқаро ҳуқуқ субъектлари;

**E)** тўғри жавоб йўқ

**75. Ман этувчи нормаларни қўллаш билан боғлиқ конфликтлар кимлар ўртасида содир бўлиши мумкин?**

**A)** туман ҳарбий чақирув бўлими билан ҳарбий хизматга мажбурлар ўртасида;

**B)** ташкилот бошлиғи билан ходимлар ўртасида;

**C)** ҳуқуқни қўлловчи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳуқуқ нормалари талабларини бузган тегишли жисмоний ёки юридик шахс ўртасида;

**D)** ота-она билан фарзандлар ўртасида;

**E)** фуқаровий-ҳуқуқий битимларда тараф билан унинг контрагенти ўртасида

**76. Конфликтли вазият деганда нимани тушунаси?**

**A)** инсонлар ўртасидаги кундалик объектив ҳаётий вазият;

**B)** у ижтимоий субъектлар ўртасида реал қарама-қаршилик учун объектив тарзда негиз яратувчи инсонлар манфаатлари билан боғлиқ ҳолатларнинг муайян жамланиши;

**C)** итимоий гуруҳлар фаолиятида юз берувчи моддий ва маънавий тусдаги муҳит;

**D)** давлатлар ўртасида тангликни келтириб чиқарувчи вазият;

**E)** тўғри жавоб йўқ.

**77. Конфликтли вазиятни вужудга келиши объектив равишда кимнинг хоҳиш-эркига боғлиқ?**

**A)** қарама-қарши тарафлар эрки ва хоҳишига;

**B)** қарама-қарши тарафлар эрки ва хоҳишидан ташқари;

**C)** конфликтга қизиқтирувчиларнинг интилишларига;

**D)** тарафлардан бирининг ёхуд иккисининг хоҳиши билан юзага келиши мумкин;

**E)** тўғри жавоб А, В ва D.

**78. Америкалик тадқиқотчи Р.Даль конфликтни яқунлашнинг қайси муқобил йўллари фарқлаган?**

- А) томонларнинг ўзаро ярашиши натижасида конфликтнинг тўхташи ва конфликтнинг бошқа қарама-қарши курашга ўсиб ўтиши;
- В) туپик, зўрликни қўллаш ва тинч йўл билан тартибга солиш;
- С) конфликтни симметрик ҳал этиш йўли билан тўхтатиш (бунда иккала тараф ютади ёки ютқизади) ва конфликтни ассиметрик ҳал этиш йўли билан тўхтатиш (бунда фақат бир тараф ютади);
- Д) конфликтнинг аста-секин босилиши ёки учинчи тарафнинг аралашуви натижасида.
- Е) тўғри жавоб йўқ.

**79. Конфликтни ҳал этиш механизмларига нималар киради?**

- А) конфликтлар боришини ва оқибатларини башорат қилиш;
- В) конфликтни иштирокчиларнинг ўзлари томонидан ҳал қилиниши ;
- С) учинчи тарафнинг аралашуви;
- Д) тўғри жавоб йўқ;
- Е) тўғри жавоб В ва С.

**80. Конфликтларни ҳал қилишнинг кенг тарқалган йўли деганда нимани тушунасан?**

- А) учинчи тарафнинг аралашувидир ;
- В) конфликтни иштирокчиларнинг ўзлари томонидан ҳал қилиниши ;
- С) бу тинчликсевар кучларнинг аралашувидир ;
- Д) конфликтнинг аста-секин босилиши ;
- Е) томонларнинг ўзаро ярашиши.

**81. Конфликтни муваффақиятли ҳал этишнинг муҳим қондаси деганда нимани тушунасан?**

- А) конфликтли вазиятнинг ўзига, конфликтни сақлаб турувчи ҳолатларга , шунингдек иштирокчиларнинг ўзига таъсир кўрсатишидир;
- В) субъектлари хусусиятларини эътиборга олган ҳолда конфликт жараёнига таъсир кўрсатишидир;
- С) бу иккала тарафнинг манфаатларини тўла ёки қисман қондиришга имкон берувчи қарама-қаршиликни ҳал қилиш йўллари топишидир;
- Д) зиддиятларнинг турли типларини ва даражаларини эътиборга олишидир;
- Е) тўғри жавоб йўқ.

**82. Конфликт асосида ётувчи зиддиятларни бартараф этишнинг асосий усуллари тўғри кўрсатилган қаторни белгиланг.**

- А) конфликт объектини бартараф этиш;
- В) конфликт объектини тарафлар ўртасида бўлиб олиниши ва объектни бошқа тарафга берганлик учун тарафлардан бири томонидан компенсация қилиш;
- С) объектини учинчи холис томон тасарруфига бериш;
- Д) объектдан фойдаланиш навбатини ёки биргаликда фойдаланиш қоидаларини ўрнатиш;
- Е) тўғри жавоб А, В ва Д.

**83. Конфликтларнинг ҳал қилиниши бу моҳиятига кўра нимани англатади?**

- А) талафотсиз зиддиятнинг ечимини топишидир;
- В) низоли масала бўйича тарафлар ўртасида келишувга эришишидир;
- С) воситачи субъектлар ёрдамисиз курашишни тўхтатишидир;
- Д) суд иш юритувида бўлган ишлар юзасидан адолатли қарор чиқаришидир;
- Е) тўғри жавоб йўқ.

**84.Тарафлар ўртасидаги келишувнинг асосий турлари тўғри кўрсатилган қаторни кўрсатинг.**

- А)прокуратура ва суд органлари томонидан тавсия этилган келишув;
- В) тарафлар фикрининг бир-бирига мос келиши натижасидаги келишув, қонунчиликка ёки ташқи кучнинг ахлоқий эркига мувофиқ бўлган келишув ва қарама-қарши курашувчи тарафлардан бири томонидан маъқулланган ва илгари сурилган келишув;
- С)ривожланган хорижий мамлакатлар амалиётида синалган келишув шакллари;
- Д)тарафлар маъқуллаган ва суд ажрими билан тасдиқланган келишув;
- Е)тўғри жавоб йўқ.

**85. Куч ишлатиш, яъни ҳарбий йўл билан конфликтни ҳал этиш, сизнингча , қандай мазмун касб этади ?**

- А) халқаро амалиётда тарафлар учун энг мақбул усул ҳисобланади;
- В) фуқаролик ва меҳнат низолари бўйича суд амалиётида кенг қўлланиладиган усулдир;
- С) мустаҳкам негизга эга бўлмайди;
- Д) урушда мағлубиятга учраш, бой берилган манфаатларни қайтаришга бўлган интилиш - зўравонлик кайфиятларини келтириб чиқаради;
- Е)тўғри жавоб йўқ.

**86. Конфликтологлар томонидан конфликтни тинч йўл билан ҳал этишнинг қайси усул ва омиллари ишлаб чиқилган?**

- А)сиёсий, моддий ва маънавий омиллар;
- В) институционал, консенсуал, кумулятив, тарихий тажриба омили, кучлар мувозанати омили, психологик омиллар;
- С)халқаро ва миллий омиллар;
- Д)институционал, психологик ва норматив-ҳуқуқий омиллар;
- Е)ижтимоий-сиёсий , психологик ва кучлар мувозанати омиллари.

**87.Йирик ижтимоий муаммоларни тартибга солишнинг зарурлигини тушуниб етишда аҳолининг қайси қатлами асосий ролни ўйнайди?**

- А)талаба ёшлар;
- В)нафақахўрлар;
- С) зиёлилар;
- Д)тадбиркорлар;
- Е)товар ишлаб чиқарувчилар.

**88. Халқаро амалиётда тарафларни ажратиш қандай ҳаракатларни амалга оширишни тақозо этади?**

- А) тарафларнинг чегара ҳудудларида ҳарбий қўшинлар миқдорини кескин кўпайтиришни;
- В)нуфузли сиёсий арбоблар билан тарафлар вакиллари иштирокида музокаралар олиб боришни;
- С)“хавфсизлик йўлаги”ни ўрнатиш, тинчликсевар кучларни киритиш каби ҳаракатларни;
- Д)зиддиятларни ҳал этиш учун кўп томонлама музокараларни ўтказишни;
- Е)қудратли йирик давлатлар ҳомийлиги ва ёрдамидан кенг фойдаланишни.

**89.Тарафлар қарама-қаршилигини бартараф этишнинг барча усуллари ичида энг самаралисини кўрсатинг.**

- А)келишув комиссияларини тузиш;
- В)музокаралар олиб бориш;
- С)миллий қонунчиликни халқаро ҳуқуқ нормаларига тўлиқ мувофиқлаштириш;
- Д)халқаро ташкилотлар фаолиятида доимий иштирок этиш;

Е) суд ҳокимияти органларига мурожаат қилишнинг бемалоллиги.

**90. Музокаралар ўз ичига ҳаракатларнинг қандай типларини олади?**

А) учинчи тараф маслаҳатларини инобатга олишни;

В) илтимослар ва талабларни;

С) босим ва тазйиқ кўрсатишни;

Д) таклифлар, ваъда беришлар, рад этишни;

Е) тўғри жавоб В ва Д.

**91. Куч ишлатиш йўллари қандай ҳолларда қўлланилиши мумкин ?**

А) бир тараф яққол ҳарбий устунликка эга бўлганда;

В) нуфузли ва қудратли давлатлар тавсиясига кўра;

С) қонун доирасида ва қачонки тинч йўл билан ҳал этиш самара бермаган;

Д) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар қарорига кўра;

Е) тўғри жавоб йўқ.

**92. Ижтимоий конфликтларни тартибга солиш муаммоси конфликтли вазият сабабларига таъсир этиш, конфликтнинг салбий оқибатларини тугатиш ёки конфликт натижаларидан фойдаланиш мақсадида қандай имкониятга асосланади?**

А) тарафларнинг низони тинч йўл билан ҳал этиш масаласига мойил бўлишлари имкониятига;

В) конфликтнинг боришини муайян йўналишга солиш имкониятига;

С) конфликтли вазиятга учинчи тарафнинг аралаша олиш имкониятига;

Д) халқаро ҳамжамият томонидан конфликтларни тинч йўл билан ҳал этиш тартиблари ва қоидаларининг ишлаб чиқилганлиги имкониятига;

Е) тўғри жавоб йўқ.

**93. Конфликтнинг олдини олишдан мақсад нима ?**

А) ижтимоий тангликни юмшатишни;

В) эҳтимол тутилаётган конфликт сабабларини ўрганишни;

С) юз бериши муқаррар бўлган конфликтнинг бошланишини йўққа чиқариш, барҳам топтиришни;

Д) бўлғуси конфликт иштирокчиларининг руҳиятига фаол таъсир этишни;

Е) тўғри жавоб йўқ.

**94. Конфликтларни тартибга солиш муаммоси қандай муаммонинг бир қисмини ташкил этади?**

А) жамиятда ижтимоий тартибсизликларни бартараф этиш муаммосининг;

В) маълум даражада ижтимоий жараёнларни бошқариш муаммосининг;

С) инсон ҳуқуқларининг бузилиши билан боғлиқ миллатлараро нифокларни олдини олиш муаммосининг;

Д) миллий ва халқаро ҳуқуқ нормалари ўртасида юзага келувчи коллизияларни бартараф этиш муаммосининг;

Е) тўғри жавоб йўқ.

**95. Ижтимоий конфликтларни олдини олиш ва тартибга солиш кўпроқ нимага боғлиқ?**

А) уларни ҳаётга чақирган турли сабабларни таҳлил этишга;

В) илм-фанда конфликтлар хусусиятларини махсус тарзда ўрганишга оид илмий тадқиқотларнинг самарадорлигига;

С) ҳуқуқни муҳофаза этувчи органларда ишлаётган кадрларнинг компетентлик даражасига;

Д) улар намоён бўладиган иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий муҳитнинг умумий ҳолатига;

Е) муайян давлатнинг халқаро муносабатларда иштироки масаласига.

**96. Конфликтли вазиятни эгаллаб олиш ва конфликтни мақбул йўналишга солиш учун зарур бўлган ҳар қандай усул ва йўлларни топишнинг ҳал қилувчи шарти нима ?**

- A) оммавий ахборот воситалари тизимининг такомиллашганлиги;
- B) конфликтолог-мутахассислар мактабининг шаклланганлиги;
- C) конфликтология муаммоларини тадқиқ этувчи илмий муассасалар ва марказларларнинг мавжудлиги;
- D) ахборот эркинлиги;
- E) тўғри жавоб йўқ.

**97. Конфликтни етарли баҳоламаслик нимага олиб келади ?**

- A) конфликтларнинг асоссиз авж олиб кетишига;
- B) унинг таҳлили юзаки ўтказилишига ва бу таҳлил асосида билдирилган таклифлар аҳамиятининг пасайишига;
- C) конфликт оқибатларига бефарқ муносабатда бўлишликка;
- D) бошқа конфликтлар ва нохушликларнинг юзага келишига;
- E) тўғри жавоб йўқ.

**98. Конфликтни етарли баҳоламасликнинг объектив сабаблари нималар бўлиши мумкин?**

- A) ахборот ва коммуникация тизимларининг аҳволига;
- B) алоҳида шахс томонидан юзага келаётган вазиятни тегишли тарзда баҳолай олмаслик қобилияти ёки баҳолашга хоҳишнинг йўқлигига ;
- C) жамиятнинг умумий сиёсий ва ҳуқуқий онглилик даражасига;
- D) мамлакатда ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши ва аҳолининг моддий фаровонлиги даражасига;
- E) тўғри жавоб С.

**99. Юридик конфликтларни ҳал этиш қандай шаклларда амалга оширилади?**

- A) парламент ва бошқа конституциявий тартиблар йўли билан;
- B) низоларни ҳакамлик судларида кўриш орқали;
- C) жинойий, фуқаролик ва бошқа ишларни судда ва арбитражда кўриб чиқиш воситасида;
- D) ҳуқуқни қўлловчи ваколатли давлат органлари : маъмурий комиссиялар, солиқ инспекцияси, милиция, Давлат йўл хавфсизлиги хизмати ва бошқа муассасаларда қарорлар чиқариш орали;
- E) тўғри жавоб А,С ва D.

**100. Қуйидагилардан воситалардан қайсиниси конфликтни ҳал қилишнинг юридик воситалари сирасига киради ?**

- A) ижтимоий муаммоларни тартибга солишга йўналтирилган янги норматив-ҳуқуқий актнинг қабул қилиниши;
- B) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар нуфузининг ортиб бориши;
- C) суд ва арбитраж томонидан ишларнинг кўриб чиқилиши;
- D) ижтимоий таъминот органлари фаолиятининг самарадорлиги тўғрисида социологик тадқиқотларнинг мунтазам ўтказилиши;
- E) судьяларнинг моддий таъминоти ва турмуш шароитини яхшилаш билан боғлиқ чораларнинг амалга оширилиши.

## Тавсия этилган адабиётлар рўйхати

### I. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов асарлари

1. Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
2. Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 380 б.
3. Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 366 б.
4. Каримов И. А. Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 394 б.
5. Каримов И. А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т. 5. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 384 б.
6. Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 429 б.
7. Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 413 б.
8. Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т. 8. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 525 б.
9. Каримов И. А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 439 б.
10. Каримов И. А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – 432 б.
11. Каримов И. А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т. 11. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – 320 б.
12. Каримов И. А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т. 12. – Т.: Ўзбекистон, 2004. – 400 б.
13. Каримов И. А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 448 б.
14. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият. Т.14. – Т.: Ўзбекистон, 2006. -280 б.
15. Каримов И.А. Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш-устувор вазифамиздир. –Т.: Ўзбекистон, 2007. -48 б.

## II. Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – 40 б.
2. «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури» // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси.–1997.–№ 9.
3. "Ўзбекистон Республикаси референдуми тўғрисида"ги Қонун (Янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 30.08.2001 й. N 265-II // N 9-10, 176-м. // ЎЗР Қонуни билан ўзгартириш киритилган 03.12.2004 й. N 714-II // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2005, № 1, 18-м.
4. "Ўзбекистон Республикаси Сенати тўғрисида"ги Конституциявий қонун. 12.12.2002 йилда қабул қилинган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2002, N 12, 213-м. // ЎЗР Қонуни билан ўзгартириш киритилган 25.04.2003 й. N 482-II // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2003, N 5, 67-м.
5. "Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик Палатаси тўғрисида"ги Конституциявий қонун.12.12.2002 йилда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2002, N 12, 215-м. // ЎЗР Қонуни билан ўзгартириш киритилган 25.04.2003й. N 482-II // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2003, N 5, 67-м.
6. "Прокуратура тўғрисида"ги Қонун (Янги таҳрири). 29.08.2001 й. N 257-II ЎЗР Қонуни билан қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2001, N 9-10, 168-м. // ЎЗР Қонуни билан ўзгартириш киритилган 25.04.2003 й. N 482-II, 03.12.2004 й. N 714-II Қонуни билан// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2003, N 5, 67-м., 2005, № 1, 18-м.
7. "Норматив ҳуқуқий актлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 14.12.2000 йилда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2001, N 1-2, 8 м. // 12.12.2003 й. N 568-II; 03.12.2004 й. N 714-II ЎЗР Қонуни билан ўзгартириш киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномалари 2004, N 1-2, 18-м.; 2005, № 1, 18-м.
8. "Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (Янги таҳрири). N 162-II 14.12.2000 йилдаги Қонун билан тасдиқланган // 2001, N 1-2, ст. 10 // 07.12.2001 й. N 320-II, 12.12.2003 й. N 568-II; 03.12.2004 й. N 714-II ЎЗР Қонуни билан ўзгартириш киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномалари 2002, N 1, 20- м.; 2004, N 1-2, 18-м.; 2005, № 1.
9. "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги Қонун. 26.12.1996 йилда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси



- 1997, N 2, 36 м. // 20.08.1999й. N 832-I, 12.12.2003й. N 568-II, 30.04.2004й. N 621-II, 03.12.2004й. N 714-II ЎзР Қонунлари билан ўзгартириш киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномалари 1999, N 9, 229-м.; 2004, N 1-2, 18-м.; 2004, N 5, 90-м., 2005, № 1, 1-м.
- 10. "Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида"ги Қонуни.** 30.08. 1995 йилда қабул қилинган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 1995, N 9, ст. 178. 13.12.2002 г. N 447-II, 30.08.2003 г. N 535-II ЎзР Қонунлари билан ўзгартириш киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномалари 2003, N 1,8-м; N 9-10,149-м.
- 11. "Ўзбекистон Республикаси жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги Қонун.** 15.02. 1991 йилда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Ахборотномалари 1991, N 4, 76- м. // 03.07.1992 й. N 664-XII, 25.04.1997 й. N 421-I, 26.12.1997 й. N 549-I, 12.12.2003 й. N 568-II, 30.04. 2004 й. N 621-II; 03.12.2004й. N 714-II ЎзР Қонунлари билан ўзгартириш киритилган // 1992, N 9, 363-м. Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Ахборотномалари; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 1997й., N 4-5, 126-м.; 1998, N 3, 38- м.; 2004, N 1-2, 18-м.; N 5, 90-м.; 2005, № 1,18-м.

### III. Асосий адабиётлар

1. Авдеев.Е.В. Психотехнология решения проблемных ситуаций М.1992.
2. Авксеньтев В.А.Этническая конфликтология: в 2 ч Ставрополь,1996.
3. Александрова Е.В. Социально-трудовые конфликты:пути разрешения М.1993.
4. Андреев В.К.Конфликтология: искусство спора, ведения переговоров, разрешения конфликтов.Казань.1992
5. Андреев Г.М. Социальная психология. Учебник для вузов. М., 1996.
6. Анискевич А.С. Политический конфликт. Владивосток, 1994.
7. Антонян Ю.М. Жестокость в нашей жизни. М., 1995.
8. Антология мировой политической мысли в 5.т. М., 1997.
9. Анцупов А.Я. Прошапов Л.С. Конфликтология: междисциплинарный подход. М., 1996.
10. Анцупов А.Я., Шипилов А.И. Конфликтология: теория, история, библиография М., 1996.
11. Аршба О.И. Этнополитический конфликт: сущность и технология управления. М., 1996.
12. .Аш. А. Ведение в теорию конфликта// Мир политики. Суждения и оценки западных психологов. М., 1992.
13. Бабосов Е.М. Конфликтология. М., 1997
14. Белкин А.С. Конфликтология: наука гармонин. Екатеринбург, 1995.
15. Берон Р., Ричардсон Д. Агрессия. СПб., 1997
16. Бородкин Ф.М., Коряк Н.М. Внимание: конфликт. Новосибирск, 1989
17. Боггомор Т.Б. Социологическая теория и изучение социального конфликта //Общественные науки за рубежом: РЖ. Сер. Философия и социология. 1973. №1.
18. Бройнинг Г. Руководство по ведению переговоров. М., 1996.
19. Брухан С. Плюрализм и социальные конфликты. М., 1990.
20. Бурдые П. Социология политики. М., 1993.
21. Варламова Н.В., Пахоменко Н.Б. Общественный консенсус: подходы к проблеме// Государство и право. 1992. № 9
22. Введение к теорию международного конфликте М., 1996.
23. Власть и оппозиция. Российский политический процесс XX столетия. М., 1995.
24. Ворожейник И.Е. Кибанов А.Я., Захаров Д.К. Конфликтология: Учебник – М., 2000.

25. Глухова А.В. Типология политических конфликтов. Воронеж, 1997.
26. Гостев А.А. Эволюция сознания в разрешении глобальных конфликтов. М., 1992.
27. Данакин М.С. Конфликты и технология их предупреждения. Белгород, 1993.
28. Дарендорф Р. Конфликт и свобода // Реферативный журнал. М., 1974.
29. Дарендорф Р. Современный социальный конфликт // Иностранная литература. 1993. № 4.
30. Дарендорф Р. Элементы теории социального конфликта // Социальные исследования. 1994. № 5.
31. Дмитриев А.В. А.В. Этнический конфликт: теория и практика. М., 1998.
32. Дмитриев А.В., Кудрявцев В.Н., Кудрявцев С.В. Введение в общую теорию конфликтов, М., 1993.
33. Дмитриев А.В. Конфликтология: Учебное пособие- М., 2000.
34. Ершов А.А. Личность и коллектив: межличностные конфликты в коллективе и их разрешение. М., 1976.
35. Жумаев Р.З. Умудий конфликтология. Т., 2003.
36. Забастовки 1989, 1993 г.г. в России (социалистический аспект / Под ред. А.К. Зайцева. Калуга, 1996.)
37. Здравомыслов А.П. Осетино-ингушский конфликт: перспективы выхода из тупиковой ситуации. М., 1998.
38. Исламов З.М. Общество. Государство. Право. Т. «Адолат», 2001.
39. Исламов З.М. Узбекистан: на пути к модернизации. Т.: ТГЮИ, 2005. – 160 с.
40. Исламов З.М. Давлат ва ҳуқуқнинг умумназарий муамолари: ҳуқуқни тушуниш, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқ ижодкорлиги. Т.: ТДЮИ, 2005, 187 б.
41. Козер Льюис. Функции социального конфликта. Перевод с англ. О.А.Назаровой - М.: Идея-Пресс, Дом интеллектуальной книги, М., 2000.
42. Косьян Н.Ф. Консенсус в современных международных- правовых отношениях: международно-правовые вопросы. М., 1883.
43. Конфликты в условиях системных трансформаций в странах Восточной Европы. М., 1994.
44. Конфликтология как составляющая гражданского воспитания молодежи. / Сост. Т.В.Болотина - М., 2001 (Материалы международной научно-практической конференции.)
45. Котанджян Г.Е. Грани согласия- конфликта М., 1992.
46. Котанджян Г.Е. Этнополитология консенсуса – конфликта: Цивили-зационные проблемы теории и практики. М., 1999.

47. Кочетков А.Л. На пути к гражданскому согласию М., 1992.
48. Кэмпбелл Д.Т. Реалистическая теория группового конфликта. // Психологические механизмы регуляции социального поведения. М., 1979.
49. Лебедева М.М. Политическое урегулирование конфликтов: Подходы, решения, технологии. М., 1997.
50. Маликов Н.Р. Переговоры в интересах национальной безопасности М., 1997.
51. Малышева Д.Б. Конфликты в развивающемся мире, России и СНГ: религиозный и этнический аспекты. М., 1997.
52. Мельникова Э.Б. Как уберечь подростка от конфликта с законом: Советы юриста. –М.:Издательство БЕК, 1998.
53. Нуртдинова А.Ф. Окуньков Л.А., Френкель Э.Б. Комментарии к законодательству о социальном партнерстве М., 1996.
54. Одилқориев Х.Т. Конституция ва фуқаролик жамияти. Т., «Шарқ». 2002.
55. Основы конфликтологии. Учебное пособие. Под. ред. академика В.Н. Кудрявцева. Панарин А.С. Политология. Учебник. –М.: ТК Велби, 2004.
56. Поппер К. Открытое общество и его враг / Пер. с англ. Т., 1. М., 1992.
57. Ражабова М.А. Давлат қурилиши ва суд-ҳуқуқ ислоҳоти истиқболлари. Т.: Адолат, 2005, 179 б.
58. Романенко Л.М. Конфликты гражданского общества: Экзистенциальная дилемма современной России. М., 1996.
59. Разрешение и предупреждение конфликтов в СНГ. Международный справочник организаций. /Сост. Л.О.Зими́на, Е.Ю.Садовская; Конфликтологический центр. – Алматы, 2002.
60. Скотт Дж. Г. Способы разрешения конфликтов. Киев, 1991.
61. Смолянский В.Г. Национальные конфликты в СССР и СНГ (1985-1992 гг.). Улан-Удэ, 1996.
62. Самульский С.В. Идентификация военного конфликта (методологические и Тихомиров Ю.А. Коллизионное право: учебное и научно-практическое пособие. – М.:2000.
63. Фишер Р., Юри У. Путь к согласию или переговоры без поражения /Пер. с англ. А.Гореловой; Предисл. В.А.Кременюка/ - М.:Наука, 1990.
64. Фельдман Д.М. Конфликты в мировой политике / Под ред. П.А.Цыганкова. – М.:Межд. Ун-т Бизнеса и Управления, 1997.
65. Цыганков П.А. Теория международных отношений : Учебное пособие. – М.: Гардарики, 2004.
66. Юридическая конфликтология. Коллектив авторов. отв. ред. В.М.

- Кудрявцев. М., 1995.
67. <http://www.allpravo.ru>
  68. <http://www.troek.net/zakaz.htm.ru>
  69. <http://www.lawbook.ru>
  70. <http://www.books.ru>
  71. <http://www.bookz.ru>

## Мундарижа

<b>КИРИШ</b> .....	<b>3</b>
<b>ЇБоб.Юридик конфликтология фанининг предмети ва ўрганиш методлари</b>	
§ 1. Конфликтология фани тушунчаси ва предмети .....	5
§ 2. Конфликтлар тўғрисидаги қарашларнинг юзага келиши ва ҳозирги замон концепциялари .....	7
§ 3. Юридик конфликтология фанининг методлари .....	16
<b>ШБоб. Юридик конфликтларнинг табиати ва турлари</b>	
§ 1. Конфликт тушунчаси, предмети ва объекти .....	20
§ 2. Конфликт чегаралари .....	24
§ 3. Конфликт сабаблари ва мотивлари .....	26
§ 4. Шахсни ҳуқуқий бегоналаштириш .....	31
§ 5. Конфликт функциялари .....	38
§ 6. Конфликтлар соҳалари .....	41
<b>ШБоб. Конфликтларнинг ривожланиш босқичлари ва механизми</b>	
§ 1. Конфликтли вазият .....	44
§ 2. Конфликтнинг ривожланиши .....	47
§ 3. Конфликтнинг тугаши .....	51
§ 4. Ижтимоий танглик .....	61
§ 5. Конфликт иштирокчиларининг руҳияти .....	63
<b>ЎБоб. Конфликт иштирокчилари</b>	
§ 1. Қарама-қарши курашувчи тарафлар .....	64
<b>ҲБоб. Конфликтларни ҳал қилишнинг юридик усуллари</b>	
§ 1. Умумий қоидалар .....	67
§ 2. Конституциявий тартиблар .....	71
§ 3. Ишларнинг суд томонидан кўрилиши .....	75
§ 4. Воситачилик .....	77
§ 5. Консенсус .....	79
§ 6. Ўзбекистонда юридик конфликтларни ҳал қилишнинг ўзига хос жиҳатлари .....	81
<b>ҲБоб. Конфликтларни олдини олишнинг юридик усуллари</b>	
§ 1. Умумий қоидалар .....	85
§ 2. Конфликтни институтлаштириш .....	87
§ 3. Норматив механизмлар .....	88
Реферат ва назорат саволларининг намунавий рўйхати .....	89
Тест саволлари .....	91
Тавсия этилган адабиётлар рўйхати .....	111